

Доктор Оиз Қарний



# ЎҚИНМА

2

ДОКТОР ОИЗ ҚАРНИЙ

# ЎҚИНМА

ИККИНЧИ КИТОБ

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2015

28-Ислом  
К-24

УЎК: 297.1

86.38

Қ24

Қарний Оиз доктор

Ўкинма / доктор О.Қарний ; масъул муҳаррир М.Аҳмад ; таржимонлар : А.Ғиёс, О.Неъматуллоҳ ўғли, З.Абдулқайюм ўғли. - Тошкент : Тошкент ислом университети, 2015. - 288 б.

КБК 86.38

87.7

Ушбу китоб сизга: «Хушчақчақ ва бахтли булинг, яхшилик томонини изланг ва тинчланинг», дейди. Ҳаётга ўз ҳолича боқини, мамнун, қувноқ ва шод яшашни ўргатади. Йўналишлар, одамлар, замон ва маконлар билан муомала қилишда фитратга зид хатоларни тузатади.

#### МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

*Мубашиир АҲМАД*

#### ТАРЖИМОНЛАР:


*Абдулҳодий ҒИЁС*

*Ойбек НЕЪМАТУЛЛОҲ ўғли*

*Зиёвуддин АБДУЛҚАЙЮМ ўғли*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги  
Дин ишлари бўйича қўмитанинг 4089-сонли ҳулосаси асосида  
тайёрланди.*

ISBN 978-9943-4525-9-6 © «Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2015



## БИСМИЛЛОҲИР РАҲМОНИР РАҲИМ

### ДУНЁ КЕЗИНГ, АЛЛОҲНИНГ ҚУДРАТИГА БОҚИНГ

Юрт кезиш, турли шаҳарларга сафар қилиш юракка хотиржамлик ва хурсандчилик келтиради.

“Айтинг: “Осмонлар ва Ердаги нарсаларга (ибрат назари билан) боқингиз...”<sup>1</sup>

“Айтинг: “Ерни айланиб, жиноятчи кимсаларнинг оқибатлари қандай (аянчли ва ибратли) бўлганини кўрингиз!”<sup>2</sup>

“...Ахир, (одамлар) ер юзида саёҳат қилиб, ўзларидан аввалги (имонсиз) кимсаларнинг оқибати қандай бўлганини кўрсалар бўлмайдими?!”<sup>3</sup>

#### *Шеър:*

*Агарда манзилинг бўлмаса қафас,  
Жон сиқилар жойда қолма бир нафас.  
Саёҳат қилгину Ғарб-Шарққа йўл ол,  
Сайру саёҳатинг кўнглинг ёзса, бас.*

Ибн Баттутанинг “Саёҳатнома” асарини ўқиган киши, муаллиф баъзи ўринларда ошириб юборган бўлса-да, Аллоҳ таолонинг яратиши ва борлиқни бошқаришидаги ажойиботлар гувоҳи бўлади. Шунда биледи: сафар мўмин учун улкан ибрат ва роҳат манбаи ҳамда борлиқнинг очиқ-равшан китобидан турли маънолар ўқиш учун бир имкониятдир.

Бундан ташқари, сафар қилган киши об-ҳаво ва жой алмашишидан ҳам улкан фойдалар олиши мумкин.

<sup>1</sup> Юнус сураси, 101-оят.

<sup>2</sup> Намл сураси, 69-оят.

<sup>3</sup> Юсуф сураси, 109-оят.

### Шеър:

Шомда яшайману соғинчим Бағдод,  
Қўшим Қоҳирани қилмоқда обод.

“Айтинг: “Ерни айланиб, жиноятчи кимсарнинг оқибатлари қандай (аянчли ва ибратли) бўлганини кўринглар!”<sup>4</sup>

“...ер (юзи) бўйлаб саёҳат қилинглр...”<sup>5</sup>

“...То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ муддат кезмагунча юришдан тўхтамайман...”<sup>6</sup>

### ТАҲАЖЖУД НАМОЗИНИ ЎҚИНГ

Кишини бахтиёр этиб, юрагини хотиржам қиладиган ишлардан бири туннинг бир бўлагини уйғоқ ўтказишдир. Саҳиҳ ҳадисда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиладилар: *“Агар банда (тунда) уйғониб, Аллоҳни ёдига олса, сўнг таҳорат қилиб намоз ўқиса, тегилик ва хотиржам бўлади”*.

“*(Улар) туннинг озгина (қисмидагина) ухлар эдилар*”<sup>7</sup>

“*Тунда (ярим кечада) уйғониб, ўзингиз учун таҳажжуд (нафл) намозини ўқинг!*”<sup>8</sup>.

Тунни бедор ўтказиш танадан дардларни кетказди. Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда бу борада бундай дейилади: *“Эй Абдуллоҳ, фалончи каби бўлма! У тунлари қоим бўлар эди. Кейин бу ишни тарк қилди”*; *“Агар тунда қоим бўлса, Абдуллоҳ қандай ҳам яхши кишидир”*, дедилар.

Ўткинчи нарсаларни деб афсус чекманг! Бу ҳаётда Аллоҳ таолодан ўзга барча нарса ўткинчидир.

“...Унинг “юзи”дан бошқа барча нарса ҳалок бўлувчидир...”<sup>9</sup>

<sup>4</sup> Намл сураси, 69-оят.

<sup>5</sup> Тавба сураси, 2-оят.

<sup>6</sup> Каҳф сураси, 60-оят.

<sup>7</sup> Зориёт сураси, 17-оят.

<sup>8</sup> Исро сураси, 9-оят.

<sup>9</sup> Қасас сураси, 88-оят.

“(Ер) юзидаги барча бор нарса ўткинчидир. Улуғлик ва Икром эгаси бўлмиш Раббингизнинг “юзи” боқий қолур”<sup>10</sup>.

Дунёси учун афсус чекадиган инсон йўқолган ўйинчоғи учун йиғлаётган гўдакка ўхшайди.

\*\*\*

Бир-бирига яқин икки нарса – қайғу ва ташвиш юрак қийноқларию азобларидан келиб чиқади. Қайғу ўтмишда содир бўлган бирон кўнгилсизлик ёки йўқотилган нарсалар учун изтироб чекиш бўлса, ташвиш ҳали аниқланмаган келажак учун ғам ютишдир. Буларнинг иккиси ҳам киши руҳиятига ёмон таъсир қилиб, уни азобуқубатларга солади.

“Эй Аллоҳ, Сендан дунё ва охирада офият сўраймиз. Эй Аллоҳ, Сендан динимиз, дунёмиз, аҳлимиз ва молимизда афв ҳамда офият тилаймиз. Эй Аллоҳ, хатоларимизни беркит, хатарлардан омон сақла. Эй Аллоҳ, олдимиздан, ортимиздан, ўнгу сўлимиздан ва устимиздан бизни сақла ва ҳимоя қил. Эй Аллоҳ, хоинлик билан ўлдирилишдан Сенинг азаматинг ила паноҳ тилаймиз”.

**Шеър:**

Дунёда ҳеч нарса эмас бардавом,  
Ғам-ташвиш ҳам бир кун бўлади тамом.  
Сабр қил, бошингдан кетар мусибат,  
Сўнг эса келади Аллоҳдан раҳмат.

**ЖАННАТГАГИНА ҚИЙМАТ БЕРИНГ**

**Шеър:**

Биларман, аслида жон ҳам омонат,  
Кетган нарсага нечун қилмайин тоқат?

<sup>10</sup> Раҳмон сураси, 26 – 27-оятлар.

Дунёнинг олтин-зарлари, кумушларию ҳашаматли қасрлари бир томчи кўз ёшига арзимайди. Имом Термизий ривоят қилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қилганлар: **“Дунё ва ундаги нарсалар лаънатланган. Аллоҳнинг зикри ва шу қабилар, олим ва таълим олувчи бундан мустасно”**.

Дунё – вақтинча омонатга берилган нарса холос. Шоир Лабид айтади:

**Шеър:**

*Омонатдир барча дунё неъматини,  
Эгасига қайтар етгач фурсатини.*

Милярдлаб пул, саноксиз кўчмас мулк, машина банданинг ажалини бир сония ҳам ортга сура олмайди. Хотам Тоий бундай деган:

**Шеър:**

*Қасамки, дунёни тарк этар чоқда,  
Мол-дунё ҳеч кимга беролмас фойда.*

Шунинг учун ҳам донишмандлар: “Ҳар нарсани ақл ила баҳоланг. Дунё ва ундаги нарсалар мўминнинг нафсига тенг кела олмас”, дейишган.

**“Бу дунё ҳаёти фақат (озгина) ўйинкулгидир”<sup>11</sup>.**

Ҳасан Басрий айтади: “Ўзингиз учун жаннатдан ўзга нарсага қиймат берманг. Албатта, мўминнинг нархи юқоридир. Аммо баъзилар ўз нафсини арзон-гаровга сотиб юборадилар”.

Кўлдан кетган мол-дунёси, бузилиб кетган уйи, пачоқ бўлган машинаси учун дод-вой солиб имонини емираётганлар, хато ва гуноҳларга ботиб Раббининг тоатида камчиликка йўл қўяётганлар тез кунда ишлари тўғри эмаслигини билади. Сабоби, бу масала қадр-қиммат, шаън, ёндашув ва ниҳоят рисолат масаласидир.

<sup>11</sup> Анкабут сураси, 64-оят.

**“Албатта, ана у (кофир)лар нақд (дунё)ни суюрлар ва ортларидаги оғир кунни (қиёматни) эса (эсдан чиқариб) қўюрлар”<sup>12</sup>.**

### ЧИНАКАМ МУҲАББАТ

Бахтиёр бўлай десангиз, Аллоҳга суюкли банда бўлинг. Бахтиёрлар ичра энг бахтли киши Аллоҳга суюкли бўлишни ўзига олий мақсад ва энг баланд чўққи деб билган зотлардир. Аллоҳ таолонинг мана бу сўзи қанчалар гўзал! **“Уларни Аллоҳ севар ва улар ҳам Уни севарлар”<sup>13</sup>.**

Баъзи уламолар айтишича, **“улар ҳам Уни севарлар”** иборасидаги маънодан кўра **“уларни Аллоҳ севар”** иборасидаги маъно ҳайратда қолдиради. Зеро, Аллоҳ таоло бандаларни яратди, уларга ризқ берди, валийлик қилди, барча нарсани уларга ато этди ва яна уларни севади. **«Айтинг (эй Муҳаммад!): “Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашингиз. Шунда Аллоҳ сизларни севади»<sup>14</sup>.**

Али ибн Абу Толибнинг (розияллоҳу анҳу) шарафларига бир боқинг. Бундай кадр у зотнинг бошларида зийнат бўлмиш тождир. У киши Аллоҳ ва Расулини (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) севади, Аллоҳ ва Расули (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам у кишини севади!

Бир саҳобий Ихлос сурасини яхши кўрар, уни ҳар ракатда такрорлар, тилидан ҳеч қўймас, юрагини у ила ғамга солар, у ила жўштирар эди. У зотга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Уни яхши кўришинг, сени жаннатга киритади”**, дедилар.

Уламолардан бирининг таржимаи ҳолини ўқиётган чоғимда икки қатор шеър менга жуда маъқул бўлган эди:

<sup>12</sup> Инсон сураси, 27-оят.

<sup>13</sup> Моида сураси, 54-оят.

<sup>14</sup> Моида сураси, 31-оят.

### Шеър:

*Битта Лайлини деб бўлганлар мажнун  
Ҳақ ишқидан қандай бўлмасин дилхун?!*

«Яҳудийлар ва насронийлар: “Биз Аллоҳнинг ўғиллари ва ҳабибларимиз” дейдилар. Айтинг: “(Ундай бўлса), нега гуноҳларингиз туфайли сизларни азоблайди?»<sup>15</sup>.

Мажнунни бир аёл севгиси, Қорунни дунё севгиси, Фиръавнни эса мансаб севгиси ўлдирди. Ҳамза, Жаъфар, Ҳанзала (розияллоху анҳум) Аллоҳ ва Расулини (соллаллоху алайҳи ва саллам) сева-сева жон беришди. Эй воҳ, бу икки гуруҳ орасидаги фарққа боқинг!

\*\*\*

### ЎҚИНМАНГ, ШАРИАТ ЕНГИЛ ВА ОСОНДИР

Мўминни хотиржам қиладиган ҳолатлардан бири Исломи шариатининг енгиллиги ва бағрикенглигидир.

“То, ҳа. (Эй Муҳаммад!) Биз Сизга бу Қуръонни (дин ишида) машаққат чекишингиз учун эмас, балки (Аллоҳдан) кўрқадиган кишилар учун эслатма сифатида туширдик”<sup>16</sup>.

“Биз Сизни осон (дин)га муваффақ қилурмиз”<sup>17</sup>.

“Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди”<sup>18</sup>.

“...Динда сизларга бирор ҳараж (қийинчилик) қилмади...”<sup>19</sup> “...Уларнинг юкларини ва устлараридаги кишан (қийинчилик)ларини олиб ташлайди...”<sup>20</sup>

<sup>15</sup> Монда сураси, 18-оят.

<sup>16</sup> Тоҳа сураси, 1 – 3-оятлар.

<sup>17</sup> Аъло сураси, 8-оят.

<sup>18</sup> Бақара сураси, 286-оят.

<sup>19</sup> Ҳаж сураси, 78-оят.

<sup>20</sup> Аъроф сураси, 157-оят.

“Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир. Албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир”<sup>21</sup>.

“*(Яна дедиларки:)* “Эй Раббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, бизни койима! Эй Раббимиз, биздан илгари ўтганларнинг зиммасига ортган машаққатни бизнинг зиммамизга ортма! Эй Раббимиз, тоқатимиз етмайдиган нарса-ни бизга юклаб ташлама! Бизларни афв эт ва кечир ҳамда бизларга раҳм қил! Сен бизнинг Хожамизсан. Бас, бизларга кофирлар қавми устидан ғолиблик ато эт!”<sup>22</sup>

Саҳиҳ ҳадисларда: “*Умматимдан хато, эсдан чиқариш ва мажбурланган ишлари(нинг гуноҳи) кўтарилган*”; “*Албатта, дин енгилдир. Ким (унда) чуқур кетса, уни мағлуб қилади*”; “*Тўғри йўлга йўлланглар, яқин бўлинглар ва хушхабар беринглар*”; “*Мен бағрикенг ҳаниф дин билан юборилдим; “Динингизнинг яхииси енгилдир”*, дейилади.

Бир замондош шоирга тадқиқотлари, рисолалари ва ҳақиқат ёзилган мақолаларини ташлаш эвазига вазирлик лавозими таклиф қилинганида, у бундай деган:

**Шеър:**

*Мол-дунёдан қалбим айлангиз озод,  
Шундагина бўлар у бою обод.*

### РОҲАТ АСОСЛАРИ

“Аҳлан ва саҳлан” журналининг ҳижрий 1415 йил рабиъус-соний ойидаги 3-сонида доктор Ҳассон Шамсий Пошо қаламига мансуб “Хавотирдан сақланишдаги йигирма сифат” сарлавҳаси остида бир мақола эълон қилинди.

<sup>21</sup> Шарҳ сураси, 5 – 6-оятлар.

<sup>22</sup> Бақара сураси, 286-оят.

Мақоланинг қисқача мазмуни бундай:

“Тақдир битиб бўлинган. Албатта, барча нарса қазо ва қадар иладир. Бўлиб ўтган ишлар учун банда афсусланиб, хафа бўлмасин. Махлуқларнинг ризқи Буюк Яратувчининг зиммасидадир. Унга ҳеч ким эғалик қила олмайди. Бирон қавм уни тасарруф эта олмайди ва банданинг ризқини бирор инсон тўсиб ҳам қўя олмайди. Ўтган ишлар ўз ғам-аламларию ташвишлари билан ўтиб кетди. Агар бутун олам уни ортга қайтаришга уринса ҳам, у асло қайтмайди. Келажак эса ғайб оламида ва ҳалигача келгани йўқ. Уни билишга имконингиз ҳам йўқ. То етиб келмагунича уни шоширманг. Инсонларга яхшилик қилиш қалбга сурур ва хотиржамлик бағишлайди. Бу иш эҳсон қилувчига эҳсонидан кўра буюкроқ барака, савоб, ажр ва роҳат тақдим этади”.

Турли ҳақсиз танқидларга эътиборсиз бўлиш мўмин кишининг хислатидандир. Ҳатто Комил, Жалил, Жамил, оламлар Парвардигори – Аллоҳ ҳақида ҳам тухмату ҳақоратлар айтишди, одам не?

**Шеър:**

*Хавфу изтиробдан бўлма гиргитдон,*

*Ҳаққа топшир! Бўлар мушкилинг осон.*

### **ИШҚДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ**

Ишқдан сақланинг. Зеро, унинг турган-битгани ташвиш ва давомли ғам-аламдир. Шоирларнинг оҳ-воҳлари, ҳиссиётлари, севги-муҳаббатлари, хижрон, висол ва фироқ ҳақидаги шикоятларидан узоқ бўлиш мўмин кишининг саодатидир. Уларга берилиш эса қалбнинг бўм-бўшлигидандир.

“(Эй Муҳаммад!) Ҳавойи нафсини ўзига “илоҳ” қилиб олган ва Аллоҳ уни (азалдан гумроҳ бўлишини) билган ҳолда адаштириб,

қулоқ ва қалбини муҳрлаб, кўзига парда тортиб қўйган кимсани кўрдингизми?”<sup>23</sup>

**Шеър:**

*Бошимга не келса, боиси менман.  
Ҳасрат, ғам, кулфатга лойиғи менман.*

**Шеър:**

*Дардга дучор бўлган бир мен эмасман,  
Бошга не тушса ҳам қайғу демасман.*

Агар инсон билимдонлигига тақво, зикр, руҳонийлик ва раббонийликни қўшганида Ҳаққа етган, далилни билган, ҳидоятни кўрган ва тўғри йўлни тутган бўлар эди.

“Агар сизга шайтон ёмонлик қилса, Аллоҳдан паноҳ тиланг! Албатта, У эшитувчи ва билувчидир. Тақво қилганларга шайтондан (бирор) мусибат етса, (дарҳол Аллоҳни) эслайдилар. Бас, ўшанда улар (ҳақни) кўрувчидирлар”<sup>24</sup>.

“Дард ва даво” китобида ишқнинг мукамал муолажаси баён этилган.

Ишқнинг бир қанча сабаблари бор:

1. Қалбда Аллоҳ таоло зикри, шукри, ибодати ва муҳаббати бўлмаса;

2. Кўз жило бўлмаса, яъни ҳаром-харишга аланг-жаланг бўлса. Чунки бундай ҳолатда қалбга ғам ва қайғу келади.

“Эй Муҳаммад!) Мўминларга айтинг, кўзларини (номахрам аёллардан) қуйи тутсинлар ва авратларини (зинодан) сақласинлар!”<sup>25</sup>.

“Назар иблис ўқларидан бир ўқдир”, дейилади саҳиҳ ҳадисда.

**Шеър:**

*Гарчи сен ҳар кўзга солсанг-да назар,  
Улар сенга асло бўлмас муяссар.*

<sup>23</sup> Жосия сураси, 23-оят

<sup>24</sup> Аъроф сураси, 200 – 201-оятлар.

<sup>25</sup> Нур сураси, 30-оят.

3. Аллоҳга бўйсунишда, зикр, дуо ва нафл ибодатларда бепарволик.

“...Албатта, намоз фаҳш ва ёмон ишлардан тўсади...”<sup>26</sup>

Куйидагилар эса ишқнинг даволаридандир:

“...Шу тарзда ундан ёмонлик ва фаҳшни буриб юбордик...”<sup>27</sup>

1. Бандалик пиллапояларига тирмашиш ва Мавлодан шифо ва офият тилаш;

2. Кўзни тийиш ва фаржни сақлаш;

“авратларини (зинодан) сақласинлар!”<sup>28</sup>;

“Улар авратларини (ҳаромдан) сақловчидирлар”<sup>29</sup>.

3. Юраги боғланиб қолган маъшукнинг юртидан кетиб, унинг уйи, диёри ва уни эслатувчи нарсалардан узоқлашиш;

4. Солиҳ амаллар ила машғул бўлиш;

“...Дарҳақиқат, улар (мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо қилар эдилар”<sup>30</sup>.

5. Шаръий никоҳ;

“...Сизлар учун (никоҳи) ҳалол бўлган аёлларга уйланаверингиз”<sup>31</sup>.

“Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш жиҳатидан) таскин топишингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратганидир...”<sup>32</sup>.

Ҳадиси шарифда: “Эй йигитлар жамоаси, сизлардан ким никоҳга қодир бўлса, бас, уйлансин”, дейилган.

<sup>26</sup> Анкабут сураси, 45-оят.

<sup>27</sup> Юсуф сураси, 24-оят.

<sup>28</sup> Нур сураси, 31-оят.

<sup>29</sup> Муъминун сураси, 5-оят.

<sup>30</sup> Анбиё сураси, 90-оят.

<sup>31</sup> Нисо сураси, 3-оят.

<sup>32</sup> Рум сураси, 21-оят.

## БИРОДАРЛИК ҲАҚЛАРИ

Мўмин биродарингизни ўзи яхши кўрган исм билан чақиришингиз уни хурсанд қилади.

**Шеър:**

*Чақирмоққа унинг гўзал исми бор,  
Лақаб тўқиб асло бермасман озор.*

Унга жилмайиб, табассум билан боқишингиз, сиз билан суҳбатлашиши учун гапиришига фурсат беришингиз, унинг умумий ва сўраш мумкин бўлган шахсий ишлари ҳақида сўрашингиз, ишларига эътиборли бўлишингиз ҳам биродарингизни хушнуд этади. *“Биродарингизни очиқ чеҳра ила қарши олсангиз-чи”*; *“Биродарингизга табассум қилишингиз садақадир”*; *“Мусулмонларнинг ишига эътиборсиз кимса улардан эмас!”* дейилган ҳадиси шарифларда.

**“Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар”<sup>33</sup>.**

Уни маломат қилмаслигингиз, ўтиб кетган нарсалар учун унга дашном бермаслигингиз ва мазах қилмаслигингиз ҳам мўмин биродарингизни шод этадиган ишлардандир. Бир ҳадисда: ***“Биродаринг билан жанжаллашма! Уни мазах қилма! Унга ваъда берсанг, сўзингда тур”***, дейилади.

**ГУНОҲДАН КЕЙИН АЛЛОҲГА БОҒЛАНИШ...  
ЯХШИСИ ГУНОҲ ҚИЛМАНГ!**

Айрим олимлар гуноҳ бандага тамға каби эканини айтишади. Худбинлик ва такаббурликдан қайтиш, кўп кечирим сўраш ва тавба қилиш, Аллоҳга юзланиш, синиқлик, надомат, қазо ва қадар қаршисида банда эканига таслим бўлишлар гуноҳдан кейинги надомат ва тавба Аллоҳга боғланишдир.

<sup>33</sup> Тавба сураси, 71-оят.

Аллоҳ азза ва жалланинг Раҳмли, Кечиримли, Тавбаларни қабул қилувчи каби гўзал исмлари ва олий сифатлари борлигига аниқ ишонч туфайли киши гуноҳ содир этади ва чинакам тавба қилади. Бу ҳам гуноҳдан кейин Аллоҳга боғланишдир.

Гуноҳдан сақланинг!

### РИЗҚ ИЗЛАНГ, АММО УНГА ҲИРС ҚЎЙМАНГ

Холиқ ва Розик пок Зот лой ичидаги қуртга, сувдаги балиққа, осмондаги кушга, зулматдаги чумолига ва ҳатто тошлар орасидаги илонга ҳам ризқини ато этади.

Ибн Жавзий гўзал ва ажиб бир ҳодисани ёзган: дарахт учида бир кўр илон бор экан, унинг тепасига оғзида гўшт бўлаги билан бир чумчуқ учиб келибди. Илон вишиллаб оғзини очибди, ҳалиги чумчуқ гўштни илоннинг оғзига солибди.

Субҳаналлоҳ! Чумчуқни илонга бўйсундириб қўйганига бир боқинг!

“Ердаги ҳар бир жонивор ва икки қаноти билан учадиган ҳар бир қуш (ҳам) сизлар каби умматлардир...”<sup>34</sup>

#### *Шеър:*

Оғзи тўла заҳар сочувчи илон,  
Ундан ўзи зарар кўрмас ҳеч қачон.  
Оғзини заҳарга тўла қилган ким?  
Ҳамда тирик қўйган қайси ҳукмрон?

Марям бинти Имронга ризқ эртаю-кеч келиб турарди. У зотдан: “Сизга булар қаёқдан келди”, деб сўрашди. Шунда у: “Аллоҳнинг ҳузуридан. У истаган бандасини беҳисоб ризқлантирур”, деб жавоб берди.

Ўкинманг! Ризқингиз кафолатланган. “... Болаларингизни қашшоқликдан (кўрқиб)

<sup>34</sup> Аньом сураси, 38-оят

**Ўлдирманглар – Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантирамиз**<sup>35</sup>. Инсон зоти бир нарса-ни яхши билиб олсин: боланинг ҳам, ота-онанинг ҳам ризқини берувчи Зот туғмаган ва туғилмаган Аллоҳдир.

“(Эй инсонлар!) Болаларингизни қашшоқликдан кўрқиб ўлдирманглар – уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ризқ берармиз”<sup>36</sup>.

Улкан хазина эгаси Аллоҳ таоло ризқни Ўз зиммасига олган. Аллоҳ кафил экан, нега ғам чекиш керак?!

“...Бас (шундай экан), сизлар ризқни Аллоҳ даргоҳидан истанглар ва Унгагина ибодат қилинглар ва Унга шукр қилинглар!”<sup>37</sup>

“Унинг Ўзигина мени едирур ва ичирур”<sup>38</sup>.

\*\*\*

Қалбни очишда, уни севинтириш ва унга қувонч бахш этишда намознинг ўрни беқиёсдир. Намоз банда қалби ва руhini Аллоҳга боғлайди. Унга илтижо этиш ва ҳузурида туриш ила банданинг кўнгли ором олади. Уни эслаган, Унга яқинлашган киши неъматларга эришади. Аллоҳнинг ибодатида унинг бутун бадани, қуввату иқтидори иштирок этиб, барча аъзолари бу ҳаловатдан ўз ҳиссасини олади. Намоз бандани халқдан ва у билан қилинадиган муомала-муносабатлардан узиб, бутун борлиғи ила Рабби ва Яратувчисига боғлайди. Намоз энг яхши даво, фақатгина солиҳ қалбларгагина муносиб озиқа ҳамда энг катта шодликдир. Шу сабаб банда намоз ўқиётганида қалби ҳатто душманларидан ҳам хотиржам бўлади. Касал қалблар тана каби. Уларга сара озиқалар зарур.

<sup>35</sup> Аъьом сураси, 151-оят.

<sup>36</sup> Исро сураси, 31-оят.

<sup>37</sup> Анкабут сураси, 17-оят.

<sup>38</sup> Шуаро сураси, 79-оят.

Дунё ва охират яхшиликларига эришишию ёмонликларидан сақланишида намоз одамга энг катта ёрдамчидир. У гуноҳлардан тўсади. Рухий хасталиклардан асрайди. Танадан дардларни йўқотади. Юракни ёруғ қилади. Кишини шижо-атлантиради. Ризқлантиради. Зулмдан сақлайди, мазлумга ёрдам беради. Юзни нурли қилади. Шаҳват васвасаларини ўчиради. Неъматни сақлайди. Ғазаб ва душманликни кетказади. Раҳматни чорлайди, ғамларни аритади.

### БАҒРИКЕНГ ИСЛОМ

Ислом шариати берадиган улкан савоб ва буюк мукофотлар мўминни шодлантиради. Шунингдек, динимизда яхши амаллар гуноҳларга каф-форат бўлиши айтилган. Намоз, жума, умра, ҳаж ва рўза каби ибодатлар гуноҳларни ўчирадиган солиҳ амаллардандир. Бундан ташқари, савоби ўн баробардан етти юз баробаргача ва ҳатто ундан ҳам ортиқ бўлган солиҳ амаллар талайгина. Гуноҳ ва хатоларни кетказувчи тавба, каффорат бўлувчи мусибатлар, мусулмонлар ҳаққига ғойибона дуолар, ўлим пайтидаги қийинчиликлар, намознинг шафоатчилиги, инсонларнинг саййиди бўлмиш Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шафоатлари ва раҳмиларнинг энг раҳмлиси Аллоҳ таборак ва таолонинг раҳмати шулар жумласидандир.

**“Агар Аллоҳнинг неъмат(лар)ини санасангиз, саноғига ета олмайсиз”<sup>39</sup>**

**“...Сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини комил берган”<sup>40</sup>.**

<sup>39</sup> Наҳл сураси, 18-оят.

<sup>40</sup> Лукмон сураси, 20-оят.

**“...ҚҶРҚМАГИН! АЛБАТТА, СЕН ҶЗИНГ ОЛИЙ  
(ҒОЛИБ)ДИРСАН”<sup>41</sup>**

Мусо (алайхис салом) уч маротаба қўрқувни ҳис қилганлар:

1. Ҳаддан ошган Фиръавн маҳкамасига кирганда. Ҷшанда Мусо (алайхиссалом): **“...Дарҳақиқат, биз (даъват этсак), у бизга тезлик (ғазаб) қилишидан ёки (баттар) ҳаддан ошиб кетишидан қўрқамиз”<sup>42</sup>**, дедилар. Аллоҳ таоло эса у зотга жавобан: **“Қўрқманглар! Албатта, Мен сизлар билан биргаман – эшитаман ва кўраман”<sup>43</sup>**, деди. Ақли ва хотирасида доимо **“Қўрқманглар! Албатта, мен эшитаман ва кўраман”** ибораси бўлиши мўминга муносиб ишдир.

2. Сеҳргарлар қўлларидаги асоларини ташлаган чокларида. Аллоҳ таоло Мусога (алайхиссалом) далда бериб: **“...Қўрқмагин! Албатта, сен Ҷзинг олий (ғолиб)дирсан”**, деди.

3. Фиръавн қўшин билан изларидан қувиб келганда. Ҷшанда Аллоҳ: **“...Асойинг билан денгизни ургин!”<sup>44</sup>**, деди. Мусо (алайхиссалом) эса қавмларига: **“Йўқ, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У мени (хавфсиз) йўлга бошлар”<sup>45</sup>**, дедилар.

**ТўРТ ИШДАН САҚЛАНИНГ!**

Тўрт иш бор, улар турмуш машаққатлари, фикр хиралашиши ва юрак сиқилишига олиб боради:

Аллоҳ таолонинг қазо ва қадарига рози бўлмаслик ва жаҳл қилиш;

Тавба қилмай, гуноҳларга муккадан кетиш;

**“...У – Ҷзингиздан”, деб айтинг!”<sup>46</sup>;**

<sup>41</sup> Тоҳа сураси, 68-оят.


<sup>42</sup> Тоҳа сураси, 45-оят.

<sup>43</sup> Тоҳа сураси, 46-оят.

<sup>44</sup> Шуаро сураси, 63-оят.

<sup>45</sup> Шуаро сураси, 62-оят.

<sup>46</sup> Оли Имрон сураси, 165-оят.



**“(Эй инсонлар!) Сизларга қанақа мусибат етса, бас, ўз қўлларингиз қилган нарса (гуноҳ) сабаблидир...”<sup>47</sup>**

Одамларга душманлик қилиш, улардан ўч олишга қизиқиш ва Аллоҳ фазли ила берган нарсалар учун уларга ҳасад қилиш.

**“Ёки (улар) Аллоҳ Ўз фазлидан берган неъматлари учун одамларга ҳасад қилишадими?”<sup>48</sup>**

**“Ҳасадгўйда роҳат бўлмас”** (Ҳадис).

Аллоҳнинг зикри ва эслатмаларидан юз ўгириш.

**“Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса (кофир бўлса), бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш (қабр азоби) бўлиши муқаррар”<sup>49</sup>.**

### РАББИНГИЗ АЙТГАНЛАРИГА ИШОНИНГ

Банданинг роҳати Раббига ишонишидадир. Аллоҳ таоло Китобида бир қанча ўринда хотиржамликни эслатади:

**“...Аллоҳ ўз пайғамбарининг ва мўминларнинг устига хотиржамлигини туширди”<sup>50</sup>;**

**“...Уларга хотиржамлик туширди”<sup>51</sup>;**

**“Сўнгра Аллоҳ Расулига ва мўминларга Ўзининг таскини (хотиржамлиги)ни туширди”<sup>52</sup>;**

**“...Шунда Аллоҳ унга таскин (хотиржамлик) туширди...”<sup>53</sup>**

Сакинат банда қалбининг Раббисига мустаҳкам ва қатъий ишончи, Раҳмонга қатъий эътиқоди, Қодир Зотга таваккал қилишда хотиржамлигидир. Сакинат нафс андуҳларини кетказади, уни қувонтиради, тинчлантиради ва тўхтатади. У осудалиқдир. Имон аҳли у ила роҳатланади. Ҳайрату

<sup>47</sup> Шура сураси, 30-оят.

<sup>48</sup> Нисо сураси, 54-оят.

<sup>49</sup> Тоҳа сураси, 124-оят.

<sup>50</sup> Фағҳ сураси, 26-оят.

<sup>51</sup> Фағҳ сураси, 18-оят.

<sup>52</sup> Тавба сураси, 26-оят.

<sup>53</sup> Тавба сураси, 40-оят.

изтироблар гирдобидан, шак-шубҳа ва қаҳр-ғазаб жарликларидан омонда сақлайди. Сакинат бандага у Раббисига нечоғли ўзини топширганига, Мавлосининг зикри, шукри, буйруқларига қанчалик итоат этганига, Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нақадар эргашгани ва у зот йўллаган хидоятда қанчалик бардавом бўлганига, у зотни Раббиси учун севгани, ўз Моликига ишончи, Аллоҳдан ўзгага дуо ва ибодат қилмаганига қараб берилади.

**“Аллоҳ имон келтирганларни дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам устувор Сўз (имон калимаси) билан собитқадам қилади”<sup>54</sup>.**

### ИККИ БУЮК СЎЗ

Имом Аҳмад: “Машаққат вақтларида Аллоҳ менга икки буюк сўз билан фойда берди”, дедилар.

Хамр ичгани учун зиндонга ташланган бир киши Имом Аҳмадга: “Эй Аҳмад, чиданг! Сиз суннатни ҳимоя қилганингиз учун калтакландингиз. Мен эса хамр ичганим учун бир неча мартаба савалансам ҳам сабр қилдим”, деди.

**“...Агар (урушдан) азоб чекаётган бўлсангиз, улар ҳам худди сизлардек азоб чекмоқдалар. Сизлар Аллоҳдан улар умид қилмаган нарсани умид қиласиз...”<sup>55</sup>;**

**“Бас, (эй Мухаммад!) сабр қилинг! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. (Охиратга) Ишонмайдиган кимсалар (қилмишлари) Сизни енгилтакликка (қарғашга) олиб келмасин!”<sup>56</sup>**

Имом Аҳмад занжирланиб қамоқхонага олиб кетилаётганларида бир саҳройи у кишига қарата: “Эй Аҳмад, сабр қил! Бу ерда ўлдирилсанг, у ерда жаннатга кирасан”, деди.

<sup>54</sup> Иброҳим сураси, 27-оят.

<sup>55</sup> Нисо сураси, 104-оят.

<sup>56</sup> Рум сураси, 60-оят.

“Парвардигорлари уларга Ўз тарафидан раҳмат, ризолик ва улар учун неъматлари доимий (бўлмиш) жаннат (боғ)лари тўғрисида хушхабар берур”<sup>57</sup>.

### МУСИБАТНИНГ ФОЙДАЛАРИ

Мусибат етган кишига жуда кўп фойдалар бор. Шулардан айримлари қуйидагилардир:

Бир киши дуо қила бошлайди. Бу нарса ҳам унинг бўйин сунаётганини, Раббига муҳтож эканини ҳис этаётганини билдиради.

Ҳақимлардан бири: “Бало ва офатларни сабаб қилиб банда тилидан дуони чиқарган Зот покдир”, деган эди. Бир шарафли ҳадисда бундай дейилади: *«Аллоҳ таоло солиҳ бандаларидан бирини балолади ва малоикаларига “Унинг овозини эшитинглар!” деди»*. Яъни, дуо ва илтижоларини эшитинглар.

Нафс қайсарликлари ва эркаликлари синади.

Аллоҳ таоло: *“Дарҳақиқат, инсон ҳаддидан ошар. (Бунга) сабаб ўзини бой – беҳожат санашидир”*<sup>58</sup>, дейди.

Бошқаларга шафқат ва муҳаббат уйғонади ва ўзи каби мусибатзадалар ҳаққига дуо қилади. Мусибат етган кишилар кулфатга йўлиққан бошқаларга меҳрибон ва раҳмли бўлиб қолишади.

Банда бошига тушган бу мусибат бундан каттароқ мусибатдан яхшироқ эканини ҳис қилади. Бир мусибат ундан каттароқ мусибат олдида анча кичик кўринади.

Булардан ташқари мусибат банданинг гуноҳ ва хатоларига каффорат ҳамда Аллоҳ азза ва жалладан қулига улкан ажру мукофотлар гаровидир. Агар банда булар мусибат самараси эканини

<sup>57</sup> Тавба сураси, 21-оят.

<sup>58</sup> Алак сураси, 6 – 7-оятлар.

билса, уни ёмон кўрмайди ва хотиржам бўлади. Жазави ва умидсизликка тушмайди.

“...Албатта, сабр қилувчиларга (охиратда) мукофотлари беҳисоб берилур”<sup>59</sup>.

### ИЛМ ҲИДОЯТЧИ ВА ШИФОДИР

Аллома Ибн Ҳазм ўзининг “Нафсларни даволаш” асарида нафсдан васвасаларни ҳайдаш, ғамташвиш ва хафагарчиликни кетказиш илмнинг фойдаларидан эканини ёзади.

Бу тўғри гап. Хусусан, илмни севган, унга қизиққан, у билан шуғулланган, илмга амал қилиб, унинг фойдаси ва самарасини кўрганлар бу нарсани янада равшан билишади.

Илм истаган киши кун тартибида ёдлаш, такрорлаш, китоб ўқиш, ўқиган ва ёдлаганларини тартиблаб жамлаш, улардан хулоса чиқариш ҳамда тадаббур ва тафаккур қилиш учун вақт ажратиши лозим.

#### **Шеър:**

*Мулқинг осмон қадар бўлса ҳам чандон,  
Ҳимматинг олдида наст бўлсин осмон.*

### ШОЯД ЯХШИЛИК БЎЛСА...

Имом Суютийнинг “Роҳатдаги муаттарлик” номли асари бор. Унда илм аҳлининг фойдали гаплари келтирилган. Жумладан, бири будир: “Ёқимсиз ишларда аслида ёқимли нарсалар кўп бўлади. Албатта, мусибатлар банди идрок эта олмайдиган ажойибот ва ғаройиботларини мазкур машаққатлар тарқалгачгина очади”.

#### **Шеър:**

*Ҳеч ким мусибатдан бўлмас омонда,  
Балоларни кўргач, хавф бўлар жонда.*

<sup>59</sup> Зумар сураси, 10-оят.

Аллоҳнинг яширин кўп неъматини бор,  
Уларни кўрмаслик бисёр ёмон-да!

### САОДАТ – РАББОНИЙ ТОРТИҚ

Темирйўл ёки денгиз бекатларида ишлаб кундалик эҳтиёжидан ортиқ нарса топа олмайдиган, лекин ҳаётдан мамнун, кўнгиллари тўқ, жисмлари бақувват, қалблари хотиржам одамлар борлиги ажабланарли ҳол эмас. Чунки улар ҳаёт фақатгина бугундангина иборат эканини фитрий билади. Ўтган кунларини эслаб ёки келажagini ўйлаб ташвиш чекиб овора бўлмайди. Вақтини бугуннинг иши ила ўтказди.

#### *Шеър:*

Агар нафсим берса нажоту ёрдам,  
Ўлгану қолганга парвом йўқ ҳеч ҳам.

Энди бундай кишиларни ҳашаматли ҳовлию маҳобатли қасрларда яшаб, аммо гумону васвасалар билан ўтадиган, беҳуда ташвиш-талвасалардан ҳар кўйга тушган кимсалар билан бир солиштириб кўринг!

### ГЎЗАЛ ХОТИРА УЗОҚ УМРДИР

Иккинчи умр, яъни гўзал хотиранинг борлиги мўминнинг бахтидир. Бундай хотирани арзимас баҳолаб моли, жони, амалию ҳаракатлари ила сотиб олмаган кишидан ҳар қанча ажабланса бўлади.

Китобимизнинг олдинги қисмида Ҳазрати Иброҳим (алайҳиссалом) Аллоҳдан инсонларнинг чиройли мақтови ва дуосини сўраганлари ҳақида ҳам сўз ўтди.

Ўзининг гўзал амаллари, карами ва саховати ила бу оламда яхши ном қолдирган зотлар мени ҳайратга солади!

Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) Ҳарим ибн Синон фарзандларидан: “Зухайр сизларга нима

бердию, сизлар унга нима бердиларинг?” деб сўрадилар. Улар: “У бизни мақтади, биз эса унга мол-мулк бердик”, дея жавоб қилишди. Шунда Умар (розияллоҳу анҳу): “Аллоҳга қасамки, сизлар берган нарса кетибди. Зухайр бергани эса қолибди”, дедилар.

Яъни, уларга бағишланган мақтов абадул-абад қолади.

### **Шеър:**

*Оғир кунда сени суяган инсон,  
Фараҳбахш онингдан бўлсин шодумон.*

### **ПАРВАРДИГОР ЗУЛМ ҚИЛМАЙДИ**

Бир аёлни ит сабабли жаннатга, бошқасини бир мушук туфайли дўзахга киритган одил бир Рабб, инсофли бир Ҳакам борлигини билсангиз, бахтиёр бўлишга, шодланишга ва Аллоҳнинг ваъдасига хотиржам бўлишга ҳақлисиз.

Бани Исроил қавмидан бир бузуқ хотин чанқоқ итга сув бергани учун Аллоҳ у аёлни кечирди ва юрагидаги Раббига бўлган ихлоси сабабли жаннатга киритди.

Иккинчи аёл эса бир мушукни қамаб қўйди. Унга на таом ва на сув берди. Ҳатто кемирувчиларни тутиб ейишига ҳам қўймади. Шу сабаб Аллоҳ уни дўзахга киритди.

Аллоҳ бандаларини оз хатога ҳам жазолаши, кичик амалга ҳам савоб бериши, арзимас нарсага ҳам мукофотлашини билишингиз сизга улкан фойда келтиради, қалбингизни хотиржам қилади.

Ҳадис: *“Қирқ хислат бор, уларнинг энг яхши-си соғиб ичиш учун бериб турилган (туя, сигир, қўй ва эчки)дир. Бу хислатлардан бирига ваъда қилинган ажрини умид қилган ва савобини тасдиқлаган ҳолда амал қилган кишини Аллоҳ*

**таоло албатта жаннатга киргизади”** (Имом Бухорий ривояти).

**“Бас, ким (дунёда) зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса, (қийёмат куни) уни кўрар. Ким зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса ҳам, уни кўрар”<sup>60</sup>;**

**“...Албатта, савобли ишлар гуноҳларни кетказади”<sup>61</sup>.**

Машаққат чекаётганларга ёрдам беринг, неъматлардан тўсилганларга ўзингизга берилганлардан улашинг, мазлумни ҳимоя қилинг, очларни таомлантиринг, чанқаганга сув тутинг, беморларни йўқланг, жанозада қатнашинг, бошига мусибат тушганларни юпатинг, кўзи ожизларни етакланг, адашганларга йўл кўрсатинг, меҳмонни сийланг, қўшниларга яхшилик қилинг, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлинг, овқатингиздан бошқаларга ҳам беринг, пулларингиздан садақа этинг, муомалангизни гўзал қилинг, ўзгаларга азият берманг – буларнинг бари сизнинг садақангиздир.

Бу гўзал маъно ва олий хулқу сифатлар энг катта саодат, қалб хотиржамлигини чорловчи ҳамда ғам-ғусса, қайғу ва хавотирларни кетказувчи омиллардир.

Аллоҳ гўзал хулқлар эгасидир. Агар бундай хулқлар бирор кишида бўлса, албатта, ўша киши ажиб аломатли, ёқимли, ифорли, чиройли муомалали ва очиқ юзли бўлади.

## ТАРИХИНГИЗНИ ЎЗИНГИЗ ЁЗИНГ

Пешин намозидан чамаси бир соатлар олдин Ҳарамда ўтирган эдим. Кун иссиқ. Қуёш қиздиргандан қиздирарди. Ёши улуғ бир киши ўрнидан туриб, иккала қўлига икки истикон олди ва одамларга муздек Замзам сувидан улаша бош-

<sup>60</sup> Залзала сураси, 8 – 9-оятлар.

<sup>61</sup> Ҳуд сураси, 114-оят.

лади. Кимдир ичиб бўлса, идишни олиб ортига қайтар ва яна сув олиб, энди бошқаларга тутар эди. Шу тариқа ҳалиги қария анчагина одамнинг чанқоғини қондирди. Одамлар ҳам унинг қўлидан сув ичиш учун навбати келишини кутиб ўтирар, қария эринмай етказиб берар эди. Ҳатто юзидан терлари эса сувдай оқабошлади. Лекин у чарчамасдан, ҳамон табассум қилганича сув тарқатишда давом этар эди.

Мен бу чолнинг сабр-бардоши, яхшиликни севиши ва одамларга эринмай сув улашишидан ҳайратда қолдим. Қараб туриб бир нарсани англагандай бўлдим: кимга Аллоҳ яхшиликларни осон қилган бўлса, у кишига яхшиликлар ҳеч қийинчилик туғдирмас, Аллоҳ енгил қилган зотларга гўзал амаллар машаққат ҳис қилдирмас экан. Аллоҳ таоло эҳсон хазинасини Ўзи истаган бандасига тортиқ этар экан. Ҳа, У кишиларга яхшилик истайдиган, ёмонлик етишидан хафа бўладиган зотларни яхши амалларга муваффақ этиб қўяди.

Ҳижратга чиққанларида Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳимоя қилиш учун Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ўзларини хатарга қўйдилар.

Ҳотам меҳмонлари тўйсин деб ўзи оч ухлар эди.

Абу Убайда (розияллоҳу анҳу) мусулмон аскарлар дам олишсин деб ўзлари тунни бедор ўтказардилар.

Умар (розияллоҳу анҳу) халқ ухлаб ётганида Мадина кўчаларини айланиб юрардилар. Рамода йили<sup>62</sup> бошқаларни таомлантириш учун ўзлари очликдан букчайиб қолган эдилар.

Уҳуд жангида Абу Талҳа (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳимоя қиламан деб душманлар ўқларига кўксини нишон қилдилар.

<sup>62</sup> Рамода арабча сўз булиб, "халокат", "қаҳатчилик", "очлик" деган маъноларни англатади. Умар розияллоҳу анҳунинг халифалик даврларида хижрий 17-йилнинг охиридан 18-йилнинг аввалигача одамлар орасида очарчилик бўлган. Шунинг учун ўша йил рамода йили дея ном олган.

Ибн Муборак ўзлари рўза оғиз бўлишларига қарамай одамларга таом улашар эдилар...

“Таомни эса суюб турсалар-да, (ўзлари емасдан) мискин, етим ва асирларни едирурлар”<sup>63</sup>.

**Шеър:**

*Ўрнак бўлгич инсон юлдуз бамисли,  
Маъною мазмунлар тонгдир зиёли.*

**АЛЛОҲНИНГ КАЛОМИНИ ТИНГЛАНГ**

Раббингиз оятлари тиловатига қулоқ тутсангиз, асабларингизни тинчлантиради. Айниқса, овози ёқимли, хатосиз ўқийдиган қори Куръондан таъсирланиб гўзал ўқиса, уни тинглаш сизни Аллоҳнинг ризвонига олиб боради, қалбингизга сакинат, ишонч, хотиржамлик ва саломатлик олиб киради.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзгалардан Куръон қироатини тинглашни хуш кўрар эдилар. Қачон тиловат эшитсалар, ўзгача таъсирланар эдилар. Куръон у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туширилган эсада, асҳобларига ўқиб беришни буюрар эдилар. Тиловатни ҳар эшитганларида унга қулоқ тутиб, кўрқинч ва роҳат ҳис қилардилар.

Бугун сизу бизда ҳар кеча ёки кундуз – истаган дақиқамизда севикли қорининг қироатини эшитиш имкони бор. Бунинг учун хилма-хил воситалар чиқиб кетди.

Ҳаёт чигалликлари, одамларнинг тўс-тўполонлари ва бошқа ташвишлар сизни безовта қилади, саломатлигингизни бузади, хаёлларингизни парижон этади. Шундай пайтда сиз фақат Раббингиз сўзига қулоқ тутиб ва Мавлонгизни ёдга олибгина хотиржамликка ва сакинатга эриша оласиз.

<sup>63</sup> Инсон сураси, 8-оят.

“Улар имон келтирган ва қалблари Аллоҳни ёд этиш билан ором оладиган зотлардир. Огоҳ бўлинглар Аллоҳни эслаш билан қалблар ором олу (ва таскин топу)”<sup>64</sup>.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ибн Масъудга (розияллоҳу анҳу) Қуръон тиловат қилиб беришни буюрдилар ва у киши Нисо сурасидан ўқидилар. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўзёшлари юзларини ювар даражада йиғладилар ва: **“Ҳозирча етарли”**, дедилар.

Абу Мусо Ашъарий (розияллоҳу анҳу) масжидда Қуръон ўқиётган вақтларида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шу ердан ўтдилар ва тиловатга қулоқ тутдилар. Тонг отгач, Абу Мусога (розияллоҳу анҳу): **“Кеча сенинг қироатингни тинглаганимни кўрганингда эди!”** дедилар. Абу Мусо (розияллоҳу анҳу): “Ё Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), агар Сиз тинглаётганингизни билганимда, уни янада зийнатлар эдим”, дедилар.

Ибн Абу Ҳотим ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир кампирнинг уйи ёнидан ўтдилар. У Ғошия сурасининг биринчи оятини такрорлар эди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эшик ортидан унга қулоқ тутиб, **“Мени бу ерга қандай ҳам яхши нарса олиб келди! Мени бу ерга қандай ҳам яхши нарса олиб келди!”** дер эдилар.

Қуръон тинглашда ҳаловат, эшитиб тадаббур қилишда гўзаллик ва тароват бор.

**“Айтинг: “Қасамки, агар инсу жин ушбу Қуръоннинг ўхшашини келтириш учун бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг мислини келтира олмаслар”<sup>65</sup>.**

Қуръоннинг ажиб хусусияти бор: У қалбларга ҳукмрондир, руҳиятга ҳайбат беради ва нафсларга кучли таъсир этади.

<sup>64</sup> Раъд сураси, 28-оят.

<sup>65</sup> Исро сураси, 88-оят.

Мен доим ўтган салафларимиз ва кейинги яхши кишиларнинг ҳолларидан ҳайратга тушаман. Улар Куръон таъсири, унинг ҳақиқий ва эътиборга молик оҳанги қаршисида ўзларидан кетай деб қолишар эди.

**“Агар Биз ушбу Қуръонни бирор тоғ узра туширганимизда эди, албатта, у (тоғ)ни Аллоҳнинг қўрқувидан ўзини хор тутган ва ёрилиб кетган ҳолида кўрган бўлур эдингиз...”<sup>66</sup>**

Али ибн Фузайли ибн Ийз отаси “(Аммо фармоним келгунича) уларни тўхтатиб (дўзахга ташламай) турингиз! Чунки улар (қилмишлари тўғрисида) сўралувчидирлар. (Уларга айтилур:) **“Нега бир-бирларингизга ёрдам бермаяпсиз?!”<sup>67</sup>** оятини тиловат қилганини эшитиб жон таслим қилган.

Умар (розияллоҳу анҳу) бир оятни эшитиб, ҳолсизланиб қолдилар. Бир ой давомида шундай аҳволда юрдилар, ҳатто у кишини касал кўргани келгандай йўқлаб келишди: **“Бордию бир Куръон бўлиб, унинг (кучи) билан тоғлар (жойидан) жилдирилса ё унинг (кучи) билан Ер ёрилса ёки унинг (кучи) билан ўликлар тилга киритилса ҳам (кофирлар имон келтирмайдилар)...”<sup>68</sup>**

Имом Заҳабий айтишича: **“Абдуллоҳ ибн Ваҳб жума куни бир боланинг “Ўшанда улар дўзахда ўзаро тортишиб...”<sup>69</sup>** оятини ўқиётганини эшитиб, ҳушдан кетди. Уйига олиб келинганч, уч кун шу ҳолда ётиб, тўртинчи куни вафот этди”.

Илм аҳлларидан бири менга Мадинада намоз ўқиганини ва имом намозда Воқеа сурасини қироат қилганини сўзлаб берди: **“Сурани тинглар эканман мени қалтиратадиган даражада қўрқув ва ҳайрат чулғаб олди. Бу ҳолдан мен беихтиёр ҳаракатланар ва йиғлар эдим”, деди.**

<sup>66</sup> Ҳашр сураси, 21-оят.

<sup>67</sup> Соффат сураси, 24 – 25-оятлар

<sup>68</sup> Раъд сураси, 31-оят.

<sup>69</sup> Гофир сураси, 47-оят.

## ҲАММА БАХТ ИЗЛАЙДИ

Аллома Искофийнинг “Лутфут тадбир” аса-ри бир қанча фойда ва маслаҳатларни тўплаган ажойиб, жозибатор китобдир. Бу асарнинг асо-сий мавзуи бахт-саодат, бошқарув ва тадқиқот борасида баҳс-мунозара қилиш ва унга етиш йўллари ҳақидаги хулосалардан иборат. Биз би-ламиз: кўпгина подшоҳлар, бошлиқлар, адиб ва шоирлар, шунингдек, баъзи уламолар ҳам ишда, раҳбарликда, ўзаро муомалада макр-ҳийла, най-ранг, айёрлик, тадбир ва тўғрилиқдан четлашиш каби ишларни қилишган. Ҳаммалари бу билан хурсандчилик, роҳат-фароғатга эришишни ва мақсадларига етишни исташган.

Ушбу китобда чиройли тадбир; ғалаённи бос-тириш; кишилар орасини ислоҳ қилиш; мағлуб киши қилиши лозим бўлган ишлар; душманлар ҳийлалари; кичикларнинг катталарга қилган най-ранглари; ёмонликларни сўз билан, ёмонлик би-лан, лутф билан, гўзал тадбир билан даф этиш; шу-нингдек, мулкни тортиб олган кимсадан интиқом, кек, хусумат, адоват, қасос ҳисларидан халос бўлиш ва шу кабилар борасида махсус боблар бор.

Барча бахт ва хотиржамликка интилади. Аммо унга айримларгина эришади. Мазкур китобни ўқиб, ўзимга учта фойда топдим:

Аллоҳ ризосини мақсад қилмаган кишининг фойдаси зарарга, шодлиги қайғуга, яхшилиги ҳалокатга айланади. “...(Улар) билмайдиган жиҳатдан “даражали” қилиб (ўз ҳолига вақтинча қўйиб бериб) турамиз”<sup>70</sup>.

Бахт-саодатга етиш йўлида қилинган но-шаръий йўллар ўрнига мусулмончиликда ша-риятга мос осон ва енгил йўллари бор. “...Бор-дию улар айтилган насиҳатларга мувофиқ иш

<sup>70</sup> Аъроф сураси, 182-оят.

қилганларида эди, ўзлари учун яхшироқ ва (имонлари) мустаҳкамроқ бўлур эди”<sup>71</sup>.

Доим хурсандчилик ва шодликка кўмилиб яшаган бир вазир бошига ғам-алам ва ташвиш тушганида бундай нола қилган экан:

**Шеър:**

*Бўлса эди ўлим сотгувчи бозор,  
Мен ўзим бўлардим унга харидор.  
Қабрда бўлишни қиларман орзу,  
Ўзинг раҳм қилгин, қудратли Жаббор.*

\*\*\*

Омонлик ва офият вақтида дуони кўпайтиринг! Чунки ғулғула ва ғалаёндан илгари Аллоҳга илтижо қилиш – ўқни отишдан олдин унга пат боғлаш мўминнинг аломатидир. Кофирлар ва нодон мусулмонларнинг ҳоли эса бунинг тамомила аксидир. “Инсонга бирор зиён етганида, у Парвардигорига тавба-тазарру билан дуо қилур. Сўнгра (Аллоҳ) Ўз томонидан унга бирон неъмат ато этганида эса, илгари (Аллоҳга) қилган дуоларини унутиб қўяр ва (ўзгаларни ҳам) Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун Унга “тенг”ларни (ўйлаб) топур”<sup>72</sup>.

Демак, ғам-алам ва бало-офатлардан нажот истаганлар тиллари ва қалбларида ҳамду сано, ёлворишдан ғафлатда қолмасликлари лозим. Зеро, имом Ҳалимий айтганидек, фаровонлик пайтидаги дуодан ирода қилинган маъно сано, шукр, неъматларнинг эътирофи, ёрдам ва тавфиқ сўраш ҳамда нуқсонларга истиғфор айтишдир. Банда ҳарчанд уринмасин, Аллоҳнинг ҳадларини тўлатқис адо эта олмайди. Ким бундан ғафлатда қолиб, омонлиги, соғлиги ва бемалоллигида булар

<sup>71</sup> Нисо сураси, 66-оят.

<sup>72</sup> Зумар сураси, 8-оят.

борасида мулоҳаза қилмаса, Аллоҳ таолонинг мана бу Сўзининг тасдиғи бўлиб қолади: “(Улар) кемага минганларида (ғарқ бўлишдан қўрқиб) Аллоҳга чин ихлос билан илтижо қиладилар. Бас, (Аллоҳ уларни қуруқликка чиқариб) нажот берганида эса, бирданига (яна Аллоҳга) ширк келтирадилар”<sup>73</sup>.

**“(ЭЙ МУҲАММАД!) КЎКСИНГИЗНИ (ИЛМУ ХИКМАТГА) КЕНГ ОЧИБ ҚЎЙМАДИКМИ?!”<sup>74</sup>**

Бу муборак Сўз Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) туширилди ва У зотда ўз тасдиғини топди. Аллоҳнинг элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хотиржам, некбин, жўшқин қалбли, меҳрибон, ишлари маромида, юракка яқин, олижаноб, улуғвор, ҳайбатли, одамларнинг ичида, виқорли, очик юзли, суюкли, узоқ ва яқиндагиларга меҳрибон, хушхулқ, хушсурат, ҳаёли, илтифотли, келган кишини илиқ кутувчи, Аллоҳ берганига шод, раббоний тухфалардан бахтиёр, саросима ва умидсизликка тушмайдиган, яхши аломатларни севувчи, қаттиқлик ва мутаассиблик, кўп гапириш, ўзини қийнаш ва инжиқликни ёқтирмайдиган киши эдилар. Чунки У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рисолат эгаси, уммат йўлбошчиси, башарият муаллими, оила тарбиячиси, жамият арбоби, фазилатлар булоғи, саховатпеша, бебаҳо хазина эдилар.

Қисқаси, У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) енгилни ҳам енгиллатувчи эдилар. “...Уларнинг юкларини ва устиларидаги кишан (қийинчилик)ларини олиб ташлайди...”<sup>75</sup> Бошқа ибора билан айтганда оламларга айни раҳмат эдилар. “Эй Пайғамбар! Дарҳақиқат, Биз Сиз-

<sup>73</sup> Анкабут сураси, 65-оят.

<sup>74</sup> Шарҳ сураси, 1-оят.

<sup>75</sup> Аъроф сураси, 157-оят.

ни (қиёматда барча умматларга) гувоҳ бўлувчи, (жаннат хақида) хушxabар берувчи ва (дўзах азобидан) огоҳлантирувчи этиб юбордик. Аллоҳнинг изни билан (Сизни) Унга (Унинг динига) даъват қилувчи ва (йўл кўрсатувчи) нурли чироқ қилиб ҳам (юбордик)”<sup>76</sup>.

“...Лекин Аллоҳ имон келтирганларни улар ихтилоф қилган нарсалар (ичи)дан Ўз изни (илми) билан хидоят сари йўллади. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни тўғри йўлга йўллагай”<sup>77</sup>.

### ГЎЗАЛ ҲАЁТ ТУШУНЧАСИ

Бир инглиз донишманди: “Агар қамоқхона панжаралари ортида бўлсангиз ҳам сизда уфққа боқиб, хаёлан чўнтагингиздан бир гул чиқариб, табассум қилиш имкони бор. Қасрда, кимхобу ҳарир узра бўлсангиз-да, жаҳлингиз чиқиши, ғазабланишингиз, уйингиз, оилангиз ҳамда молингиздан аччиқланиб, туғёнга кетишингиз мумкин”, деган экан.

Демак, бахту саодат замонга, маконга эмас, балки имонга, Аллоҳга тоат ва қалбга қараб бўларкан. Қалб оламлар Парвардигорининг назари тушадиган жойдир. Агар киши юрагига имон-ишонч чуқур ўрнашса, ундан саодат ниҳоли униб чиқади, руҳ ва нафсга хотиржамлик, роҳат бағишлайди. Сўнгра у бошқа ҳис-туйғуларга файз улашади. Сўнг тошларда, водийларда, дарахтларда ўз аксини топади.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг (раҳматуллоҳи алайҳ) кийими ямоқ бўлса-да, ўзи бахтиёр яшарди. Ўша ямоқларни ўз қўли билан тикарди. Унинг кесакдан қурилган учта кичик хонали уйи бўлиб, шу ерда истиқомат қиларди. Таоми эса бир бурда нону озгина ёғ бўлар эди, холос. Тарихчилар таъ-

<sup>76</sup> Ахзоб сураси, 45 – 46-оятлар.

<sup>77</sup> Бакара сураси, 213-оят

кидлашича, у кишининг бир оёқ кийими бўлиб, ўн етти йил кийган. Йиртилса ўз қўллари билан тикар ва ямоқ солар эди. Бир ойда бир маротаба гўшт ер, кўп ҳолларда рўзадор бўларди. Ҳадис ўрганиш мақсадида юрт кезиб юрар, шунга қарамай роҳат, хотиржамлик ва сакинатга эришган эди. Бунинг сабаби, у зот собитқадам, мақсади олий ва равшан, савоб умид қилувчи, ажрга, жаннатга интилувчи ва охират учун амал қилувчи киши бўлган.

Шайхулислом Харронийнинг аёли ҳам, уй-жой ва мансаби ҳам йўқ эди. Бани Умайя масжиди ёнида бир кичик хонаси бўлиб, шу ерда яшарди. Ейишга бир кунга битта нон етар, иккита кийими бўлиб, уларни навбатма-навбат кияр, гоҳида масжидда тунаб қолар эди. Шунга қарамай, у кишининг жаннати кўксиди эди: агар қатл қилинса, унинг учун шаҳидлик, зиндонбанд этилса, хилват, сургун қилинса, саёҳат эди. Чунки у зотнинг юрагидаги имон дарахтининг илдизи мустаҳкам эди. Бу дарахт Раббининг изни ила ҳар вақт мева беради, раббоний иноят тарқатади. **“...Унинг мойи (мусаффолигидан), гарчи унга олов тегмаса-да, (атрофни) ёритиб юборгудекдир. (Мазкурлар қўшилганида эса) нур устига нур (бўлади). Аллоҳ ўзининг (бу) нурига ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилади”**<sup>78</sup>; **“...Имон келтирган зотларнинг эса ёмонлик (гуноҳ)ларини ўчиради ва ишларини ислоҳ этади”**<sup>79</sup>; **“Ҳидоят топган зотларга эса (Аллоҳ) уларга янада ҳидоятни ортиради ва тақво ато этади”**<sup>80</sup>; **“Уларнинг юзларида неъматларнинг тароватини (бир қарашда) билиб оласиз”**<sup>81</sup>.

Абу Зарр (розияллоху анху) Рабзага чиқдилар ва ўша ерда чодир тикдилар. Аёлларию болаларини

<sup>78</sup> Нур сураси, 35-оят.

<sup>79</sup> Муҳаммад сураси, 2-оят.

<sup>80</sup> Муҳаммад сураси, 17-оят.

<sup>81</sup> Мутоффифун сураси, 24-оят.

ҳам олиб келдилар. У киши кўп кунларини рўзада, Мавлоларининг зикрида, Унга тасбеҳ айтиб, ибодат қилиб, Куръон қироатию тадаббури билан ўтказар эдилар. Эгниларида бир чопон, бисотларида битта чодир, рўзгорларида бир неча қўй, битта лаган, бир ёғоч идиш ва ҳасса бор эди, холос. Бир куни у кишини яқинлари йўқлаб келишди. Ҳаёт тарзларидан ажабланиб: “Мол-давлатингиз йўқми?”, деб сўрашди. Шунда Абу Зарр (розияллоҳу анҳу): “Уйимдаги шу мол-дунём менга етади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Олдимизда баланд довонлар бор. Ундан фақат енгилларгина ўта олади”**, деб хабар берганлар”, дея жавоб қилдилар.

У зот ҳожатларига етарли нарсага эга эдилар. Шундан хурсанд ва шодон бўлардилар. Ҳожатларидан ортиғини кераксиз машғулот, қарамлик ва ғам-ташвиш деб билардилар.

“Ҳижрий ўн бешинчи асрда Абу Зарр” деб номланган қасида ёздим ва унда Абу Заррнинг (розияллоҳу анҳу) ғарибликдаги ҳаётлари, бахтлари, ёлғизликлари, узлатлари, руҳ ва жонлари ила қилган ҳижратлари борасида ўзлари сўзлагандек сўз юритдим.

### **Шеър:**

Таҳдидга лутф ила айладим жавоб,  
Лек лутфни таҳдид-ла кўп қилдим итоб.  
Миндиришса, минмай тушдим дарров  
Дедим: ҳақ йўлида нафсимдир улов.  
Ўлимни ҳайдадим, қочди у йироқ,  
Бир онда йўқ бўлди мусибат мудроқ.  
Ғурбатимдан қумлар тўкишди кўзёш,  
Қўрқма, ғам чекма, деб тилашди бардош.  
Қўрқмасман, имоним кучли доимо,  
Ўлмай туриб менга етди кўп бало.  
Дўст билан аҳдлашиб бўлдим кучлироқ,  
Унинг ҳар сўзидан олдим кўп сабоқ.

## САОДАТ ҶЗИ НИМА?

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилганлар: *“Дунёда ғариб ёки йўлдан ўтиб кетувчидек бўл!”*; *“Ғарибларга жаннат бўлсин”*.

Саодат бу Абдулмалик ибн Марвоннинг қасри, Ҳорун ар-Рашиднинг қўшини, Ибн Жассоснинг саройи, Қоруннинг хазинаси ёки Мутанаббийнинг девонидаги, Қуртуба ва Заҳро боғларидаги нарса эмас. Қўллари калта, тирикчиликлари оғир, маблағлари оз ва нафақалари арзимас бўлса-да, саҳобалар эришган нарса саодат эди!

Саодат Ибн Мусаййаб эришган, Бухорийнинг “Саҳиҳ”идаги, Ҳасан Басрийнинг сидқидаги, Имом Шофиъийнинг истинботларидаги, Имом Моликнинг мувоқабаларидаги, Имом Аҳмаднинг тақвосидаги ва Собит Баннонийнинг ибодатларидаги нарсадир!

Бахт бериладиган чек, сотиб олса бўладиган улов, хидлаш мумкин бўлган гул, тарозида тортиб олинадиган дон-дун ёки ўлчаб олса бўладиган газлама эмас. Бахт-саодат ҳақиқатда унга олиб борадиган хотиржамлик, тирикчилик ва рўзғоридан мамнунлик ҳамда ўзини ўраб турган яхшиликлардан роҳатлана билишдир.

Дунёдаги энг буюк ислоҳотчи ҳидоят элчиси Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фақир яшаганлар. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) очликдан эгилиб қолар, баъзан қорин тўйдиришга ҳатто сифатсиз хурмо туршагини ҳам топа олмас эдилар. Шунга қарамай, фақат Аллоҳгагина аён бахт ичра хотиржамлик, фароғат, қувонч, роҳат ва сакинатда яшаб ўтдилар.

**“Сиздан юкингни олиб қўйдик (енгиллатдик), улар белингни эзиб турган эди”<sup>82</sup>; “...**

<sup>82</sup> Шарҳ сураси. 3 – 4-оятлар.

Аллоҳнинг Сизга (нисбатан) фазли буюқдир”<sup>83</sup>;  
“...Аллоҳ пайғамбарликни қаерга қўйиш (раво кўриш)ни яхши билувчидир...”<sup>84</sup>

Саҳиҳ ҳадисда: “Яхшилик – хусни хулқ, гуноҳ эса қалбингда ўйлаб, уни инсонлар билиб қолишларини ёқтирмайдиган нарсадир”, дейилган.

Яхшилик виждоннинг роҳати ва руҳнинг сакинати дидир.

### **Шеър:**

*Кимнинг иши ёмон, гумони ёмон,  
Хаёлни паришон қилар бу гумон.*

Ҳадиси шарифда “Яхшилик – хотиржамлик. Гуноҳ – шубҳадир”, дея марҳамат қилинган. Яхшилик қилувчи зотлар, аниқки, ҳуррамлик ва сакинатда бўлади, восвос кимсалар эса воқеа-ҳодисалардан, ҳаракат ва сукунатдан, ҳатто ўтаётган ҳар бир лаҳзадан ҳадиксираб яшайди. Бунинг боиси улар ўзлари ёмон ишлар қилади. Бундай кимсалар хавотир ва саросимага тушиши ҳамда изтироб чекиши муқаррар.

Бахт истаган киши доимо яхшилик қилиши, ёмонликлардан сақланиши лозим. Шунда омонда бўлади.

“Имон келтирган ва имонларига зулм (ширк) ни аралаштирмаганлар – айнан ўшаларга хавфсизлик (бордир) ва улар ҳидоят (тўғри йўл) топган зотлардир”<sup>85</sup>.

Бошигача чангга ботган бир отлиқ тез келди ва отаси Саъд ибн Абу Ваққосни (розияллоҳу анҳу) излади. Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анҳу) саҳро ўртасида чодир тиккан, оилалари чодирда қолган, ўзлари шовқин-сурон ва оламон талвасаларидан узоқда, ёлғиз, қўйларини боқиб юрган эдилар. Ҳалиги отлиқ – Саъд ибн Абу Ваққоснинг

<sup>83</sup> Нисо сураси, 113-оят.

<sup>84</sup> Анъом сураси, 124-оят.

<sup>85</sup> Анъом сураси, 82-оят.

(розияллоҳу анҳу) ўғиллари Умар отага якин келди ва: “Эй отажон, у ёқда одамлар салтанат талашиш-япти, сиз эса қўй боқиш билан оворасиз”, деди. Шунда Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анҳу): “Сенинг ёмонлигингдан Аллоҳдан паноҳ тилайман. Мен устимдаги мана бу кўйлагимга эгалик қилишдан ҳам кўра халифаликка ҳақлироқман. Аммо мен Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Аллоҳ бой, тақводор ва кўринмай юрувчи бандасини севади”**, деганларини эшитганман”, дедилар.

Мўмин киши учун динининг саломатлиги Кисро ва Қайсар салтанатидан кўра яхшироқдир. Чунки дин то жаннатга киргунингизга қадар сиз билан бирга қолади. Салтанат ва мансаб эса, ҳеч шубҳасиз, ўткинчи нарсадир. Ҳатто қабргача ҳам боролмайди.

**“Албатта, Биз Ўзимиз бу Ерни ва ундаги бор жонзотни мерос қилиб олармиз ва фақат Бизгагина қайтариласизлар”<sup>86</sup>.**

### УНГА ГЎЗАЛ СЎЗЛАР ЕТИБ БОРАДИ

Саҳобаларнинг инсоният саййиди Ҳазрати Муҳаммаддан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўрганган гўзал, муборак сўзлардан иборат бойликлари бор эди. Улар наздида сўзларнинг ҳар бири дунё ва ундаги барча нарсадан яхши эди. Ишларнинг миқдори ва нарсаларнинг қийматини яхши билишлари уларнинг азамати нишонасидир.

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дуо ўргатишларини сўрадилар. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Раббим, мен ўз нафсимга кўп зулм қилдим. Гуноҳларни Сендан бошқаси мағфират қила олмайди. Ўз ҳузурингдан бўлган мағфират-ла мени**

<sup>86</sup> Марям сураси, 40-оят.

*бағишла ва менга раҳм қил. Албатта, Сен ўта Мағфиратли ва Раҳмлисан, дегин*”, дея марҳамат қилдилар.

Аббосга (розияллоҳу анху): *“Аллоҳдан афв ва офият сўра”*, дедилар.

Алига (розияллоҳу анху): *“Эй Аллоҳ, мени ҳидоят қил ва Тўғри йўлга йўлла”*, деб айт”, дедилар.

Убайд ибн Хусайнга (розияллоҳу анху): *“Эй Аллоҳ, менга рушди-ҳидоятимни илҳом қил ва нафсим ёмонлигидан сақла!” дегин*”, деб айтдилар.

Шаддод ибн Авсга (розияллоҳу анху): *«Эй Аллоҳ, Сендан ишларда собитқадамлик, тўғри йўлга қасд, неъматингга шукр этишни, Ўзингга чиройли қуллик қилишимни сўрайман. Сендан яна салим қалб ва тўғрисўз тил сўрайман. Сендан билганларингнинг яхшисини сўраб, ёмонидан паноҳ тилайман. (Туноҳлардан иборат) билганларингдан мағфират сўрайман. Албатта, Сен ғайбни билгувчисан», дегин!*», дедилар.

Муозга (розияллоҳу анху): *«Эй Аллоҳ, Ўзингнинг зикрингга, шукрингга ва сенга гўзал ибодат қилишимга менга мадад бер!» деб айтгин*», дедилар.

Оишага (розияллоҳу анху): *«Эй Аллоҳ, албатта, Сен кечиримлисан. Кечирини севасан. Мени (туноҳларимни) кечиргин!» деб айт*», дедилар.

Бу дуоларда жамланган маъно Аллоҳ азза ва жалланинг розилиги, охиратдаги раҳмати, ғазаби ва аламли азобидан нажот ҳамда Унинг ибодати ва шукрига ёрдам сўрашдир.

Уларни Аллоҳ таоло ҳузуридаги нарсани иташ ва дунё матоҳларидан юз ўгириш ўзаро боғлайди-бириктиради. Бу дуоларда ўткинчи дунё моллари, вақтинчалик матоҳлари ва арзон зийнатлари сўралмаган.

**“АҲОЛИСИ ЗОЛИМ ЮРТЛАРНИ (АЗОБГА)  
ТУТГАНДА РАББИНГИЗНИНГ ТУТИШИ  
ШУНДАЙДИР. АЛБАТТА УНИНГ (АЗОБГА) ТУТИШИ  
АЛАМЛИ ВА ШИДДАТЛИДИР”<sup>87</sup>**

Ўзгаларга зулм қилиш, уларнинг ҳуқуқларини поймол этиш ва заифларни эзиш кишининг бадбахтлиги, қадами тойилиши ва мартабаси пастлигидан нишонадир. Донишмандлардан бири: “Сенга қарши Аллоҳдан ўзга ёрдамчи топа олмайдиган кишидан кўрқ!” деган эди.

Инсоният тарихи бизга золимларнинг оқибатлари борасида кўплаб мисолларни тақдим этган.

Омир ибн Туфайл Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) макр-ҳийла қилди ва У зотни хоинона ўлдиришга уринди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни дуоибад қилдилар. Аллоҳ у малъунни бўйнидаги без билан балолаб қўйди ва у ўша заҳотиёқ оғриқдан қичқира-қичқира жон берди.

Арбад ибн Қайс Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) азият берар ва У зотни ўлдириш пайида юрар эди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни дуоибад қилдилар. Аллоҳ таоло у ва туясига куйдириб юборувчи чакмоқ туширди.

Ҳажжож Саид ибн Жубайрни (розияллоҳу анҳу) қатл қилишидан бир оз олдин у зот: “Эй Аллоҳ, мендан кейин уни ҳеч ким устидан ҳукм юргизадиган қилма!” деб дуоибад қилди. Шундан сўнгра Ҳажжожнинг қўлига чипқон чиқди ва тезда бутун танасига тарқалди. У ҳўкиз каби ўкира-ўкира, жуда ачинарли ҳолда жон берди.

Суфён Саврий Абу Жаъфар Мансурдан кўрқиб, яшириниб юрган эди. Суфён ҳарамдалиқ пайтида халифа Мансур Маккага йўлга чиқди. Буни эшитган Суфён Саврий ўрнидан турди ва Каъбапўшни

<sup>87</sup> Худ сураси, 102-оят.

ушлаб, Аллоҳдан халифани Маккага киргазмаслигини сўраб дуо қилди. Абу Жаъфар Маймун қудуғи ёнида Маккага кирмасидан олдин вафот этди.

Мўътазилий қози Аҳмад ибн Абу Дуад имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг қийноқларида иштирок этди. Имом Аҳмад уларни ёмон дуо қилди. Аллоҳ унга фалажлик дардини берди. Аҳмад ибн Абу Дуад: “Танамнинг ярмига агар пашша қўнса ҳам менга худди қиёмат қўпгандай туюлади. Аммо иккинчи ярмини агар қайчи билан кесилса ҳам буни сезмайман”, дер эди.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал вазир Ибн Зайёдни дуоибад қилди. Уни тутиб олган инсон ўчоқдаги оловга ташлади, бошига михлар қоқди. Аллоҳ тало унга шундай кишини ғолиб қилдириб қўйди.

“У (Фиръавн) ва унинг лашкарлари ер юзида ноҳақ кибрландилар ва ўзларини Бизга қайтарилмайдилар деб гумон қилдилар”<sup>88</sup>.

«... “Куч-қувватда бизлардан ким зўрроқ?” дедилар. Ахир, улар ўзларини яратган Аллоҳ куч-қувватда улардан зўрроқ эканини билмадиларми?!»<sup>89</sup>.

“Улар юртларида ҳадларидан ошиб, у жойларда бузғунчиликни кўпайтириб юборган эдилар. Бас, Раббингиз уларнинг устига турли азоб ёғдирди”<sup>90</sup>.

Ҳадиси шарифларда: “Аллоҳ золимга узоқ умр беради, то уни тутган пайтда қоча олмасин”; “Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўлинг. Зеро у билан Аллоҳ орасида тўсиқ йўқ”, дейилади.

### МАЗЛУМНИНГ ДУОСИ

Иброҳим Таймий айтади: “Менга зулм қилган кишига раҳмим келади”.

<sup>88</sup> Қасас сураси, 39-оят.

<sup>89</sup> Фуссилат сураси, 15-оят.

<sup>90</sup> Фажр сураси, 11 – 13-оятлар.

Хуросонлик бир солиҳ кишининг пуллари-ни ўғирлашди. У йиғлай бошлади. Фузайл ундан: “Нега йиғлаяпсан?”, деб сўради. Шунда халиги киши: “Қиёмат куни Аллоҳ у ўғри билан мени бир жойга олиб келишини эсладим. Ўшанда тушади-ган ҳолига раҳмим келиб йиғлаяпман”, деб жавоб берди.

Бир киши салаф уламолардан бирини ғийбат қилди. У зот ўша одамга хурмо ҳадя қилиб: “У менинг фойдамга яхши иш қилди”, деди.

### “ЭШИК ОЛДИДАГИ МЕНМАН”, ДЕДИМ

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Нуй-Йорқдаги биносида башарият шоири Саъдий Шерозийнинг инглиз тилига таржима қилинган бир шеъри ёзилган лавҳа бор. У барчани бирдамлик, қадрдонлик ва биродарликка чорлайди:

#### **Шеър:**

*Дўст сўрди: “Эшигим олдидаги ким?”  
“Бу менман”, деб унга жавоб қайтардим.  
У дўст жавобимдан бўлди норизо,  
Деди: “Сен жавобда айладинг хато”.  
Йил ўтгач, эшигин қоқдим оҳиста,  
“Иккимиздан бошқа йўқ бирон кимса”.  
Дўст қойил қолдию бўлди шодумон,  
Меҳр-ла ичкари чорлади шу он.*

Ҳар бир инсоннинг суянадиган, хурсандчилик қиладиган, қувончу ғамларини бўлишадиган ва ўзаро бир-бирини яхши кўрадиган дўстлари бўлмоғи лозим.

“Менга ўз аҳлимдан вазир қилиб бергин – биродарим Ҳорунни! У билан белимни қувватли қилгин ва уни ишимда (яъни, пайғамбарлик ишида) шерик қилгин, то, биз Сенга кўпроқ тасбеҳ айтайлик ва Сени кўпроқ ёд этайлик”<sup>91</sup>.

<sup>91</sup> Тоҳа сураси, 29 – 34-оятлар.

**Шеър:**

*Дарддошликка муносибдир қариндош,  
Ҳам тасалли берар, ҳам тўқар кўзёш.*

**“Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига  
дустдирлар”<sup>92</sup>.**

**“...Уларнинг кўнгилларини (ўзаро) яқин-  
лаштирди...”<sup>93</sup>.**

**“Албатта, мўминлар динда ўзаро  
биродардирлар”<sup>94</sup>.**

**ДУСТИНГИЗ БЎЛИШИ ЛОЗИМ**

дустлиги сизга фойда берадиган ва ўртоқлиги  
сизни шодлантирадиган кишингиз бўлиши бахту  
саодатингиз асосларидан биридир.

Бир қудсий ҳадисда бундай дейилади: **“Мен  
учун бир-бирини яхши кўрганлар қани? Бугун  
уларни соямдан ўзга соя йўқ кунда Ўз соям ила  
соялантираман”.**

**ОСОЙИШТАЛИК ШАРЪАН ВА АҚЛАН ТАЛАБ  
ЭТИЛАДИ**

**“Имон келтирган ва имонларига зулм (ширк)  
ни аралаштирмаганлар – айнан ўшаларга  
хавфсизлик (бордир) ва улар ҳидоят (тўғри йўл)  
топган зотлардир”<sup>95</sup>.**

**“Зеро, (У) уларни очликдан (қутқариб) тўй-  
дирди ва хавф (ва хатар)дан хотиржам қилди”<sup>96</sup>.**

**“...Ахир, Биз уларга осойишта Ҳарамни  
мақом қилиб бермадикми?!”<sup>97</sup>.**

**“...Унга (Каъбага) кирган киши омонда  
бўлур...”<sup>98</sup>; “...Сўнгра уни хавфсиз жойига етка-  
зиб қўйинг!”<sup>99</sup>**

<sup>92</sup> Тоҳа сураси, 71-оят.

<sup>93</sup> Анфол сураси, 63-оят.

<sup>94</sup> Ҳужурот сураси, 10-оят.

<sup>95</sup> Анъом сураси, 82-оят.

<sup>96</sup> Курайш сураси, 4-оят.

<sup>97</sup> Касас сураси, 57-оят.

<sup>98</sup> Оли Имрон сураси, 97-оят.

<sup>99</sup> Тавба сураси, 6-оят.

Бир ҳадиси шарифда: **“Ким уйида хотиржам, тани соғ ва бир кунлик таоми бўлган ҳолда ухласа, гўё унга дунё тўлиғича берилгандир”**, дейилади.

Қалб қачон осойишта бўлади? Қачон у Ҳақ маърифатига, имону ишончга лиммо-лим бўлса ва шу ишончда мустаҳкам турса.

Хонадон қачон осойиш бўлади? Қачон тойи-лишлардан саломат, разолатлардан узоқ бўлса ва раббоний далилларни тўғри англаса.

Уммат қачон осойишта бўлади? Қачон ўзаро муҳаббатли бўлса, ишларни адолатли олиб борса ва шариатга тўла риоя этса.

Қўрқинч осойишталик ва хотиржамликнинг душманидир. Бу борада Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилган:

**“Бас, у қўрқувга тушиб, (атрофни) кузатган ҳолда у ердан чиқиб, деди: “Эй Раббим! Ўзинг менга (бу) золимлар қавмидан нажот бергин!”<sup>100</sup>. “Агар (чинакам) мўмин бўлсаларинг улардан (ёвдан) қўрқманглар, (балки) Мендан қўрқинглар!”<sup>101</sup>**

Қўрқоқда роҳат, даҳрийда осойишталик, беморда хузур-ҳаловат бўлмайди.

### **Шеър:**

*Хотиржамлик ила тўқислик — ҳаёт,*

*Гар шулар бўлмаса топмассан нажот.*

Дунё қанчалар бахтсиз эканини кўринг. Бир томони яхшиланса, бошқа томони бузилади; одам мол-дунёга эришса, тани хасталашади: тани сиҳ-ҳатли бўлса, бошига мусибатлар ёғилади; ҳар ҳоли ўнгланиб, ишлари энди жўй-жойига тушса, ажали етади.

<sup>100</sup> Қасас сураси, 21-оят.

<sup>101</sup> Оли Имрон сураси, 175-оят.

Шоир Аъшо Нажд ўлкасидан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига йўлга чиқди ва у зотни мақтаб қасида битди. Абу Суфён унга бу сафаридан қайтиши учун юзта туя таклиф қилди. У таклифни қабул қилиб, туялардан бирини миниб ортига қайтди. Йўлда туядан йиқилиб бўйни синди ва диндан ҳам, дунёдан ҳам қуруқ қолиб ҳаётни тарк этди. Ҳолбуки унинг Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларида ўқиб бериш учун битган қасидаси жуда гўзал эди.

**Шеър:**

*Йўқсиллик ортида кенглик неъматини,  
Қойилман! Буюқдир Аллоҳ қудратини.  
Сафарда озуқанг бўлмаса тақво,  
Ўлсанг, тополмасан мутлоқ ҳеч вақо.  
Сўнги пушаймондан бўлмас асло наф,  
Дунё-охиратда тақводир шараф.*

**ЎТКИНЧИ ШОН-ШАРАФ**

Чинакам бахт доимо баркамол бўлмоғи – дунёда ҳам, охиратда ҳам, кўринмаса ҳам, кўринса ҳам, бугун ҳам, эртага ҳам давом этмоғи лозим.

Муваффақиятсизликлар уни барбод қила олмас, ғазаб туфайли жамоли гўзалликлари тирналмас – саодатнинг камолоти мана шудир.

Ироқ шоҳи Нўъмон ибн Мунзир бир дарахт остида кўнгилхушлик қилиб шароб ичарди. У Адий ибн Зайднинг мавъиза қилишини истади. Адий ибн Зайд ҳалим киши эди. Шунда у: “Эй шоҳ, мана бу дарахт нима деяётганини билишни хоҳлайсизми?”, деди. Нўъмон: “У нима деяпти?”, дея сўради. Шунда Адий:

**Шеър:**

*Менинг атрофимда неча минг отлиқ  
Ичишиди ҳамр ила зилол сув тотлиқ.*

Сўнг уларни бир-бир эвирди замон –  
Ўйнашди, кулишди, бўлишди тамом.  
Ҳаёт – шу, ўткинчи ҳар он, ҳар кун,  
То тирик экансан унутма шуни!

Шундан сўнг Нўъмон хавотирга тушди ва шаробни тарк қилди. Кейин то ўлгунича ғамгин бўлиб юрди.

### ФАЗИЛАТЛАРГА ЭРИШИШ БАХТЛИ ҲАЁТ БОШИДАГИ ТОҶДИР

Бахт-саодат, хотиржамлик ва роҳатга эришиш учун бандадан фазилатларни ўзида жамлаш, яхши, гўзал сифатларга эгалик қилишга шошилиш талаб қилинади. Саҳиҳ ҳадисда: **“Фойдали нарсаларга ёпишиб, Аллоҳдан мадад сўранг”**, дейилган.

Саҳобалардан бири Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) жаннатда бирга бўлишни сўради. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Кўп сажда қилиш ила менга ёрдам бер. Сен Аллоҳга ҳар қилган саждангда У сени даражангни кўтаради”**, дедилар.

Бошқа бир саҳобий барча яхшиликларни жамлаш ҳақида сўраган эди, У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Тилинг доимо Аллоҳнинг зикри билан нам бўлсин”**, деб жавоб қилдилар.

Учинчи бир саҳобийга эса: **“Ҳеч кимни ҳақоратлама. Кўлинг билан ҳеч кимни урма. Агар бирор киши сенда билган (кўрган) нарса билан сени ҳақоратласа, сен унда билган нарсанг билан уни ҳақорат қилма. Яхши ишлардан ҳеч бирини кичик санама. Гарчи сув олувчининг идишига челагингдан (сув) қуйиб бериш бўлса ҳам”**, деганлар.

Демак, яхши ишларда ташаббускорлик ва тезкорлик лозим. Ҳадисларда: **Беш нарсадан илгари беш нарсани ғанимат билинг...**, дейилган.

“Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонлару Ерга тенг, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилингиз!”<sup>102</sup>.

“...Дарҳақиқат, улар (пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо қилар эдилар”<sup>103</sup>.

“(Учинчи тоифа – эзгу ишларда) ўзиб-ўзиб кетган зотлардир”<sup>104</sup>.

Яхши ишларга парвосиз бўлманг. Гўзал амалларни кечиктирманг. Фазилатларга эришишни ортга сурманг.

### **Шеър:**

*Тириксан, ҳар зарба урганда юрак,  
Ҳаёт ўтқинчилигин англамоқ керак!*

“...Бас, мусобақачилар шу (неъматлар) йўлида мусобақа қилсинлар!”<sup>105</sup>.

Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анху) яраланиб, қонлари оқаётган чоқда бир йигит изори (кийими этаги)ини судраб кетаётганини кўрдилар ва унга: “Эй биродаримнинг ўғли, этагингни кўтар. Уни кўтарсанг Раббингга тақвоинг ортади ҳам кийиминг тоза қолади”, дедилар. Буни қаранг: ҳазрати Умар (розияллоҳу анху) ўлим талвасасида ҳам кишиларни яхшиликка чақиряптилар!

Кўп ва хўп ухлаш, узоқ хордиқ чиқариш, олижанобликдан юз буриш ва фазилатлардан четланиш билан бахт-саодатга эришиб бўлмайди.

«...Лекин Аллоҳ (уларнинг) кўзғалишларини ёқтирмайди, уларни сусайтириб қўйди ва уларга: “Ўтирувчилар билан бирга ўтираверинглар!”, дейилди»<sup>106</sup>.

<sup>102</sup> Оли Имрон сураси. 133-оят.

<sup>103</sup> Анбиё сураси. 90-оят.

<sup>104</sup> Воқеа сураси. 10-оят.

<sup>105</sup> Мутоффифун сураси. 26-оят.

<sup>106</sup> Тауба сураси. 46-оят.

Хадиси шарифларда бундай дейилади: “Эй Аллоҳ, Сендан дангасаликдан паноҳ сўрайман”; “Зийрак – нафсини бўйсундириб, ўлимдан кейинги ҳаёт учун амал қилган кишидир. Ожиз эса – нафсини ҳавосига эргаштириб, Аллоҳдан омонлик умид қилган кимсадир”.

## БОҚИЙЛИК ВА ЖАННАТ ДУНЁДА ЭМАС, ОХИРАТДАДИР

Доимо навқирон, соғлом ва давлатли бўлишни истайсизми? Агар шундай ҳаёт истасангиз, у бу дунёда йўқ, охиратдадир. Бу дунёнинг ҳукми бу – у ўткинчи ва бахтсизликдир. Аллоҳ таоло бу ҳаётни ўйин-кулги ва ғурур матохи деб номлади.

Шоирлардан бири жуда қашшоқ ва нотавонларча яшар эди. Пул керак, лекин шоир унга етишолмасди. Уйланиши лозим, бу ҳам унга насиб бўлмасди. Шоир ёши ўтиб сочларига оқ оралаганида мол-дунёга эга бўлди, уйланиш истаги ҳам амалга ошди. Бу тескарилиқдан шоирнинг фиғони фалакка чиқди ва бундай шеър битди:

### Шеър:

Орзум кексайганда бўлди деб рўёб,

Ҳар дам кўзёш тўкиб бўларман хуноб.

Ёш қизлар теграмда бўлар парвона,

Афсус, мен кексайдим, қолдим армона.

Сўрашади мендан: “Не ғам шу онда?”

Мен айтаман: “Афсус, ёшим саксонда...”

“...Ахир, Биз сизларга эслатма оладиган киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантирувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку!”<sup>107</sup>.

“Ва ўзларини Бизга қайтарилмайдилар, деб гумон қилдилар”<sup>108</sup>.

<sup>107</sup> Фотир сураси, 37-оят.

<sup>108</sup> Қасас сураси, 39-оят.

**“Бу дунё ҳаёти фақат (озгина) ўйин-кулгидир...”<sup>109</sup>.**

Бу дунё ҳаёти худди бир дарахт соясида озгина дам олиб, сўнг бу жойни ташлаб кетган мусофирнинг ҳолатига ўхшайди.

### ДУНЁНИНГ АСЛ МОҲИЯТИ

Албатта, бахтнинг ўлчови Аллоҳ таолонинг буюк Китобида, ҳар бир нарсанинг миқдори унинг зикридадир. Дунё ва охиратда бандаларга ҳар бир нарсанинг ўзини, қийматини ва манфаатини Унинг Ўзи белгилайди.

**“Агар одамларнинг бир миллат бўлиб олишлари (кофир бўлиб кетишлари) бўлмаганида эди, албатта, Раҳмонга кофир бўладиган кимсаларга уйлариининг шифтларини ҳам, унга чиқадиган нарвонларни ҳам кумушдан қилиб қўйган бўлур эдик. Яна уларнинг уйлариининг эшикларини ҳам, ўзлари устида ястаниб ўтирадиган сўриларни ҳам (кумушдан қилиб қўйган бўлур эдик). Яна (тилла ва жавоҳирдан иборат) зеб-зийнатни ҳам (уларга берган бўлур эдик). (Зеро, буларнинг) барчаси фақат дунё ҳаёти матоҳларидир. Охират эса, Раббингиз наздида, тақводорлар учундир”<sup>110</sup>.**

Инсонларга бу дунёнинг қийматини билдириб қўйиш учун кофирларга бойликлар бирданига берилиб, мўмин зотлардан эса тўсилиши улар арзимас матоҳ эканининг далилидир.

Машҳур саҳобий Утба ибн Ғазвон (розияллоҳу анҳу) жума куни хутба қилиб, тўпланганларга башарият саййиди Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан ўтказган кунлари, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан ғазотларнинг бирида дарахт баргини ейишгани, ўша кунлар у кишининг

<sup>109</sup> Анкабут сураси, 64-оят.

<sup>110</sup> Зухруф сураси, 33 – 35 оятлар.

ҳаётидаги энг ширин ва рози бўлинган дамлар бўлганини, у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан сўнг бир иқлимга амир, бир вилоятга хоким бўлганлари, аммо бу кейинги ҳаёт олдингиси қаршисида арзимас эканини сўзлаб бердилар.

### **Шеър:**

*Бахтсизу фақирни кўп кўрдим ғоят,*

*Улар дунёдан ҳеч қилмас шикоят.*

*Шодлик – аслида ёздаги булут,*

*Бир лаҳза турару тарқар ниҳоят.*

Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафотларидан сўнг Кўфага волий эдилар. У киши паришонлик дардига йўлиқдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этганларидан сўнг бу ҳаёт ҳам, унинг қасрларию саройлари ҳам у киши учун ўз маъносини йўқотди.

**“Албатта, Сиз учун охират (саодати) дунё (фароғати)дан яхшироқдир”<sup>111</sup>.**

Демак, бу ҳаётда бир сир бор. У ҳам бўлса, бу дунё арзимас, майда матоҳ эканидир. **“Биз уларга бераётган бойлик ва фарзандларни ўзлари учун яхшиликларни тезлатишимиз (белгиси) деб ҳисоблайдиларми?! Йўқ, улар (бунинг ҳикмати) сезмайдилар!”<sup>112</sup>**

**“Аллоҳга қасам, фақирлик сизларда кўрққан нарсам эмас”,** дейилади саҳиҳ ҳадисда.

Ҳазрати Умар (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг ҳузурларига кирдилар. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бўйра устида ётар, баданларига изи тушиб қолар эди. Уйларида бошқа ҳеч вақо йўқ, фақат озгина арпа осиб қўйилган эди, холос. Буни кўрган Умар (розияллоҳу анҳу) йиғлаб юбориб: **“Эй Аллоҳнинг**

<sup>111</sup> Зухро сураси, 4-оят.

<sup>112</sup> Муъминун сураси, 55 – 56-оятлар.

расули, форс ва рум подшолари ўзингиз билган (ҳолатда яшаяпти)”, дедилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Эй Ибн Хаттоб, сен шубҳадамисан? Бизга охират, уларга дунё бўлишига рози эмасмисан?*” дедилар.

Бу вазиятлар, ҳатто ушбу ҳолатда ҳам Аллоҳнинг элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бутун инсониятнинг йўлбошчиси, имоми эканларини кўрсатади.

“(Яна) дедилар: “*Бу қандай пайғамбар, (оддий одамлардек) таом еса ва бозорларда юрса?!*”<sup>113</sup>

**Шеър:**

*Пасткаш дунёни деб яшамам асло,  
Бунда бўлмас экан солиҳлар аъло.*

### Саодат калити

Бир кичик кулбада яшаб туриб ҳам, агар Аллоҳни танисангиз, Уни пок деб билсангиз, Унга қуллик қилсангиз ва Уни Илоҳ деб тан олсангиз, яхшилик, саодат, роҳат-фароғатга эришасиз.

Аммо йўлдан озганлар осмонўпар қасрларда, ҳашаматли саройларда яшасалар ҳам, ҳузурида барча истагани муҳайё бўлса ҳам, билиб қўйсин: уларнинг охири аччиқ, бахтсизлик бўлади. Чунки улар ҳанузгача саодат калитини қўлга киритган эмаслар.

“...Биз хазиначилардан унга калитлари бақувват жамоатга ҳам оғирлик қиладиган нарсаларни ато этган эдик”<sup>114</sup>.

\*\*\*

“Албатта, Аллоҳ имон келтирганларни ҳимоя қилади”<sup>115</sup>. Яъни, улардан дунё ва охират

<sup>113</sup> Фурқон сураси, 7-оят.

<sup>114</sup> Қасас сураси, 76-оят. Қоруннинг бойлиги шу қадар беҳисоб эдики, хазиначиларнинг калитлари олтишта ҳачирга юк бўлар эди. Лекин бойликка муккасидан кетгани учун узини ҳам, бойлигини ҳам ер ютди.

<sup>115</sup> Ҳаж сураси, 38-оят.

ёмонликларини кетказади. Бу Аллоҳ таолодан имон келтирганларга хушхабар, ваъда ва башоратдир. Албатта, Аллоҳ таоло улардан ёқтирмаган нарсаларини кетказади, имонлари боис уларни кофирлар, жинлар ва шайтон васвасасидан, нафслари ҳамда амаллари ёмонликларидан асрайди. Машаққат чоғи тоқатлари етмайдиган қийинчиликларни кўтаради ва енгиллатади. Ҳар бир мўмин ўз имони миқдорича бу химоя ва фазилатлардан насибасини олади. Кимдир кўпроқ, кимдир озроқ.

Имоннинг самараларидан бири – у бандага мусибат етса, тасалли беради, бало-кулфатларни осонлаштиради.

**“Ким Аллоҳга имон келтирса, (У) унинг қалбини тўғри йўлга ҳидоят қилади”<sup>116</sup>.**

Мусибат етганида уни Аллоҳдан деб билиб, ўзига мўлжалланган нарса уни хатосиз топишини, ўзига мўлжалланмагани эса унга асло етмаслигини англаган, аламли эса-да қадарга рози ва таслим бўлган, Аллоҳдан келгани учун ҳамда савобга эришиш мақсадида ўша мусибатларни енгил санаган киши ҳам шундайлар сирасидандир.

## УЛАР ҚАНДАЙ НАМУНАЛИ ҲАЁТ КЕЧИРГАНЛАР

Келинг, буюк саҳобийлардан бирининг ҳаёти билан яқиндан танишамиз. Бу зот Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анху). Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қизлари, жигаргўшалари Фотимага (розияллоҳу анҳо) уйланиб биргаликда ҳаёт кечирганлар. Кўпинча уйларида бирон егулик таом бўлмас эди. Эрта тонгда хотинлари билан бирга ризқ ахтариб чиқишар, аммо топа олмай қийналишар эди. Совуқ кунларнинг бирида устларига қалин пўстин кийиб, Мадина атро-

<sup>116</sup> Тағобун сураси, 11-оят.

фига иш қидириб кетдилар. Хурмозори бор бир яхудийни танир эдилар. Боғнинг кичик эшигидан кирдилар. Шунда яхудий: “Эй аъробий, кел! Хурмоларимни қудуқдан челақда сув тортиб суғориш керак. Ҳар бир челагига биттадан хурмо бераман”, деди. Али (розияллоҳу анҳу) бир мунча ишлаб, қўллари қавариб, жисмлари ҳолсизланди. Ишҳақи қилиб берилган хурмоларни олиб, энг олдин Пайғамбаримизга (алайҳиссалом) олиб бордилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) хурмолардан бир оз еб, дуо қилганларидан сўнг қолганини Фотимага (розияллоҳу анҳо) келтирдилар. Шу ризқ билан кун бўйи кифояланишди.

Уларнинг ҳаёт тарзлари шундай эди. Буни оғир санашмаган, енгил санашган. Шунинг учун хонадонлари саодат, завқ, нур ва шодликка тўла эди. Чунки улар Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи васаллам) юборилган ҳақ билан яшашар эди. Бунинг устига, уларда қалб амаллари, ҳақ билан ботилни кўра оладиган руҳий ҳолат ҳам бор эди. Ҳақни кўрар ва ботилдан сақланар, нарсаларнинг ҳақиқатини идрок этар ва масалаларнинг ечимини англаб эдилар.

Энди солиштиринг: Қоруннинг у саодат деб билган бойликлари қани?! Ўзи билан қўшилиб ер қаърига сингиб кетди. Ёки Ҳомоннинг мансаби унга шодлигу хотиржамлик бера олдимиди?! Унга лаънатдан бошқа нарса келтирмади.

Ҳақиқий бахт-саодатга Билол, Салмон ва Аммор (розияллоҳу анҳум) эришишди. Билол (розияллоҳу анҳу) халқни ҳаққа чақирар – азон айтар эди, Салмон (розияллоҳу анҳу) эса тўғрисўз, Аммор (розияллоҳу анҳу) аҳдида мустаҳкам эди.

**“Айнан ўшалар шундай зотлардирки, Биз улардан гўзал амалларини қабул қиламиз ва**

жаннат эгалари қаторида уларнинг ёмонликларидан кечиб юборамиз. (Бу) уларга ваъда қилинган ҳаққоний ваъдадир”<sup>117</sup>.

### ҲАКИМЛАР САБР ҲАҚИДА

Анушервондан ҳикоя қилинади: “Дунёнинг барча ишлари иккига бўлинади. Биринчиси, ечими бор ишлар. Унинг давоси жидду жаҳд билан ҳаракат қилиш. Иккинчиси, ечими йўқ ишлар. Унинг шифоси сабр этиш.

Баъзи ҳақимлар айтдилар: “Ечими йўқ мушкулнинг ечими сабрдир”.

Ким сабрни лозим тутса, албатта, ютуққа эришади.

Сабр енгиллик эшигини очувчи калитдир. Ким сабр қилса, қадр топади. Сабрнинг мукофоти зафарга эришишдир. Бало ўз ечими билан келади.

Яхшиликни тўсиб қўювчи зарарлардан эҳтиёт бўлинг, умид узилган ўринлардан ҳам манфаатни изланг. Ўлимни талаб қилиш билан ҳаётга интилинг. Қанчадан-қанча боқий нарсалар бор, уларга фонийни талаб қилиш билан етилади ва фоний нарсалар бор, уларга бақони талаб этиш билан етилади. Кўпинча қўрқинч ортидан омонлик келади.

Донишмандлар айтадилар: “Бир ёмонлик ортидан кўплаб яхшиликлар бор”.

Асмаъий буни шарҳлаб: “Инсонга етадиган айрим ёмонликлар ўзидан ҳам ёмонроқлари олдида неъматдир”, деган.

Абу Убайда айтади: “Билинг, сизга мусибат етиб турган чоқда сизга етиши мумкин бўлган ундан ҳам оғирроқлари бор эди, улардан омонда эканингизга шуқр қилиб, ўзингизга еганини енгил сананг”.

<sup>117</sup> Ахкоф сураси, 16-оят.

Ҳакимлар айтадилар: “Ишларнинг оқибатини биз билмаймиз. Гоҳида ёмон кўрган нарсамиз аслида яхшилик, яхши кўрган нарсамиз эса бизга зарар бўлиб қолади. Неъматга эришган қанчадан-қанча кишилар бор, неъмат уларга офат, аммо бу инъомдан маҳрумлар бор, маҳрумлик улар учун офиятдир”.

Гоҳида мусибат сабаб бўлиб яхшилик, фаровонлик сабаб бўлиб зарар юзага келади.

Вадоъа Саҳмий айтади: “Гарчи хорлансангиз ҳам мусибатларга сабр қилинг! Кўпинча унинг манфаати сизни хурсанд қиладиган ишлардан ҳам олийдир. Кўпикнинг остида оппоқ ширин сут бўлади”.

Аллоҳ умид узилган пайтда хурсандчиликни беради:

«**Ҳар қачон (ўша) пайғамбарлар умидсиз бўлиб: “Бизлар ёлғончи бўлдик”, деб гумон қила бошлаганларида, уларга Бизнинг нусратимиз (ёрдамимиз) келур...**»<sup>118</sup>;

“...Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир”<sup>119</sup>;

“...Албатта, сабр қилувчиларга (охиратда) мукофотлари беҳисоб берилади”<sup>120</sup>.

Гоҳида Аллоҳ таоло суюкли бандасига у хушламайдиған томондан келади. Умиди мутлақо узилган, қўлидан келадиған барча ишни қилса ҳам натижа чиқмаган вақтда ёрдам қўлини чўзади. Ана ўша пайтда банда Раббининг қанчалик қудратли Зот эканини ич-ичидан ҳис этади. Бутун умидини фақат Унгагина боғлайди. Умидсизлик изтиробларидан ҳалос бўлиб, Унга таваккал қилиш, Унга суяниш йўлига ўтади. Киши фаровон ва хотиржам дамларида Раббидан юз ўгирмасин. Қандай ҳолатга тушса ҳам Ундан умидини узмасин, хур-

<sup>118</sup> Юсуф сураси, 110-оят.

<sup>119</sup> Бақара сураси, 153-оят.

<sup>120</sup> Зумар сураси, 10-оят.

сандчилик ва омонлик кунларини кутиб яшасин. Қилган ёмон амаллари эвазига енгилгина мусибат билан синалганидан, оғир жиноятлари учун енгил жазо олаётганидан, бошига ундан оғири тушмаганидан хурсанд бўлсин.

### **Шеър:**

*Наф берса не ажаб охир койишинг,  
Дард ила келар-ку тан кушойишинг.*

Исҳоқ Обид айтади: “Тоҳида Аллоҳ бандасини оғир ҳалокатлардан сақлаш учун енгил мусибатлар билан имтиҳон қилади. Бу мусибат аслида улкан неъматдир”.

Ким бир мусибатга чидаса, бу фалокатдаги Аллоҳнинг тадбиридан рози бўлса ва ундаги машаққатларга сабр қилса, унга мусибат ортидаги яширин фойдалар очилади.

Насронийлардан айримлари ҳикоя қилишича, пайғамбарлар бундай дейдилар: “Мусибатлар Аллоҳнинг бандасига берган адабидир. Адаб бериш эса доимий бўлмайди. Адабга сабр қилган, мусибат чоғида собит турган кишига хушхабар бўлсин: у Аллоҳ таоло ўзи яхши кўрган тоат аҳлларига ваъда қилган насибага ҳақдор бўлибди, ғалаба гулчамбарини, нажот тожини тақибди”.

Исҳоқ айтади: “Машаққатнинг ўткир тиглари сизни яраласа, сизга фитналар қилишса, аччиғингиз чиқмасин. Зеро, нажотга эришиш йўли осонлик билан келмайди”.

Бузургмехр айтади: “Сабр қилиб нажотни кутиш ҳавас қиларли мақомларга олиб боради”.

### **АЛЛОҲДАН УМИДВОР БЎЛИШ**

Ҳадиси қудсийда: **“Мен бандам мен ҳақимда ўйлаганидекман. Мен ҳақимда хоҳлаганидек ўйласин”**, дейилади.

Адиблар айтишларича, умид сабрнинг моҳияти ва унинг ёрдамчисидир. Умиднинг са-

баби ва моҳияти эса, Аллоҳ умидларни пучга чиқармаслигига бўлган ишончдир. Баъзи саховатли кишиларга қаранг! Улар ҳақида яхши гумонда бўлганларга яхшилик қиладилар, умидсиз бўлганлардан узоқроқ юрадилар. Улардан ёрдам сўраган кишининг умидсиз ҳолда кетишини хоҳламайдилар.

Бир сахий киши шунчалик экан, энг сахий Зот Аллоҳ ундан ҳам меҳрибонроқ эмасми?! Умид қилганнинг орзусидан кўпроғини берса ҳам Аллоҳнинг мулкидан заррача камайиб қолмайди.

Одам бир нарсага иштиёқ билан ҳаракат қилса-ю, умидлари пучга чиқса, нажот йўлини ва муаммолардан чиқиш эшигини қидириб топади. Бу нарса бандаларини кенгчиликда ушлаб туриши ва ўзининг паноҳига зор бўлишлари учун Аллоҳнинг бандаларига бўлган муҳаббатига энг катта далилдир. Натижада, банда барча умидини Аллоҳга қаратади ва У ҳақида чиройли гумон қилишга ўтади. Аллоҳ таоло айтади:

**“Аллоҳни қўйиб сиғинаётган (бут)ларингиз ўзларингизга ўхшаш бандалардир. Агар тўғрисўз бўлсаларинг, уларга илтижо қилиб кўринглар – улар сизларга ижобат қилсин!”**<sup>121</sup>

### МАҚТАЛГАН АМАЛ

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розиаллоҳу анҳу) айтди: “Енгиллик ва ором – Раббига таслим, қадарга рози бўлишдадир. Ташвиш ва ғамғинлик – шакшубҳада ва қадарига ғазаб қилишдадир”.

Донишмандлар айтишади: “Энг сабрли одам энг гўзал умр кечиради”.

Абон ибн Тағлиб ҳикоя қилишича, бир аъробий бундай деган экан: “Одоби энг гўзал инсон – бошига мусибат келган онда чиройли сабр билан қаршилаган кишидир. Қалбига ғам-ташвишдан

<sup>121</sup> Аъроф сураси, 194-оят

иборат бирор нарса келса, дарҳол уни умид билан кетказади. Унинг сабри ҳалокатдан омонликка ва фаровон ҳаётга чиқишига восита бўлади. Аллоҳ таолога таваккал қилган, У ҳақда чиройли гумонда бўлган кишининг ҳожатларини Рабби шундай ташлаб қўймайди, балки уни машаққатдан халос этади, ғам-андуҳини кетказади ва талаб қилган нарсасини беради. Шу билан бирга унинг дини, шаъни, обрўси ва молини ўз ҳимоясида сақлайди”.

Асмаъий бир аъробийдан ривоят қилади: “Ўзингиз учун яхшилик бор деб ўйлаган нарсадан эҳтиёт бўлинг. Балки унда ёмонлик ҳам бўлиши мумкин. Менга фақат ёмонлик бор деб бирон ишни мутлақ инкор ҳам қилманг, унинг ортидан сизга яхшилик келиши ҳам мумкин”.

Инсон ҳаёт кечирар экан, аслида у ўлим сари интилмоқда, вафот этар экан, аслида у абадий ҳаётга юзланмоқда. Кўпинча хавфсираб-қўрққан нарсаларимиз ортида яширилган нажотни пайқамай қоламиз.

### **Шеър:**

*Ҳаёт – ўлимга элтувчи йўлак,*

*Ўлим – абадий тириклик демак.*

*Билмасмиз, ҳаётда балки биз қўрққан*

*Хавфларнинг ортидан нажот келажак.*

Ҳакимлардан баъзилари айтадилар: “Бошга тушган мусибатни енгишнинг икки йўли бор:

1. Кўлидан кетганидан ташқари ўзида қолганига севишиш.

2. Мусибат ортидан келадиган роҳатни умид қилиш.

Жоҳиллар қийинчиликка йўлиқса икки нарсадан тоқатсизланади:

1. Бошга тушган синов унга ўта оғир ва кўп кўринади.

2. Мусибатдан кейин ундан ҳам ёмонроғи келиб қолишидан кўрқиб яшайди”.

Аллоҳ таоло бандаларини машаққатларга, синовларга йўлиқтириб тарбиялайди. Бу сабабли инсоннинг қалби, қулоқлари ва кўзи очилади. Қилган хатоларини англаб етади.

Ҳасан ибн Саҳл машаққатнинг фойдаларини таърифлаб бундай деган: “Унда гуноҳдан сақланиш, ғафлатдан уйғониш, сабр орқали савобга эришиш, неъматларни ёдга олиб, уларни Раббидан умид қилиб сўраш бор. Аллоҳ таолога, Унинг қазосига яхшилик билан юзланиш бор”.

### **Мусибатларни енгил санаш ҳақида ҳикматли сўзлар:**

Баъзи ақли теран тижорат аҳли бундай дейди: “Жисминг саломат, даромадинг яхши бўлиб турган вақтда бошингга келган мусибатлар қандай ҳам кичик ва арзимасдир”.

Араб мақолларида келади: “Агар саховатлилар омон бўлса, хайр-эҳсонга сўйиладиган жонлиқлар кўп бўлади”.

“Замон сизга жафо қилса-да, Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлманг!”.

“Оққан дарё оқаверар”.

“Ақл ва дин берилганлар кишилар қўлида неъмат ва қудрат бўлиб турган вақтда фазл ва лутф кўрсатгани, бошига мусибат ва машаққат тушиб турган онларда сабрда қилгани учун бошқалардан устун бўлади”.

\*\*\*

Чинакам содиқ мўминлар машаққат, мусибат ва балоларга йўлиққан онларида ҳам Аллоҳ учун сабр, чидам ва сабот билан туриб берадилар. Бошқа ўн кишининг сабр-бардошини йиққанда ҳам буларга тенг бўла олмайди. Бу имоннинг қувватидандир.

Маъқал ибн Ясор (розияллоҳу анху) айтадилар: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: *“Раббингиз табарока ва таоло айтади: “Эй Одам боласи! Менинг ибодатимга чекил, қалбингни бой қиламан, икки қўлингни ризққа тўлдираман. Эй Одам боласи! Мендан узоқлашма, қалбингни фақир ва икки қўлингни доимо машғул қилиб қўяман”.*

Агар банда Аллоҳ таолога юзланса, унга инобат қилса ва ундан рози бўлса, қалби Раббининг муҳаббати билан тўлиб, тили Унинг зикри билан банд бўлади. Аниқ-равшан савобли амаллар, жаннатга эришиш орзуси билан хурсандчилик ва сурур у кишини тарк этмайди.

### **МОЛИНГИЗ ОЗАЙГАНИДАН ВА ҲОЛАТИНГИЗ ЁМОНЛАШГАНИДАН ЎКИНМАНГ! ЧУНКИ СИЗНИНГ ҚАДРИНГИЗ БУНДАН ОЛИЙДИР**

Али (розияллоҳу анху) айтдилар: “Ҳар бир инсоннинг қиймати ўзи аъло даражада бажарадиган иши билан баҳоланади”.

Олимнинг қиймати озми, кўпми илми билан баҳоланади. Шоирнинг қиймати яхшими, ёмонми шеъри билан баҳоланади. Ҳар бир қобилият ёки касб эгасининг қиймати ана шу қобилияти ва касб-хунари билан ўлчанади. Бундан бошқа нарса билан эмас. Одамларни ўз қадрларини кўтаришга қизиқтиринг. Бу иш солиҳ амаллар, илму ҳикматни ўрганиш, сахийлик, кучли хотира, юксакликка интилиш, матонат, изланувчан бўлиш, билмаганини сўраш, фойдага интилиш, ақлни ривожлантириш ва зеҳни чархлаш билан бўлади. Тушқунликка тушиб қолганларнинг руҳиятини кўтармоғимиз, улардаги яхши хислат ва олий фазилатларни юзга чиқармоғимиз лозим. Натижада у кишининг қадри баланд, қиймати юқори бўлади.

## ЎКИНМАНГ! АЛБАТТА СИЗ КИТОБЛАР ЁРДАМИДА ЮКСАК ИҚТИДОР ВА КЕНГ ДУНЁҚАРАШ ЭГАСИГА АЙЛАНИШИНГИЗ МУМКИН

Китоб ўқиш зеҳни очади, ибораларни ифодали ўқиш ва ваъз-насихатлар қилишга йўл бошлайди, одамни ҳикмат сари ундайди, тилни равон қилади, фикрлаш малакасини юксалтиради, ҳақиқатларни юзага чиқаради, шубҳаларни ҳайдайди.

Китоб ёлғизга таскин, қалбга нажот, ҳамсуҳбат истаганларга суҳбат манбаи, фикрловчига роҳат, йўловчига чироқ кабидир.

Китобдаги маълумотлар кўп такрорланиб ёдлаб олинса, ўрганилса ва амалда татбиқ этилса, унинг меваси пишиб етилиб, ҳосилни йиғиш вақти келади. Бозордаги нархи ҳам юқори бўлади. Аллоҳнинг изни билан унинг мевасидан тановул қилиб, роҳатланиш учун ҳар томондан харидорлар кела бошлайди. Китоб эгасининг даражаси энг олий чўққига етади. Илмини бошқаларга улашиш асносида ўзининг билими яна ҳам пишиб боради.

Китоб ўқимаслик, унга эътиборсизлик, китобни ёлғизлатиб қўйиш оқибатида гўзал сўзлашув қобилияти йўқолади, китоблар ёйилмайди, кўлмак сувга ўхшаб тўхтаб қолади, қалбда тушкунлик ҳолати юзага келади, ақл мадорсизланади, инсон табиати ўлади, маърифат сармояси тугайди.

Китобда жуда кўп фойда, масал, турфа хил ҳикоя, хотира ва қимматли, нодир билимлар бўлади. Демак, китоб ўқиш ўқимасликдан фойдалидир.

Аллоҳ таолодан ҳимматларнинг пастлигидан, мақсадларнинг сустлигидан, руҳнинг совиб қолишидан паноҳ сўраймиз. Чунки булар энг катта мусибатлардандир.

## ЎҚИНМАНГ! АЛЛОҲ ТАОЛО ЯРАТГАН АЖОЙИБОТЛАР ҲАҚИДА ЎҚИНГ

Аллоҳ бу оламда яратган хилқатлар ҳақида ўқисангиз, жуда кўп ажойиботларни билиб оласиз. Ғам-ташвишларингизни унутасиз. Чунки одам табиати ажиб ва ғариб нарсаларни ўрганишга ўчдир.

Имом Бухорий ва Муслим Жобир ибн Абдуллоҳдан (розияллоҳу анҳумо) ривоят қиладилар: «Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) бизни бир вазифа билан юбораётиб Абу Убайда-ни (розияллоҳу анҳу) сафар амири этиб тайинладилар. Йўлимизда Қурайш карвонига дуч келдик. Улар бир халта хурмо беришди. Бизда бундан бошқа егулик йўқ эди. Абу Убайда хурмони ҳаммамизга бир донадан улашди”.

Жобирдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ровий айтади: “Уни нима қилардинглар?”, деб сўрадим. Жобир (розияллоҳу анҳу): “Хурмони худди гўдак эмгандек қилиб шимардик. Сўнгра устидан сув ичардик. Шу тахлит то кечгача чидардик. Таёқ билан дарахт баргларини қоқардик ва уларни ҳўллаб ер эдик. Денгиз бўйига етиб бордик. Қаршимиздан баланд қумтепаликка ўхшаш бир нарса чиқди. Яқинроқ бориб қарасак, у улкан бир балиқ экан. Шунда Абу Убайда: “У ўлик экан”, деди, лекин сўнгра: “Йўқ! Биз мусофирмиз, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) элчиларимиз! Агар очлик сизларни азоблаётган бўлса, ундан еяверинглар”, деди. Биз уч юз нафар эдик. Ўша ерда бир ой қолиб кетдик. Балиқ гўштлиридан еб, ҳатто, семирдик. Унинг кўз ко-сасидан бир неча кўза ёғ олиб, балиқдан бир хўкиз катталигида гўшт парчасини кесиб ҳам олдик. Абу Убайда биздан ўн уч кишини ажра-

тиб, уларни балиқнинг кўз косасига ўтирғизди. Қовурғаларидан бирини олиб, уни тикка қилди. Сўнгра энг катта туяга юк ортиб, устига бўйи узун бир кишини чиқарди. Туя минган киши тикка қилинган қовурға остидан (боши унга тегмай) ўтиб кетди. Унинг гўшларидан хуржинларимизга ҳам ғамлаб олдик. Кейин яна йўлимизда давом этдик. Мадинага қайтиб, Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хузурларига бордик ва бўлган воқеани айтиб бердик. У зот: **“У сизлар учун Аллоҳ чиқариб қўйган ризқдир. Сизларда у гўшдан қолдимми? Бизга ҳам тоттиринг”**, дедилар. Биз гўшдан келтирдик. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ундан едилар».

**“Раббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир”<sup>122</sup>.**

Экин униб, ўсиб, кўкариши учун уруғни ерга сочиб қўйишнинг ўзи кифоя етарли эмас. Балки унинг устига юмшоқ тупроқ тортиб, ишлов бериш ва вақтида суғориб туриш ҳам керак. Шундагина уруғ ёриб чиқиб, униб ўсади.

**“Бас, қачон, Биз унинг устидан (ёмғир) ёғдирсак, у ҳаракатга келиб кўпчир”<sup>123</sup>.**

Доктор Зағлул Нажжор Аллоҳнинг яратиши ҳақидаги оятлар тафсир қилинган маърузасида бундай келтиради: “Коинотда шундай юлдузлар борки, уларнинг нури ёруғлик тезлигида ҳисобланганда ер юзига минг йилларда етиб келади. Ҳатто ҳозиргача ҳам нури ер юзига етиб келмаган юлдузлар бор. Фан уларнинг фақатгина жойлашган ўринларинигина билади”.

**“Мен юлдузларнинг ботиш жойлари билан қасамёд этурман”<sup>124</sup>.**

<sup>122</sup> Тоҳа сураси, 50-оят.

<sup>123</sup> Ҳаж сураси, 5-оят.

<sup>124</sup> Воқеа сураси, 75-оят.

**“Раббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир”<sup>125</sup>.**

1953 йил 27 сентябрда Қоҳирада нашр этилган “Янги хабарлар журнали”нинг 396-сонида бир мақола бор: “Бугун тонгда шаҳарга бир қанча полис қуршовида улкандан-улкан кит келтирилди. У мўмиёланган, вазни эса 80 000 килограмм. У Норвегиядан келтирилди. Улкан балиқ ўнлаб арава қўшилган машиналарга ортилган эди. Балиқ бир ой муддатга кўргазма учун олиб келинаётган эди. Одамларга унинг ичига чироқ ёқиб киришга рухсат этилди. Бир вақтнинг ўзида балиқ ичига ўндан ортиқ одам кириб айланиб чиқа оларди. Лекин шаҳар катталари ва миршаблар балиқдан хавотирда. Уни қаерда сақлаш борасида бир тўхтамга кела олмаяптилар. Йўлни бузиб юбормасин деб поезд бекатига қўйишдан қўрқдилар. Ажабланарлиси, балиқ нари борса бир ярим яшар эди. Узунлиги эса 20 метр. Уни ўтган йили сентябр ойида Норвегиядаги денгиздан тутишган. Оврупа бўйлаб айлантириш учун махсус вагонли поезд тайёрланди. Лекин поезд уни олиб юришга қулай эмасди. Сўнгра унга 30 метр келадиган махсус автомобил ясалди.”.

**“Раббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир”<sup>126</sup>.**

Чумоли ёзда бор куч-қувватини қишга озуқа тўплашга сарфлайди. Чунки у қишда уясидан чиқмайди. Буғдой доналари униб кетиб қолмасин деб ҳатто уларни иккига бўлиб қўйишади.

Илон агар саҳрода емиш топа олмай оч қолса, дарахт шохи суратига киради. Қушлар келиб устига қўнадилар, у эса дарҳол тутиб ейди.

<sup>125</sup> Тоҳа сураси, 50-оят.

<sup>126</sup> Тоҳа сураси, 50-оят.

**“Раббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир”<sup>127</sup>.**

Абдураззоқ Санъаний айтади: «Муаммар Рошид Басрийдан эшитдим: “Яманда бир бош узум кўрдим. Унинг оғирлиги бутун бошли хачирдай келарди”, деди у».

Барча ўсимлик ва дарахтлар битта сувдан озиқланади.

**“Биз уларнинг биридан бирининг таъмини тотлироқ қилиб қўюрмиз”<sup>128</sup>.**

Ўсимликлардан ҳар бир навининг ўзига хос хусусияти бор: айримларининг танаси пишиқ, қаттиқ, айримлари тиканли, қўл теккизсангиз игналари билан ҳужум қилади, бошқалари эса заҳарли суюқлик ишлаб чиқаради.

**“Раббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир”<sup>129</sup>.**

Камолиддин Удфавий Мисрий “Ер юзи хабарларини жамлаган ажойиб белгилар” номли китобида айтади: “Бир бош узумни кўрдим, оғирлиги 8 ратл<sup>130</sup> келди, бир дона узум донини кўрдим, 10 дирҳамга сотилди”.

**“Раббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир”<sup>131</sup>.**

Фалакиётшунос олимлар айтишича, борлиқ пуфак сингари кенгаяди. Яъни, қуруқлик камайиб, денгизлар кенгаяди.

**“Осмонни Биз “қўллар” билан барпо этдик. Дарҳақиқат, Биз қудратлидирмиз”<sup>132</sup>.**

<sup>127</sup> Тоҳа сураси, 50-оят.

<sup>128</sup> Раъд сураси, 4-оят.

<sup>129</sup> Тоҳа сураси, 50-оят.

<sup>130</sup> Бир ратл 3 кг. 200 гр. дан оғирроқ келади.

<sup>131</sup> Тоҳа сураси, 50-оят.

<sup>132</sup> Зориёт сураси, 47-оят.

“(Макка мушриклари) **Биз ер(лари)га келиб, уни атрофидан қисқартираётганимизни (фатх қилиниб келаётганини) кўрмадиларми?!<sup>133</sup>**”

“**Раббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир<sup>134</sup>**”.

“Файсал” журнали 1406 хижрий йилнинг 26-со-нида меваларнинг 112 та сурати босилган. Суратлардан бирида оғирлиги 22 кило, кесим ўлчови (диаметри) бир метр келадиган карам ҳам бор. Яна бир суратда пиёз тасвирланган. Бир дона пиёзнинг оғирлиги 3,2 кило, кесим ўлчови эса 30 сантиметрни ташкил этади. Журналда булардан ташқари бир помидорнинг ҳам сурати турибди. Унинг айланаси 60 сантиметрдан ортиқроқ.

Бу ғайри одавий катталиқ ва оғирликдаги ер неъматлари Мексиканинг унумли тупроқларида етиштирилган.

“**Раббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир<sup>135</sup>**”.

Одамнинг бошида тўртта суюқлик бор:

1. Оғиздаги сўлак. У овқат ва суюқликларнинг ичкарига ўтишини осонлаштиради.

2. Бурундаги шилимшиқ суюқлик. У ичкарига чанг-ғуборларни қўймайди.

3. Кўздаги суюқлик. У кўзни қуриб қолишдан сақлайди.

4. Қулоқдаги аччиқ модда. У қулоқни ҳар хил ҳашоратлар кириб кетишидан ҳимоя қилади.

“(Эй одамлар!) **Ерда ишонувчилар учун аломатлар бордир, ўзларингизда ҳам. Ахир, (уларни) кўрмайсизми?!<sup>136</sup>**”

<sup>133</sup> Раъд сураси, 41-оят.

<sup>134</sup> Тоҳа сураси, 50-оят.

<sup>135</sup> Тоҳа сураси, 50-оят.

<sup>136</sup> Зориёт сураси, 20 – 21-оятлар.

Машҳур тарихчи Абул Фазл Абдураззок Фугий ўзининг “107 ҳодиса тўплами ва фойдали тажрибалар” номли китобида 637 йилдаги бир ҳодисани ёзади: “Шу йили амир Жамолиддин Қўштемирнинг хизматида бир ажам тикувчи бор эди. Тикувчи қўшнисини қайчи билан яралади ва у ўлди. У ниҳоятда моҳир тикувчи, уста санъаткор эди. Ажойиб ва ғаройиб нарсалар тикарди. Бир гал кечқурун Жамолиддин Қўштемир ҳузурига келди. Бир матони олиб сандиққа тушди. Эрта тонгда сандиқни очишди. Не кўз билан кўрсинлар, у хушбичим, нафис дид билан тикилган кўйлақда турарди. Ундан кейин бу ишни қилишга не-не тикувчи уриниб кўришди, лекин ҳеч бири уддалай олмади. Ваҳоланки, у қари, ниҳоятда пакана, оёғи чўлоқ, бели букри бир киши эди. Лекин тикувчилик бўйича ўз асрида ягона эди.

“...Ва билмаганингизни билдирди...”<sup>137</sup>.

“У инсонга билмаган нарсаларини билдирди”<sup>138</sup>.

“Аллоҳ сизларни оналарингиз қорнидан бирон нарсани билмайдиган ҳолингизда чиқарди ва шукр қилишингиз учун сизларга кулоқ, кўзлар ва қалбларни берди”<sup>139</sup>.

“Унга (Довудга) сизларга зиён етишдан сақлайдиган совут ясаш санъатини таълим бердик”<sup>140</sup>.

“Балки, (улар Куръон) илмини эгалламай ва таъвили (тафсири) келмай туриб (Куръонни) ёлғонга йўйгандирлар”<sup>141</sup>.

### **Шеър:**

*Билимдонман дея керилган хилқат  
Учун сен бир оғиз қилгин насиҳат.*

<sup>137</sup> Нисо сураси, 113-оят.

<sup>138</sup> Алак сураси, 5-оят.

<sup>139</sup> Наҳл сураси, 78-оят.

<sup>140</sup> Анбиё сураси, 80-оят.

<sup>141</sup> Юнус сураси, 39-оят.

Билим ортидан у бир нарса топиб,  
Жуда кўп нарсани йўқотган, албат.

“Биз, уларга (Исроил авлодига) қайси бир мўъжизани кўрсатсак, албатта, у (ўзидан олдинги) шеригидан каттароқ эди”<sup>142</sup>.

Шайх Шаҳобиддин Аҳмад ибн Идрис Қурофий Мисрий айтади: “Менга бир подшоҳ ўзи учун бир улкан шамдон ясаб беришимни буюрди. Устунлари узун-узун бўлсин, сариқ мисдан ишлансин ва марказига шам қўйилиши керак, деб уқтирди. Шу билан бирга кечанинг ҳар соатида ундан бир соат чиқиб вақтни кўрсатиб туриши ва яна ичидан бир киши чиқиб подшоҳ хизматида бўлиши керак эди. Ўн соат ўтгач, бир киши шамдоннинг энг юқорисида кўриниб султонга хайрли тонг ва саодатли кун тилаб дуо қилиши лозим эди. Шунда султон тонг отганини билади.

Мен шамдонга яна бир неча янгилик киритдим. Энди шам ёнганида унинг шуъласи ҳар соатда турфа хил рангда ёнадиган бўлди. Унинг ичидан бир арслонни ҳам ясадим. Унинг кўзи ҳар соатда тим қора, тўқ қизил ва оппоқ рангга ўзгариб турарди. Ҳар соат ўзгариши билан шамдоннинг юқорисидан бир қуш пати ерга тушарди ва шамдон эшиги очилиб, ичкаридан бир киши чиқиб келарди, бошқаси эса у ерга кириб кетарди, сўнг шамдон эшиги ёпилади. Қачон тонг отса, бир киши шамдон устида пайдо бўлар ва қулоқларига кўрсаткич бармоқларини тикиб, бомдод азони га ишора қиларди. Лекин мен шамдонга гапирадиган жиҳоз ўрнатишга ожиз эдим. Сўнгра бир ҳайвон ҳайкалини ясадим. У ўнгга ва чапга юради, ҳар хил ишораларни бажаради ва хуштак чалади, лекин гапира олмайди”.

<sup>142</sup> Зухруф сураси, 48-оят.

“Раббимиз ҳар бир нарсага ўз яратувчилигини ато этиб (кўрсатиб), сўнгра (уни) тўғри йўлга йўллаган зотдир”<sup>143</sup>

**Шеър:**

*Хабар топар кимки гар ақли расо,  
Барчани йўқдан бор айлаган — Худо.  
Айб-нуқсондан пок Зот қудратидан  
Ибратга тўладир бунда ҳар маъво.*

Қалб ваҳшатга тушмасин, аммо Раббига қарши чиқишдан қўрқсин. Хасан Басрий: «Эй одам бола-си, Мусо (алайҳиссалом) Хизрга (алайҳиссалом) уч ўринда хилоф қилди. Шунда Хизр (алайҳиссалом): “Бу мен билан сенинг орамизнинг айрилишига сабаб бўлди”, деди. Энди ўйлаб кўринг, сиз Раббингизга бир кунда бир неча марта хилоф ишлар қиласиз? Сизга ҳам Аллоҳ: “Фалон-фалон ишларинг мен билан сенинг ўртамининг айрилишига сабаб бўлди”, дейишидан қўрқмайсизларми?» дейдилар.

**Ё АЛЛОҲ, Ё АЛЛОҲ**

“Айтинг: “Сизларни улардан Аллоҳ қутқаради. Сўнгра сизлар (яна) ширк келтираверасиз”<sup>144</sup>.

“Аллоҳ Ўз бандасига (Муҳаммадга, уни асрашда) етарли эмасми?!”<sup>145</sup>.

«Айтинг: “Қуруқлик ва денгиз зулмат (даҳшат ва фалокат)ларидан – Унга ошкора ёлвориб ва хуфёна: “Агар бизга шу (хатар)дан нажот берса, қасамки, албатта, шукр қилувчилардан бўлар эдик”, деб дуо қилганингизда ким сизларни қутқаради?»<sup>146</sup>.

<sup>143</sup> Тоҳа сураси, 50-оят.

<sup>144</sup> Анъом сураси, 65-оят.

<sup>145</sup> Зумар сураси, 36-оят.

<sup>146</sup> Анъом сураси, 63-оят.

“Биз эса, у ерда хорланган кишиларга марҳамат қилишни, уларни (хорликдан чиқариб, намунали) пешво зотларга айлантиришни ва уларни (Фиръавн мулкига) меросхўр қилишни истаймиз”<sup>147</sup>.

Одам (алайҳиссалом) ҳақида: “Сўнгра Парвардигори уни поклаб, тавбасини қабул этди ва ҳидоятга йўллади”<sup>148</sup>.

Нух (алайҳиссалом) ҳақида: “Биз унга ва унинг аҳли (оиласи)га улкан ташвишдан (ғарқ бўлишдан) нажот бердик”<sup>149</sup>.

Иброҳим (алайҳиссалом) ҳақида: “Биз айтдик: “Эй олов! Иброҳимга салқин ва омонлик бўл!”<sup>150</sup>

Яъқуб (алайҳиссалом) ҳақида: “Шоядки, Аллоҳ уларнинг (Юсуф, Бинямин ва Мисрда қолган ўғлимнинг) барчаларини (бағримга) қайтарса”<sup>151</sup>.

Юсуф (алайҳиссалом) ҳақида: “Дарҳақиқат, у менга яхшилик қилди – мени зиндондан чиқарди, шайтон мен билан акаларим орасини иғво қилганидан кейин, мана, сизларни саҳродан (Мисрга соғ-саломат ҳолингизда) келтирди”<sup>152</sup>.

Довуд (алайҳиссалом) ҳақида: “Бас, Биз уни ўша (хатоси)ни кечирдик. Албатта, унинг учун Бизнинг ҳузуримизда қурбат (яқинлик) ва гўзал оқибат (жаннат) бордир”<sup>153</sup>.

Айюб (алайҳиссалом) ҳақида: “Бас, Биз уни (яъни дуосини) ижобат қилиб, ундаги заҳматни кетказдик”<sup>154</sup>.

<sup>147</sup> Қасас сураси, 5-оят.

<sup>148</sup> Тоҳа сураси, 122-оят.

<sup>149</sup> Соффат сураси, 76-оят.

<sup>150</sup> Анбиё сураси, 69-оят.

<sup>151</sup> Юсуф сураси, 83-оят.

<sup>152</sup> Юсуф сураси, 100-оят.

<sup>153</sup> Сод сураси, 25-оят.

<sup>154</sup> Анбиё сураси, 84-оят.

Юнус (алайҳиссалом) ҳақида: “...ва уни ғамдан қутқардик”<sup>155</sup>.

Мусо (алайҳиссалом) ҳақида: “...Биз сени бу ғамдан қутқарган эдик”<sup>156</sup>.

Муҳаммад (алайҳиссалом) ҳақида: “Агар сизлар унга (Муҳаммадга) ёрдам қилмасангиз, Аллоҳ (Ўзи) унга ёрдам қилган”<sup>157</sup>.

“(Эй Муҳаммад! Раббингиз) Сизни етим ҳолда топиб, бошпана бермадимми?! Яна Сизни гумроҳ (ғофил) ҳолда топиб, (тўғри йўлга) ҳидоят қилиб қўймадимми?! Сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилиб қўймадимми?!”<sup>158</sup>

“...Ҳар куни У (тинимсиз) фаолиятдадир”<sup>159</sup>.

Баъзилар айтдилар: “Туноҳлар кечирилади, мушкулларга ечим берилади, айрим қавмларнинг қадри кўтарилади, айримлариники эса туширилади”.

### **Шеър:**

*Ғам-кулфат кучайса, танглиги кетар,  
Зулматлар ортидан шаксиз нур етар.*

“Унинг учун Аллоҳдан ўзга очувчи (билувчи) йўқдир”<sup>160</sup>.

### **ҲАҚЛАР АДО ЭТИЛАЖАК КУН**

Ҳадиси шарифда келади: “*Албатта, ҳақлар ўз эгаларига адо этилади. Қиёмат кунда ҳатто шохсиз қўйнинг ҳақи шохли қўйдан олиб берилади*”.

### **Шеър:**

*Қиёмат кунда турсанг, эй мағрур,  
Осмон ёрилишин қилгин тасаввур.*

<sup>155</sup> Анбиё сураси, 88-оят.

<sup>156</sup> Тоҳа сураси, 40-оят.

<sup>157</sup> Тавба сураси, 40-оят.

<sup>158</sup> Зухро сураси, 6 – 8-оятлар.

<sup>159</sup> Ар-Раҳмон сураси, 29-оят.

<sup>160</sup> Нажм сураси, 58-оят.

Ҳатто беғуноҳ ҳам ўртанар хавфда,  
Ўйла, гуноҳкорнинг ҳоли не кечур.

### ЯХШИ ТОМОНИНИ ЎЙЛАНГ

Улуғларнинг кўпи оғир, машаққатли иш қаршисида қолишса ҳам яхши гумонда бўлишарди ва Ҳақ кўрсатган йўлга кўра бу ишнинг оқибатида ҳам яхшилиқни кўришарди.

**“Балким сизлар ёқтирмаган нарса (аслида) ўзларингиз учун яхши, ёқтирган нарсангиз эса (аслида) сизлар учун ёмон бўлиб чиқар”<sup>161</sup>.**

Абу Дардо (розияллоҳу анҳу) айтади: “Инсонлар ёқтирмайдиган учта нарсани мен яхши кўраман.

1. Фақирлик. Чунки унда сакинат ва хотиржамлик бор.

2. Касаллик. Чунки у гуноҳларга каффоратдир.

3. Ўлим. Чунки ўлим Аллоҳ таолога етишишдир”.

Аммо кўплар фақирликни ёмон кўради. Килоб фақирликни ёмон кўрадиганларнинг хабарини бериб бундай деган:

**Шеър:**

Фақир кўриб қолса, қочар йўқсилдан,  
Тишин ғичирлатиб ўртанар ундан.

**Шеър:**

Йўқсиллик – гуноҳга бўлар каффорат,  
Барбод қилмасайди у мени фақат.

**Шеър:**

Боримни унинг-чун айладим фидо,  
Шоят, кечирар у, тарк этмас асло.

Юсуф (алайҳиссалом) зиндонда ўтирган чоқларида айтдилар:

**“Эй Раббим! Менга таклиф этишайтган нарсадан кўра зиндон маъқулроқдир”<sup>162</sup>.**

<sup>161</sup> Бақара сураси, 216-оят.

<sup>162</sup> Юсуф сураси, 33-оят.

Ўлим кўпчилик ҳакимлар севган ҳодисадир. Ҳатто уни олқишлайдилар. Муоз ибн Жабал (розияллоҳу анҳу) айтади: “Ўлимга хуш келибсиз. Сиз севган зот устингизда турибди. Бу дунёнинг надоматларидан халос бўлдингиз”.

Мўминларнинг бошига ўлим соя солса, уни очик юз билан, оғринмай кутиб олишади. Аммо баъзилар ўлимдан норози бўлиб, ҳасрат чекади, уни ёмон кўриб, ундан қочади.

Шарафли ва яхши инсонларнинг наздида яхши ишлар устида ўлиш омонлик ва шириндир.

**“Бас, улардан ўз назрига вафо қилгани ва улардан кутаётгани бордир”<sup>163</sup>.**

### ЭЙ ИНСОН, ЎКИНМА!

Эй ҳаётдан малолланиб, зерикиб, тақдирдан нолиб юрган, кунларини ғам-ғуссалар билан сиқилиб ўтказаятган инсон! Албатта, очик-ойдин ғалаба бор, нусрат кунлари яқин қолди. Ҳали олдингизда машаққатдан кейинги роҳат, оғирликдан кейинги енгиллик келадиган кунларингиз бор. Ахир, сизнинг олдингизда ва ортингизда лутф ва марҳамат Эгасининг қанчадан-қанча яширин эҳсон ва яхшиликлари бор, сиз уларни кўра олмайсиз. Тўғри ваъдалари бор, албатта, амалга ошажак.

**“(Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас”<sup>164</sup>.**

Агар сиз тангу торликдан халос бўлиб, мусибатларингиз ариса: **“Бизлардан қайғуни кетказган зот – Аллоҳга ҳамд (айтамиз)”<sup>165</sup>**, денг.

Эй инсон! Тез кунда сиз шикоят қилаётган дардлар арийди, юрагингизда ғалаён қилаётган гумонлар тарқайди, қинғир фикрларингиз тўғриланади,

<sup>163</sup> Ахзоб сураси, 23-оят.

<sup>164</sup> Рум сураси, 6-оят.

<sup>165</sup> Фотир сураси, 34-оят.

изтиробларингиз қувончга айланади. Сиз учун ҳаётингиздаги тим қоронғуликни тарқатиб юборадиган оппоқ тонг отмоқда. Умидсизлик онлари ўтиб ризо онлари қарашингизда юзини кўрсатмоқда. Фитналар зулматидан омонлик куёши сари парвоз онлари яқинлашмоқда.

Эй инсон! Сизнинг қўл остингиздаги унумдор ерлар қуриб, чўлу биёбонга айландими? Ташвишланманг! Чунки инсонга ризқ қаерда бўлса ҳам, қаердан бўлса ҳам Раббидан етади.

Агар қаршингизда машаққатлар тоғи турган бўлса ва унга чиқиш сизни ҳолдан тойдирса, бало ва синовлар ёмғири устингизга аёвсиз ёғса, жаннат теvaraги бало ва машаққатлар билан ўралганидандир. Агар сизга ҳаётингизда машаққат ва балолар учрамай, ҳаётингиз хотиржамлик, фаровонлик ва бахт-саодатда ўтса, бу сиз учун яхшилик ва ҳавас қиларли неъматдир.

Эй бедорлик дардига йўлиқиб, тунлари оҳ-воҳ қилиб изтироб чекувчилар! Эй узун кеча, огоҳ бўл, гўзал тонг косаси оқариб келмоқда!

**“Тонг яқин эмасми?”<sup>166</sup>**

Тонг сизга қанча-қанча нур, зийнат, хурсандчиликлар туҳфа этади.

Эй ғам-қайғудан ақл-идрокини йўқотиб қўйган инсон! Шошилманг! Чунки сиз учун ҳали қувонч тонглари зулмат пардаси ортида беркиниб турибди. Сиз учун ишончли бахт-саодатнинг поёнсиз йўллари ҳозирланмоқда.

Эй кўзлари ёш билан жиққа тўлган инсон! Кўз ёшларингизни артинг! Ғам-андуҳларингизни ортга итқитинг! Тинчланинг! Чунки дунёдаги бор мавжудотни яратган Зотнинг Ўзи сизнинг ғамингизни еб турибди. Эй банда, сиздан кутилган нарса фақат унинг лутф марҳаматига шуқр

<sup>166</sup> Худ сураси, 81-оят.

қилиш ва ғазабини келтирадиган ишлардан сақланишдир. Аллоҳ ёзган тақдиротга рози бўлинг ва улардан нолишни бас қилинг, сизга ихтиёр берилган, сабабларни маҳкам тутинг, шунда лутф ҳосил бўлади, машаққат оғирлиги юракдан кетади, меҳнатнинг роҳатбахш терлари жисмингизни қамраб олади, ғайратли-шижоатли бўлсангиз ажр-савоб ва баракалар инъом этилади.

Тинчланинг! Чунки сиз ўз ишлари устидан ғолиб бўлган, лутф, эҳсон, карам Эгаси, яратикларига ўта меҳрибон, ишларида гўзал тадбир қилувчи Зот билан бирга муомала қиляпсиз.

Тинчланинг! Чунки оқибатлар гўзал, натижалар роҳатланарли, хотималар улуғдир. Фақирликдан сўнг бойлик, ташналиқдан сўнг сероблик, айрилиқдан сўнг висол, тўсилишдан сўнг етишиш, узилишдан сўнг боғланиш, уйқусизликдан сўнг тўйиб ухлаш бор.

**“Сиз билмассиз, эҳтимол, Аллоҳ бундан кейин бирор ишни пайдо қилар”<sup>167</sup>.**

### **Шеър:**

*Улар ёққан олов таратар ёлқин,  
Осмон ҳам ёришар, демак, тонг яқин.  
Йўлбошчи тараддуд ҳолида бу ҳам,  
Не қилишни билмас туякаш ҳорғин.  
Тафаккур қилмоққа хаёлларим хом,  
Юрагим шикаста, ишқим бенишон.  
Мусибат тугашин сўраб вакилдан,  
Билдикки, барига кифоя Раҳмон.*

Эй очлик, қашшоқлик, фақирлик, ғам-алам, касалликдан ҳолдан тойган ғам-андуҳ эгалари! Бу хушxabарни тингланг! Тез кунда сизлар учун тўқчилик, хурсандчилик, сиҳат-саломатлик даври келади.

<sup>167</sup> Талок сураси, 1-оят.

**Шеър:**

*Тунлар ёришару кишан бўшайди,  
Тоғдан қўрққан мудом жарда яшайди.*

Банда Рабби ҳақида яхши гумон қилиши ва Мавлонинг лутфию фазлидан умид қилиб, мунтазир бўлиб туриши лозим. Чунки Раббимиз қайси ишга “Бўл!” деб амр қилса, ваъдасига содиқ, муносиб тарзда ўша нарса амалга ошади. Ҳар нарса унинг аҳдига мувофиқ бўлади. Усиз банда ҳеч қандай манфаатга эриша олмайди. Усиз ҳеч қандай зарардан сақлана олмайди.

У яратган ҳар бир нарсада банда учун лутф бор, ҳар бир ҳаракатда ҳикмат бор, ҳар бир соатда муаммоларнинг ечими бор. У буюк зот қоронғу кечадан сўнг тонгни яратди, қурғоқчиликдан сўнг ёмғирни берди. Шукр қилувчиларни, сабр қилувчиларни билиш учун мусибат юборди. Бандалари унга сано айтишлари учун неъматлар ато этди. Уларга синовлар туширди, ундан дуо қилиб сўрашлари, унга муносиб кучли восита билан боғланишлари учун, Унинг арқонини маҳкам ушлашлари ва Ундан сўровни кўпайтиришлари учун уларга неъматлар берди.

“(Ҳасад қилиш ўрнига) Аллоҳнинг фазлидан сўрангиз”<sup>168</sup>.

“Раббингизга зорланиб ва хуфёна (овозсиз) дуо қилингиз!”<sup>169</sup>.

**Шеър:**

*Қалбингда саховат бўлмаса зинҳор,  
Сенга интилмоқни ўргатмак бекор.*

Ало ибн Ҳазрабий ва саҳобалар (розияллоху анҳум) саҳрода қолишди. Ўзлари билан олиб олган сув ва егуликлари тугади. Ўлим уларни таъқиб

<sup>168</sup> Нисо сураси, 4-оят.

<sup>169</sup> Аъроф сураси, 55-оят.

эта бошлади. Шунда Ало (розияллоху анху) Аллох дуоларни эшитгувчи ва ижобат қилгувчи эканига ишониб, Унга яқин ҳолда: “Эй энг Олий, Буюк, Ҳикмат ва Ҳалимлик эгаси бўлган Зот!” деб дуо қилди. Шу заҳоти осмонда булут пайдо бўлиб шаррос ёмғир қуя бошлади. Сувдан ичдилар, таҳорат олдилар, чўмилдилар, уловларини суғордилар.

**“У (одамлар) умидсизликка тушганларидан кейин ёмғир ёғдирадиган ва Ўз раҳматини (баракотини) кенг ёядиган зотдир. У (мўминларга) Валий (дўст) ва Ҳамид (ҳамд эгаси)дир”<sup>170</sup>.**

\*\*\*

Аллох таолонинг муҳаббати, Уни таниш, Унинг зикрида давомли бўлиш, У билан ором топиш, У билан хотиржам бўлиш, ёлғиз Унинг севгиси билан яшаш, Ундангина кўрқиш, умид қилиш, Унгагина таваккал этиш банда қалбида шакланса, ёлғиз Ўзи банданинг дўсти бўлади. Инсон Унинг ирода-си ва азаматига суянадиган бўлиб қолади. Бу ҳолат бу дунёнинг жаннати, тенгсиз неъмат, кўзларнинг қувончи ва орифларнинг ҳаёт йўллари-дир.

Юрак Аллоҳагина боғланса, Унинг зикри бир он ҳам қалбни тарк этмаса ва одам қаноатли бўлса ғам-андухлар юракни тарк этишига, кўнгил ёришиши ва очилишига, гўзал ва фаровон ҳаётга етишишга сабаб бўлади. Агар бунинг тескариси бўлса, натижа ҳам тескари бўлади. Юрак Аллоҳдан бошқа билан банд бўлганларнинг юраги тор ва ғам андуҳлари кўп бўлади. Раббининг зикрини унутадилар, ўзларига берилган нарсага қаноат қилишни билмайдилар. Тажрибалар бунга энг катта исботдир.

<sup>170</sup> Шууро сураси, 28-оят.

## РОЗИЛИК САМАРАЛАРИ

“...Аллоҳ улардан рози бўлур, улар (Аллоҳдан) рози бўлурлар”<sup>171</sup>.

Розиликнинг имоний мўл-кўл ҳосили бўлиб, рози бўлувчи шу сабабли юқори мартабаларга кўтарилади. Ишончи мустаҳкам, эътиқоди барқарор, сўзида, ишида ва барча ҳолатларда тўғрисиўз бўлади.

Бандаликнинг мукамаллиги ўзи ёмон кўрадиган ҳукмлар келганида кўзга ташланади. Бандага фақат яхши қўрган нарсалари келаверса, Раббига қуллик қилишдан узоқлашади. Сабр, таваккал, розилик, ёлвориш, муҳтожлик, хорлик, бўйсунуш каби бандалик сифатлари унда мукамал бўлмай қолади. Бу айтилган сифатлар мукамал бўлиши учун бандага оғир кўринган ишлар бошидан кечиши лозим. Гап инсон табиатига тўғри келадиган тақдирга рози бўлиш ҳақида эмас, балки инсон табиатига тўғри келмайдиган ва унга азоб берадиган тақдирга рози бўлиш ҳақида кетмоқда. Бандага хоҳлаганига рози бўлиб, хоҳламаганидан бош тортиш билан Аллоҳнинг тақдирини муҳокама этиш ҳуқуқи берилмаган. У Билгувчи, Ҳукм қилгувчи, Буюк, Олийдир. У бутун сирларни ва ғайбни Билгувчидир. Барча иш охири қандай тугашини билгувчи Зотдир.

## РОЗИЛИК ЭВАЗИГА РОЗИЛИК

Ҳар қандай ҳолатда Раббидан рози бўлган инсоннинг мукофоти ундан ҳам Аллоҳ рози бўлишидир. Кам ризққа рози бўлса, Аллоҳ ҳам унинг қилган кам амалига рози бўлади. Нима бўлишидан қатъи назар Аллоҳдан рози бўлса, ҳар қандай вазият унга бир хил таъсир қилади. Аллоҳга ёқишга ҳаракат қиладиган бўлса, Унинг розилигига етишга ҳаракат қилган бўлади.

<sup>171</sup> Баййина сураси, 8-оят.

Ихлосли одамларга бир қаранг! Амаллари кам бўлса ҳам Аллоҳ улардан рози. Чунки улар Аллоҳ берганига рози бўлганлари учун Аллоҳ ҳам улардан рози. Мунофиқнинг амали кўп бўлса ҳам, оз бўлса ҳам, уни Аллоҳ қабул қилмайди. Чунки улар Аллоҳ юборганига норози бўладилар, розиликни ёмон кўрадилар. Шунинг учун Аллоҳ ҳам улардан рози бўлмайди ва амалларини бекор қилади.

### НОРОЗИЛИК ЭВАЗИГА НОРОЗИЛИК

Норозилик ғам-ташвиш, хафалик, юрак сиқилиши, ҳолат ёмонлашиши ва Аллоҳ ҳақида ёмон фикрда бўлишга сабабдир. Розилик эса буларнинг барчасидан халос этади. Унга дунёдаги жаннат эшикларини очади. Нафс тақдирга қарши чиқиш ва норозилик билан эмас, балки бўйсунуш, қулоқ тутиш ва қабул қилиш билан хотиржам бўлади. Чунки ишларни тадбир қилгувчи Зот барча ишларнинг ҳикматини билади. У белгилаб қўйган тақдири юзасидан айбланмайди. Динсиз файласуф Ибн Ровандийнинг қиссасини доим айтиб келаман. У йўқсил ҳаёт кечирар эди. Илмсиз оми киши бой-бадавлат ҳаёт кечираётганини кўриб осмонга қаради ва: “Мен донишманд бўлсам-да, ҳеч нарсам йўқ, у илмсиз ва аҳмоқ бўлса-да, бой-бадавлат яшайди – бу тақсимот адолатсиз”, деди. Шунда Аллоҳ унинг нафрати, хорлиги ва қашшоқлигини янада оғирроқ қилди. Аллоҳ таоло айтади: “...Охират азоби эса, шубҳасиз, янада хор қилувчиروқдир ва уларга ёрдам берилмас ҳам”<sup>172</sup>.

### РОЗИЛИКНИНГ ФОЙДАЛАРИ

Розилик одамга осойишталик, қалб хотиржамлигини беради. Шубҳа-гумонларга бориб турган бўлса ҳам шошилмасликни ўргатади.

<sup>172</sup> Фуссилат сураси, 41-оят.

Бундай қалбнинг Аллоҳ ва расули (соллаллоху алайҳи васаллам) айтган сўзларига ишончи мустаҳкам бўлади. Ҳар қандай ҳолатда: **“Аллоҳ ва пайғамбарининг сўзи ростдир”**; Ва (бу сўзлари) уларнинг имон ва итоатларини янада зиёда қилди”<sup>173</sup>.

Норозилик одамнинг тинчини ўғирлайди, шубҳа-гумонларга етаклайди, қалб касаллигига йўлиқтиради. Бундай кимса доимо иккиланиб, умидсиз ва норози бўлиб юради. У кабиларнинг сўзи: **“...Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бизларга фақат ёлғон ваъда қилган эканлар”**<sup>174</sup>, дейиш бўлади.

Қалби шунақа инсонлар ўзлари ҳақ бўлса, итоат этади, ҳақ улардан талаб қилинса, юз ўгириб кетади. Уларга яхшилик етса, хотиржам бўлади, ёмонлик етса, ўзгариб қолади ҳамда дунё ва охиратда зарар кўрувчилар сафида бўлади. Аллоҳ айтганидек: **“Бу эса аниқ зиёнدير”**<sup>175</sup>.

Розилик ортидан энг фойдали бўлган хотиржамлик келади. Хотиржамлик келса, кишининг ҳолатлари яхшиланади ва барқарор бўлади, кайфияти ҳам чоғ бўлади. Норозилик қай даражада бўлса хотиржамликни ҳам ўша даражада кетказди. Хотиржамлик кетгач, у хурсандчилик, тинчлик, роҳат, бахтли ҳаёт кечириш қоладими?! Улар ҳам кетади. Аллоҳ инсонга берган энг катта неъматлардан бири хотиржамликдир. Бу неъматлар ато этилишининг энг катта сабабларидан бири эса, ҳар қандай ҳолатда Аллоҳ берганига рози бўлишдир.

Шоир айтади:

**Шеър:**

*Сизни деб чекарман қанча ғам-кулфат,  
Қалбим айрилиқдан қилмас шикоят.*

<sup>173</sup> Аҳзоб сураси 22-оят.

<sup>174</sup> Аҳзоб сураси 12-оят.

<sup>175</sup> Ҳаж сураси 11-оят.

*Хотирангиз мудом фараҳбахш қилур,  
Сизни учратмоқдир дилдаги мақсад.*

## РАББИГИЗ БИЛАН БАҲСЛАШМАНГ

Розилик бандани Аллоҳнинг ҳукмларига қарши чиқишдан қутқаради. Аллоҳдан рози бўлмаслик – одам ўзига ёқмаган нарсаларда Аллоҳ билан баҳслашиши деганидир. Иблис Рабби билан баҳслашгани аслида Раббининг ҳукмларига рози бўлмаганидан эди. Кофирлар ва инкорчилар буюклик ридосини ва кибр изорини Рабби билан талашганлардир. Улар Аллоҳнинг буюк мақомига итоат қилмайди, буйруқларини бажармай қайтариқларига риоя этмайди, тақдирдан хафа бўлади ва ҳукмларга исён қилади.

## ЖОРИЙ БЎЛУВЧИ ВА АДОЛАТЛИ ҲУКМ

Аллоҳнинг ҳукми банда устида адолат ила жорий бўлади. Хадисда: *“Ҳукминг менинг устимда жорийдир. Сенинг ҳукминг одилдир”*, дейилган.

Аллоҳнинг адолатига рози бўлмаган киши золимдир. Аллоҳ энг адолатли Ҳоким. У зулм қилишни ўзига ҳаром қилган. У бандага ҳам зулм қилмайди. У Зот бандаларига зулм қилишдан холи Зотдир. Лекин инсонлар ўзларига зулм қиладилар.

*“Ҳукминг менинг устимда жорийдир”*, деган сўз гуноҳнинг, унинг асари ва уқубатининг ҳукмида умумийдир. Чунки икки иш ҳам Аллоҳ таолонинг ҳукмидандир. У Зот гуноҳга ҳукм қилишда ва унинг уқубатига ҳукм қилишда энг адолатли Зотдир. Гоҳида банданинг гуноҳида бизга сири маълум бўлмаган тарзда ҳукм қилади. Бундай ҳукмларда катта фойдалар бўлиб, уни Аллоҳнинг Ўзигина яхши билади.

## НОРОЗИЛИКДА ФОЙДА ЙЎҚ

Норозилик одам яхши кўрган ва интилган нар-сасини қўлга кирита олмаганида ёки ёмон кўрган ва ёқмайдиган нарсаси унга мусибат бўлиб келга-нида юзага чиқади. Одам қўлга кирита олмагани унга мусибат эмаслигини, унга мусибат бўлиб кел-ган нарса эса адашиб келиб қолмаганини яхши ан-глаб олиши лозим. Бўлар иш бўлганидан сўнг но-розиликдан фойда йўқ. Аслида норозилик туфайли ўзига фойдали нарсани йўқотиши ва зарар беради-ган нарсани жалб қилиб олиши мумкин. Ҳадисда: *“Эй Абу Хурайра, сен йўлиққан нарсада қалам қуриди. Ҳукмдан фориг бўлинди, тақдирлар ёзилди, қалам кўтарилди ва саҳифалар қуриди”*, дейилган.

## САЛОМАТЛИК РИЗОДА

Розилик одамга саломатлик эшигини очади. Юрагини нафрат, алдаш ва шубҳалардан холи ва саломат қилади. Аллоҳ олдига саломат қалб би-лан борганларгина азобдан қутулади. У қалб шак-шубҳадан, ширкдан, иблис ва унинг аскарлари чалғитиши, довдиратиши, сусайтириши, ваъда ва кўрқитишларидан саломат бўлади. Бундай қалбда Аллоҳдан бошқаси бўлмайди. Аллоҳ айтади: *“(Яна ўзингиз:) “Аллоҳ (нозил қилган эди)”, деб ай-тинг! Сўнг уларни ўз ҳолларига қўйиб беринг – ўйнаб (адашиб) юраверсинлар”*<sup>176</sup>.

Қалб ғазаб ва норозиликдан саломат бўлиши жуда қийин. Банданинг розилиги комил бўлгани сари унинг қалби ҳам саломат бўлиб боравера-ди. Кирик, алдаш ва шубҳа норозиликнинг яқин дўстларидир. Қалб саломатлиги ва яхшилиги эса розиликнинг инисидир. Ҳасад ҳам норозиликдан

<sup>176</sup> Аньом сураси, 91-оят.

туғилади. Қалб ундан саломат бўлиши розилик меваси ҳисобланади.

Розилик тавҳид боғида ихлос суви билан суғорилган бир дарахтдир. Унинг томири имон ва шохлари яхши амаллар бўлади. Унинг меваси мана бу ҳадисда айтилган имон ҳаловатидир: **“Аллоҳнинг Раб эканига, Исломнинг дин эканига ва Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбар эканига рози бўлган киши имон таъмини тотибди”**, дейилган.

### НОРОЗИЛИК ШУБҲА ЭШИГИДИР

Норозилик банда учун Аллоҳга, Унинг ҳукми, тақдири, ҳикмати ва илмига шубҳа билан қараш эшигини очади. Норози киши, гарчи ўзи сезмасада, юрагига кириб қоладиган ва уни қалқитиб кўядиган шубҳадан саломат бўлиши қийин. Бундай одам ўзини яхшилаб текшириб кўрса, имон-ишончига шубҳа-гумонлар аралашиб бораётганини ҳис этади. Розилик билан ишонч – ажралмас дўст. Норозилик билан шубҳа эса – туғишган ака-ука. Бу маънони ушбу ҳадисда ҳам кўришимиз мумкин: **“Агар розилик ҳамда ишонч билан амал қила олсанг, шундай қил! Агар бундай қила олмасанг, нафс ёмон кўрган нарсага сабр қилишда катта яхшилик бор”**<sup>177</sup>.

Норози бўладиганлар ичларида норози бўлиб юрадилар. Гапирмасалар ҳам, ғазабда бўладилар. Уларда: “Нима учун? Бу қандай бўлади? Нимага бундай бўлди?” каби бир неча муаммоли саволлар йиғилиб туради.

### РОЗИЛИК – БОЙЛИК ВА ОМОНЛИК

Юраги тақдирдан розилик ҳислари ила лиммолим бўлса, бундай кишининг юрагини Аллоҳ бойлик, омонлик, қаноат билан тўлдириб кўяди. Ўзининг муҳаббати, унга юзланиш, таваккал

<sup>177</sup> Термизий ривояти.

қилиш билан бойитади. Розилиқдан насибасиз кишининг юрагида эса бундай бойлик топилмайди. Саодати ва нажотига сабаб бўладиган ишлардан юз ўгиради.

Розилиқ қалбни Аллоҳ учун бўшатади – бошқа бекорчи нарсалардан тозалайди. Норози одамнинг қалбида Аллоҳга жой қолмайди, натижада Уни ўзидан узоқлаштиради. Норози одамга ҳаёт йўқ, ғазабнок кишида барқарорлик йўқ. Унинг иши ва ҳаёти чалкаш бўлади. Унга ризқи кам, насибаси арзимас, берилган неъматлар аҳамиятсиз, етган мусибат жуда катта бўлиб кўринади. Ўзини неъматларнинг бундан ортиғи ва кўпроғига лойиқ, мусибатларни эса ҳақсиз деб ўйлайди. Унинг назарида Рабби унга кам бериб кўпидан қисган, балоофатни эса ортиғи билан юбораётган бўлиб туйилади. Шунинг учун қандай дўст бўлиш, қандай хурсанд бўлиш ва қандай ҳаёт кечириш ҳақида бош қотиради. Аллоҳ таоло айтади: **“Бунга сабаб – уларнинг Аллоҳни ғазаблантирган нарсасига (мунофиқликка) эргашиб, Унинг розилигини ёмон кўрганларидир. Бас, (Аллоҳ) уларнинг (қилган яхши) амалларини (ажрсиз ҳолда) беҳуда кетказди”**<sup>178</sup>.

## ШУКР – РОЗИЛИКНИНГ МЕВАСИ

Розиликнинг меваси имоннинг нафақат энг олий мартабаси, балки унинг моҳияти бўлган шукрдир. Шукрнинг энг юқори чўққиси – Аллоҳга шукр қилишдир. Аллоҳнинг инъомлари, ҳукмлари, тадбири, олиши ва беришига шукр қилмаган одам Унга шукр қилмаган бўлади. Шукр инсонга берилган энг катта неъмат ва энг гўзал хулқдир.

<sup>178</sup> Мухаммад сураси, 28-оят.

## КУФР – НОРОЗИЛИК МЕВАСИ

Берилган неъматларга рози бўлмаслик (куфрони неъмат) қилиш шукрсизлик мевасидир. Бу нарса гоҳида одамни неъмат берувчига ҳам куфрона ҳаракат қилишга олиб боради. Банда ҳар қандай ҳолатда Яратганидан рози бўлса, берилган неъматга шукр қилган бўлади. Шунда шукр қилувчи ва рози бўлувчилардан бўлади. Розилик бўлмаса, куфр келтирганларнинг йўлидан юради. Кўплар илоҳликни хоҳлаб қолгани учун эътиқодларида адолатсизлик, диёнатларида камчилик пайдо бўла бошлайди. Улар ўзларида Парвардигорига таклиф беришга ва хоҳлаган нарсаларини амалга оширишни талаб қилишга журъат этади. Аллоҳ таоло айтади: **“Эй имон келтирганлар! Аллоҳ ва унинг пайғамбари олдида (иккисининг изнисиз бирон сўз ёки ишни) тақдим этмангиз!”**<sup>179</sup>

## НОРОЗИЛИК ШАЙТОННИНГ ТУЗОҒИ

Шайтон кўп ҳолларда инсон норози бўлиб ғазабланганида ва шахват вақтида уни алдашга уринади, тўрига илинтиради. Шайтон тўрига илинган киши, айниқса, норози бўлиб турган вақтда Аллоҳ рози бўлмайдиган сўзларни айтади, У рози бўлмайдиган ишни қилади ва У рози бўлмайдиган ишларни ният қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўғиллари Иброҳим вафот этганида айтган сўзлари биз инсонларга яхши кўрсатмадир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Қалб хафа бўлади, кўз ёш тўкади. (Шундай бўлса ҳам) фақатгина Раббимизни рози қиладиган сўзларнигина айтамыз”,** дедилар. Чунки боласидан айрилиш бандани тақдирга норози бўлишга ундайдиган энг катта синовлардан биридир. Бундай вақтда кўплар норози бўлади, Аллоҳ рози бўлмайдиган сўз сўзлаб,

<sup>179</sup> Хужурот сураси. 1-оят.

У рози бўлмайдиган ишлар қилади. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу каби ҳолатларда ҳам Аллоҳ рози бўладиган сўзларнигина айтишларини хабар бермоқдалар. Ёмон кўринган иш бошига тушганда банда қуйидаги уч нарсага эътибор қаратсин. Шунда барча мусибатлар арзимас экани билинади:

1. Такдир қилгувчи Зот барча нарсани ҳикматсиз қилмаслигини ва бандага нима фойдали эканини билгувчи роқ эканини билсин.

2. Мусибат етганида сабр қилгани учун Аллоҳ ваъда қилган улкан ажр-савоблар борлигини билсин.

3. Ҳукм қилиш ва буйруқ бериш Аллоҳга хошлигини, бўйин сунуш ва қулоқ тутиш банданинг иши эканини билсин.

Аллоҳ таоло айтади: **“Эй Муҳаммад! Раббингизнинг раҳматини улар тақсимлайдиларми?!”**<sup>180</sup>

### РОЗИЛИК ҲАВОЙИ НАФСНИ ЙЎҚОТАДИ

Розилик юракдан ҳавойи нафсни чиқариб юборади. Рози бўлувчининг хоҳиши Аллоҳнинг истакларига тобе бўлади. Розилик билан ҳавойи нафсга тобелик ҳеч қачон бир юракда тўпланмайди. Бир юракда иккаловидан ҳам озроқ-озроқ бўлиши мумкин. Унда қайси бири кўпроқ бўлса, юрак ҳам кўпроғининг ортидан эргашади.

#### **Шеър:**

*Бедорлигимдан гар бўлсангиз ризо*

*Мудрашимга Ҳақдан саломлар келур.*

Аллоҳ таоло айтади: **“...Мен эса, рози бўлишинг учун Сен томон шошдим, эй Раббим!”**<sup>181</sup>

<sup>180</sup> Зухруф сураси, 32-оят.

<sup>181</sup> Тоҳа сураси, 84-оят.

**Шеър:**

*Ҳасадгўйлар сизни айласа хурсанд,  
У не қилса сизга бўларкан писанд.*

\*\*\*

Мўл-кўлчиликда Аллоҳга яқин бўлсангиз, кийинчилик вақтида У ҳам сизга яқин бўлади.

Банда билан Рабб орасида чин юракдан боғланиш бўлиши керак. Раббига юзланиб, Унга яқин бўладиган даражани топиши керак. Шунда киши Аллоҳга дўст бўлади, зикр, дуо, муножот ва ибодат қилганида ҳаловат топади. Банда дунё ва охиратда доим кийинчиликка дуч келади. Агар банда Аллоҳ билан ўзаро яқинликни ҳосил қилса, барча муаммодан осон кутилади.

**ДЎСТЛАР ХАТОСИДАН КЎЗ ЮМИШ**

**“Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўгилинг!”<sup>182</sup>**

Агар киши дўстининг кўпроқ хулқидан қониқса, унинг одоб-ахлоқидан мамнун бўлса, кичик хатолари учун ундан юз ўгириши яхши эмас. Озгина нарса кечирилади, комилликка эса ҳамма ҳам эришавермайди. Аллома Киндий айтадилар: “Табиати тўрт хил (темпераменти) бўлган дўстидан доимо бир хил муомала ва хулқ-атвори қандай талаб қилиш мумкин?! Кишига бўйсунуши, иродасига тобе бўлиши лозим бўлган ўз нафси соҳибига барча истакларида итоат этмай турган бир пайтда ўша инсон камолотни дўстидан талаб қилиши тўғрими?!”

**“...Илгари сизлар ҳам шундай (имонингизни сир тутар) эдингиз, (сўнгра) сизларга Аллоҳ неъмат ато этди”<sup>183</sup>.**

<sup>182</sup> Аъроф сураси, 199-оят.

<sup>183</sup> Нисо сураси, 94-оят.

“Бас, сизлар ўзларингни оқламай қўя қолинглар! У тақводор кишиларни яхши билувчидир”<sup>184</sup>.

Дўстингиз хулқининг кўпи сизга маъқул бўлса, етади. Абу Дардо (розияллоҳу анҳу): “Дўстнинг йўқлигидан таъна дошном берадиган дўст бўлгани яхши. Қайси дўстингиз сизга ўзини борлигича бағишлай олади?!” дер эдилар. Баъзи шоирлар шу маънони куйидагича шеър қилиб ёзганлар.

**Шеър:**

*Сени деб ҳеч кимса бўлолмас фидо,  
Бировни деб ўздан бўлмагин жудо.  
Ногаҳон бир киши сабот кўрсатса,  
Сенга малол келмас бу иш мутлақо.*

**Шеър:**

*Ким топа олмаса тўлиқ адолат,  
Ўзгаларга ҳам у қиломас шафқат.  
Ўзини борича қилгувчи фидо –  
Қайда ҳам бор экан бундайин хилқат?!*

Донишмандлар айтадилар: “Ўзгалардан инсоф талаб қилиш инсофсизликдир”.

Айрим ҳаким зотлар: “Биз ўз нафсимиздан рози эмасмиз, қандай қилиб бошқалардан рози бўлайлик?!” дейишади.

Бир кишининг хулқига ҳавас қиласиз, фазилатларини биласиз, ундан розисиз, ақлини ҳам тан оласиз – шундай кишининг кўпгина фазилатлари орасида учрайдиган кичик бир айби ёки камчилигини деб ундай дўстдан айниб кетиш инсофданми? Кичик хатоларга кўз юммасангиз, мутлақо айбсиз, хато қилмайдиган комил инсонни топа олмайсиз. Ҳавойи нафсга берилмаган ҳолда, танқид кўзи ила ўзингизга бир боқинг. Шубҳасиз, диққатингизни

<sup>184</sup> Наҳм сураси, 32-оят.

Ўз нафсингизга қаратишингиз, уни текширишингиз сизни тинчлантиради, гуноҳқорларга юмшоқ муомала қилишга ўргатади.

**Шеър:**

*Ҳеч ким истагимни тўлиқ қилолмас,  
Айбим ислоҳ этгич бир дўст бўлса бас.*

**Шеър:**

*Айбдан холи эмас ҳеч қайси инсон,  
Дўст танбеҳи билан камаяр нуқсон.*

Бу сўзлар биз таърифлаган, ўзига ва тўрт хил табиатли (темпераментли) дўстига нисбатан бағрикенгроқ бўлиш борасидаги гапларни инкор этмайди. Чунки зарурий нарсалар кечирилади. Дўстингиздан содир бўлган озгина камчилик сизни ундан узоқлаштирмасин. То у ёмон томонга бутунлай ўзгаргани аниқ бўлмагунича кичик хатоси сабабли у ҳақда ўринсиз гумон қилишингизга олиб бормасин. Кичик айблар руҳий танаффус ва ақлий ҳордиққа йўйилади. Инсон гоҳида ўз нафсининг ҳам риоясини қила олмайди, уни эътиборсиз қолдиради. Лекин ўз нафсига душманлиги ёки ундан малоллангани учун эмас.

“Мансурул ҳикам” китобида бундай дейилади: “Ишонган дўстингиз ҳақида ёмон гумонга бориб ўзингизни бузманг”.

Жаъфар ибн Муҳаммад ўғлига: “Эй ўғлим, ўртоқларингдан биронтаси сен ҳақингда ҳақни гапириб ғазабланса, уни дўст тутгин!” деган эди.

Ҳасан ибн Ваҳб бундай дейди: “Агар дўстларнинг нуқсони бўлса, уни кечириш ва афв қилиш муҳаббатнинг ҳақларидандир”.

Алидан (розияллоҳу анху) “...**Бас**, (шундай экан, жоҳилларнинг азиятларига сабр қилинг ва уларни)

чиройли юз ўгириш билан тарк этинг!”<sup>185</sup> ояти борасида “Таънализ рози бўлиш” деганлари ривоят қилинади.

**Шеър:**

*Булоққа гард етса, нуқсон бўлади,  
Айбсиз дўст излаган дўстсиз қолади.*

**Шеър:**

*Сени чўчитмасин дўстнинг нуқсони,  
Уни ислоҳ айла бўлса имкони.  
Асло ғазаб қилма тўғрисуз дўстга,  
Ахир, танбеҳ – дўстнинг дўстга эҳсони.*

“...Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида эди, сизлардан бирон киши (туҳматдан) пок бўлмас эди”<sup>186</sup>.

**Шеър:**

*Дўст истайсан айбсиз ҳам фазли бутун,  
Қуруқ шох ёнарми ҳидсиз, бетутун.*

“Бас, сизлар ўзларингни оқламай қўя қолинглар! У тақводор кишиларни яхши билувчидир”<sup>187</sup>.

## СОҒЛИҚНИ ВА БЎШ ВАҚТНИ ҒАНИМАТ БИЛИНГ

Аллоҳ таолога қулликда камчиликка йўл қўйиш ва олдин қилинган амалларга ишониш билан танингиз саломатлигини ва бўш вақтингизни зое қилиб қўйманг. Шижоатни саломатлигингиз, солиҳ амалларни эса бўш вақтингиз маҳсули қилиб олинг. Зеро, ҳар бир вақт учун яхшиликлар ҳозирлаб қўйилмаган, ўтган ишларнинг ҳаммасини тўғрилашнинг ҳам иложи йўқ. Йўлдан оғиш, надомат, ёки афсус бекорчиликдан бўлади.

Умар (розияллоҳу анҳу) айтадилар: “Роҳат эркаклар учун ғафлат, аёллар учун шахватдир”.

<sup>185</sup> Хижр сураси, 85-оят.

<sup>186</sup> Нур сураси, 21-оят.

<sup>187</sup> Наҳм сураси, 32-оят.

Бузургмехр айтади: “Агар бандлик шижоат макони бўлса, у ҳолда бекорчилик фасодларга макондир”.

Ҳакимлар: “Бекорчиликдан сақланинг! У ақлни бузади, заифни йикитади”, дейишади.

Яна айтишади: “Кунингизни манфаатсиз ишлар ила ўтказманг, мол-мулкингизни савобсиз ишларга сарфламанг. Умрингиз манфаатсиз ишларга кетказишдан кўра қисқароқ, молингиз савобсиз ишларга сарфлашдан кўра озроқдир. Ақлли киши ўзига фойдаси ва яхшилиги бўлмаган ишлар билан умрини ўтказмайди, молини савоб ва ажр бўлмайдиган ўринларда инфоқ қилмайди”.

Бу ҳикматдан кўра Исо (алайҳиссалом)нинг сўзлари гўзал ва пурмаънороқдир. У киши (алайҳиссалом) айтадилар: “Яхшилик уч хилдир: сўз, назар, сукут. Кимнинг сўзи зикр бўлмаса, у бемаънилиқдир. Кимнинг назари ибрат бўлмаса, у хатодир. Кимнинг сукути тафаккур бўлмаса, у эътиборсизликдир”.

## АЛЛОҲ МУМИНЛАРНИНГ ДЎСТИДИР

Банда тарбияловчи Парвардигорга ва бошқарувчи Мавлога муҳтож. Илоҳда эса қудрат, нусрат, ҳукм, беҳожатлик, қувват ва боқийлик сингари сифатлар бўлиши шарт. Бу сифатлар ила сифатланган Зот Аллоҳдир.

Бу борлиқда банда ёлғиз Аллоҳ таоло билангина сакинат топади, У билангина хотиржам бўлади, Унга юзланиш орқали неъматланади. У қўрққанларга бошпана, химоя сўраганларга химоячи, ёрдам сўраганларга ёрдамчидир.

**“Раббингизга (ёрдам сўраб) фарёд қилганингизда: “Мен сизларга кетма-кет (келувчи) минг нафар фаришта билан мадад берувчи-**

дирман”, деб (дуоингизни) ижобат этганини эслангиз!”<sup>188</sup>.

“Айтинг: “Агар билсангиз (айтинглар-чи), барча нарсанинг ҳукмронлиги “қўли”да бўлган, Ўзи (барчага) ҳомийлик қиладиган, Унга қарши ҳомийлик қилинмайдиган зот кимдир?”<sup>189</sup>.

“Улар учун Аллоҳдан бошқа дўст ҳам, оқловчи ҳам бўлмаган ҳолда Парвардигорлари ҳузурига тўпланишларидан қўрқадиганларни у (ваҳий) билан огоҳлантиринг, зора тақволи бўлсалар!”<sup>190</sup>

Ким Аллоҳдан ўзгага қуллик қилса, ҳолбуки, у кимса бу дунёда баъзи лаззат ва муҳаббатга эришса-да, аслида, бу лаззат ва муҳаббат унга заҳарли таом “лаззат”идан ҳам катта офатдир.

“Агар иккиси (Ер ва осмон)да Аллоҳдан ўзга илоҳлар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетган бўлур эди. Бас, Арш эгаси бўлмиш Аллоҳ улар сифатлаётган (шериклардан) покдир”<sup>191</sup>.

Осмон ва ернинг моҳияти ҳақ илоҳ бор бўлишини тақозо этмоқда. Аслида, агар бу борликда Аллоҳдан ўзга илоҳ бўлса, у ҳақиқий илоҳ бўлмайди. Чунки Аллоҳ таолодан юқори ҳам, Унга ўхшаш ҳам бирон нарса йўқ. Демак, у (иккинчи илоҳ) билан яроқли бўладиган нарса йўқлиги тўфайли Аллоҳдан ўзга илоҳнинг бор бўлиши ботилдир. Булар бари улуҳият жиҳатидан. Аммо бундан ташқари банда доим илоҳга, ҳомийга, ёрдамчига муҳтожлиги аниқ. Бу эса ўткинчининг (банда) боқий (Аллоҳ) билан, заифнинг кучли билан, муҳтожнинг беҳожат билан боғланишидир. Аллоҳ таолони “Рабб” ва “Илоҳ” деб билмаган кимса ўзи яхши кўрган, ёқтирган ва рағбат қилган нарсалар ва суратларни маъбуд қилиб олади. Натижада у кимса ўша нарсаларнинг хизматкори ва қулига айланади.

<sup>188</sup> Анфол сураси, 9-оят.

<sup>189</sup> Муъминун сураси, 88-оят.

<sup>190</sup> Анъом сураси, 51-оят.

<sup>191</sup> Анбиё сураси, 22-оят.

“Кўрдингизми, ким (нафсу) ҳавосини илоҳ қилиб олган бўлса, Сиз унга вакил (ундан қайтариб туришга масъул) бўлармидингиз?!”<sup>192</sup>.

“Улар (Макка мушриклари) Аллоҳни қўйиб, ўзларига ҳимоячи бўлиши учун “илоҳлар” тутдилар”<sup>193</sup>.

Бир ҳадисда бундай дейилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Эй Ҳусойн*<sup>194</sup>, *нечта (нарсага) ибодат қиласан*”, деб сўрадилар. У: “Ет-титага. Олтитаси ерда, биттаси осмонда”, деб жавоб берди. Шунда ундан яна: “(Уларнинг) қай бирига хоҳиш ва қўрқинч (туфайли ибодат қиласан)?” деб сўраган эдилар, у: “Осмондагисига”, деб жавоб берди. Шунда (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “*Ердагиларини қўй. Осмондагига*<sup>195</sup> *ибодат қил*”, дедилар.

Билинг, банданинг Аллоҳга муҳтожлиги Унгагина қуллик қилиб ибодат қилиб, бошқасини Унга шерик қилмаслигидир. Аллоҳнинг қиёсласа бўладиган биронта ўхшаши йўқ. Тананинг таомга ҳожати айрим томондан бунга ўхшаса-да, улар орасида кўплаб фарқлар бор.

Банданинг ҳақиқати, яъни, моҳияти унинг қалби ва руҳидир. Улар эса Ундан ўзга илоҳ бўлмаган Аллоҳ билангина салоҳиятли бўлади. Фақат Уни эслаш билан хотиржам бўлади. Унга йўлиқиш учун меҳнат-машаққат чекади. Унга йўлиқишдан ўзга чора йўқ. Унга йўлиқишсиз салоҳият ҳам йўқ.

### **Шеър:**

*Ким Аллоҳни суйса, суяди Аллоҳ,  
Бундан мосиводир ҳамиша гумроҳ.*

<sup>192</sup> Фурқон сураси, 43-оят.

<sup>193</sup> Марям сураси, 81-оят.

<sup>194</sup> Бу уриндаги “Ҳусойн” исми ўзбек тилидаги “Ҳусайн” исмидан бошқача.

<sup>195</sup> Бу уриндаги “осмондагига” сўздан Аллоҳ таоло осмонни макон тутишга муҳтож экан-да, деган тушунчага келмаслик лозим. Зеро, Аллоҳ таоло замон ва макондан холи пок Зотдир. Кейинги уламолар Аллоҳнинг кудрат сифатлари осмонда намоён бўлгани учун бу уринда шу сўз ишлатилганини айтишади.

*Умидинг узмагин Аллоҳ фазлидан,  
Амалга суяниб қолмагин ҳеч ҳам.*

Банда Аллоҳга қуллик қилмай ҳам шодлик, сурур ва лаззатлар туюши мумкин, лекин улар узоқ давом этмайди, бир турдан бошқа турга, бир шахсдан иккинчисига кўчиб юради. Ҳа банда бу нарсалар билан баъзи вақт ва ҳолларда неъматланса, бошқа вақт ва ҳолларда неъматлана олмайди. Ҳатто гоҳида бу лаззатларга эришиш у бандага азият беради ва зарар келтиради.

Аммо Рабби доимо, ҳар вақт ва ҳар ерда у билан бирга.

**Шеър:**

*Ҳамма норозию сен мендан рози,  
Шу эрур асли мен кутган муддао.*

Ҳадиси шарифда бундай дейилади: *“Ким одамлар ёмон кўришига қарамай Аллоҳни рози қилса, Аллоҳ ундан рози бўлади ва одамларни ҳам ундан рози қилади. Ким одамларни рози қиламан деб Аллоҳни ғазаблантирса, Аллоҳ унга ғазаб қилади ва одамларни ҳам ундан ғазаблантириб қўяди”.*

Амир Абу Далафни мақтаб шеър ёзган шоир Акаввакнинг ҳикояси ҳеч ёдимдан чиқмайди:

**Шеър:**

*Яхшиликлар қилиб, кўрсатиб саҳо,  
Битилган тақдирни қиларсан адо.*

Аллоҳ таоло унинг устидан Маъмунни ҳукмрон қилди ва халифа Маъмун уни айнан шу шеъри учун ўлдиртирди.

### ЙЎЛДАГИ БЕЛГИЛАР

Бахт ва саодат излаган кишилар йўлида ёрқин белгилар ва очиқ ишоралар бор. Уларни кўрганлар демак ўсяпти, демак муваффақиятга эришяпти, демак бахтлидир.

Бахт-саодатга эришганликнинг белгиларидан бири банда илми ортгани сайин унинг тавозеси ҳам ортиб, раҳмати қайнаб бораверади. У худди қимматбаҳо жавҳарга ўхшайди. Бу жавҳар тобора оғир ва нафис бўлиб боргани сайин денгизнинг янада туброғига етади. Бундай банда, албатта, илм мустаҳкам бир ҳадя эканини, Аллоҳ бандаларидан истаганини у билан имтиҳон қилишини яхши билади. Агар банда илм ҳадясини гўзал қабул қилса ва шукрини ҳам гўзал тарзда адо этса, Аллоҳ илм ила унинг даражасини юксакларга кўтаради.

**“...Аллоҳ сизлардан имон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража (мартаба) ларга кўтаради...”<sup>196</sup>**

Саодатга эришган банданинг амали ортгани сари унинг Раббидан кўрқинчи ҳам ортиб бораверади. У банда энди ҳеч қайда қадами тойишидан, тили хато кетишидан ва қалби ўзгариб қолишидан хавотирда бўлади. У худди моҳир овчи ёки дайди ўқдан кўрқиб тинимсиз шохдан-шоҳга учиб юривчи қуш каби доимий ҳисоб-китоб остида ва кузатувдадир.

Саодатли банданинг умри қанчалар узайса, ҳирси шунчалик камаяди. У ўзининг ҳаёти охирига келаётганини, йўлни босиб ўтганини ва охиратга яқин қолганини жуда яхши билади.

Саодатли банданинг моли кўпайгани сари саховати ҳам кўпайиб-тошиб бораверади. Зеро, молдавлат – вақтинчага берилган нарса, уни берган Зот –имтиҳон қилувчи, улар орасидаги муносабат – савобга эришиш имкони, ўлим эса пойлаб турган ҳодисадир.

Саодатли банданинг даражаси ва кадр-қиммати ортгани сари унинг одамларга яқинлиги, уларга ғамхўрлиги ва тавозеси ҳам ортиб боради. Чунки

<sup>196</sup> Мужодала сураси, 11-оят.

одамлар Аллоҳ азза ва жалланинг боқимандалари. Аллоҳга бандалари ичида энг суюклиги боқимандаларига яхшилик қилган қулларидир.

Қуйидагилар бахтсизлик белгиларидир:

Бахтсиз кимсанинг илми ошгани сари кибри ва ифтихори ҳам ортади. Унинг илми фойдасиз, қалби бўм-бўш, табиати дағал, тупроғи (асли) ўғитдир.

Бахтсиз кимсанинг амали кўпайса, унинг фохри, инсонларга нафрати ва ўзига ишончи ортиб бораверади. У ёлғиз менгина нажот топаман, қолганлар – ҳалокатда, ёлғиз менга ғалаба кафолатланган, қолганлар нобуд бўлувчи бахтсиз кимсалардир, деб билади.

Бахтсиз кимсанинг ёши катталашгани-ўтгани сайин дунёга ҳирси катталашиб-ортиб бораверади. У мол-дунё тўплайверади, аммо уни ҳеч ким билан баҳам кўрмайди. Воқеа ва ҳодисалар унинг бу ҳолини ўзгартира олмайди. Мусибатлар бундай кимсани ҳаракатлантирмайди. Фалокатлар уни ғафлат уйқусидан уйғота олмайди.

Бахтсиз кимсанинг мол-мулки ортгани сайин бахиллигию хасислиги ҳам ортиб бораверади. Қалби тобора қашшоқлашиб, саховати сўниб, лутфу карамдан узоқлашиб, номуссиз, уятсиз бўлиб бораверади.

Бахтсиз кимсанинг ҳурмат-эйтибори, нуфузи ортгани сари унинг кибру ҳавоси ҳам ортаверади. У мағрур, иродаси маънисиз, ўпкасини кўлтиқлаган бир кимсадир. Аммо охир-оқибатда у ҳеч ким эмас.

**Ҳадиси шарифда бундай дейилади: “Қиёмат кунини мутақаббир кимсалар қумурсқа суратида тириладилар. Инсонлар уларни оёқлари билан босиб ўтадилар”.**

Саналган бу ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг имтиҳони ва синови бўлиб, Аллоҳ улар би-

лан бандаларини синайди. Айримлар имтиҳондан яхши ўтиб саодатга эришса, айримлар имтиҳондан йиқилиб, бахтсизликка юз тутадилар.

### ИКРОМ ЭТИШИ – СИНОВДИР

Мол-мулк, салтанат имтиҳон бўлгани каби каромат ҳам Аллоҳдан бир синов ва имтиҳондир. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “...Бас, унинг (тахтнинг) ўз ҳузурда турганини кўргач, деди: “Бу Раббимнинг шукр қиламанми ёки шукрсиз бўламанми – имтиҳон этиш учун берган фазлидандир”<sup>197</sup>. Аллоҳ субҳонаху ва таоло неъматларни ким уни гўзал қабул қилиши, шукрини адо этиши, омонатни қай тарзда сақлаши, ундан ўзи ҳам фойдаланиши ва ўзгаларни ҳам фойдалантиришини ёки уни ҳалок қилиши, неъматга куфр келтириши, уни Аллоҳнинг йўлига қарши ишлатиши, У билан хусуматлашиш йўлида сарфлашини кўриш учун тортиқ қилади.

Машаққатлар имтиҳон бўлгани каби неъматлар ҳам Аллоҳ таолодан имтиҳондир. У бандаларини мусибатлар ила синагани каби неъматлар билан ҳам синайди. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: “Бас, энди инсонни қачон Парвардигори синов учун икром этиб, унга неъмат ато этса, дарҳол: “Парвардигорим (лойиқ бўлганим учун) мени икром этди”, дер. Аммо, қачон (Парвардигори) уни синов учун, ризқини танг қилиб қўйса, дарҳол: “Парвардигорим мени хор қилди”, дер. Йўқ!”<sup>198</sup> Яъни, ҳар бир ризқини кенг қилган, неъмат берган ва икром этган бандамга бу тортиқларим Мендан икром эмас. Айни чоқда ризқини тор қилган ва машаққатларга ташлаган ҳар бир бандамнинг қийинчиликлари уларни хорлашим эмас.

<sup>197</sup> Намл сураси, 40-оят.

<sup>198</sup> Фажр сураси, 15 – 17-оятлар.

## БОҚИЙ ХАЗИНА

Ислом, имон, эҳсон, тақво, тавба, Аллоҳга ёл-вориш, Унинг йўлидаги курашлардан иборат ҳисобсиз тортиқлару гўзал туҳфалар ўз эгаси билан бирга то охират диёригача боқий қоладиган хазиналардир. **“...Уйларга орқа томондан киришларингиз яхшилик эмас, балки яхшилик тақво қилган одам(нинг яхшилиги)дир. Уйларга (уларнинг) эшикларидан киринглар ва Аллоҳдан кўрқинглар, шояд (шунда охиратда) нажот топсаларинг”<sup>199</sup>.**

## СУРАЙЁНИ ЗАБТ ЭТУВЧИ ҲИММАТ

Агар бандага олий ғайрат, ҳафсала берилса, ўша банда бу билан фазилатларга ва олий даражаларга эришади.

Улкан ғайрат-шижоат, олий мақсад, улуғвор чўққини кўзлаш ва буюк ғоялар ила сифатланишлар Ислом табиатидандир. Ғайрат тортишиш маркази, шахсингиздаги ижобийлик, аъзоларингиз нозири ва кузатувчисидир. У ўз соҳибини олий даражаларга йўлловчи ва яхши ишларда мусобақага чорловчи ҳиссий ёнилғи ҳамда қизғин куч-қувватдир. Аллоҳнинг изни ила улкан ғайрат комиллик даражасига кўтарилишингиз учун сизга сонсиз-саноксиз яхшиликлар олиб келади. У сизнинг томирларингизда жасорат, илм ва амал соҳасида илғорликни жорий қилади. Одамлар сиз фақат фазилатлар қаршисида тўхтаганингизни, фақат муҳим ишлар билан бандлигингизни, фазилатларда муҳаққиқлар билан беллашаётганингизни, паст нарсаларга рози эмаслигингизни, сафнинг охирида турмаслигингизни ва оз (амал)ни қабул қилмаслигингизни кўрадилар. Ғайрат ва ҳафсала билан безансангиз маънисиз орзулару ишлар сиз-

<sup>199</sup> Бақара сураси. 189-оят.

дан узоқлашади. Шижоат сизнинг табиатингиздан хўрлик, хорлик, лаганбардорлик ва тилёғламалик каби иллатларни таг-томири билан қуритиб ташлайди. Ҳиммат хотиржамликдир. Шижоатли киши ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини йўқотмайди. Ғайратсиз, сусткаш кишилар эса қўрқоқ ва аҳмоқ бўлиб, заифлик ҳатто уларнинг тилларини боғлаб қўяди.

Адашиб кибр ва ғайрат-шижоатни бир-бири билан аралаштириб юборманг! Улар орасида ер билан осмонча фарқ бор. Улкан ҳиммат озод ва намунали қалб тождир. Инсон у билан доимо поклик, улуғлик, олийлик ва фазилатлар сари олға боради. Улкан ғайрат кишини юзага чиқара олмаган яхши ишлари учун маломат қилади, ҳасрат чектиради. У мақсад ва ғояга етишда доимий жўшқин ҳаракат ва иштиёқли меҳнат узрадир.

Улкан ҳиммат пайғамбарлар меросхўрларининг зийнати бўлса, кибр бахти қаро золимлар касаллигидир.

Олий ҳиммат доимо кишини юксакларга кўтаради. Кибр эса ҳар доим ўз эгасини жарлик томон судрайди. Эй илм истовчи, ўзингизда олий ҳимматни шакллантиринг, ундан бошқа ёққа бурилманг. Шариат ҳам ҳаётимизни тўлдирган фикҳий масалаларда олий ҳимматга тарғиб қилган. То уни доимо ғанимат билайлик. Намоз фарз бўлган кишига сув йўқ пайтда таяммумнинг мубоҳлиги, таҳорат суви бозор нархидан қиммат бўлса, унга пул ишлатиш мажбурий эмаслиги бунга мисолдир. Чунки бунда ҳимматни пасайтириш бор. Қолган нарсаларни ҳам шунга қиёсланг.

### **Шеър:**

*Ҳиммат дўст наздида қуёш ҳойнаҳой,  
Ёки шуъласида битик битган ой.*

**Шеър:**

*Ҳиммат бўлса агар кўз кўзга етар,  
Кўзлаган ҳар ишинг шу бугун битар.*

**АҚЛ ВА ФИКР ҚИРОАТИ**

Доно ва закий кишиларнинг асарларини ўқиш ва тафаккур қилиш кишини хотиржам ҳамда бахтиёр қилувчи ишлардандир. Ўқиш ва тафаккур қилиш инсоният саййиди Расулulloҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва ўша закий зотлардан нурдай сочилаётган гўзал маъноларни фаҳмлаётган кишига таскинлик беради. Бошқа одамларни Аллоҳнинг расулига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қиёслаб бўлмаслиги маълум. Чунки У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ваҳий билан қувватланган, мўъжизалар билан тасдиқланган ҳамда очиқ-равшан оятлар билан юборилганлар. Бу эса У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) билан бошқа ақл ва фаҳм эгалари орасидаги фарқдир.

**“КАСАЛ БЎЛГАНИМДА, УНИНГ ЎЗИ  
МЕНГА ШИФО БЕРУР”<sup>200</sup>**

Букрот: “Зарарли ишларни камайтириш фойдали ишларни кўпайтиришдан яхшироқдир”, дейди. У яна бундай дейди: “Дангасалик, кўп таом ҳамда ичимликни тарк қилиш орқали доимо соғлом бўлинг!”

Табиблар айтадилар: “Соғлом бўлишни истаган киши озуқасига эътибор қаратсин. Фақат сара маҳсулотларни истеъмол қилсин. Чанқаганидагина ичимлик ичсин. Имкон қадар сувни камроқ ичсин. Кечки таомдан сўнг пиёда юрсин. Қорни очгунга қадар ухламасин. Тўқ қорин билан ҳаммомга кирмасин. Ёзда бир марта ҳаммом қилиш қишдаги ўнтадан яхшироқ”.

<sup>200</sup> Шуаро сураси, 80-оят.

Ҳорис айтадилар: “Ким узоқ яшашни истаса но-нуштани эрта, кечки овқатни ҳам эртароқ есин. Енгил кийинсин ва аёлларга яқинликни камай-тирсин”.

Афлотун айтади: “Беш нарса баданни эритади ва кўпинча уни ўлимга олиб боради: кўлнинг калталиги (ночорлик), яқин кишилардан айрилиқ, кўп ғазаб, самимий бўлмаслик, жоҳилларнинг ақллилар устидан кулиши”.

Букротнинг пурмаъно сўзларидан бири қуйидагича: “Ҳар нарсанинг кўпи табиатнинг душманидир”.

Жолинусдан “Нега сиз ҳеч касал бўлмайсиз?”, деб сўрашди. Шунда у: “Чунки мен икки ёмон таомни (ошқозонда) тўпламайман. Олдинги таомим ҳазм бўлмай туриб, янгисини емайман. Озор берадиган овқатни ошқозонда сақламайман”, деб жавоб берди.

Тўрт нарса танани касал қилади: кўп гап, кўп уйқу, кўп ейиш ва кўп жинсий алоқа.

Кўп гапириш бош мия илигини камайтириб, уни кучсизлаштиради ва қариликни тезлаштиради.

Кўп уйқуюзни сарғайтиради, қалбни кўр қилади, кўзга зарар беради, кишини дангаса қилади, ортиқ даражада семиртиради ва оғир дардларни келтириб чиқаради.

Кўп жинсий алоқа танани кучсизлаштиради, қувватни сусайтиради, тана намлигини камайтиради, асабни заифлатади. Унинг зарари бутун танани эгаллайди. Чунки жинсий алоқа кўпайса, нафсоний руҳдан иборат бош миядан халос бўладиган нарсалар кўп. У туфайли тана заифлашиши қусиқ туфайли тана заифлашганидан кўпроқ заифлашади. Ортиқча жинсий алоқа қилиш руҳ жавҳаридан кўп нарсаларни қустириб юборади.

Тўрт нарса танани вайрон қилади: ташвиш, ғамғинлик, (узоқ) очлик ва уйқусизлик.

Тўрт нарса кишини қувонтиради: кўкалам-зорларга, оқар сувга, суюкли инсонларга ва мевага қараш.

**Шеър:**

*Тунда гўзал юзга боқдик ногаҳон,  
Шу онда руҳимиз бўлди нурафшон.*

Тўрт нарса кўз нурини хиралаштиради: яланг-оёқ юриш, оғир, ғазабли ва душманлик кайфиятида кун ботириш, худди шундай кайфиятда тонг оттириш ва майда ёзувларни кўп ўқиш.

Тўрт нарса тана қувватини оширади: майин ва юмшоқ кийим кийиш, ҳарорати мўътадил ҳаммомга кириш, ёғли ва мазали таом ейиш ва ҳушбўй хидларни хидлаш.

Тўрт нарса юзни қуритади, сувини қочиради ва унинг ҳушчақчақлигини кетказади: ёлғон, сурбетлик, илмсиз кўп савол бериш ва кўп гуноҳ қилиш.

Тўрт нарса юзни нурли қилади: мурувват, вафо, карам ва тақво.

Тўрт нарса кишига нисбатан буғзу адоват уйғотади: кибр, ҳасад, ёлғон ва чақимчилик.

Тўрт нарса ризқ келтиради: тунги намоз, саҳар чоғида кўп истиғфор айтиш, садақага одатланиш ҳамда куннинг боши ва охирида кўп зикр қилиш.

**Шеър:**

*Эй сен хабарларни беркитувчи тун,  
Сир недир деб ундан сўрадим бир кун.  
У деди: ҳар саҳар аҳбоблар айтган  
Сўзлардек ҳеч бир сир йўқдир мен учун.*

Тўрт нарса ризқни тўсади: тонгда ухлаш, кам намоз ўқиш, дангасалик ва хиёнат.

Тўрт нарса зехн ва фаҳмга зарар беради: давомли тарзда нордон нарсалар ейиш, нордон мева истеъмол қилиш, юзтубан ётиб ухлаш ва ғамташвиш.

Тўрт нарса фаҳмни орттиради: (ғам-ташвишлардан) қалбнинг халослиги, оз еб-оз ичиш, таомни сара ва ёғли нарсалардан яхши тайёрлаб тановул қилиш ҳамда ортиқча вазндан халос бўлиш.

### ҲУШЁР БЎЛИНГ

Доно ва ҳушёр одам кейин надомат чекмаслик учун бир иш қилишдан олдин яхшилаб ўйлайди, фикрлайди, ишининг охирига қарайди. Ҳамма шароитни, ҳар қандай эҳтимол ҳолатни чамалаб кўради, фикрини тўла тасдиқлайди ва ҳушёрлигини оширади. Агар иш ўйлаганидек бўлиб чиқса, Аллоҳга ҳамд айтади ва фикрининг тўғрилигига шукр қилади. Агар иш бунинг акси бўлиб чиқса: “Аллоҳ шуни тақдир қилибди, У истганини қилади”, дейди ва қайғу чекмайди.

### АНИҚЛАШТИРИНГ

Турли хабарлар устма-уст ҳужум қилса ҳам, ишлар машаққат туғдирса ҳам ақлли киши собитқадам ва тиниқ фикрли бўлади. Ҳаяжонланиб бирданига ловуллаб кетмайди, ҳукм чиқаришга шошилмайди. Ақлли киши эшитганини текшириб олади, яхшилаб фикр юритади, музокара қилади ва ақлли кишилар билан маслаҳатлашади. Зеро, ачиган фикр хомидан яхшироқдир. “Жазолаб хато қилгандан кўра, кечириб хато қилган яхшироқ!”, деган гап бежиз эмас.

**“Эй мўминлар! Агар сизларга бирор фосиқ кимса хабар келтирса, сизлар (ҳақиқий аҳволни) билмаган ҳолларингда бирор қавмга азият етказиб қўйиб, (кейин) қилган ишларингизга пушаймон бўлмасликларинг учун (у хабарни) аниқлаб (текшириб) кўринглар!”<sup>201</sup>**

<sup>201</sup> Хужурот сураси. 6-оят.

## ҚАСД ҚИЛИНГ ВА КИРИШИНГ

Оят, ҳадис, асар, қисса, шеър ва ҳикматлардан иборат ёзганларимизнинг бари сизни ҳаётингизни янгидан бошлашга ундайди. Булар оқибат яхшилиги, гўзал хотима ва яхши натижалар борасидаги умиддир. Ёзганларимиз асосида ғам-ташвиш ва қайғуларингиздан халос бўлишни истасангиз, сизга яна ҳаққоний ғайрат, кучли қасд ва ростмана рағбат керак бўлади.

Уламодан биридан: “Банда қандай тавба қилади?”, деб сўрашибди. Шунда олим: “Унга қасд қамчини даркор. Шу сабабдан ҳам Аллоҳ улул азм Пайғамбарларни ҳиммат билан сийлаган.

**“Бас, (эй Муҳаммад!) Сиз ҳам матонатли пайғамбарлар сабр қилганларидек сабр қилинг”<sup>202</sup>.**

Одам (алайҳиссалом) улул азм Пайғамбарлардан эмаслар. Чунки: **“...У (аҳдни) унутди ва Биз унда (Одамда) қатъиятни кўрмадик”<sup>203</sup>.**

Шунингдек, У зотнинг фарзандлари ҳам улул азм эмаслар. Бу феъл-атвор Дақюнусдан қолганини яхши биламиз.

Отага ўхшаш зулм эмас, лекин сиз гуноҳда отангизга тақлид қилманг. Тавба қилиш билан унга тескари бўлинг. Аллоҳдан ёрдам сўранг. Зеро, У ёрдамчиларнинг энг яхшисидир.

## ҲАЁТ ФАҚАТГИНА БУ ДУНЁ ҲАЁТИ ЭМАС

Охират саодати дунё саодатига боғлиқ. Бу ҳаёт наригиси билан чамбарчас боғлиқлигини ақлли киши яхши билади. Кўринмас ва кўринар олам, дунё ва охират, бугун ва эрта – буларнинг ҳаммаси бир ҳаётдир. Айримлар бугунги ҳаётимизнинг ўзинигина тан олади ва (мол-дунё) тўплаб-йиғади, абадийликни талаб қилиб, бу ўтқинчи ду-

<sup>202</sup> Ахкоф сураси, 35-оят.

<sup>203</sup> Тоҳа сураси, 115-оят.

нега боғланиб қолади. Сўнг ҳамма истак, хоҳиш ва мақсадлари ўзи билан қўшилиб ўлиб кетади.

**Шеър:**

*Эҳтиёжим қилди мени югурдак,  
Иш битмас ҳатто бир умр югурсак.  
Ишларга бўлади қабр ниҳоя,  
Энди унга бақо ғами кифоя.  
Умрни қаритди тезкор туну кун,  
Охирда қариган мисол қаро тун.*

Гоҳо ўзимдан ва атрофимдаги одамлардан ҳайратга тушаман. Узундан-узоқ орзу ниятлар, қутурган хоҳиш-истаклар, боқий мақсадлар, қаёққадир тинимсиз интилишлар қилиб яшаймиз. Кейин эса, орамиздан биримиз, хабар ҳам берилмасдан, маслаҳат ҳам қилинмасдан ва танлашга имкон қолдирилмасдан боқий дунёга кетиб қолган бўламиз.

**“Бирон жон эртага нима иш қилишини билмас. Бирон жон қаерда ўлишини ҳам билмас”<sup>204</sup>**

Мен сизга уч ҳақиқатни баён қилай:

1. Агар Парвардигорингиздан, Унинг ҳукмидан, ишларидан, қазо ва қадаридан рози бўлмасангиз, ризқингиздан, сизга берилган эҳсонлардан ва ўзингиздаги нарсалардан рози бўлмасангиз, қачон хотиржам ва бахтли бўла оласиз?!

2. Сиз ўзингиздаги неъматлар ва яхшиликларнинг шукрини адо қилдингизмики, улардан бошқасини сўраб, талаб қиласиз?! Озга кўнмаган кимса, албатта, кўпига ҳам тўймайди.

3. Нима учун биз Аллоҳ берган, ато этган ҳадяларию эҳсонларидан фойдаланмаймиз? Нимага уларни ишга солмаймиз, кўпайтирмаймиз, уларни яхши ишларга йўлламаймиз, тухмату бўҳтонлардан покламаймиз? Нима сабабли улар-

<sup>204</sup> Лукмон сураси, 34-оят.

нинг бу ҳаётдаги таъсирини ҳис этамиз-у, ундан фойдаланиб шодланмаймиз?

Яхши сифатлар ва улкан ҳадялар ақлларимиз ва жисмимизга беркитилган. Кўпимизда у худди ёпиғлик, тупроқ остидаги яширин маъданга ўхшайди. Аммо уни топиб, тупроқдан чиқариб, тозалаб, нурини ёядиган, ўз ўрнига кўядиган моҳир билимдонни топа олмаймиз.

### ХУЖУМДАН ЯШИРИНИШ ЕНГИЛЛИК КЕЛГУНЧА ВАҚТИНЧАЛИК ЕЧИМДИР

Абдулғани Аздийнинг “ал-Мутаварий” номли китобини ўқидим. У жуда ажойиб бетакрор китоб эди. Муаллиф унда Ҳажжож ибн Юсуфдан қочиб яширинган кишилар ҳақида сўз юритган. Асарни ўқиб шуни билдим: баъзан ҳаётда танаффус, ёмонликларда ҳам яхшилик, зулму истибдодда ҳам ҳуррият бўлар экан.

#### **Шеър:**

*Машаққат қаноти бўлдию паноҳ,  
Мен кўрдим, у мени кўрмади ногоҳ.  
Кунлардан сўрасанг билишмас мени,  
Ҳолимдан ҳатто сен эмассан огоҳ.*

Ёрқин, қалами ўткир адиб, тўғрисўз Абу Амр ибн Аъло айтади: “Ҳажжож мени кўрқитди ва мен Яманга қочиб бориб, Санъо шаҳрида бир уйга яшириндим. У ерда кундузлари яшириниб, фақат тунлардагина ташқарига чиқардим. Тонг чоғи уй томида ўтирган эдим бир кишининг:

«Кишанбандлар бир кун бўлажак озод,

Ўткинчи ғам учун чекма ҳеч фарёд», деяётганини эшитдим.

Абу Амр ибн Аъло: “Мен бу шеърни эшитиб хурсанд бўлдим. Кейин яна бир бошқа киши: “Ҳажжож ўлди”, деганини эшитиб қолдим. Шундан сўнг бу икки хушxabарнинг қайси бирига хурсанд бўлишни билмай қолдим”, деди.

Амалга ошувчи ҳақиқий қарор осмонлару ер мулки измида бўлган Зот ҳузуридадир. “**Ҳар куни У (тинимсиз) фаолиятдадир**”<sup>205</sup>.

Ҳасан Басрий Ҳажжождан беркиниб юрган эди. Унга Ҳажжожнинг ўлгани ҳақидаги хабар келди. Шунда у зот Аллоҳга шукр этиб, сажда қилди.

Махлуқотлари орасини фарқли қилиб қўйган Зот покдир! Баъзилари бундан шодланиб, Аллоҳга сажда қиладилар. “**Бас, уларга осмон ҳам, Ер ҳам (аза тутиб) “йиғлагани” йўқ ва уларга (тавба қилиш учун) муҳлат ҳам берилмади**”<sup>206</sup>.

Баъзилари вафот этса, уйлари мотамхона бўлади, йиғидан кўзлар яраланади, уларнинг ўлимидан қалблар ўз хилватгоҳида дардлар чекади.

Иброҳим Наҳайй ҳам Ҳажжождан яшириниб юрган эди. У кишига Ҳажжожнинг ўлими хабари етганида қувончдан йиғлаб юборди.

### **Шеър:**

*Шунчалар улкан саодат етди менга ногаҳон,  
Кўзларим ёшлар билан этди шодликни нишон.*

Бу ҳолатларда кўрққан кишилар учун раҳмлиларнинг энг Раҳмлиси – Аллоҳнинг ҳимоясидаги лаззатлар бор. У Зот золимни ҳам, мазлумни ҳам, ғолибни ҳам, мағлубни ҳам кўриб, эшитиб, билиб туради.

**“...Биз сизларнинг баъзиларингизни баъзиларингиз учун синов қилиб қўйдик – (қани) сабр қила олурмисиз? Раббингиз эса кўриб турувчи зотдир”**<sup>207</sup>.

Буларни ўқиб, Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бошлари узра учган ҳуммаро қуши ёдимга тушди. Ўша пайтда Аллоҳнинг элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳоблари билан дарахт остида ўтирган эдилар. Қуш гўё ҳол тили билан

<sup>205</sup> Ар-Раҳмон сураси, 29-оят.

<sup>206</sup> Духон сураси, 29-оят.

<sup>207</sup> Фурқон сураси, 20-оят.

инидан полапонларини олиб қўйган кишидан шикоят қилар эди. Шунда у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Уни полапонлари ила ким азоблади? Унга полапонларини қайтариб беринглар”*, дедилар.

**Шеър:**

*Олдингга келибди ошиқ кабутар,  
Унга сен ҳақингда ким берган хабар?*

Саид ибн Жубайр айтади: “То Аллоҳдан ҳаё қилгунимча Ҳажжождан қочиб юрдим”. Сўнг уни тутиб Ҳажжожнинг олдига олиб келишди. Қилич яланғочланиб у кишининг бошига келган чоқда Саид ибн Жубайр табассум қилди. Шунда Ҳажжож: “Нимага куляпсан?” деб сўради. Саид ибн Жубайр унга: “Сенинг Аллоҳга қарши журъатингдан, Аллоҳнинг сенга ҳалимлигидан ажабландим”, деди.

Эй Аллоҳнинг ваъдасига ва борар жойининг яхшилигига ҳамда охиратининг ободлигига ишонган улуғ зот! Аллоҳ таолога имон мана шундай бўлади!

### **СИЗ РАҲМЛИЛАРНИНГ РАҲМЛИРОҒИ ИЛА МУОМАЛА ҚИЛЯПСИЗ**

Бир ҳадис менинг эътиборимни тортди. Сизни ҳам қизиқтирса, ажаб эмас. Имом Аҳмад, Абу Яъло, Баззор ва Табароний ривоят қиладилар: “Бир ҳасса таянган қария Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хузурларига келиб: “Эй Аллоҳнинг элчиси, менинг хиёнат ва бузуқликларим бор. Аллоҳ мени кечирадими?” деб сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва Муҳаммад Унинг элчиси эканига гувоҳлик берасанми?”* деб сўрадилар. Ҳалиги қария: “Ҳа, эй Аллоҳнинг элчиси”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу

алайҳи ва саллам): “Аллоҳ сенинг хиёнатларинг ва бузуқликларингни кечирди”, дедилар. У қария: “Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!” дея такбир айтиб, ортига қайтиб кетди”.

Бу ҳадисдан бир неча фойда олдим: раҳм-лиларнинг энг раҳмлиси Аллоҳ таолонинг раҳмати кенг; Ислом ўзидан олдинги нарсаларни ўчиради; шунингдек, тавба ҳам ўзидан олдинги гуноҳларни йўқотади; тоғлардай улкан гуноҳлар ҳам барча ғайбларни билгувчи Зотнинг кечиримлилиги қаршисида ҳеч нарса эмас; бизга Мавломиз ҳақида яхши гумонда бўлиш вожиб; Парвардигоримизнинг умумий карами ва кенг раҳматыни умид қилишимиз лозим.

### ЯХШИ ГУМОН ҚИЛИШГА ЧОРЛОВЧИ ДАЛИЛЛАР

Ибн Абу Дунёнинг “Аллоҳ таоло борасида гўзал гумон” номли китобида оят ва ҳадислардан иборат бир юз эллик битта очиқ-ойдин далиллар бўлиб, уларнинг барчаси яхши гумон қилиш, умидсизлик ва ишончсизликни ташлаш, яхши гумон ва амал борасида қатъият кўрсатишга чорлайди. У далиллар ниҳоятда нафислик ила келтирилган, ўқисангиз сиз ваъда далиллари ваъид далиллари-дан, раҳмат далиллари таҳдид далиллари-дан улканроқ эканини кўрасиз. Чиндан ҳам Аллоҳ ҳар бир нарсани ўз қадари билан яратгандир.

### ҲАЁТ МАШАҚҚАТДИР

Ҳаёт машаққатларига қайғурманг. Зеро, у шундай яратилган.

Бу ҳаётнинг асли машаққат ва чарчоқдир. Шодлик унда вақтинча келган, хурсандчилик жуда ноёб нарсадир. Аллоҳ ўз дўстларига бу дунёда доимий ҳаловат топишни раво кўрмаган.

Агарда дунё азоб-уқубат диёри бўлмаганда эди, бу ҳаётда ғам-алам ва дарду оғриқлар бўлмас,

пайғамбарлар (алайҳимуссалом) ва солиҳ зотлар ночор ҳаёт кечирмаган бўлишар эди. Одам (алайҳиссалом) то ўлгунларигача меҳнат қилиб, машаққат чекиб ўтдилар. Нухни (алайҳиссалом) қавмлари ёлғончига чиқариб, У зотни мазах қилди. Иброҳим (алайҳиссалом) гулханга ташландилар ва ўғилни қурбонликка ётқизиш ила имтиҳон қилиндилар. Яъқуб (алайҳиссалом) кўзлари кўрмай қолгунича йиғладилар. Мусо (алайҳиссалом) Фиръавн зулмига бардош бердилар ва қавмлари ҳам У зотга азоб берди. Исо (алайҳиссалом) фақирликда кун кечирдилар. Ҳабибимиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) фақирликка, энг яқинлари ҳамда суюкли амакилари Ҳамзанинг (розияллоҳу анҳу) ўлдирилишига ва қабиладошларининг нафратига бардош бердилар. Булардан ташқари яна кўплаб пайғамбар ва улуғ зотларни санашимиз мумкин. Асосий мавзудан четлаб кетмаслик учун улардан айримларини эслаш билан чегараландик.

\*\*\*

Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу): “Расулulloҳнинг (соллалоҳу алайҳи ва саллам): **“Кимнинг ташвиши дунё бўлса, Аллоҳ унинг ишларини тарқоқ қилиб, ҳаётда уни фақир қилиб қўяди. У дунёдан фақатгина ўзига тақдир қилинганига эга бўлади. Кимнинг нияти охират бўлса, Аллоҳ унинг ишини тартибли қилиб, бойлигини қалбида қилиб қўяди. Дунё эса ўзи истамаган ҳолда унга келади”**, деганларини эшитдим”, дейдилар.

Абдуллоҳ ибн Масъуд (розияллоҳу анҳу): Набий (соллалоҳу алайҳи ва саллам)нинг: **“Ким ташвишларини ягона охират ташвиши деб билса, Аллоҳ унинг дунё ташвишларини Ўзи кўтаради. Кимнинг ташвишлари дунё ҳолатларига кўра турфа**

**бўлиб кетса, Аллоҳ уни дунё водийларининг қай бирида ҳалок бўлишига парво қилмайди**”, деганларини эшитганман”, дейдилар.

### ВАСАТИЙЛИК – НАЖОТ ЙЎЛИ

Мукаммал саодат уч нарсага асосланади:

1. Ғазабнинг мўътадиллигига;
2. Шаҳватнинг мўътадиллигига;
3. Илмнинг мўътадиллигига.

Саодат истаган киши ҳар ишда ўртача бўлмоғи лозим. Агар шаҳват қуввати ортиб кетса, бу ҳол уни пасткашликка олиб боради ва натижада ҳалокатга юз тутади. Бордию ғазаб қуввати ортиб кетса, бу ҳол кишини ҳаддидан ошишига олиб боради ва уни ҳалокатга етаклайди. Ҳадиси шарифда айтилганидек: **“Ишларнинг хайрлиси ўртачасидир”**.

Агар ақл қобилияти ишга тушиб кишининг қолган икки иқтидори мўътадиллашса, бу уни Тўғри йўлга (хидоят)га етаклайди. Бордию агар ғазаб ортиб кетса, кишига ўзгаларни калтаклаш ва қатл қилиш осонлашади. Аксинча, у ўз меъёридан камайиб кетса, кишининг дин ва дунё ишларида ҳамияти ва рашки йўқолади. Ғазаби ўртача бўлган кишида сабр, шижоат ва ҳикмат каби хислатлар камол топади. Шунингдек, агар шаҳват ортиб борса, кишини фисқ ва фужурга бошлайди. Тескариси, агар шаҳват етарли бўлмаса одамда ожизлик ва заифлик кўринади. У ўртача бўлганида эса одамда иффат, қаноат сингари гўзал сифатлар пайдо бўлади. Ҳадисда: **“Тежамкор режали йўлни лозим тутинглар”**, дейилган.

**“Шунингдек, сизларни (мусулмонларни бошқа) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун “ўрта уммат” қилиб қўйдик...”**<sup>208</sup>

<sup>208</sup> Бакара сураси, 143-оят.

## ИНСОН УСТУН СИФАТЛАРИГА КЎРА БАҲОЛАНАДИ

Яхши сифатларингиз ёмон одатларингиздан кўпроқ бўлиши сизнинг бахтингиздир. Агар сизнинг ҳолатингиз ҳақиқатда шундай бўлса, ўзингизда бўлмаган сифатлар учун ҳам сизга мақтовлар ёғилаверади. Камчиликларингизга бор парво қилмайди. Ҳатто ўзингизда бор камчиликни ҳам кўрмайди, асло йўқ деб ўйлайди. Зеро, катта ҳовузни озгина нажосат ифлос қилмайди; катта тоғдан бир тошни олиб ташлаш ёки унга бир тошни қўшиб қўйиш ўша тоғнинг ҳажмига таъсир кўрсатмайди.

Қайс ибн Осим, машҳур лашкарбоши Қутайба ибн Муслим ва бошқа бир қанча солиҳ кишилар борасида таҳқирловчи оҳангда ёзилган ҳажвларни ўқиб чиқдим. Аммо бу ҳажву мазахлар ҳеч кимнинг хотирасида ҳам қолмаган, улар авлоддан-авлодга нақл ҳам қилинмаган ва бирон киши уларни тасдиқ ҳам этмаган. Чунки у таънаю дашномлар яхшиликлар денгизида бир кичик тошчадек ғарқ бўлиб, изи ҳам қолмади.

Мен яна Ҳажжож ҳамда Ҳоким Биамриллах ал-Убайдийни мақтаб, кўкларга кўтариб ёзилган назму насрларни ҳам ўқидим. Буни қаранг, уларнинг шаънига айтилган сўзларни ҳам бирон киши эсламайди, нақл қилмайди ва хатто тасдиқламайди. Чунки бу мадҳиялар ўша кимсаларнинг сохта ишлари, зулму ситамлари ва ақлсизликлари уммонида ғарқ бўлиб, йўқликка юз тутган.

### ШУНДАЙ ЯРАТИЛГАН

Ҳадиси шарифда: **“Ҳар бир шахсга у учун яратилган иш осондир”**, дейилган. Унда нимага кишилар иқтидорини ўзга ишларга мажбур қиладилар, нима сабабдан ўзларига осон нарсадан юз бурадилар?! Агар Аллоҳ бир ишни ирода қилса, албатта,

унинг сабабларини ҳозирлаб қўяди. Лекин ҳаётда ўзгалар ишининг эгаси бўлишни хоҳлайдиган бадбахт ва шўрпешона кимсалар ҳам учрайди. Айни чоқда Ақлу заковатли кишилар нафсларини тарбиялаб ўзлари учун яратилган ишни қилишади. Улар учун яратилган иш ҳайдовчилик бўлса, ҳайдовчилик, қўриқчилик бўлса, қўриқчилик қилишади. Аллома Сибавайхни қаранг, у зот ҳадис илмидан таълим олган эди, бу иш уни ҳолдан тойдирди ва сусайтириб қўйди. Сўнг наҳв (араб тили грамматикаси) илмини таълим олиб, унда энг юксак чўққини забт этди. Ҳакимлардан бири: “Кўлидан келмаган ишни қилишга уринган кимса Дамашқ водийларида хурмо, Ҳижозда пўртақол етиштирмакчи бўлган дехқонга ўхшайди”, деган.

Ҳассон ибн Собит (розияллоҳу анҳу) азони чиройли айта олмайди. Чунки у зот Билол (розияллоҳу анҳу) эмас-да! Шунингдек, Холид ибн Валид (розияллоҳу анҳу) меросни тақсимлашга моҳир эмаслар. Чунки у киши Зайд ибн Собит (розияллоҳу анҳу) эмаслар. Тарбия уламолари: “Ўз йўлингни қатъий белгилаб ол”, дейишгани шундан.

### **Шеър:**

*Жанг учун баҳодир, паҳлавонлар бор,  
Девон ишига ҳам котиблар бисёр.*

### **ГЎЗАЛИҚКА ИНТИЛИНГ! БОРЛИҚНИНГ ГЎЗАЛИГИНИ КЎРАСИЗ**

Муқаддас шариатимиз мантиқи доирасида ҳаёт қувончларидан фойдаланиш бахтимизнинг камолотидир. Аллоҳ таоло гўзал боғларни яратди. Зеро, Унинг Ўзи гўзал ва гўзалликларни севади. Сиз ҳам бу гўзалликлардан Аллоҳнинг ваҳдоният белгиларини топинг.

**“У шундай зотки, сизлар учун Ердаги барча нарсаларни яратди”<sup>209</sup>.**

<sup>209</sup> Бакара сураси, 29-оят.

Ёқимли ифорлар, иштаҳа очар таомлар, гўзал манзаралар хотиржамлик ва руҳий кўтаринкиликни орттиради.

**“Эй одамлар, ердаги ҳалол-пок нарсалардан энглар”<sup>210</sup>.**

Ҳадиси шарифда: *“Дунёингиздан менга хушбўй (нарсалар) ва аёллар суюкли қилинди. Кўз қувончим эса намозда қилинди”*, дейилган.

Зухдда ва шубҳалардан сақланишда чегарадан ошиш кўпчиликка ҳаёт қувончларини бузиб кўрсатади. Натижада, кўплар ҳаётларини ғам, ташвиш, очлик, уйқусизлик ва тарки дунё қилган ҳолда ўтказади. Ҳолбуки, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Мен рўза ҳам тутаман, (рўзасиз) оғзим очиқ ҳам бўлади. (Тунда) намозда тураман ҳам, ухлайман ҳам. Аёлларга уйланаман ва гўшт ҳам тановул қиламан. Ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмасдир”*, деганлар.

Айримларнинг ишларидан ажабланасиз киши: бири янги мева емаса, бошқаси кулмайди; яна бири муздек сув ичмайди. Лекин улар бу ишлари нафсни азоблаш ва унинг ёғдусини ўчириш эканини билишмайди. **“Айтинг: “Бандалари учун чиқарган Аллоҳнинг зийнати ва пок ризқларни ким ҳаромга чиқарди?”<sup>211</sup>**

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асал ялаганлар. Ҳолбуки, У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) одамларнинг энг тақводори эдилар. Аллоҳ таоло асални истеъмол қилиш учун яратган. **“... Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқур”<sup>212</sup>.**

Байрам ва бошқа қувончли кунлар муносабати билан гўзал кийимлар ҳам кийганлар. **“Эй Одам**

<sup>210</sup> Бақара сураси, 168-оят.

<sup>211</sup> Аъроф сураси, 32-оят.

<sup>212</sup> Наҳл сураси, 69-оят.

**болалари! Ҳар бир масжид (намоз) олдидан зийнатларингиз (пок кийимларингиз)ни (кийиб) олингиз!”<sup>213</sup>**

У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) тан ва руҳ роҳатини ҳамда дунё ва охират саодатини ўзларида тўплаган эдилар. Зеро, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳ бандаларини яратган фитрат дини ила юборилганлар.

### **ЯҚИН ТУРГАН ТАСКИН ИЛА ШОДЛАНИНГ**

Замондош муаллифлар айтишича, машаққат ва мусибатлар қанча оғир ва узоқ бўлмасин мусибатзадалар боши узра давомли бўла олмайди ва уларнинг ҳузурида абадий қолиб ҳам кетмайди. Балки мусибатлар қанча оғир бўлса, узоқ давом этса, охири шунча ёруғ, енгил ва фарахбахш бўлади. Машаққат ва имтиҳонлар кучайган чокда қақшаган саҳрога ёққан ёмғирдек мусибатзадаларга Аллоҳдан бўлган ёрдам ва эҳсонлар уларнинг юракларини нур таратувчи қилиб қўяди. Ҳа, шубҳасиз, ҳар бир қоронғу туннинг сўнги ва тонги ана шундай бўлади.

#### ***Шеър:***

*Бир куни тугайди ҳар не машаққат,  
Йўловчи манзилда ҳамд айтар албат.*

### **СИЗ НАФРАТДАН БАЛАНД ТУРАСИЗ**

Аллоҳ Ўз фазли ила ато этган нарсаларида бировларга ҳасад қилмай, фақат охирати учун ишлайдиганлар инсонларнинг энг бахтлиларидир. Бундай кишиларнинг яхшиликлардан иборат ўз вазифалари, хайру эҳсондан таркиб топган ибратлари, интилган мақсадлари бор ва улар бошқаларга фойдалари тегиши учун ҳаракат

<sup>213</sup> Аъроф сураси 31-оят.

қиладилар. Бордию фойда етказишга имконлари бўлмаса, уларга ёмонлик қилишдан тийиладилар. Қуръон таржимони, илм денгизи бўлган Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) ўзларининг гўзал хулқлари, саховатлари ва шаръий билимларининг кенглиги ила Бани Умайя, Бани Марвон ва бошқа тоифалардан бўлган душманларини дўстга айлантирганларини билмайсизми?! Кишилар у зотнинг (розияллоҳу анҳумо) илм ва тушунчаларидан кўпдан-кўп фойда олишди. Кўпчилик у зотдан (розияллоҳу анҳумо) фикҳ, тафсир, зикр ва бошқа яхшиликларни ўрганди. Атрофларида илм денгизидан фойда олувчилари шунчалар кўпайганидан ҳатто Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) “Жамал”, “Сиффин” ва улардан бошқа қайғули кунларни ҳам унутиб юбордилар. У зот (розияллоҳу анҳумо) бузук ишларни тузатдилар, йиртиқларни ямадилар, яраларни даволадилар. Натижада ҳамма у кишини эъзозлаб ҳурмат қилди. У зот уммат денгизига айландилар.

Абдуллоҳ ибн Зубайр (розияллоҳу анҳумо) ҳам асли саховатли, шижоатли, олижаноб, ибодатга ўч ва юксак қадрли киши эдилар. Аммо у зот ижтиҳод қилган ҳолда қарши чиқишни афзал кўрдилар. Натижада, (ҳадис) ривоятидан тўсилиб қолдилар ва кўпгина мусулмонлар бундан зарар кўрди. Сўнг барчага маълум воқеалар юз берди. У зот (розияллоҳу анҳу) Ҳарамда бўлганлари сабабли Каъба манжаниқдан ўққа тутилди ва бир қанча мусулмонлар қиличдан ўтказилди. Абдуллоҳнинг (розияллоҳу анҳу) ўзлари ҳам қатл қилиндилар ва осиб қўйилдилар.

**“...Аллоҳнинг иши ўлчовли тақдирдир”<sup>214</sup>.**

Бу айтилганлардан мурод айримларни камситиш ёки уларнинг ҳурмат-эътиборларига ҳужум

<sup>214</sup> Ахзоб сураси, 38-оят.

қилиш эмас, балки ибрат ва насиҳатни ўзида жамлаган тарихдан сабоқдир. Мулойимлик, кечиримлилик ва бағрикенглик сифатларини камдан-кам одам ўзида юксалтира олади. Чунки бу фазилатлар кишига ўз нафсини бўйсундириш, иззат-нафсини жиловлаш, ҳиссиётлари ва қизиқишларини ақлли равишда бошқариш мажбуриятини юклайди.

\*\*\*

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай марҳамат қиладилар: *“Кенгчиликда Аллоҳни танинг, машаққат онларида У сизни эслайди”*. Яъни, банда агар Аллоҳга тақво қилса, унинг чегараларини сақласа ва енгиллик пайтларда Раббининг кўрсатмаларига риоя қилса, у Аллоҳни танийди, Парвардигори билан ўзи ўртасида хос бир маърифат ҳосил бўлади. Банда шу ҳолатда бўлса, Аллоҳ таоло бу қулини ана ўша хос маърифат сабабли машаққат онларида эслайди, енгиллик чоғидаги банданинг маърифати риоясини қилади ва қийинчиликларидан қутқаради. Ана шу хос маърифат бандани Аллоҳга яқинлаштиради, Аллоҳнинг бу банда муҳаббатига ва қули дуоларининг ижобатига васила бўлади.

Агар банда лозим бўлганидек сабр қилса, унинг машаққатлари мукофотга, кулфатлари ҳадяга айланади ва ёқтирмаган нарсалари унинг учун суюкли бўлади. Албатта, Аллоҳ таоло бандасига уни ҳалок қилиш учун эмас, балки уни сабртоқати, бандалигини имтиҳон қилиш учун кулфатлар юборади. Банда Аллоҳга енгиллик кунларида қуллик қилиши лозим бўлганидек, оғир кунларида ҳам қуллик қилиши зарур. Шунингдек, ўзи ёқтирган ишларида Раббига итоат этганидек,

ёқтирмаган ишларида ҳам бўйин суниси керак. Кўплар ўзлари яхши кўрган ишларда Парвардигорига қуллик қилади, аммо ёқимсиз ўринларида эса қуллик сифатлари тушиб кетади. Бандаларнинг Аллоҳ ҳузуридаги мартабалари ҳам ана шу фарққа қараб бўлади.

### **ИЛМ ЕНГИЛЛИК КАЛИТИДИР**

Илм ила енгиллик иккиси туғишган ака-укадир. Шариат илмида денгиз каби бўлган уламоларнинг ҳаётлари нақадар енгил, улар билан муомала қилиш осон ва содда эканини кўрасиз. Чунки улар мақсадларини аниқ билганлар, керакли ишлар билангина шуғулланганлар. Йўлларини машаққат устига бино қилган, ўжар ва қайсар зоҳидларга дуч келганларида илмнинг чуқур денгизига шўнғиганлар. Айрим зоҳидлар илмлари озлиги туфайли ҳар хил тушунарсиз амалларга қўл урадилар. Сабаби – улар ўзлари яхши тушунмаган сўзларни тинглайдилар, моҳиятини англаб етмаган масалаларига амал қиладилар.

### **ИНСОНЛАРНИНГ ЭНГ ҚАЛБИ ОЧИҒИ**

Одамларга яхшиликдан таълим берган Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) равшан сифатлари очиқ қалблилик, ризо ва яхшиликка йўйиш эди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хушxabар берувчи, машаққат ва нафрат уйғотишдан қайтарувчи эдилар. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч умидсизликка тушмасдилар. Ҳаётда очиқ чехрали, қалblлари ризо, шариатлари енгиллик, одатлари ўртачалик бўлиб, саодат У зотнинг миллатларида эди. У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асосий вазифалари – умматлар устидаги кишанлару оғир вазифаларни олиб ташлаш.

## ШОШИЛМАНГ! МУҲЛАТ БЕРИНГ!

Масалаларда даражама-даража – олдин энг муҳими, сўнг ундан кейинги даражадагисини амалга ошириб бориш ўрганувчиларни саодатга етакловчи ишлардан биридир. Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Муоз ибн Жабални (розияллоҳу анҳу) Яманга жўнатаётган чоқларида қилган васиятлари ҳам бу амалиётнинг нақадар тўғри эканини тасдиқлайди. Ўша васиятда Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Уларни энг илк чақирадиган нарсанг Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлиги ва Мен Унинг Расули эканимга гувоҳлик бериш бўлсин...”** деган эдилар. Демак, ишлар биринчи, иккинчи, учинчи ... даражаларга тақсимланади. Модомики масала шундай экан, нимага энди ишларни бир-бирига қориштириб, чирмаб ташлаймиз ёки уларнинг барини бирданига ўртага ташлаймиз?!

**“Кофир кимсалар: “Нега бу Куръон унга (пайғамбарга) яхлит бир тўплам ҳолида туширилмади?”, деди. (Эй Муҳаммад!) Биз у (Куръон) билан сизнинг қалбингизни устивор қилиш учун мана шундай (оз-оздан туширдик) ва уни тартили билан (равон) ўқиб бердик”<sup>215</sup>.**

Мусулмон киши ўз дини билимлари билан шодлик туйса, буйруқ ва қайтариқларни бир-биридан ўрганиш натижасида енгиллик хис этса, унинг бахтидан нишонандир. Зеро, Ислом кишиларни рухий изтироб, ақлий саргардонлик ва ижтимоий муаммолардан қутқариш учун жорий бўлган диндир.

Ишларда чуқур кетишни шарият инкор этган. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди...”<sup>216</sup>** Чунки таклиф (ўзини қийнаш)

<sup>215</sup> Фурқон сураси, 32-оят.

<sup>216</sup> Бақара сураси, 286-оят.

машаққатдир. Дин одамларни машаққатга қўйиш учун эмас, балки машаққатни улардан кетказиш учун келган.

Саҳобалар (розияллоҳу анҳум) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) васият қилишларини сўрашар эди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шу ерда ҳозир бўлганлар ҳам, саҳройилар ҳам бир эшитганда ёдлаб ола оладиган даражада қисқа ҳадислар ила насихат қилардилар. Демак, бу бебаҳо насихатлар енгил, ҳолатга риоя этиб ва воқеликни ҳисобга олиб қилинган.

Биз ўзимизда бор васият, насихат, таълим, одоб ва одатларни бир кунда, бир мартада тингловчиларга тўкиб солишимиз билан катта хатога йўл қўймоқдамиз. **“Қуръонни одамларга вақти-вақти билан ўқиб беришингиз учун уни бўлакларга бўлдик ва бўлиб-бўлиб туширдик”<sup>217</sup>.**

### ОЗИГА ШУКР ҚИЛМАСАНГИЗ, КЎПИНИНГ ШУКРИНИ ҚАНДАЙ АДО ҚИЛАСИЗ?

Муздек зилол сув учун Аллоҳга шукр қилмаган кимса ҳашаматли қасрлар, дабдабали уловлар ва сўлим боғлар учун Аллоҳга шукр қилмайди. Бир бурда иссиқ нон учун Аллоҳ таолога шукр қилмаган кимса нозу неъматларга тўлган дастурхон ва мазали таомлар учун ҳеч қачон шукр қилмайди. Яъни, шукр қилувчилар озига ҳам шукр қилаверади. Шукр қилмайдиганлар кўпига ҳам шукр қилмайди. Яхшиликни билмайдиган шукрсиз кишиларга озининг ё кўпининг фарқи йўқ. Шундай шукрсиз кимсалардан кўпи Аллоҳ таоло неъматларни мўл-кўл қилиб берса, Унга шукр қилишга, инфоқ ва эҳсон қилишга Раббига улкан ваъдаларни берадилар. **“Улар орасида: “Агар-**

<sup>217</sup> Исро сураси, 106-оят.

да бизга (Аллоҳ) фазли (бойлиги)дан берса, албатта, садақа қиламиз ва солиҳ (киши)лардан бўламиз”, деб Аллоҳ билан аҳдлашадиганлар ҳам бор. Аллоҳ уларга фазлидан берганда эса, (улар) унга бахиллик қилдилар ва юз ўгириб кетдилар”<sup>218</sup>.

Бу тоифа кимсалар қачон қараманг, доим ғамғин, хомуш, қалби бўм-бўш бўлиб юрганини, “кўп ҳадялар бермаган ва кенг ризқ ила мени шодлантирмаган” дея Раббидан норози эканини кўрасиз. Ўзлари соғ-саломат, тинч-хотиржам, етарли даражадаги ризққа эга ҳолда гердайиб сайру саёҳат қилиб юради, аммо Аллоҳга шукр қилмайди. Бундай кимсага улкан хазиналар, ер-мулклар ва ҳашаматли қасрлар берилса, нима қилган бўларди?! Шубҳасиз, Парвардигоридан баттар узоқлашарди ва Мавлолари, Саййидларига кўпроқ итоатсизлик қилган бўларди.

### **Шеър:**

*Ул ҳовли кўзимдан кетмайди мудом,  
Не бўлар шодликлар бўлса бардавом?!*

Оёғи яланг киши: “Агар Раббим менга оёқ кийим берса, Унга шукр қиламан!” – дейди. Кийими бор киши: “Тезюрар машинам бўлганида эди, шукр қилардим”, дея шукрни ортга суради. Неъматларни нақд оламиз, аммо шукрни насия қиламиз. Аллоҳдан истакларимизни қаттиқ талаб этамиз, аммо унинг буйруқларига амал қилишда сусткашлик қиламиз.

### **УЧ ЛАВҲА**

Айрим ақлли кишилар ўз иш столлари устига уч лавҳа жойлаштириб қўйганлар.

Уларнинг биринчисига: “Бугунинг ҳақиқий кундир”, деб ёзилган. Яъни, бу кун чегарасида яшанг.

<sup>218</sup> Тава сураси, 75 – 76-оятлар.

Иккинчисига: “Фикр юрит ва шукр қил!” ҳикмати битилган. Яъни, Аллоҳнинг сизга берган неъматларини тафаккур қилинг ва унинг шукрини адо этинг.

Учинчисида: “Ғазаб қилма!” ибораси ёзилган.

Бу уч васият сизни энг яқин йўл ва энг осон тарзда бахтга етаклайди. Сиз бу ибораларни ёдлаб олиб, доимо эслаб юришингиз мумкин. Зеро, улар содда, аммо жуда фойдалидир.

\*\*\*

Ғам ила шодлик, машаққат ила енгиллик орасида ўзаро ажойиб боғлиқлик бор: ғам-алам ортиб-кўпайиб энг юқори даражага чиққани сайин банда бу ғамлардан ўзи каби бандалар ёрдамида қутула олмаслигини ҳис этади. Бу эса банда таваккулининг асл моҳиятидир.

Мўмин киши тинимсиз дуолари, тавба ва та-зарруларидан кейин ҳам уларнинг ижобатини кўрмаса ва ғамдан қутулишга сабри чидамай умидсизликка тушса, ўзини маломат қила бошлайди. У ўз нафсига: “Буларнинг бари сен туфайли, сен яхши бўлганингда дуоларим ижобат бўлар эди”, дея уни маломат қила бошлайди. Айнан мана шу маломат Аллоҳ таолога кўпгина ибодатлардан кўра суюклироқдир. Чунки бу ҳолга тушган банда, демак, Мавлосига синиқлик қиляпти, бошига келган бало-офатларни ҳамда дуоси ижобат этилмаётганини ҳам ҳақли деб эътироф этяпти. Мана шу пайтда дуоларининг ижобати ва шодлик кунлари бандага тезлаштирилади.

Зоҳид Иброҳим Адҳам: “Биз шундай яшаймизки, агар подшолар бизнинг бу ҳаётимизни билганларида (унга эришиш учун) устимизга қўшин тортиб келар эдилар”, деган эди.

Шайхул ислом Ҳарроний айтадилар: «Менинг қалбимдан шундай соатлар ўтадики: “Агар жаннат аҳллари менинг ҳолимдек ҳолатда бўлсалар, албатта, улар яхши ҳаёт узра бўладилар”, – деб ўйлаб қоламан».

### ЭЙ ИНСОНЛАР, ХОТИРЖАМ БЎЛИНГ!

Ўттиз бобдан кўпроқ “Ғамдан кейинги шодлик” китоби бизга: зимистон ва танглик чўққисига чиққач, албатта ундан кейин машаққатлардан қутулиш куёши борлиққа нур сочажагини уқтиради. Асар муаллифи Таннухий ғамга ботган, эзилган, хафа кишиларга таскин бериб, бу хорликдан чиқиш, енгиллик ва шодлик кунлари жуда яқин эканини алоҳида таъкидлайди ва мусибатзадаларга, бошига кулфат тушганларга бундай хитоб қилади: “Эй одамлар, тинчланинг! Бу машаққат йўлидан сизлардан илгари ҳам одамлар ўтган. Улар ҳам бу азоб-уқубатларни тотган”.

#### *Шеър:*

*Бизгача ҳам ўтган неча минг инсон,  
Уларга биз каби қараган замон.  
Гоҳо оғирида берган-у ёрдам,  
Гоҳида қилгандир ер билан яксон.*

Демак, буларнинг бари ўтмишдан келаётган одатлар экан.

**“Сизларни бир оз хавф-хатар, очлик (азоби) билан, молу жон ва мевалар (ҳосили)ни камай-тириш йўли билан синаймиз”<sup>219</sup>.**

**“Биз улардан олдинги (имонли) кишиларни синаган эдик-ку!”<sup>220</sup>**

Булар Аллоҳ Ўз бандаларини синайдиган, бандалар ўз Раббиларига саодатли кунларида қуллик қилганларидек машаққат кунларида ҳам Унга

<sup>219</sup> Бақара сураси, 155-оят.

<sup>220</sup> Анкабут сураси, 3-оят.

қуллик қилишлари учун, худди кундуз билан кечани алмаштиргани каби Ўз қулларига ҳаётнинг турли босқичларини кетма-кетликда келтирадиган адолатли бир ҳодисадир. Шундай экан, ғазабланиш, эътироз ва шикоятнинг нима кераги бор?!

**Шеър:**

*Пойинг дўзахни ҳам қилар кўп зебо,  
Назаринг билан тош олтиндир гўё.*

**“ЯХШИ ИШЛАР ЁМОНЛИҚДАН САҚЛАЙДИ”**

Абу Бакр Сиддиқнинг (розияллоҳу анҳу): “Яхши ишлар ёмонликдан сақлайди”, деган сўзлари бениҳоя гўзал сўзлардан бири бўлиб, ақл ҳам, нақл ҳам буни тасдиқ этади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Бас, агар у (Аллоҳга доимо) тасбеҳ айтувчилардан бўлмаганида, албатта, у (балиқ) қорнида, то (одамлар) қайта тириладиган кунларигача (қиёматгача) қолиб кетган бўлур эди”**<sup>221</sup>.

Хадича (розияллоҳу анҳо) Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Йўқ. Аллоҳга қасам, У сизни ҳеч қачон уялтирмайди. Сиз қариндошликни боғлайсиз, барчага ёрдам берасиз, буюк ишларни амалга оширасиз, фалокатда қолганларга ёрдам берасиз”**, дедилар. Мўминлар онаси яхши ишлардан унинг оқибати гўзал, бошланиш саховатидан охири улуғ бўлади деб хулоса қилмоқдалар.

Сабобийнинг “Вазирлар”, Ибн Жавзийнинг “ал-Мунтазам” ва Танужийнинг “Ғамдан кейинги шодлик” китобларида бир ажиб қисса бор. Унинг мазмуни қуйидагича: «Вазир Ибн Фурот Абу Жаъфар ибн Бистомнинг айбларини кузатиб юрар, унга таҳдид қилар эди. Абу Жаъфарнинг онаси уни ёш-

<sup>221</sup> Соффаг сураси. 143 – 144-оятлар.

лигидан ҳар кеча ёстиғи тагига нон қўйиб қўйишга ва тонг отгач ўша нонни садақа қилиб юборишга одатлантирган эди. Абу Жаъфар Ибн Фуротдан азият кўрганидан озгина муддат ўтиб унинг хузурига бир ҳожати билан кирди. Шунда Ибн Фурот: “Онангиккингиизнинг битта нонингиз борми?” – деди. Абу Жаъфар: “Йўқ”, деб жавоб берди. Ибн Фурот: “Менга тўғриси айт!” деди. Абу Жаъфар ёшлигидаги воқеани эслади ва унга аёлларнинг бу ишларини уларни рози қилиш учун қилганини айтди. Ибн Фурот унга: “Бундай қилма. Мен кеча бир режа туздим. Агар у амалга ошса, сени йўқ қилиб юборар эдим. Шу режани тузиб ухладим ва туш кўрдим. Тушимда бир қўлимда қилич. У билан сени ўлдирмоқчи эдим. Аммо шу пайт қўлида нон ушлаган онанг пайдо бўлди ва ўша нонни қалқон қилиб сени мандан ҳимоя қилди. Мен сенга ета олмадим”, деди. Шунда Абу Жаъфар ўрталаридаги нарса учун уни айблади, буни ораларини тузатишга восита қилди ва Ибн Фуротга сидқидилдан итоат этишни мақсад қилди. То уни рози қилмагунича хузуридан чиқмади ва иккалалари дўст бўлишди. Ибн Фурот унга: “Аллоҳга қасам, бундан сўнг мандан ҳеч қачон ёмонлик кўрмайсан”, деди».

### ЯХШИ ДАМ МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Шариат бандаларга тоат-ибодатлари ва солиҳ амалларида давомли бўлишлари учун енгиллик ва кенглик бергани маълум.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кулар эдилар.

**“Албатта, кулдирган ҳам, йиғлатган ҳам Унинг ўзидир”<sup>222</sup>.**

У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳазил-ҳузул қилар эдилар, аммо ҳазилларида ҳақ сўзларнигина

<sup>222</sup> Наҳм сураси, 43-оят.

сўзлар эдилар. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ойша (розияллоҳу анҳо) билан мусобақа ҳам қилганлар. Асҳобларини динда чуқур кетишдан, ўзини ортиқча қийнашдан ва каттиқлик қилишдан қайтарар ва ким динда қаттиқлик килса дин уни мағлуб қилишини уқтирар эдилар. Бир ҳадисда: **“Дин мустаҳкамдир. Юмшоқлик ила унинг ичига киринглар”**, деб марҳамат қилганлар. Доим ўзини қийнаган одам ишини давом эттира олмайди. Чунки у ҳозирги ҳолатига қараб иш қилади ва одат усти ҳолатларини ҳам бўлиб қолишини, вақтнинг узоқлигини ва нафс малолланишини ҳисобга олмайди. Ақлли киши иши давомли бўлиши учун ўзига маълум чегаралар белгилаб олади. Ғайрати келса, ишини ортиғи билан бажаради, чарчаса, белгиланган миқдор билан кифояланади. Саҳобаларнинг сўзларида: “Нафс қабул қиладиган ва қабул қилмайдиган вақт бўлади. Қабул қиладиган вақтни ғанимат билинг ва қабул қилмайдиган вақтда у ишни тарк этинг”, дейилади.

Айримлар амалларни ортиғи билан бажармоқчи бўлиб, нафл ибодатларни жуда кўп қилишга уринадилар. Натижада, малолланиб, олдингидан ҳам ёмонроқ ҳолатга тушиб қоладилар.

Аслида дин инсонни саодатга элтиш учун келган. Аллоҳ таоло айтади: **“(Эй Муҳаммад!) Биз Сизга бу Қуръонни (дин ишида) машаққат чекишингиз учун эмас, балки (Аллоҳдан) кўрқадиган кишилар учун эслатма сифатида туширдик”**<sup>223</sup>. Тоқатлари етмайдиган ишларни бўйниларига олиб, сўнг уни бажармаган қавмни Аллоҳ маломат қилиб: **“... Биз уларга уни (роҳибликни) ёзганимиз йўқ, лекин улар ўзлари Аллоҳнинг ризо-**

<sup>223</sup> Тоҳа сураси, 2 – 3-оят.

лигини истаб (роҳиблик) қилдилар-ку, сўнгра унга тўла риоя қила олмадилар”<sup>224</sup>.

Ислоннинг бошқа динлардан ажралиб турадиган хусусияти у соф ва мўътадил дин экани ҳамда рух, жисм, дунё ва охират манфаатини бирдай қўриқлагани учундир. У енгиллаштирувчи дин бўлиб келган. Аллоҳ таоло бу ҳақда бундай марҳамат қилади: **“Тўғри дин – мана шу!”**<sup>225</sup>.

Абу Саид Худрийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Бир аъробий Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига келиб: “Эй Аллоҳнинг элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)! Одамларнинг энг яхшиси ким?” деб сўради. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Моли Аллоҳ йўлида бўлган ва ўзи нафсига қарши жиҳод қилган мўмин, сўнг тоғда узлатда Аллоҳга ибодат қилган киши”**, деб жавоб қилдилар.

Умар (розияллоҳу анҳу): “Узлатдан ўз насибаларингни олинглар (яъни, узлат қилиб турунглари)”, дедилар.

Жунайд: “Инсонлар орасида юриб, барчасига мураса қилишдан узлатнинг қийинчилиги енгилроқ”, деди.

Ҳаттобий: “Агар узлатда ғийбатдан узилиш, қайтаришга кучи етмайдиган ёмон ишни кўришдан қутулиш бўлмаганида одамларга аралашиб юриш яхшироқ бўлар эди”, деди.

Имом Ҳоким Абу Заррдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилган ҳадисда: **“Ёмон билан ўтиришдан ёлғиз ўтириш яхшироқдир”**, дейилган.

Ҳаттобий “Узлат китоби”да бундай ёзади: “Узлат ва одамларга аралашиб уларга тегишли бўлган сабабларга қараб турлича бўлади. Бирлашишга тарғиб қилиш ҳақида келган далилларни бошлиқларга ва дин ишларига бўйсуниб маъ-

<sup>224</sup> Ҳалид сураси, 27-оят.

<sup>225</sup> Юсуф сураси, 40-оят.

носига кўчирилади. Ўзининг ҳаёт кечириш ва диний эҳтиёжидан келиб чиқадиган бўлса, инсонлардан четроқда юриши мумкин. Лекин жамоат намозидан қолмайди, салом-аликни канда қилмайди, касал кўриш, жанозага катнашиш каби мусулмонларнинг ҳақ-хуқуқларига риоя этиши керак бўлади. Узлатдан асосий мақсад инсонлар билан кўп ўтиришдан сақланиш. Чунки беҳуда ўтиришлар асосий ишларни бир четга суриб ташлайди, қимматли вақтни хавога совуради. Одамлар тўпланиб йиғилиб туриши кундалик овқатланиш каби бўлиши керак. Бирон сабаб билан йиғилинса бадан ҳам, қалб ҳам роҳатланади. Аллоҳ билгувчироқдир”.

Қушайрий “ар-Рисола”да бундай дейди: “Узлатни устун санаган киши одамлар унинг ёмонлигидан саломат бўлишини эътиқод қилиши керак. Аксини эмас. Яъни, одамларнинг ёмонлигидан ўзи саломат бўлишини эътиқод қилмаслиги керак. Биринчи эътиқодда инсон ўзини ожиз санаган бўлади. Ва бу тавозели кишиларнинг сифати. Иккинчи эътиқодда эса ўзини бошқалардан устун кўриш бўлади ва бу мутакаббирларнинг сифатидир”.

Одамлар узлат масаласида учга бўлинади: узлатга берилганлар, буларнинг тескариси ва ўртада турадиганлар.

Биринчи томон. Одамларлардан, ҳатто жума, жамоат, ҳайитлар ва барча яхши йиғинлардан ажрайди – бундайлар хато қилган бўлади.

Иккинчи томон. Одамларларга араллашиб юради, ҳатто бекорчи ўйин-кулги, олди-қочди гаплардан қолмайди ва вақтни беҳудага совуради – булар ҳам хато қилган бўлади.

Ўртадагилар. Ибодатларни жамоат билан адо қиладилар, яхшиликка ёрдам берадилар ва са-

вобли ишларда одамлар билан бирга ҳаракат қиладилар, гуноҳ бўладиган ва бекорчи ишларда уларга қўшилмайдилар.

**“Шунингдек, сизларни (мусулмонларни бошқа) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун “ўрта уммат” қилиб қўйдик”<sup>226</sup>.**

### АЛЛОҲНИНГ ҚУДРАТИНИ ТАФАККУР ҚИЛИШ

Еру осмон яратилишидаги ажойиботлардан ҳабардор бўлиш хотиржамлик ва фикрни жамлаш йўлларида биридир. Гул, дарахт, анҳор, чангалзор, сахро, тоғ, еру осмон, кечаю кундуз, ойу қуёшнинг яратилишига боқиш лозим. Шунда инсон лаззат ва хотиржамлик топади, имон-ишончи ортади, Аллоҳга бўйсунуш ва итоати янада яхшиланади. Аллоҳ таоло бундай марҳамат қилади: **“Бас, эй кўзи борлар! (Улардан) ибрат олинглар”<sup>227</sup>.**

Исломни қабул қилган файласуфлардан бири: “Агар Аллоҳнинг қудрати борасида шубҳага борадиган бўлсам, борлиққа назар ташлайман. Шунда борлиқдаги ажойиботларни кўриб, Аллоҳга бўлган имон-ишончим янада ортади”, деган эди.

### ЎРГАНИЛГАН ҚАДАМЛАР

Шавкониё: «Баъзи олимлар менга: “Икки қатордан бўлса ҳам ёзишдан тўхтама”, деб маслаҳат берган эдилар. Уларнинг маслаҳатига амал қилиб, унинг мевасини кўрдим», дейди. Бу маънони ҳадисда ҳам кўришимиз мумкин: **“Ишларнинг энг яхшиси оз бўлса-да давомли бўлганидир”.**

“Тома-тома кўл бўлур” демишлар;

#### **Шеър:**

*Баландга отилса бир пишиқ арқон,  
Ҳатто тошларда ҳам қолдирар нишон.*

<sup>226</sup> Бақара сураси, 143-оят.

<sup>227</sup> Ҳашр сураси, 2-оят.

Тартибсизлик ҳар нарсани бир мартадаёқ қилишни исташимиздан ва қийинчиликка учраб уни ташлаб қўйишимиздан келиб чиқади. Агар ишларни бир бошдан ва босқичма-босқич қилганимизда оғир йўллар ҳам осонлик билан босиб ўтилган бўлар эди. Намозга бир қаранг! Бандага оғир туюлиб қолмаслиги, уни завқу шавқ билан адо этиши учун беш хил вақтга белгиланган. Агар барчасини бир вақтда адо қилиш фарз бўлганида бандага малол келиб қолар эди. Тажрибадан биламиз: бирон ишни вақти-вақти билан қиладиган кишининг иши “бир маротабада ҳаммасини қилиб юбораман” деган кишининг ишидан самаралироқ бўлади. Бир мартада қилиб юборадиган киши қийинчиликка учрайди, руҳи чўқади ва ҳиссиётларида сиқилиш юзага келади.

Намозлар одамнинг вақтини тартибга солиб туради. Аллоҳ таоло айтади:

**“...намоз мўминларга вақти тайин этилган ва (фарз деб) битилгандир”<sup>228</sup>**. Банда барча ишларини намоздан кейинга тақсимласа, вақтида барака бўлади, барча ишига фурсат топади.

### ТАРТИБЛИ БЎЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН

Кўпларга теккан касал – хаёл тарқоқ. Бу эса киши зеҳни паст ва ёмон бўлиши сабабларидан биридир. Хаёли тарқоқлар ўз иқтидорларини билмайдилар, фикр ва қарашларини тўплашга қиришмайдилар. Зеро, маърифат қабила ва сўқмоқ йўлга ўхшайди. Унинг аломатларини белгилаш ва услублари ва йўлларини ўрганиш ҳамда фикрни бир жойга тўплаш лозим. Сабаби – бошқа нарсага чалғимаслик тавсия қилинади.

Шунингдек, қарз, молиявий қарамлик ва ҳаёт кечиришдаги қийинчиликлар ҳам зеҳни пасайти-

<sup>228</sup> Нисо сураси, 103-оят.

радиган ва ғам-ташвишга сабаб бўладиган сабаблардандир. Бу масалаларни ечимининг куйидаги асослари бор:

1. Тежаган киши камбағал бўлмайди. Чиқимни ўрнида қилса, фақат эҳтиёж учун ишлатса, исрофдан сақланса, Аллоҳ унга ёрдам беради.

**“Чунки, исрофчилар шайтонларнинг биродарларидир”<sup>229</sup>.**

**“Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасидадир”<sup>230</sup>.**

2. Мол-давлатни мубоҳ йўл билан топиш ва ҳар қандай ҳаром йўлдан воз кечиш. Чунки Аллоҳ покизадир, покизадан бошқасини қабул қилмайди ва ҳаром йўл билан топилган бойликка барака бермайди.

Аллоҳ таоло айтади: **“Гарчи нопок нарсанинг кўплиги сени ажаблантирса ҳам, нопок нарса пок нарса билан тенг бўлмайди”<sup>231</sup>.**

3. Мол-давлатни ҳалолдан топишга ҳаракат қилиш. Бекорчи ва ишсиз юрмаслик. Майда-чуйда нарсаларга вақтни сарфламаслик. Абдурахмон ибн Авфга (розияллоху анҳу) қаранг! “Менга бозорни кўрсатиб юборинглар”, деган эдилар.

**“Бас, намоз адо қилинган, ерда тарқалаб, Аллоҳнинг фазли (ризқи)дан истайверинглар! Аллоҳни кўп ёд этингиз! Шояд (шунда) нажот топсаларинг”<sup>232</sup>.**

### ҚИЙМАТИНГИЗ – ИМОНИНГИЗ ВА ХУЛҚИНГИЗДИР

Кийим-боши йиртиқ, қорни оч, ялангоёқ, на қариндош-уруғи, на мартабаси, на мол-давлати, на тунайдиган уйи бор бир киши ўтган. Ариқлардан

<sup>229</sup> Исро сураси, 27-оят.

<sup>230</sup> Фурқон сураси, 67-оят.

<sup>231</sup> Моида сураси, 100-оят.

<sup>232</sup> Жума сураси, 10-оят.

сув ичар, масжидда тунар, ёстиғи билаклари, тўшаги тупроқ эди. Лекин доим Аллоҳни эслар, Қуръон ўқир ва намозда биринчи сафдан қолмас эди. Бир куни Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларидан ўтаётганида уни исми билан чақириб: “Эй Жулайбиб, уйланмайсанми?”, деб қолдилар. Жулайбиб: “Эй Аллоҳнинг элчиси, менинг мол-давлатим ҳам, обрў-эътиборим ҳам йўқ бўлса, менга ким қизини беради?”, деди. Яна бир марта Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларидан ўтаётганида шу савол-жавоб бўлди. Учинчи марта ҳам шу ҳолат такрорланди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эй Жулайбиб, фалон ансорийнинг уйига бориб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сизга салом айтдилар ва қизингизни менга никоҳлаб беришингизни сўрадилар, деб айт”, дедилар.

У ансорий саҳоба хонадони обрўли ва ўзига тўқ оила эди. Жулайбиб (розияллоҳу анҳу) унинг уйига бориб эшигини қокди ва Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сўзларини етказди. Ансорий саҳоба: “Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам салом бўлсин. Сенда на мол-давлат ва на обрў бўлса, сенга қандай қилиб қизимни бераман?!”, деди. Ансорий саҳобанинг хотини ҳам суҳбатни эшитиб ажабланар ва: “Жулайбиб! Унинг ҳеч вақоси йўқми?”, деб бир-биридан сўрашар эди. Шунда бу можарони эшитиб турган қиз отаонасига: “Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) талабларини қайтарасизларми? Аллоҳга қасам, мен қайтармайман!”, деди.

Улар турмуш қурдилар. Тақвога асосланган бахтли оилада фарзандлар дунёга келди. Бу орада жанг бошланиб қолди. Жулайбиб (розияллоҳу анҳу) ҳам жангда иштирок этиб, душманлардан еттитасини ўлдирди ва ўзи ҳам шаҳид бўлди. Раб-

бидан, Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ва яшаган ҳаётидан мамнун ўтган Жулайбиб тупроққа қоришди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўлдирилганларни кўриб чиқдилар. Ўлганлар номма-ном айтиб чиқилди, лекин таниқли бўлмагани учун Жулайбибни (розияллоҳу анҳу) ёддан чиқаришди. Аммо Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни ёддан чиқармаган эдилар. **“Лекин мен Жулайбибни йўқотдим”**, дедилар.

Сизнинг қийматингиз улуғ мақсадларингиз ва гўзал хулқингиздадир. Сизнинг саодатингиз ҳар қандай нарсанинг моҳиятини билишингиз, эътибор беришингиз ва олийлигингиздадир.

Фақирлик ҳеч қачон бир нарсага етиш, устун бўлиш ва ўз қобилияти билан бошқалардан ажралиб туришга тўсиқ бўлмаган. Ўзининг қийматини ўзи англаб етган инсонга олқишлар бўлсин! Ўз ҳаракати ва донолиги билан ўзини саодатли қилган инсонга олқишлар бўлсин! Икки маротабалаб ишини қойиллатиб қўйган, икки ҳаётда ҳам саодатли бўлган, дунё ва охиратда нажот топган кишига олқишлар бўлсин!

### УЛАР НАҚАДАР БАХТЛИ!

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ҳақларидаги оят: **“Тақволи киши эса ундан (дўзахдан) узоқлаштирилур. Қайсики, у мол-давлатини (яхшилик йўлида) сарф қиладиган бўлса”**<sup>233</sup>.

Умар (розияллоҳу анҳу) ҳақларидаги ҳадис: **“Жаннатда оқ қаср кўрдим. “Бу қаср кимга”, деб сўрадим. Менга: “Умар ибн Хаттобга”, дейилди”**.

Усмонга (розияллоҳу анҳу) дуо қилинди: **“Эй Аллоҳ! Усмоннинг олдинги ва кейинги гуноҳларини кечир”**.

<sup>233</sup> Лайл сураси, 17 – 18-оят.

Али (розияллоҳу анҳу) ҳақларидаги ҳадисда: **“Бир киши бор, у Аллоҳни ва Унинг пайғамбарини яхши кўради. Уни ҳам Аллоҳ ва Унинг пайғамбари яхши кўради”**.

Саъд ибн Муоз (розияллоҳу анҳу) ҳақларидаги ҳадис: **“Унга Раҳмоннинг ариши ларзага келади”**.

Абдуллоҳ ибн Амр Ансорий (розияллоҳу анҳу) ҳақларидаги ҳадис: **“Аллоҳ у билан бирор воситачисиз тўғридан-тўғри гаплашган”**.

Ҳанзала (розияллоҳу анҳу) ҳақларидаги ҳадис: **“Уни (вафот этганда) Раҳмоннинг фаришталари ғул қилдирди”**, дейилган.

#### УЛАР НАҚАДАР БАХТСИЗ!

Фиръавн ҳақида: **“(У азоб қабрдаги бир) оловдир, улар эртаю кеч унга тутиб туриладилар”**<sup>234</sup>.

Қорун ҳақида: **“Бас, Биз уни ҳам, (бойлик тўла) масканини ҳам ерга юттирдик”**<sup>235</sup>.

Валид ибн Муғира ҳақида: **“Яқинда Мен уни (дўзахдаги) баланд довонга дучор қилажакман”**<sup>236</sup>.

Умайя ибн Халаф ҳақида: **“(Кишилар ортидан) ғийбат қилувчи, (олдидан) масхара қилувчи ҳар бир кимсанинг ҳолига вой!”**<sup>237</sup>

Абу Лаҳаб ҳақида: **“Абу Лаҳабнинг қўллари қурисин (ҳалок бўлсин)! Ҳалок бўлди ҳам”**<sup>238</sup>.

Ос ибн Воил ҳақида: **“Йўқ! Албатта, (Биз) унинг айтаётган сўзини ёзиб қўярмиз ҳамда унга азобни орттирамиз”**,<sup>239</sup> дейилган.

<sup>234</sup> Гофир сураси, 46-оят.

<sup>235</sup> Касас сураси, 81-оят.

<sup>236</sup> Мудассир сураси, 17-оят.

<sup>237</sup> Хумаза сураси, 1-оят.

<sup>238</sup> Масад сураси, 1-оят.

<sup>239</sup> Марям сураси, 79-оят.

Тўғри йўлда бўлмаслик, фикрнинг бузуклиги, ҳақиқатни кўра олмаслик, қалб бузилиши, вақтни беҳудага кетказиш, одамларни ёмон кўриш, банда ва Рабб ўртасидаги узоқлик, дуо ижобат бўлмаслиги, қалбнинг қорайиши, ризқ ва умрда барака йўқолиши, илмдан махрум бўлиш, хорликка юз тутиш, душманлар олдида шарманда бўлиш, сиқилиб қолиш, қалбни бузадиган ва вақтини совурадиганлар билан бирга бўлиш, доим ғам-ташвишда юриш, умрнинг қийинлашиши ва қийин вазиятга тушиб қолиш – буларнинг барчаси гуноҳ қилишдан ва Аллоҳни эсламай қўйишдан келиб чиқади. Бундай ҳолатларнинг зидди эса тоат асосида ҳосил бўлади.

Ғам-ташвиш ва хафаликни кетказишда истиғфорнинг таъсири борасида ақлли киши бундай фикрдадир: гуноҳ ва ёмон ишлар ғам-ташвиш, хафагарчилик, сиқилиш ва бошқа юрак касалликларига сабаб бўлади. Айримлар гуноҳ қилиб мақсадларига етсалар ҳам, юракларидаги сиқилиш ва ғам-ташвишни кетказиш учун гуноҳда давом этаверади.

Шоир айтади:

**Шеър:**

*Майнинг илк косаси гўёки лаззат,  
Қолгани аламни даволаш фақат.*

**ШИШАНИ НОЗИКЛИК ИЛА ТУТИНГ**

“Улар билан тотув турмуш кечирингиз...”<sup>240</sup>

“Унинг аломатларидан (яна бири) – сизлар (нафсни қондириш) таскин топишларинг учун ўзларингдан жуфтлар яратгани ва ўрталарингда иноқлик ва меҳрибонлик пайдо қилганидир”<sup>241</sup>.

<sup>240</sup> Нисо сураси, 19-оят.

<sup>241</sup> Рум сураси, 21-оят.

Ҳадиси шарифда: **“Аёлларга яхши муомала қилинглар. Улар ҳузурингиздаги аҳлларингиздир”**, дейилади.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Сизларнинг яхшиларингиз аҳлига яхши (муносабатда) бўлганларингдир. Мен ичларингда аҳлимга яхшисиман”**, дея марҳамат қилганлар.

Том маънодаги бахтиёр оила – бир тан-бир жон бўлиб ҳаёт кечираётган, умрини тотувлик, тақво ва муҳаббат устига қурган оиладир.

**“Бинологларини Аллоҳдан (берилувчи) тақво ва розилик асосида қурган киши яхшироқми ёки бинологларига қулаётган жар ёқасини асос қилиб олган ва шу сабабли (ўзи ҳам) жаҳаннам ўтига қулаган кишими?! Аллоҳ золимлар қавмини ҳидоят қилмайди”<sup>242</sup>.**

### ТАБАССУМ ВА САБР

Аёлнинг эрига, эркакнинг ҳалол жуфтига табассуми очик чеҳраликдан ва эр-хотиннинг бир-бирига ёқимлилигидан нишонадир. Айнан шу табассум аҳиллик ва тотувликка асос бўлувчи воқитадир. Ҳадиси шарифда: **“Биродарингга табассум ила боқишинг ҳам садақадир”**, дейилган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) табассумли, очик чеҳрали эдилар.

Аллоҳ азза ва жалла Ўзининг қадим сўзида салом бериш борасида бундай марҳамат қилади: **“Бас, қачон, уйларга кирсаларинг, бир-бирларингга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборак, покиза саломни айтинглар (яъни, “Ассалому алайкум” денглар!)”<sup>243</sup>.** Саломга алик олиш ҳақида эса бундай дейди: **“Қачон сизларга бирон хил саломлашиш (ибораси) билан салом берилса,**

<sup>242</sup> Тавба сураси, 109-оят.

<sup>243</sup> Нур сураси, 61-оят.

сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олин-  
глар ёки ўша (ибора)ни қайтаринглар. Албат-  
та, Аллоҳ ҳар бир нарсани ҳисобга олувчи  
зотдир”<sup>244</sup>.

**Шеър:**

*Илтифот билдирди, бурилди, кетди,*

*Ахлоқи ҳуш эди – муродга етди.*

*Лек сен беролмадинг унга мос жавоб –*

*Иззату улуғлик сени тарк этди.*

Бирон жойга кирганда айтиладиган дуо ҳам шу-  
лар жумласидандир: “Эй Аллоҳ, Сендан яхши кириш  
жойи ва яхши чиқиш жойи сўраймиз. Аллоҳ исми ила  
кирамиз, Аллоҳ исми ила чиқамиз ва Раббимизга  
таваккал қиламиз”.

Оилавий бахт сабабларидан яна бири икка-  
ла томон ҳам бир-бирига юмшоқ муомалада  
бўлишидир.

**“Бандаларимга айтинг (ширк аҳлига) гўзал  
(сўзлардан) сўзласинлар”<sup>245</sup>.**

Эҳ, қани эди эркак ҳам, аёл ҳам ёмон сўзларни,  
ўринсиз ишларни тарк этса ва туйғуларни ка-  
лака қилишни ташласа! Иккаласи ҳам умр  
йўлдошининг гўзал, ўрناق томонларига эътибор  
қаратиб, ҳаммада бўлган камчиликларига кўз юм-  
салар, қандай гўзал бўлар эди! Қисқа қилиб айт-  
ганда, бир-бирининг яхшилигини ошириб, ёмон-  
лигини яшириб яшаса, нақадар бахтли ҳаёт кечи-  
рарди!

Агар эр ўз ҳалол жуфтнинг фазилатларини са-  
наса ва камчиликларидан кўз юмса, кўнгли тас-  
кин топади ва шодланади. Ҳадиси шарифда бун-  
дай дейилади: **“Мўмин эркак мўмина аёлдан наф-  
ратланмайди. Агар унинг бир хулқи ёқмаса,  
бошқасига рози бўлади”.**

<sup>244</sup> Нисо сураси, 86-оят.

<sup>245</sup> Исро сураси, 53-оят.

**Шеър:**

*Борми ҳеч ёмонлик қилмас бир банда?*

*Яхшиликларни ҳам қилмовчи канда?*

**“...Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаганида эди, сизлардан бирор киши (туҳматдан) пок бўлмас эди”<sup>246</sup>.**

Кўп оилавий муаммолар майда-чуйда, арзимас камчиликларга кўп эътибор бериш, улар устида бахслашишдан келиб чиқади. Охири ажрашиш билан тугаган ўнлаб маҳкама ишларининг гувоҳи бўлдим. Барчасининг сабаби уйнинг тартибга келтирилмагани, таомнинг вақтида тайёрланмагани ёки эр уйга кўп меҳмон чақириши каби арзимас икир-чикир ишлар.

Барчамиз ўз ҳолатимиз, камчиликларимизни ва воқелиқда қандай бўлсак, шуларни эътироф этишимиз, айрим матонатли кишиларгина эриша оладиган ҳаётни ҳаёл қилмаслигимиз лозим.

Биз гоҳо аччиғи чиқадиган, баъзан ғазаби қайнайдиган, гоҳида заифлик ҳам қиладиган хатокор кишилармиз. Оилавий турмушда бизга ярашадигани ва қилишимиз лозим бўлгани нисбий ишларни ўрганиб тушунишдир.

Бу борада Аҳмад ибн Ҳанбалнинг саховати ва гўзал муомаласи ҳақида қисқача сўзланди. У киши аёли Умму Абдуллоҳ вафот этганидан кейин: “У билан қирқ йил бирга яшадим. Аммо бирон сўзда ҳам қарама-қарши келмадик”, деган эди.

Агар аёл ғазаб қилса – эр, эр ғазаб қилганида – аёл, то шериги ховуридан тушиб ўзини босиб олмагунича ва нафс гулғуласи сокинлашмагунича ўзини босиб жим туриши керак.

Ибн Жавзий ўзининг “Кўнгил овлаш” китобида бундай дейди: “Агар турмуш ўртоғингиз ғазабланаётган ва бўлар-бўлмас сўзларни га-

<sup>246</sup> Нур сураси 21-оят.

пираётган бўлса, унга парво қилманг, унинг ҳаракатларига жавоб ҳам қайтарманг ва бу иши учун уни қойиманг. Чунки унинг ҳолати маст кишиникидай бўлиб, нима қилаётганини ҳам, нима деяётганини ҳам билмайди. Сиз яхшиси оху фиғон чекмай, бир оз сабр қилинг. Зеро, бу пайтда шайтон эрингизни мағлуб қилган, унинг табиати қуюшқондан чиққан ва ақли тўсилган бўлади. Агар шу ҳолда сиз унга бирон нима десангиз ёки хатти-ҳаракатига яраша бирор нарса қилсангиз, худди жинни билан тортишган доно, ҳушсиз билан мунозара қилаётган ҳушёр киши каби бўлиб қоласиз ва асл гуноҳкор ўзингиз бўласиз. Сиз шеригингизга раҳмат назари ила боқинг, хушчақчақлик, очик юзлилик ила унинг кўнглини олинг”.

Шуни яхши билинг: у ғзаби босилгач, қилган ишидан афсусланади ва сиз шунда сабрнинг фазилатини кўрасиз. Баъзилар ғзабнок ҳолда қилган ишларини хотиржам пайтлардаги ишлари сабабли кечиришингизга умид қиладилар.

Бу ҳолат ота ғзабланганида бола, эр ғзабланганида хотин диққат қилиши ва то улар ўзига келгунига қадар сабр қилиб, нолишни тарк этиши лозим бўлган ҳолатдир. Унинг ғзаби босилгач, ўзи афсус-надомат чеккан ҳолда узр сўраб, қилган ишига пушаймон бўлади. Агар ғзабланган устида қилиб юборган ишларига айнан ўшандай ҳолатда жавоб қайтарилса, ўртада душманлик ўти алангаланadi.

Аммо кўплар биз айтган йўлни тутмайди, умр йўлдошининг ғзабига ғзаб билан, аччиқ сўзларига ўшандай аччиқ сўзлар билан жавоб қайтаради. Аммо булар ҳикматли иш эмас, ҳикматлиси тепада биз айтиб ўтган нарсалардир. Буларни фақат олимларгина тушунади.

## ҚАСОС ТҮЙҒУСИ ҒАЗАБЛАНГАН КИШИНИ ЎЛДИРАДИГАН ЗАҲАРДИР

“Ўтмишда ўлдирилганлар” китобида душманларига қаттиқ азоб ва ниҳоятда оғир жазолар берган золим кимсалар ҳақида қисса ва ҳикоялар баён этилган. Ўша золим кимсалар ўзларига қарши бўлганларни қатл этган бўлсалар-да, бу ишлари уларнинг дардига дармон бўлмаган, юракбағрини куйдираётган қасос алангасини ўчира олмаган. Ажабланарлиси – осиб ёки боши танидан жудо этилиб ўлдирилган ва руҳи танасини тарк этган шахс бундан кейин оғриқни, азобни ҳис қилмайди. Ўлдирувчи кимса душманини қанча қаттиқ азобласа, шунча кўп шодланади, хурсанд бўлади, лекин асло руҳи ҳаловат топмайди, ўзи бахтиёр бўлмайди. Чунки қасос алангаси душманидан олдин ўзини ўлдиради.

Ўч олиш ҳиссининг ўч олувчига зарари каттадир. Чунки у асаблари, роҳати, тинчлик ва хотиржамлигини йўқотади.

### **Шеър:**

*Мақсадда наст эрур ҳар жоҳил душман,  
Эришмоқ бобида жоҳил кишидан.*

“Ўзлари холи қолишганида эса, аччиқларидан сизлардан юраклари сиқилиб, бармоқларини тишлайдилар. “Шу аччиқларинг билан ўлиб кетинглар!” деб айтинг”<sup>247</sup>.

\*\*\*

Агар кишига рақибларидан душманлик етса – азият берилса ва устидан ҳукм юргизилса, унга тавбаи насух қилишдан кўра фойдалироқ нарса иш йўқ. Ўз нафсига, гуноҳларига, айбларига боқиб, уларни тузатиш ва тавба ила машғул бўлиши ҳамда

<sup>247</sup> Оли Имрон сураси, 119-оят

фикрини бошқа томонга ўзгартириши унинг бахти белгиларидандир. Шунда устига келаётган ишларни ўйлаб ўтиришга бўш вақти бўлмайди, балки тавбага ва камчиликларини тузатишга киришади. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло у бандасига ёрдам кўрсатади, химоясига олади ва бошига келган кулфатларини кетказишга Ўзи валийлик қилади. Натижада ундан бахтлироқ киши бўлмайди! Унга кўрсатилган иноят нақадар баракотли ва унинг таъсири бунчалар гўзал! Эриштириш ва йўллашга келсак, бу илмлар фақат Аллоҳ таолонинг измида бўлиб, Унинг берганини бирор кимса тўса олмайди, бермаганини ҳеч ким бера олмайди. Аммо ҳамма ҳам бу лутфни билавермайди, билишга ирода ва қудрати етавермайди. Аллоҳ хоҳлаган бандаларигина бунга эришадилар.

**Шеър :**

*Хатоларни мағфират айлагай Субҳон Эгам,  
Кўп хато қилсак-да бизни афвсиз қўймас  
ҳечам.*

*Осий умматга давомий ёғдирар инъомини  
Иззу қудрат соҳиби, Ул Гафуру бокарам.*

**ЎЗГАЛАРГА ТАҚЛИД ҚИЛМАНГ**

Одам тақлид, танлаш ва ижод қилишдан иборат уч босқичдан ўтади. Тақлид – бошқаларга эргашиш, уларнинг шахсиятларини ўзида жонлантириш ва ўзгалар хусусиятларини ўзига сингдиришдир. Тақлид завқланиш, алоқадорлик ва кучли интилишдан туғилади. Бу ҳис одамларни ўзгалар ҳаракатлари, талаффузи, товуш оҳанглари, кўз қарашлари ва шу каби одатларини ўзида жорий қилишга ундайди. Айнан шу нарса одам ўзини ўзи тириклай кўмиши, маънан ўз жонига қасддир. Аллоҳ бундайларга кенг кушойиш бер-

син. Тақлидда одам ўз йўналишига қарши боради, олдга эмас, ортга қараб юрган бўлади. Кимдир ўзгага тақлид қилиб овозини ўзгартирса, бошқаси юришини ўзгартиради. Қанийди тақлид умрни узайтирувчи илм, саховат, ҳалимлик каби улуғ ва мақталган сифатларни эгаллаш йўлида тақлид қилинса! Йўқ. Кўплар бошқаларнинг талаффузига, сўзлашиш услубларига ё қўл ҳаракатларига тақлид қилаётганини кўряпмиз.

Сиз билингки, сиз ўзингиз тақлид қилаётган кишидан бошқа одамсиз, сизнинг ҳаёт йўлингиз тақлид қилаётган кишингизнинг ҳаёт йўлидан мутлақо бошқа! Аллоҳ таоло Одамни (алайҳиссалом) яратганидан то замон охиригача икки киши бир-бирига ўхшамайди. Яъни, иккисининг сурати бир-бирига тўлалигича мос келмайди.

**“Унинг белгиларидан (яна бири) – осмонлар ва Ерни яратиши ва сизларнинг тилларингиз ва рангларингизнинг хилма-хиллигидир”<sup>248</sup>.**

Шундай экан, нимага биз ўз хусусиятларимиз ва иқтидоримизни ўзгаларга мослаштиришимиз, уларга эргаштиришимиз керак?!

Сизнинг овозингиз таровати ўзига хос. Инсонлар айнан шу ўзингизга хослик билан сизни бошқалардан ажратишади.

**“Аллоҳ осмондан сув (ёмғир, қор) ёғдириб, у билан ранглари турли бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?! Яна тоғларнинг оқ, қизил, ранг-баранг йўл(лиси) ҳам, тим қораси ҳам бордир”<sup>249</sup>.**

### АЛЛОҲ ЛУТФИНИ КУТИБ ЙИҒЛАГАНЛАР

Собит ибн Қайс ибн Шамоса (розияллоҳу анҳу) сўзлари баён майдонида мусобақа қилса ҳам тили тутилмайдиган сўзамол хатиб!

Унинг сўзлари доимо аниқ-равшан, кескир ва доимо инсонларни оҳанграбодек ўзига тортади.

<sup>248</sup> Рум сураси, 22-оят.

<sup>249</sup> Фотир сураси, 27-оят.

У Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хатиблари. У зот Ислом хатиби.

Шу зот бир куни дин нусрати учун Расулуллоҳ (соллаллоҳи алайҳи ва саллам) хузурларида баланд товушда хитоб қилди. У зот эдилар. Бу воқеадан сўнг Аллоҳ таоло: **“Эй имон келтирганлар! Амалларингиз ўзингиз сезмаган ҳолингизда зое бўлиб кетмаслиги учун сизлар овозларингизни Пайғамбар овозидан юқори кўтарманглар ва унга бир-бирларингизга баланд овоз (дағал сўз) қилгандек баланд овоз қилманглар!”**<sup>250</sup> оятини туширди. Собит ибн Қайс (розияллоҳу анҳу) бу оятда ўзини назарда тутилган деб ўйлаб, одамлардан қочиб уйига беркиниб олди-да, йиғлайверди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уни анча кўрмай қолганларидан кейин саҳобаларидан у ҳақда сўраган эдилар, улар бўлган воқеани гапириб беришди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ундай эмас. У жаннат аҳлидандир”**, дея марҳамат қилдилар. Огоҳлантирув башоратга айланди.

Мўминлар онаси Ойша (розияллоҳу анҳо) бир ой давомида туну кун йиғладилар. Йиғи у зотнинг жигарларини қиймалаб, таналарини нимталашига оз қолди. Чунки онамизнинг пок шаънларига тухмат қилинган эди. Аллоҳ таоло онамизнинг пок эканларини исботлаб, оят туширди: **“Албатта, (фахш ишлардан) хабарсиз, иффатли мўмина аёлларни ёмонотлиқ қиладиган кимсалар дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатланадилар...”**<sup>251</sup> Шунда онамиз Аллоҳга ҳамд айтдилар ва илгаригидек поклар ичра энг поки бўлдилар. Бу очик ғалабадан мўминлар ҳам чексиз шодланишди.

<sup>250</sup> Ҳужурот сураси, 2-оят.

<sup>251</sup> Нур сураси, 23-оят.

Табуқ ғазотидан қолиб кетганлари учун уч кишига кенг ер юзи ҳам торлик қилиб қолди ва юраклари сиқилди. Улар Аллоҳдан ўзга нажот йўқлигини билдилар. Барча нарсани билувчи ва эшитувчи Зотдан уларнинг дардларига дармон ва шодлик келди.

### ЎЗИНГИЗГА ЁҚАДИГАН ИШГА ИНТИЛИНГ

Аллома Ҳарроний айтади: «Бетоб бўлиб қолдим. Табиб менга “Кўп китоб ўқисанг ва илмий суҳбатлар қилаверсанг касаллигинг кучайиб кетади”, деди. Мен унга: “Бунга сабр қила олмайман. Сенинг бу гапингга эътирозим бор: агар нафс шодланса ва сурурга тўлса, киши табиати кучга тўлиб, дард чекинмайдими?!” дедим. У: “Ҳа шундай”, деди. Мен унга: “Менинг нафсим илм ила шодланади. Натижада, табиатим кучга киради ва мен роҳатга эришаман”, дедим. Шунда ҳалиги табиб менга: “Бу бизнинг муолажамиздан ташқаридаги нарса”, деди».

“Уни (бўхтонни) сизлар ўзларинг учун ёмонлик деб ўйламанглар, балки у сизлар учун яхшидир”<sup>252</sup>.

**Шеър:**

*Балки айблашингиз мен учун аъло,  
Тана иллат сабаб топар-ку даво.*

### “БАРЧАГА – МАНА БУЛАРГА ҲАМ, АНАВИЛАРГА ҲАМ НЕЪМАТЛАРДАН АТО ЭТАМИЗ”

Фойдали ва солиҳ амалларда мусобақалашишга ва матонат кўрсатишга ҳамда вақтдан унумли фойдаланишга жуда муҳтожмиз. Албатта, кейинроқ одамларга фойдамиз текканидан, уларга хизмат қилганимиздан ҳамда уларга маънавият ва маданият улашганимиздан шодланамиз. Биз бу ҳаётга

<sup>252</sup> Нур сураси, 11-оят.

бекорга келмаганимизни, беҳудага яратилмаганимизни ва эрмак учун пайдо қилинмаганимизни билсак, албатта, хурсанд бўламиз.

Мен Имом Заркашийнинг “Ал-Аълом” асарларини ўқиб чиқдим. Унда Шарқ ва Ғарбнинг ёрқин ва иқтидорли сиёсатдонлари, уламолари, донишмандлари, адиблари ва табибларининг таржимаи ҳоллари ёзилибди. Асарни ўқир эканман, кишилар сийратида Аллоҳ таолонинг яратикларидаги суннати ва бандалари устидаги ваъдасининг ҳақ эканини кўрдим. У ваъда ва суннат будир: кимда-ким дунё учун яхши ишлар қилса, шубҳасиз, дунёдан мол-мулк, тухфа, мансаб, шухрат каби ўткинчи матоҳлардан иборат насибасини тўла-тўқис олади. Аммо ким охираат учун яхшилик қилса, икки дунёда ҳам фойда топади, амалларининг қабулига, розиликка ҳамда ажру савобга эришади.

“(Эй Муҳаммад!) **Барчага – мана бу (мўмин)ларга ҳам, анави (кофир)ларга ҳам Раббингизнинг неъматидан ато этамиз. Раббингизнинг неъмати (ҳеч кимдан) ман этилувчи эмас**”<sup>253</sup>.

### **Шеър:**

*Бахт улашиб бўлдинг бахтсизу нолон,  
Ўзгани кулдирдинг, сен бағри гирён.*

Мен яна бир нарсани тушундим: Аллоҳ ўша машхур кимсаларга ваъдасининг рўёби ўлароқ ўзлари хоҳлаган нарсаларини берган. Ҳатто уларнинг кўпи “Нобел” мукофотига эришган. Чунки улар шу нарсани исташар, унинг йўлида саъй-ҳаракат қилишар эди. Баъзилари ҳатто мислсиз шухрат топган. Сабаби – улар шунгагина интилган. Айримлари ҳисобсиз мол-мулкка эришган, чунки, уларнинг мақсади шу бўлган, мол-дунёни қаттиқ севган.

<sup>253</sup> Нур сураси, 20-оят.

Улар орасида яна шундай мумтоз бир жамоа ҳам бор – улар Аллоҳнинг солиҳ бандаларидир. Улар Аллоҳнинг ўзидангина фазл ва розилик исташган. Иншаоллоҳ, ўша жамоа дунё савобига ва охират савобининг гўзалларига эришганлар.

Башарият билган энг буюк даво, инсоният кашф қилган энг улуғ муолажа мусулмонлар қўлидадир. У қазо ва қадарга имон келтиришдир. Айрим файласуфлар: “Кофир кимса ҳеч қачон қазо ва қадар сабабли бахтиёр бўла олмайди”, дейишади. Мен сизга бу гапни кўп такрорладим, турли услубларда тушунтирдим. Ҳолбуки, ўзим ҳам бунга тўла амал қилолмаяпман. Чунки мен ўзимни ва ўзимга ўхшаганларни кузатиб, биз қазо ва қадардан ўзимиз ёқтирадиган нарсаларимизни севишимизни билдим. Ёқтирмаганларимизга эса ғазабланамиз. Шу сабаб Исломнинг ва ваҳий аҳдномасининг шартини **“Қадарнинг яхшилигию ёмонлигига, ширинлигию аччиқлигига имон келтиришингиздир”**, дейишган.

### КИМ АЛЛОҲГА ИМОН КЕЛТИРСА, ҲИДОЯТ ТОПАДИ

Мен сизга қазога ишонган зотларнинг саодатлари ва ундан ғазабланганларнинг шубҳа-гумонлари, саросималари ва ғам-аламлари равшан бўлсин деб айрим қиссаларни баён қиламан.

“Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)”, “Саҳродаги ҳаловат” ва яна ўн тўрт китоб муаллифи амриқолик Бумудала 1918 йилдан бошлаб шимоли-ғарбий Африқода намозни тўла адо этувчи ва рўзаларни бекам-кўст тутувчи Рухҳал қабиласи билан бирга яшай бошлаган. У ўша ерда бошидан ўтказганлари ҳақида қуйидагича хикоя қилади:

«Бир куни кучли шамол эсиб, қум барҳанларини Ўртаер денгизига кўчириб ташлади. Шамолнинг

ҳарорати ниҳоятда иссиқлигидан мен сочларим илдизигача титраганини ҳис қилдим. Ғазабим кучлигидан жинни бўлаёздим. Аммо араблар бу ҳолдан заррача шикоят қилмас эдилар. Аксинча, аччиқланиш ўрнига: “Тақдири азал..”, деб қўйдилар ва ўзларининг одатий ишларига доимгидек шижоат ила киришиб кетавердилар. Қабила оқсоқоли: “Кўп нарса йўқотмадик, ҳолбуки, биз барча нарсамиздан айрилишга лойиқ эдик. Аллоҳга сон-саноксиз ҳамд ва шукрлар бўлсин, чорва молларимизнинг қирқ фоизга яқини омон қолди. Бу билан барча ишларимизни қайтадан бошласак бўлади”, деди».

У ерда бўлиб ўтган бошқа бир ҳодиса қуйидагича:

«Биз бир куни машинада сахро бўйлаб кетиб борардик. Бирдан машина балонларидан бири ёрилиб кетди. Бахтга қарши ҳайдовчи ёрдамчи ғилдиракни олмаган экан. Жаҳлим чиқди, ғамташвиш боса бошлади ва араб йўлдошимдан: “Энди нима қиламиз?” деб сўрадим. Улар менга ғазабга берилиш муаммони ҳал қилмаслиги, балки у одамни нодонлик ва аҳмоқликка бошлашини тушунтирдилар. Сўнг биз машинага чиқдик ва бирон қийинчиликсиз шу ғилдирак билан машинани ҳайдаб кетдик. Анча-мунча йўл юрганимиздан сўнг ёнилғимиз ҳам тугади. Шунда ҳам йўлдошларимдан бирортаси пинагини бузмади ва бир нарсаларни ҳиргойи қилганча пиёда йўлда давом этдик.

Мен Рухҳал қабиласи билан ўтказган етти йил давомида шу нарсани билдимки, Амриқо ва Оврупа ружу қўйган ичкиликбозлик, уларни чулғаб олган рухий хасталиклар ва бошқа муаммолар шошқалоқликни ўзларига асос қилиб олган маданият қурбонларидан бошқа нарса эмас экан.

Мен сахрода, тўғрироғи Аллоҳнинг “жаннат”ида мутлақо ғам-алам нима эканини билмай яшадим.

У ерда сакинат, қаноат, ризо нима эканини топдим ва ҳис қилдим. Кўплар араблар имон келтирган нарсани жабарийликка йўйиб, уларнинг қазо ва қадарга бош эгишларини мазаҳ қиладилар. Лекин, ким билади, балки улар ҳақиқатнинг асл моҳиятига ета олган кишилардир?! Агар мен ўтмишни эсласам, ҳаётимни тафтиш қилсам, яхши биламан: воқеа ва ҳодисалар кетидан эргашишим натижасида ҳаётим бир-биридан тарқоқ ҳолдаги даврлар кўринишида ўтди ва у ҳеч қачон тартибли бўлмади. Аммо араблар бу ҳолни “тақдир”, “қисмат”, “Аллоҳнинг қазоси” каби сўзлар билан атайдилар ва унга эътибор бермай, ўз йўлларида давом этаверадилар. Сиз эса уларни ўзингиз хоҳлаганингиздек атанг.

Хулоса шуки, мен саҳрода ўтказган йилларим Аллоҳнинг қазосига нисбатан арабларнинг ёндашувини маҳкам тутдим. Ҳар бир воқеа-ҳодисани бирон саросимасиз, хотиржамлик, бўйсунуш ва сакинат билан қарши олдим. Асабларни тинчлантиришда араблардан ўзлаштирганим бу хислат тинчлантирувчи игна ва шарбатлардан кўра фойдалидир».

Саҳро араблари бу ҳақиқатни Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарлик нуридан олганлар, деб ўйлайман. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рисолатларининг асл мағзи ҳам одам боласини саргардонликдан қутқариш, зулматлардан нурга чиқариш, бошидаги хорлик тупроғини тозалаш, оёқ-қўлдаги тушов ва елкаларидаги оғир юклардан халос этишдир. Ҳидоят элчиси (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олиб келган васиқада тинчлик, хотиржамлик ва нажотга эришишнинг муҳим сирлари бор: қазо ва қадарни эътироф этиш, далил билан амал қилиш, мақсадга

етиш, нажотга ҳаракат қилиш ва натижали меҳнатдир. Раббоний рисолат сизни бу борлиқдаги мақомингизни белгилаб бериш учун келган. Ёндашувингизни белгилашдан асосий мақсад эса руҳингиз ва ақлингиз хотиржам, ғамингиз ариган, амалларингиз холис ва хулқингиз гўзал бўлиб яратилишидан мақсад нима эканини биладиган ҳамда борлиги сирини англаган бир комил инсон бўлишингиздир.

### ЎРТА ЙЎЛ

**“Шунингдек, сизларни (мусулмонларни бошқа) одамларга (умматларга) гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбарнинг сизларга гувоҳ бўлиши учун “ўрта уммат” қилиб қўйдик”<sup>254</sup>.**

Бахт-саодат ғулувсиз, жабр-жафосиз, ҳаддан ошишсиз ва камчиликсиз ўртачалиқда эканига ақлли киши шубҳа қилмайди. Ўртачалиқ бандани икки томоннинг бирига оғиб кетишдан сақлайдиган Раббоний дастурдир. Шунингдек, ўртачалиқ Ислом динининг асосий хусусиятларидан биридир.

Ўртачалиқ асосидаги ҳаётда сизни бахтиёр қиладиган нарсалардан яна бири – ибодатлардаги меъёр. Ибодатда ҳаддан ошиб жисмингизни, ғайратингизни, шунингдек, давомийликни йўққа чиқарманг. Сусткашлиқ қилиб нафлларни тарк, фарзларни чала қилманг ва ортга сурманг. Инфоқ-эҳсонда ҳам ўртачалиқ лозим. Унда чегарадан ошиш ила мол-мулкингизни йўқ қилиб ҳасратда ва муҳтожликда қолманг, айна чоқда бахиллик ва зикналик қилиб маломатда қолманг ва савобдан маҳрум бўлманг.

<sup>254</sup>Бакара сураси, 143-оят

Булар каби хулқ-атворда ҳам ўртача бўлинг. Ҳаддан ортиқ жиддий ҳам ва кишини хорлайдиган даражада мулойим ҳам бўлманг. Ўта хўмрайган ҳам, иршайган ҳам бўлманг.

Албатта, бу йўл бошқалар билан муомалада, бирон нарсага ҳукм қилишда ва ишларни бошқаришда ўртача йўлдир. Адолат ўлчовини бузадиган ортиқлик ҳам, яхшилик пойдеворини емирадиган камлик ҳам қилманг. Чунки ортиқчалик дабдаба ва исроф бўлса, камайтириш жафодир.

**“...Лекин Аллоҳ имон келтирганларни улар ихтилоф қилган нарсалар (ичи)дан Ўз изни (илми) билан ҳидоят сари йўллади. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни тўғри йўлга йўллайди”<sup>255</sup>.**

Савоб – ҳаддан ошиш ва исроф гуноҳлари ўртасидадир. Яхшилик – орттириш ва парвосизлик ёмонликлари ўртасидадир. Ҳақ – чегарадан ошириш ва камайтириш ботиллиги ўртасидадир.

### БУНИСИ ҲАМ, УНИСИ ҲАМ ЭМАС

Муторриф ибн Абдуллоҳ айтади: “Сайрларнинг энг ёмони беҳуда сайр. Бу сайр ўзига ҳам, уловига ҳам зарар берадиган сайрдир. Ҳадиси шарифда: **“Бошлиқларнинг энг ёмони ҳатамадир”**, дейилган. “Ҳатама” бошқарувда қўл остидагиларга зулм қилиш, деганидир. Олижаноблик исроф билан бахиллик ўртасида бўлади. Шижоат кўрқоқлик билан ўзини тутолмаслик ўртасида бўлади. Ҳилм қизиққонлик билан аҳмоқлик ўртасида бўлади. Табассум кулги билан қовоғини солиш ўртасида бўлади. Сабр қаттиққўллик билан тоқатсизлик ўртасида бўлади. Ғулувнинг ҳам давоси бор – у ғулувга кетишни енгиллатиш ва бу оловли ҳолатни ўчириш. Жафонинг ҳам давоси

<sup>255</sup>Бақара сураси, 213-оят.

бор – у ниятни олға суриш ва ҳимматни ошириш-дир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “Бизни шундай тўғри йўлга йўллагинки, у Сен инъом этган зотларнинг йўли (хидоят йўли) бўлсин, ғазабга учраган ва адашганларнинг эмас!”<sup>256</sup>

\*\*\*

Оламда сабрдан кўра қийинроқ нарса йўқ. Сабр яхши кўрилган ёки ёмон кўрилган нарсалардан қилинади. Хусусан, вақт узайиб, умидсизлик пайдо бўлган вақтда. Ушбу узайиш муддати тўхташи учун айрим ёрдамчи таскинларга эҳтиёж сезилади. Булар бир неча хил бўлади:

1. Бошга тушган мусибат миқдорига назар солинади. Ҳозирги ҳолатидан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин эди-ку.

2. Айни дамда биронта азиз нарсасидан айрилган бўлса, бошқа бир қанча азиз нарсалари ўзида қолган бўлади. Масалан, бир фарзандини йўқотган бўлса, қолган болалари тирик бўлади.

3. Дуч келган болаларига шу дунёнинг ўзида эваз берилиши мумкин.

4. Мусибатлар эвазини охиратда савобга айлантириши мумкин.

5. Мусибатга сабр қилганини кўриб, одамлар унга тасаннолар айтишади. Охиратда эса Аллоҳ таолодан ажру мукофотларга сазовор бўлади.

6. Сабрсизлик қилиб жазавога тушишнинг фойдаси йўқ. Аксинча, бундай қилиш шарманда бўлишга сабаб бўлади.

Яна бундан бошқа ақл ва мантиқ тасдиқлайдиган сабаблар ҳам бор. Сабр йўлида ушбу воситаларни ҳис қилиш лозим. Шунда сабр қилувчи кимса ўзини мана шу воситалар билан банд қилиб, мусибатларини осон енгиб ўтади.

<sup>256</sup> Фотиҳа сураси, 5–7-оятлар

## АЛЛОҲНИНГ ДЎСТЛАРИ КИМЛАР?

Аллоҳнинг дўстлари бир қанча сифатлари билан ажралиб туради:

- Азонни шавқу завқ ила кутиб олади.
- Такбири таҳримага интилади.
- Равзада ўтиришни одат қилади.
- Қалблари саломат бўлади.
- Суннатни зоҳир қилади.
- Зикрни кўпайтиради.
- Ҳалол ризқ учун машаққат чекади.
- Фойдасиз нарсаларни тарк этади.
- Етарли ризққа рози бўлади.
- Китоб ва суннатни ўрганеди.
- Очиқ чехрали бўлади.
- Мусулмонларнинг мусибатига ҳамдард бўлади.
- Хилоф ишларни қимайди.
- Қийинчиликларга сабр қилади.
- Буюрилган ишларни бажаради

Туғёнга кетадиган даражада бой ёки ўта фақир ҳам бўлмасдан, балки ўзига етарли даражада яшашда ўртача бўлади. Етарли деган миқдор яшайдиган уй, солиҳа хотин, чиройли улов ва эҳтиёж миқдорича маблағдир.

## АЛЛОҲ БАНДАЛАРИГА МЕҲРИБОН ЗОТ

Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади: “Агар улар Аллоҳ ва расули уларга ато этган нарсага рози бўлиб: **“Бизга Аллоҳ етади. Бизга, албатта, Аллоҳ ўз фазлидан ато этади ва расули ҳам. Биз Аллоҳ (розилиги)гагина рағбат қилувчилармиз”, десалар эди (ўзларига яхши бўлур эди)**”<sup>257</sup>.

Албатта, бу нарса Аллоҳ таолонинг лутфи ва иноятидир. Ким Аллоҳ учун бир нарсани тарк

<sup>257</sup> Таъба сураси, 59-оят.

қилса, Аллоҳ таоло у кишига тарк қилганидан кўра яхшироғини беради.

Бу нарса менга Алининг (розияллоҳу анҳу) бир ишларини эслатиб юборди. Али (розияллоҳу анҳу) Зуҳо намозини ўқиш учун Куфа масжидига кирдилар. Масжид эшиги олдида бир ғуломни учратиб, унга: “Эй ғулом! Намоз ўқиб олгунимча мана бу хачиримни ушлаб тур”, деб масжидга кирдилар ва кўнгилларидан бу ғуломга хачиримга қараб тургани учун бир дирҳам бераман, деган ўй кечди. Али (розияллоҳу анҳу) масжидга кириб кетишлари билан ғулом хачирдан жиловини ечиб олди ва уни сотиш учун бозорга чиқиб кетди. Али (розияллоҳу анҳу) масжиддан чиксалар, ғулом йўқ, хачир эса жиловсиз ҳолда турибди. Шунда Али (розияллоҳу анҳу) бир кишини унинг изидан юбориб: “Бозорга бор, жиловни ўша ерда сотса керак”, – дедилар. Киши бозорга қараб кетди. Бозорда бояги ғуломни топиб, ундан жиловни бир дирҳамга сотиб олди. Ва қайтиб келиб Алига (розияллоҳу анҳу) бўлган ишнинг хабарини берди. Шунда Али (розияллоҳу анҳу): “Субҳоналлоҳ! Аллоҳга қасам, мен бу ғуломга бир дирҳам ҳалол маблағни бераман деб ният қилган эдим. У бўлса, бундан бош тортиб, ҳалол дирҳамни ҳаромга айлантириб олди”, дедилар.

Бу ишлар Аллоҳ таолонинг лутфи ва инояти бўлиб, бандалар қаерда бўлмасин, қаерга кетмасин уларга етиб туради. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Қайси бир машғулотда бўлманглар, ундан (Куръондан) бирон (свят) тиловат қилманглар, (умуман) қандай иш қилманглар, илло ўшанга киришганларингдаёқ (Биз) сизларга шоҳид бўлурмиз. Хоҳ ерда, хоҳ осмонда бирон зарра миқдорида ёхуд ундан кичикроқ нарса ҳам Раббиларингдан четда қолмайди, балки (у) аниқ битик (Лавҳул маҳфуз)да бордир”**<sup>258</sup>.

<sup>258</sup> Юнус сураси, 61-оят.

## УНИНГ ҶЗИ ҶЙЛАМАГАН ЖОЙДАН РИЗҚЛАНТИРУР

Таннухий “Қийинчиликдан кейинги енгиллик” номли асарида Аллоҳ ризқни берувчи Зот экани ҳақида сўз юритган:

Яшаш шароити қийинлашиб танг аҳволга тушиб қолган, уйда бирон егулик қолмаган бир киши айтади: «Мен ва оила аъзоларим икки кун оч қолдик. Куёш ботаётган пайтда хотиним менга: “Боринг, бизга бирон егулик топиб келинг. Очликдан тинкамиз қуриди”, деди. Мен ўзим учун яқин бўлган бир аёлни эслаб, унинг олдига бориб ҳолатни тушунтирдим. Аёл менга: “Ўйимизда мана бу балиқдан бошқа нарса йўқ. Бу ҳам эскириб, сасиб кетган”, деди. Мен аёлга: “Беравер, очликдан ҳалок бўлишга яқин турибмиз”, дедим-да, балиқни олиб бориб, уни ёрдим. Ичидан марварид чиқди. Уни минг динорга сотдим. Бунинг хабарини ўша аёлга айтганимда, у аёл: “Сизлардан фақат ўзимнинг ҳиссамнигина оламан”, деди. Натижада бой бўлиб кетдим. Уй-жойимни ростладим. Ризқимда кенгчилик бошланди. Буларнинг барчаси Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг шафқатидан бошқа нарса эмас».

Аллоҳтаоло марҳамат қилади: **“Сизларда қайси бир неъмат бор бўлса, албатта, у Аллоҳдандир. Шунингдек, қачон сизларга мусибат етса ҳам, фақат Унгагина ёлворасизлар”**<sup>259</sup>.

### У ЁМҒИРНИ ЁҒДИРАДИГАН ЗОТДИР

Обид кишилардан бири айтади: «Мен аҳлим билан чўл томонлардаги бир саҳрода яшар эдим. Аллоҳ таолони доим эслаб, зикр қилардим. Бизга келадиган сув тўхтаб қолди. Шунда сув қидира бошладим. Кўл қуриб қолибди. Оиламга бўш қўл

<sup>259</sup> Наҳл сураси, 53-оят.

билан қайтиб келдим. Сўнгра ўнг ва сўл томонлардан сув қидира бошладим. Лекин бирон қатра ҳам сув топа олмадим. Чанқоқ кучайиб, ёш болаларим сувга муҳтож бўлишди. Шунда энг яқин ва ижобат қилгувчи Зот Аллоҳ таолони эсладим-да, туриб таяммум қилдим. Қиблага юзланиб икки ракат намоз ўқидим. Қўлимни кўтариб, йиғлаган ҳолимда дуо кила бошладим. Аллоҳ таолонинг **“Ёки ноилож одам дуо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган ва (ундан) ёмонлик (мушибат)ни йўқ қиладиган ҳамда сизларни Ернинг ўринбосарлари қиладиган зот (яхши)ми?! Аллоҳ билан бирга (яна бирор) илоҳ борми?! (Насихатдан) камдан-кам эслатма оласизлар”**<sup>260</sup> ояти каримасини эсладим. Аллоҳга қасам, ўрнимдан турганимда осмонда булут йўқ эди. Тўсатдан бир булут пайдо бўлиб, саҳродаги манзилимни қоплади. Сўнгра ундан ёмғир ёға бошладди. Атрофимиздаги кўллар сув билан тўлди. Сувдан қониб ичдик. Таҳорату ғусл қилдик. Аллоҳ таолога ҳамдлар айтдик. Сўнгра у ердан бошқа ерга кўчдик. Қарасам, у ерлар куп-қуруқ эди. Шунда билдимки, Аллоҳ таоло дуоим сабабли бизга ёмғир ёғдирган экан. Аллоҳ таолога ҳамдлар айтдим».

**“У (одамлар) умидсизликка тушганларидан кейин ёмғир ёғдирадиган ва Ўз раҳматини (баракотини) кенг ёядиган зотдир. У (мўминларга) Валий (дўст) ва Ҳамид (ҳамд эгаси)дир”**<sup>261</sup>.

Демак, Аллоҳ таолога ёлвориб дуолар қилмоғимиз лозим. Чунки инсонларни тўғри йўлга соладиган ҳам, ризқ берадиган ҳам, уларни ҳидоят қиладигану, ёмғир ёғдирадиган ҳам Аллоҳ таолонинг ўзи. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло пайғамбарлардан бирларини зикр қилиб, марҳамат қилади.

<sup>260</sup> Намл сураси, 62-оят.

<sup>261</sup> Шуро сураси, 28-оят.

**“Бас, Биз уни (дуосини) ижобат қилдик ва унга Яхёни ато этдик ҳамда жуфти (ҳалоли)ни ўнглаб (туғадиған қилиб) қўйдик. Дарҳақиқат, улар (бу пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо қилар эдилар ҳамда Бизга (барча буйруқларимизга) итоат этувчи эдилар”<sup>262</sup>.**

### **АЛЛОҲ ТАОЛО УНДАН-ДА ЯХШИРОҒИНИ БЕРДИ**

Ибн Ражаб ва бошқалар ҳикоя қилишади:

Обид кишилардан бири Маккаи мукаррамада яшар эди. Егулиги тугаб, очликдан тинкаси қуриди. Шу очликда Макка кўчаларидан бирида айланиб юрганида, тўсатдан қимматбаҳо марварид солинган тугунчага қоқилиб кетди. Уни олиб, Ҳарамга йўналди. Ҳарамда бир киши бу тугунни қидираётган эди. Шунда обид киши ҳалиги кишига ўша халтачани менга сифатлаб бер-чи, деди. У киши унинг сифатларида бирон нарсани хато қилмасдан айтиб берди. Обид киши айтади: «Мен халтачани у кишига бердим ва кўнглимда эвазига бирон нарса берса керак деб ўйладим. Ҳалиги киши халтачани олиб, менга ҳеч бир нарса бермасдан кетди. Шунда: “Эй Аллоҳ, бу нарсани Сенинг розилигинг учун қайтариб бердим. Менга ундан кўра яхшироғини насиб эт”, дедим».

Кейин обид киши денгиз тарафга қараб кетди ва бир қайиққа минди. Денгизда қаттиқ шамол туриб, қайиқни ёриб ташлади. Обид киши денгиздаги бир тахтага чиқиб олди. Шамол уни ўннга ва сўлга айлантариб, охири бир қуруқликка чиқариб ташлади. Обид киши у ерда бир масжидни топди. Одамлар ибодат қилишаётган экан. У ҳам кириб намоз ўқиди. Сўнгра Қуръон топиб, уни ўқий бошлади. Ўша ерликлар “Сен Қуръон ўқишни би-

<sup>262</sup> Анбие сураси, 90-оят.

ласанми?” деб сўрашди. Обид киши: “Ҳа”, деб жавоб қилди. Одамлар: “Унда болаларимизга Қуръон таълимини бер”, дейишди.

Обид киши Қуръон ўргата бошлади. Шу тариқа, у ердагиларга ҳақ эвазига ёзишни ҳам ўргатишга киришди. Орол аҳли: “Бу ерда бир солиҳ кишининг қизи бор, ўзи вафот этган. Ўша қизга уйланасанми?” дейишди. Шу тариқа обид киши ўша қизга уйланди ва қизнинг олдида кирганида Маккада топиб олган маржонни унинг бўйнида кўриб: “Бу маржон сенга қаердан келиб қолди?” деди. Қиз отаси бу маржонни Маккаи мукаррамада йўқотиб қўйганини, бир киши уни топиб олиб унга қайтарганини, кейин отаси саждаларида қизига ўша кишига ўхшаш куёв топилишини тилаб дуо қилганини айтди. Шунда обид киши: “Мен ўша киши бўламан”, деди.

Натижада маржон обид кишининг қўлига ҳалол йўл билан келди. Чунки у маржонни Аллоҳ таолонинг розилиги учун қайтариб берган эди. Аллоҳ ундан кўра яхшироғини берди.

Ҳадисда: **“Аллоҳ таоло покдир. Фақат пок нарсаларни қабул қилади”**, дейилади.

### СЎРАСАНГИЗ ФАҚАТ АЛЛОҲДАН СЎРАНГ

Аллоҳ таоло латиф, эшитгувчи, дуоларимизни ижобат этгувчи Зотдир. Нуқсону камчиликлар биздан бўлади, холос. Агар бизда бирон ҳожат бўлса, Аллоҳ таолога ёлбориб дуо қилмоғимиз, дуодан малолланмаслигимиз ва умидсиз бўлмаслигимиз керак. Бирортамиз: “Мен Аллоҳ таолога кўп дуо қилдим, лекин ижобат бўлмади”, деб айтмасин. Балки бошини саждага қўйиб “Эй зул Жалоли вал Икром” деб Аллоҳ таолонинг гўзал ва олий исм-сифатлари билан дуо қилсин. Шунда Аллоҳ та-

оло талабларимизга ижобат қилади. Ёки унданда яхшироғини ато этади. Аллоҳ таоло марҳамат қилиб: **“Раббиларингизга зорланиб ва хуфёна (овозсиз) дуо қилинглар! Зеро, У (дуода ва бошқада) ҳаддан ошувчиларни ёқтирмайди”**<sup>263</sup>, деган.

## АЛЛОҲ ЎЗ БАНДАЛАРИГА МЕҲРИБОН ЗОТ

### Қимматли дақиқалар:

Албатта, кечанинг охирги қисми Аллоҳ таолонинг: **“Сўрагувчи борми, сўраган нарсасини бераман, истиғфор айтгувчи борми, уни мағфират қиламан, дуо қилгувчи борми, дуосини қабул этаман”**, дейдиган куни ҳаётимиздаги энг қимматбаҳо вақтларимизнинг нафиси бўлиб қолади.

Мен ўша вақти ёш бўлишимга қарамай умр бўйи эсдан чиқмайдиган бир неча ҳодисалар гувоҳи бўлганман. Ўша пайтда Аллоҳ таолодан кўра яқин ва меҳрибон Зот топмаганман.

Бир гал ҳаво ёмон бўлиб турган пайти Риёзга бориш учун учоққа чиқдик. Осмонга кўтарилган пайтимизда учоқдаги бузуклик сабаб кўналғага қайтишимиз хабари берилди. Кўналғага қайтгач, учоқ тузатилди. Сўнгра яна учдик. Риёзга яқинлашганимизда учоқ ғилдираклари очилмай қолди. Риёз осмони бўйлаб бир соат айланиб юрдик. Кўнишга ўн мартадан ортиқ ҳаракат қилинди, лекин иложи бўлмади. Бизни кўрқинч эгаллай бошлади. Кўзёшлар оқа бошланди. Ер билан осмон ўртасида кўз очиб юмишдан-да яқинроқ бўлган ўлимни кутиб турардик. Ҳаётимнинг ҳар бир онини эслаб кўрдим. Яхши амалларни топа олмадим. Қалблар Аллоҳ таолога ва охиратга бурилди. Дунё

<sup>263</sup> Аъроф сураси, 55-оят.

кўзимизга аҳамиятсиз ва кераксиз нарса бўлиб қолди. “Аллоҳ бирдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Унинг шериги ҳам йўқ. Мулк ва ҳамд уникидир. У зот ҳар бир нарсага қодирдир”, дея шаҳодат калимасини такрорлай бошладик. Бир ёши улуғ киши у ердигиларни Аллоҳ таолога ёлвориб дуо қилишга ва У зотга тавба қилиб, истиғфор айтишга чақирди.

Аллоҳ таоло айрим тоифа кишилар ҳақида бундай марҳамат қилади: “(Улар) кемага минганларида (ғарқ бўлишдан қўрқиб) Аллоҳга чин ихлос билан илтижо қиладилар. Бас, қачонки, (Аллоҳ уларни қуруқликка чиқариб) нажот берганида эса, бирданига улар (яна Аллоҳга) ширк келтирадилар”<sup>264</sup>.

Умидсизликка тушилган пайтда дуоларни қабул қиладиган Зотга ёлвориб дуолар қилдик. Озгина вақт ўтмасидан – ўн биринчи ё ўн иккинчи уринишда саломат ҳолда ерга қўндик. Ерга қўнган пайтимиз худди қабрдан тирилиб чиққандай бўлдик. Нафслар ўз жойига қайтиб кўз ёшлари тинди. Унинг ўрнига кулгилар бошланди. Аллоҳ таолонинг меҳрибонлиги қандай ҳам улуғ!

Албатта, буларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг иноятидан бошқа нарса эмас.

### “УНДАН БИРОН СОАТ ОРҚАГА ҲАМ, ИЛГАРИГА ҲАМ СУРА ОЛМАССИЗ”<sup>265</sup>

Шайх Али Тантовий яна бундай дейди: «Ичи одамлар билан тўла бир автобус ҳайдовчиси ўнг ва сўлга қараб, тўсатдан уловни тўхтатди. Одамлар: “Нимага тўхтадингиз?” деб сўрашди. Ҳайдовчи: “Олиб кетгин деб бир қария кўл кўтарди, шунга тўхтатдим”, деди.

Йўловчилар: “Ҳеч кимни кўрмаяпмиз-ку?” де-

<sup>264</sup> Анкабут сураси, 65-оят.

<sup>265</sup> Сабъ сураси, 30-оят.

йишди.

“Яхшилаб қаранглар”, деди ҳайдовчи.

“Бирор кишини кўрмаяпмиз”.

Ҳайдовчи яна: “Ҳозир мени ҳам олакетинглар деб биз томон кела бошлади-ку?” деди.

Йўловчилар йўл четига қарашди.

“Аллоҳга қасам, биронта одам йўқ...!” дейишди.

Шу пайт ҳайдовчи ўтирган жойида ўлиб қолди. Унинг ажали яқинлашган, аммо йўловчиларнинг ажали етмаган эди. Аллоҳ таоло бу нарсани бир сабаб қилди.

“Ажаллари етганида, бирон соат кечиктира олмайдилар ҳам, олдинга ҳам сура олмайдилар”<sup>266</sup>.

Одам хавф-хатардан кўрқиб ўлимни ўйлай бошлайди. Аллоҳ уни эминлик чоғида ҳам жонини олаверади. “Биродарларига: “Агар (Уҳуд жангида ҳалок бўлган мусулмонлар) бизга бўйин суниб (урушдан чиқиб кетганларида) ўлдирилмаган бўлур эдилар”, деб (ўзлари жангда қатнашмай, уйларида) ўтирган кимсаларга айтинг: “Агар гапларингиз рост бўлса, ўзингиздан ўлимни даф этинглар-чи?!”<sup>267</sup>

Одамдаги ажабланарли ҳолатга қаранг: Аллоҳ таолога йўлиқишни, дунёнинг бевафо ва ҳақир эканини фақат хавф-хатар ҳолатида эслайди.

## АЛЛОҲДАН БОШҚАСИ ЙЎҚ БЎЛУВЧИДИР

Ҳижрий 1413 йили Ар-Риёддан Даммомга сафар қилдим. Чамаси соат ўн иккиларда манзилга етдим. Дўстим билан кўришишим лозим эди. Вокзалда кута бошладим. У ишда бўлгани боис кечикди. Кейин ўша ердаги меҳмонхоналардан бирига қараб йўлга тушдим. Одам унча кўп эмас экан. Меҳмонхона ишчиларидан узоқроқ хонани ижарага олдим. Ёлғиз ўзим эдим. Хонамга кириб, жома-

<sup>266</sup> Юнус сураси, 49-оят.

<sup>267</sup> Оли Имрон сураси, 168-оят.

донимни диванга қўйдим. Таҳоратхонага кириб, эшикни қулфладим, таҳорат олиб бўлгач, эшикни очаман десам, очилмади. Қанча уринсам-да, иложи бўлмади. Чикай десам, биронта ҳам деразаси йўқ, телефон қилай десам, у ҳам йўқ, чақиришга бирор-бир қўшни ҳам йўқ эди. Тор жойда уч соат қолиб кетдим. Бу уч соат гўё уч кундек туюлди. Қўркувдан титрай бошладим. Чунки мен бегона жойда эдим. Юз берган иш ҳам ваҳимали эди.

### **Шеър:**

*Гоҳо лаҳза узун, умр бўлар тор,  
Гоҳида кенг ер ҳам зиқ бўлиши бор.*

Сўнгра фикр юритиб, эшикни очишни ўйладим. Ва бир кучсиз томонидан силкита бошладим. Эшикнинг бир бўлаги соат милларига ўхшаб, аста-секин очила бошлади. Уни тебратишда давом этдим. Ниҳоят, эшик очилди. Гўё қабрдан чиққандай бўлдим. Хонамга қайтиб, Аллоҳ таолога ҳамдлар айтдим. Одам боласининг қанчалар заифлигини, ўлимга жуда яқинлигини эсладим. Камчилик-нуқсонларимни ва охиратни эсдан чиқариб қўганим ҳақида фикр юритдим. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: “(Барчангиз) Аллоҳга қайтариладиган кундан (қиёматдан) қўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жон (эгаси)га қилган амалларига яраша нарса (мукофот ёки жазо) берилади ва уларга адолатсизлик қилинмайди”<sup>268</sup>.

“Қаерда бўлсаларингиз ҳам ўлим сизларни топади, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсаларингиз ҳам. Уларга бирон яхшилик етса, “Бу – Аллоҳдан”, дейдилар. Агар уларга бирон нохушлик етса, “Бу – Сиздан”, деб айтадилар. “Ҳаммаси Аллоҳдандир”, денг (уларга). Бу қавм кишиларига нима бўлган ўзи, гапни англай олмайдилар?!<sup>269</sup>

Бу мавзуда ажойиб нарсаларни ўқидим ва

<sup>268</sup> Бакара сураси, 281-оят.

<sup>269</sup> Нисо сураси, 78-оят.

эшитдим. Киши бир иш туфайли ҳалок бўлдим деб ўйлайди, лекин натижада ҳеч нарса бўлмайди. Бошқаси ҳаётга кетяпман дейди, лекин аниқ ўлимига қараб кетаётган бўлади. Баъзилар қутулиш чораларини излайди ва айнан шу чора ҳалокатга олиб боради. Айримлар эса гумонида ҳалок бўлдим деб ўйлайди, аслида нажот топган бўлади. Ҳар бир нарсани яратувчи, тадбирини қилувчи ҳаким Зот олийдир.

### ГОҲИДА ТАНАЛАР КАСАЛЛИК САБАБЛИ ТУЗАЛАДИ

Сийрат аҳли айтади: “Бир киши шол бўлиб, уйига михланиб қолди. Бир неча йил шу аҳволда умидсизлик ва қийинчиликда ҳаёт кечирди. Табиблар уни даволай олишмади. Кунларнинг бирида у ётган уйнинг шипидан бир чаён унинг устига тушди. Ҳалиги киши шол бўлгани боис ўрнидан қимирлай олмади. Чаён унинг бошига келиб, бир неча марта чақиб олди. Оёғи учидан бошигача титраб кетди. Кейин тўсатдан баданига ҳаёт қайта бошлади. Жисмига шифо кириб, шол киши жонланиб, хонасида юра бошлади. Сўнгра эшикни очиб, оила аъзолари олдига чиқди. Болалари уни кўриб, ўзларини йўқотиб қўйишди. Шунда касал киши бўлган воқеани уларга айтиб берди”.

Субҳоналлоҳ! Аллоҳ таоло бу кишининг давосини ана шу чаён орқали берди. Мен бу воқеани табибларга айтиб берганимда, улар сўзимни тасдиқлаб, “Тўғри, кимёвий йўл билан бундай заҳарлар олиниб, шол кишиларга даво сифатида фойдаланилади”, дейишди. Меҳрибон Зот улуғдир. Бирон бир касаллик туширган бўлса, унинг давосини ҳам туширган.

## АВЛИЁЛАР ҚАРОМАТЛАРИ

Тобеинлардан бири Сила ибн Ашим Зоҳид жанг қилиш мақсадида шимол тарафга қараб йўлга тушди. Кечаси намоз ўқиш учун ўрмонга кириб, дарахтлар орасида таҳорат қила бошлади. Сўнгра намоз ўқишга турди. Шу пайт йиртқич ҳайвон – шер унинг олдига келиб, атрофида айлана бошлади. Сила ибн Ашим эса ибодатида давом этар, намоз ва зикрларини тўхтатмас эди. Намозини ўқиб бўлгач, шерга қараб: “Агар мени ўлдиришга буюрилган бўлсанг, мени егин. Агар унга буюрилган бўлмасанг, мени ўз ҳолимга қўй! Мен Раббимга муножот қиламан”, деди. Шунда ёввойи шер Сила ибн Ашимни намоз ўқиб турган ҳолида ташлаб нари кетди.

Сиз “Бидоя ва Ниҳоя” ва шунга ўхшаш тарих китобларига назар ташласангиз, бундай воқеа Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) озод қилган қуллари Суфайна (розияллоҳу анҳу) бошидан ҳам ўтганига гувоҳ бўласиз. У киши шериги билан денгиз соҳилига келиб, қуруқликка тушишганида улар томон бир ёввойи шер юриб кела бошлади. Шунда Суфайна (розияллоҳу анҳу): “Эй шер! Мен Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалариданман. Булар менинг шерикларим. Сен бизни ейишинг мумкин эмас”, деди. Шер орқага қараб қоча бошлади. Кейин шу даражада ўқирдики, унинг овози ўрмоннинг тўрт томонига ёйилиб кетди.

Бу воқеа ва ҳодисаларни фақат мутакаббирларгина инкор қилади. Аллоҳ таоло махлуқотлари ҳаётида бунга ўхшаш ҳодисалар жуда кўп содир бўлган. Мен мана шу каби саҳиҳ қиссаларни ўнлаб келтира оламан. Лекин сизга шуларнинг ўзи Аллоҳ таолонинг қанчалар меҳрибон, ҳаким Зот эканига, У Зотдан бирон нарса яширин қолмаслигига

ҳамда Аллоҳ таолонинг илми ва лутфига ҳамда ҳар бир нарсадан хабардор эканига етарли мисоллардир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Аллоҳ осмонлардаги ва Ердаги бор нарсани билишини кўрмадингизми?! Уч кишининг ўзаро шивирлашиб гаплашиши бўлса, албатта, уларнинг тўртинчиси Удир. Беш кишининг ҳам, албатта, олтинчиси Удир. Бундан оз бўладими ё кўп бўладими, қаерда бўлсалар ҳам, албатта, У улар билан биргадир. Сўнгра қиёмат куни уларга қилган амалларининг хабарини беради. Албатта, Аллоҳ барча нарсани билувчидир»<sup>270</sup>.

### АЛЛОҲ ВАКИЛ ВА ШОҲИДЛИККА ЕТАДИ

Имом Бухорий айтиди: «Бани Исроилдан бир киши бошқа бир кишидан минг динор қарз бериб туришини илтимос қилди. Нариги одам: “Бирон бир гувоҳинг борми?” деди. Киши: “Менинг гувоҳим фақат Аллоҳ”, деди. Қарз берувчи: “Аллоҳ шохидликка етади”, деди. Кейин яна: “Сенинг вакилинг борми?” деди. Қарз сўрагувчи: “Менинг вакилим Аллоҳдир”, деди. Қарз берувчи: “Аллоҳ вакилликка етади”, деди. Сўнгра унга минг динор берди. Киши пулни олиб, юртига қараб йўл олди. У иккисининг орасида бир дарё бор эди. Ваъдалашган вақт бўлгач, қарздор киши дарё олдига келиб, соҳилнинг нариги томонига ўтиб олиш учун бирон нарса тополмай узоқ вақт ўша ерда туриб қолди. Кеч бўлганида: “Эй Аллоҳ! Албатта, у киши мендан гувоҳ сўраган, мен Сени гувоҳ қилган эдим. У киши мендан кафил сўраган, мен Сени кафил қилган эдим. Эй Аллоҳ! Бу мактубни унга етказ”, деди-да, бир ўтинни олиб ичини ўйди ва унга динор ва хатни солиб, дарёга улоқтирди. Ўтин Аллоҳ таолонинг изни, инояти ила оқиб кетди.

<sup>270</sup> Мужодала сураси, 58-оят.

Қарз берган инсон қарздорни кутиб, денгиз бўйига чиққан эди. Қараса, ҳеч ким йўқ. Шунда ҳеч бўлмаса, уйга ўтин олиб кетай деб динор солинган ўтинни олди-да, уйига қараб йўлга тушди. Уйга келгач, ўтинни ёрса, ичидан нариги одамга берган минг динор пул турибди. Зеро, Аллоҳ субҳонаху ва таолонинг ўзи шохид ва вакил эди. Аллоҳ таоло унга ёрдам бериб, омонатни ўз эгасига етказди».

Аллоҳ таоло айтади: **“Мўминлар таваккулни Аллоҳгагина қилсинлар!”**<sup>271</sup>

**“Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳга таваккул қилингиз!”**<sup>272</sup>

### ЛУҚМАНГИЗ ҲАЛОЛ – ДУОИНГИЗ ИЖОБАТ

Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоху анху) бу ҳақиқатни топган буюк кишилардан эди. Жаннат башорати берилган ўн саҳобийнинг бири, Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) у киши ҳақида камонни тўғри отиш ва дуосини мустажоб бўлишини сўраб дуо қилганлар. Шунинг учун ҳам Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоху анху) дуо қилсалар, худди тонг ёруғидек шаксиз ижобат қилинар эди.

Бир сафар Умар (розияллоху анху) саҳобалардан бир гуруҳини Кўфага Саъд ибн Абу Ваққоснинг (розияллоху анху) адолатларини сўраб келиш учун жўнатдилар. Борганлар Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоху анху) ҳақларида жуда чиройли сўзларни айтиб, у кишини мақташди. Бани Аббос қишлоғидаги масжидга келганларида бир киши туриб: “Мендан Саъд ҳақида сўрамайсизларми? У қозилиқда адолат қилмайди. Тўғри туриб ҳукм қилмайди ва халқ билан бирга юрмайди ҳам”, деди. Шунда Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоху

<sup>271</sup> Оли Имрон сураси, 160-оят.

<sup>272</sup> Моид сураси, 23-оят.

анху): “Эй Аллоҳ! Агар бу киши риё ва сумъа учун гапираётган бўлса, унинг кўзини кўр, умрини узун қилгин ва уни фитнага йўликтириб қўйгин”, дедилар. Саъд ибн Абу Ваққоснинг (розияллоҳу анху) дуолари мустажоб бўлиб, ўша кишининг умри узун, кўзлари эса кўр бўлиб қолди. Кўфа кўчаларида одамлар орасида ғийбат қилиб юрарди. Ўша кишининг ўзи: “Менга Саъднинг қарғиши етган”, деб айтарди.

“Сияр ан-нубало” китобида Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анху) ҳақларида бундай гаплар айтилади: “Бир киши Алини (розияллоҳу анху) сўка бошлади. Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анху) Алини (розияллоҳу анху) ҳимоя қиладилар. Киши сўкишда давом этаверди. Шунда Саъд ибн Абу Ваққос (розияллоҳу анху): “Эй Аллоҳ! Ўзинг хоҳлаган нарсанг билан бу кишига кифоя қилгин”, дедилар. Шунда Кўфа томондан бир туя ҳеч ёққа қарамасдан тез-тез юриб кела бошлади. Ўзини одамлар орасига уриб, тўғри ҳалиги кишини эзиб кетди. Ҳамманинг кўзи ўнгида уни ўлдирди.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Албатта, Биз пайғамбарларимизга ва имон келтирган зотларга дунё ҳаётида ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берамиз”**<sup>273</sup>.

Мен бу қиссаларни имонингиз кучайиши ва Раббингиз ваъдасига ишониб, У зотга дуолар қилишингиз учун келтирдим. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло меҳрибон Зотдир. Куръони каримда марҳамат қилади:

**“Менга дуо қилинглар, Мен сизлар учун (дуоларингни) ижобат қилай!”**<sup>274</sup>;

**«Сиздан (эй Муҳаммад!) бандаларим Менинг ҳақимда сўрасалар, (айтинг) Мен уларга**

<sup>273</sup> Гофир сураси, 51-оят.

<sup>274</sup> Гофир сураси, 60-оят.

**яқинман. Менга илтижо қилувчининг дуосини ижобат этаман»<sup>275</sup>.**

Ҳажжож Ҳасан Басрийни жазолаш учун чақиртирди. У зот йўлда кетаётиб, хаёлидан Аллоҳнинг инояти, лутфи ва Унинг ваъдасига ишончдан бошқа нарса ўтмади. Шунда у зот Аллоҳга Унинг гўзал исмлари ва олий сифатларини айтиб, дуо қила бошлади. Аллоҳ Ҳажжожнинг қалбини буриб қўйиб, унга кўрқинч туширди. Ҳасан Басрий унинг даргоҳига етиб борганида Ҳажжож эшик олдида кутиб олиш учун тик турар эди. У зотни кутиб олди, ёнига – тахтига ўзи билан бирга ўтирғизди ва унинг соқолига хушбўй нарсалар суриб, мулойимлик ила гапирди. Ҳа, бу Аллоҳнинг инояти, унинг бўйсундиришидан бошқаси эмас.

Албатта, Аллоҳ таолонинг лутфи ва инояти ҳар бир нарсада – инсонлар оламида, ҳайвонот оламида, қуруқликда, денгизда, кечада, кундузда, жонли ва жонсиз нарсада, оламда сайр қилиб юради.

Сулаймонга (алайҳиссалом) кушлар тили берилган. Бир куни Сулаймон (алайҳиссалом) одамлар билан бирга сув излаб юрган эди. Уйдан намозгоҳга кетаётиб, йўлида бир чумолини кўриб қолди. Чумоли Аллоҳ таолодан ёмғир сўраб дуо қилаётган эди. Шунда Сулаймон (алайҳиссалом) инсонларга: “Эй одамлар, қайтаверинглар, бошқаларнинг дуоси билан кифоя қилиндиларинг”, деди. Чиндан ҳам мана шу чумолининг дуоси сабаб ёмғир ёға бошлади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтади: “То улар чумолилар водийсига етганларида, бир чумоли: “Эй чумолилар! Уяларингга киринглар, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолларида сизларни эзиб кетмасинлар!” деди”<sup>276</sup>.

<sup>275</sup> Бақара сураси, 186-оят.

<sup>276</sup> Намл сураси, 18-оят.

Кўп ҳолатларда Аллоҳ таолонинг лутфи, марҳамати мана шу каби ғайри оддий нарсалар сабабидан ҳам бўлади.

Абу Яъло ҳадиси қудсийни келтириб айтади: Аллоҳ таоло марҳамат қилади: *“Иззатим ва Улуғлигимга қасам, агар ёши улуғ кишилар, эмизикли болалар ва яйловдаги чорвалар бўлмаганида эди, сизлардан осмон сувини тўхтатиб қўяр эдим”*.

### БАРЧА НАРСА ҲАМД БИЛАН АЛЛОҲГА ТАСБЕҲ АЙТАДИ

Ўз Раббини таниб, у зотга бўйин сунган Худхуд ҳақида Аллоҳ таоло марҳамат қилади: *“У қушларни кўздан кечириб: “Нега мен худхудни кўрмайман, балки у (рухсатсиз) ғойиб бўлувчилардандир?! Албатта, уни қаттиқ азоб билан жазолайман ё сўйиб юбораман ёки менга (узрини баён қилиб) аниқ ҳужжат келтирсин”, деди. Сўнгра узоқ (вақт) қолмай (худхуд келиб) деди: «Мен сен огоҳ бўлмаган нарсалардан огоҳ бўлдим ва сенга Сабаъ (шаҳри)дан ишончли хабар келтирдим. Мен бир аёлни кўрдим. У уларнинг маликаси экан. Унга барча нарсадан ато этилган бўлиб, улкан тахти ҳам бор. Мен унинг ва қавмининг Аллоҳни қўйиб, Қуёшга сажда қилаётганларини кўрдим”. Шайтон уларга (қилаётган) амалларини чиройли кўрсатиб, уларни (ҳақ) йўлдан тўсиб қўйгандир. Бас, улар ҳидоят топмаслар. (Уларнинг мақсади) осмонлар ва Ердаги барча сирларни ошкор қиладиган ҳамда сизлар яширадиган ва ошкор қиладиган барча нарсаларни биладиган Аллоҳга сажда қилмаслиқдир. Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ! У улкан Аршнинг (ҳам) раббидир. (Сулаймон) деди: “Сен тўғри*

сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми, кўрармиз. Мана бу хатимни олиб бориб уларга ташлагин, сўнгра улардан четланиб кузатгинчи, нима (жавоб) қайтарар эканлар”<sup>277</sup>.

Худхуд кетди. Бу узун қисса юқорида айтилгани каби ўз ниҳоясига етди. Баъзи уламолар айтади: “Қандай ҳам ажойиб. Худхуд Фиръавндан кутулди. Фиръавн эса хотиржамлик пайтида кофир бўлди. Қийинчилик пайтида келтирган имони фойда бермади. Худхуд эса хотиржамлик пайтида имон келтирди. Кейин қийинчилик пайтида унинг имони фойда берди. Худхуд айтади: “(Уларнинг мақсади) осмонлар ва Ердаги барча сирларни ошкор қиладиган ҳамда сизлар яширадиган ва ошкор қиладиган барча нарсаларни биладиган Аллоҳга сажда қилмасликдир”<sup>278</sup>.

Фиръавн бўлса: “Мен сизлар учун ўзимдан бошқа (бирор) илоҳни билмасман”<sup>279</sup>, деди.

Албатта, бахтсиз инсондан худхуд зийракрок, чумоли ундан кўра бориладиган жойни билгувчирокдир.

Эси паст, аҳмоқ киши йўллари беркилган, ҳеч қандай фойдали иш қилмайдиган кишидир. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «Жаҳаннам учун жинлар ва инсонларнинг кўпини яратганмиз. Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан “англамайдилар”. Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан “кўрмайдилар”. Уларда қулоқлар бор, (лекин) улар билан “эшитмайдилар”. Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки, улар (янада) адашганрокдирлар. Айнан ўшалар ғофиллардир»<sup>280</sup>.

<sup>277</sup> Намл сураси, 20 – 28-оятлар.

<sup>278</sup> Намл сураси, 25-оят.

<sup>279</sup> Қасас сураси, 38-оят.

<sup>280</sup> Аъроф сураси, 179-оят.

Асалариларда ҳам Аллоҳ таолонинг лутфи, инояти жорийдир. Асалари Аллоҳ таолонинг буйруғи ила инидан чиқиб, ризқ ахтара бошлайди. Фақат покиза нарсаларга қўниб, ундан одамлар учун шифо бўлган ширинликларни олади. Сўнгра адашмасдан ўз инига қайтиб келади.

Аллоҳ таоло марҳамат қилади: «(Эй Муҳаммад!) **Раббингиз асалариларга: “Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) барпо қиладиган нарсаларга ин қуринглар. Сўнгра турли мевалардан еб, Парвардигорларинг (сиз учун) қулай қилиб қўйган йўллардан юринглар!”** деб ваҳий (буйруқ) қилди. Уларнинг қоринларидан одамлар учун шифо бўлган турли рангдаги шарбат (асал) чиқади. Албатта, бунда фикр юритадиган қавм учун белгилар бордир»<sup>281</sup>.

Айтилган бу ибратли қиссалардан мақсад – сиз, албатта, бу ерда ёлғиз Аллоҳ таолонинг меҳрибонлигини билишингиз ва У Зотнинг Ўзигагина дуолар қилиб, Ўзидангина ҳожатларингизни сўрашингиз лозим. Яна сизга “ал-мисоқ” да олинган ваъдага кўра, Аллоҳ таолога ибодат қилиб, У Зотни ўзингизга мавло тутиб, қалбингиз ила боғланмоғингиз керак. Шуни яхши билинг: бутун уммат йиғилганида ҳам сизга Аллоҳ таоло тақдир қилган нарсадан бирон нарсани ўзгартира олмайди. Уларнинг ўзлари ҳар бир нарсада Аллоҳ таолога муҳтождирлар. Уларнинг ўзлари ҳар бир нарсага молик Зот Аллоҳ таолодан эртаю кеч ризқларини, сиҳатларини ва офиятларини сўрайдилар.

**Аллоҳ таоло айтади: “Эй инсонлар! Сизлар Аллоҳга муҳтождирсизлар. Аллоҳ эса, албатта, Ғаний (беҳожат) ва Ҳамид (ҳамдга лойиқ зот) дир”<sup>282</sup>.**

<sup>281</sup> Наҳл сураси, 68 – 69-оятлар.

<sup>282</sup> Фотир сураси. 15-оят.

Аниқ билишингиз керак: сизни ҳидоятга солувчи, ҳимоя қилувчи, ишларингизнинг тадбири-ни олувчи, сақлагувчи ва ҳар бир нарсани берувчи Зот фақат Аллоҳ таолодир. Шунинг учун юрагингизни фақат ва фақат Аллоҳ таолога буриб, У Зотнинг ягоналигини, илоҳлигини тан олиб, Ундангина ёрдам сўрашингиз лозим. Яратилмиш ўз яратувчисига, ўткинчи эса боқийга, камбағал бойга, кучсиз кучлига муҳтож бўлади. Қувват, бойлик, боқийлик, иззат – буларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг сифатларидир.

Агар айтилган бу ҳикматларни тушунган бўлсангиз, бас, Аллоҳ таолога ибодат ва дуолар қилиш ила ёрдам сўранг. У зотга истиғфор айтсангиз, сизни мағфират қилади. Тавба қилсангиз, тавбангизни қабул этади. Сўрасангиз, сўраганингизни беради. Ризқ талаб қилсангиз, сизни ризқлантиради. Ёрдам сўрасангиз, сизга ёрдам беради. Шукр қилсангиз, кўпайтиради.

### АЛЛОҲ ТАОЛОДАН РОЗИ БЎЛИНГ

*“Аллоҳни Раб, Исломни дин ва Муҳаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбар, деб рози бўлдим”* ҳадиси Раббимиз ва унинг ҳукмларига, қазо ва қадарга, яхшилик ва ёмонлик, ширин ва аччиқ Ундан эканига рози бўлишимизни тақозо этади.

Қазо ва қадарга имон келтиришнинг ўзинигина танлаб олиш дуруст эмас, яъни, қазо сизнинг рағбатларингизга мувофиқ келганида рози бўлиб, муродингизга, мойиллигингизга терс келганда рози бўлмаслигингиз бандалик эмас.

Хурсандчиликда Раббидан рози бўлиб, бало вақтида ғазаб қиладиган, неъмат келганида бўйин суниб, оғирчилик вақтида қайсарлик қиладиган қавмларнинг мисоли мана бу оятга мос келади:

**“Унга яхшилик етса, ўша сабабли хотиржам бўлади, агар бирон бахтсизлик етса, (диндан) юз ўгириб кетади”<sup>283</sup>.**

Араблар Исломи қабул қилган вақтда агар улар бу динда кенгликни, яъни, ёмғир мўл, сут сероб, ҳашаклар яхши бўлганини топсалар: “Бу қандай ҳам яхши дин экан”, дердилар ва унга бўйин суниб, уни химоя қилардилар. Акси бўлса, яъни, қурғоқчилик, қаҳатчилик, молларнинг йўқ бўлиши, яйловларда ўтнинг камайиши каби салбий ҳолатлар юз берса, улар тезда фикрларидан қайтиб, динларини тарк этар эдилар.

Бу ҳавои нафс исломи, нафс рағбати учун бўлган диндир. Улар орасида Аллоҳдан рози бўлганлари ҳам бор эди, албатта, У зотлар Аллоҳ ҳузуридаги ажр-савобни, Унинг розилигини, фазли ва марҳаматини хоҳлардилар ва охираат учун саъй-ҳаракат қилардилар.

Аллоҳ кимни убудиятга йўллаб қўйса, дин ва миллат хизмати учун уни танлаб олса-ю, у одам бу танловга рози бўлмаса, у ҳақиқатан маҳрумликка, ҳалокатга маҳкумдир.

**“(Эй Муҳаммад!) Оятларимизни келтирганимизда улардан чиқиб кетган (амал қилмаган) одамни шайтон (ўзига) эргаштириб олгани, натижада (у) адашганлардан бўлиб қолгани (ҳақидаги қисса)ни уларга ўқиб беринг!”<sup>284</sup>**

**“Агар Аллоҳ уларда яхшилик (бўлиши)ни билса эди, уларни эшитадиган қилиб қўярди. Эшитадиган қилганида ҳам (улар) бош тортиб, юз ўгирган бўлар эдилар”<sup>285</sup>.**

Розилик юксак диёнатнинг эшигидир. У эшикдан фақатгина Раббига яқин бўлган, ҳидоятдан хурсанд, амрига бўйсунган ва ҳукмига таслим бўлганларгина киради.

<sup>283</sup> Ҳаж сураси, 11-оят.

<sup>284</sup> Аъроф сураси, 175-оят.

<sup>285</sup> Анфол сураси, 23-оят.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Хунайн ўлжаларини тақсимлаб, кўпини араб раисларига ва Исломни кеч қабул қилганларга бердилар. Ансорларнинг қалбида имон, ишонч ва розилик борлигига ишониб, уларга ўлжадан улуш бермадилар. Ансорлар бундан асл мақсад нима бўлганини билмаганлари учун уларга бу ҳол гўё жазодай туюлди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) уларни тўплаб, бу тақсимот сирини баён қилдилар. Яъни, ўзлари улар билан бирга қолганларидан хурсанд эканларини ва ансорийларни яхши кўришларини билдирдилар. Араб раислари ва Исломни кеч қабул қилганлар ҳали-ҳамон ишончи заиф экани, шу боис уларнинг қалбини Исломга янада исинтириш ниятида ўлжани кўп берганларини тушунтирдилар: *“Одамлар қўй ва туяларни ва сизлар эса Аллоҳнинг элчисини уйларингизга олиб кетишга рози эмасмисизлар?! Ансорлар кўйлак бўлса, одамлар ёпинчиқдирлар. Аллоҳ ансорларга, уларнинг болаларига, болаларининг болаларига раҳм қилсин. Агар бошқалар бир дара ва водийга юрсалар, ансорлар бошқа бир дарага ва водийга қараб юрсалар, мен албатта ансорларнинг водийга, ансорларнинг дарасига юрган бўлардим”*, дедилар. Шунда ансорларни хурсандчилик чулғаб олди, юраклари сурурга тўлди ва уларга хотиржамлик инди. Улар Аллоҳ ва пайғамбарининг розилигига эришиш орқали зафар қозондилар.

Аллоҳнинг розилигини ҳамда кенглиги осмону ерча келадиған жаннатни қўлга қозонишга интиладиған зотлар бу розилик бадалига, бу улуғ неъмат эвазига дунёнинг ҳеч бир матосига боқмайдилар.

### **Шеър:**

*Мол-дунё-ю бойлик ўткинчи фақат,  
Уларни берган Зот боқийдир албат.*

Кунларнинг бирида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўлжаларни одамлар ўртасида тақсим қилиб, уни дин тушунчаси оз, омонатдорлиги саёз бўлганларга тарқатдилар. Аллоҳ йўлида қиличлари ўтмаслашган, моллари инфоқ қилинган ва баданлари яраланганларга бермадилар. Сўнг масжидда уларга бундай хитоб қилдилар: **“Мен Аллоҳ қалбига сабрсизлик ва тама солиб қўйган бир тоифа инсонларга (мол) бердим. Аллоҳ қалбига имон (ёки яхшиликни) солиб қўйган бир тоифа инсонларга эса бермадим. Амр ибн Тағлаб ҳам шулардандир”**, дедилар. Амр ибн Тағлаб айтади: “Мен шу сўзни дунё ва ундаги барча нарсалардан устун кўраман”.

Албатта, бу Аллоҳдан, Аллоҳ элчисининг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳукмидан рози бўлиш ва Раббидан савоб талаб қилишдир. Албатта, бу дунё саҳобий наздида Аллоҳ элчисининг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) улуғ, рози қилувчи сўзларига тенглаша олмайди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳобларига ваъдалари Аллоҳнинг ҳузурдаги савоб, жаннат ва Унинг розилиги ҳақида бўлар эди. Ҳеч қачон асҳобларига қасрларни ёки бирон иқлимнинг ҳокимлигини ёки боғу роғларни ваъда қилмаганлар. Уларга: “Ким шу ишни қилса, унга жаннат вожиб бўлади”; бошқа ўринда: “У менинг жаннатдаги шеригим”, дер эдилар. Чунки улар сарф қилган нарсалар, улар инфоқ қилган моллар ва қилган жидду жаҳднинг мукофоти фақатгина охират дунёсида бўлади. Чунки дунё ва ундаги нарсалар бу улуғ ишларга тенг кела олмайди.

Умар (розияллоҳу анҳу) Расулуллоҳдан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) умра қилишга рухсат сўраганларида у зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Эй биродар, дуоингда бизни унутма”**, дедилар.

Бу сўз эгаси ҳидоят элчиси, гуноҳлардан пок, ҳавою нафсидан гапирмайдиган зотдир (соллаллоҳу алайҳи ва саллам). У нақадар улуғ, қиймати юксак сўзки, Умар (розияллоҳу анху) ундан кейин: “Мен шу сўзни деб дунё ва ундаги нарсаларни хоҳламаган бўлардим”, деган эдилар.

Сизга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) **“Эй биродар, дуоингда бизни унутма”** дейишларини бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Раббиларидан розилиklarини ҳеч ким тавсифлаб бера олмайди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бойлигу фақирликда, тинчлигу урушда, қуввату заифликда, соғлигу касалликда ҳамда қийинчилигу енгилликда ҳам Парвардигорларидан рози эдилар.

У зот (соллаллоҳу алайҳи васаллам) етимликнинг аччиғини, қийинчилигини, азоб-уқубатини тортиб яшаганлар. Фақирликда, камбағалликда яшар, баъзида ейишга эски хурмо ҳам тополмас эдилар. Очликнинг қаттиқлигидан қоринларига тош боғлаб юрардилар. Бир куни совутларини гаровга қўйиб бир яҳудийдан арпа қарзга олдилар. Бўйранинг устида ухлаганлари сабаб ёноқларида унинг изи қоларди. Гоҳо уч кунлаб ейишга ҳеч вақо топа олмасдилар. Шундай ҳолатда ҳам Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) оламлар Парвардигоридан рози эдилар. **“Агар хоҳласа, Сиз учун (шу дунёдаёқ) ўшандан (улар айтган боғ ва хазинадан) яхшироқ нарсани – остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларни қилиб бера оладиган ва Сиз учун қасрларни қуриб берадиган зот (Аллоҳ) баракотли (буюк)дир”**<sup>286</sup>.

У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) илк қарамақаршилиқ туғилган чоқлар ҳам, кейинчалик бутун дунё отлигу пиёдалари, бойлигу зийнатлари

<sup>286</sup> Фурқон сураси, 10-оят.

ва мутакаббирлари билан уруш қилган вақтларида ҳам Парвардигорларидан рози эдилар. Амакилари ва аёллари Хадича вафот этганидан сўнг У зотга нисбатан азиятлар, бўҳтонлар, таҳқирлашлар янада кўпайиб, “ёлғончи”, “сеҳргар”, “коҳин”, “мажнун” ва “шоир” деб масхараомуз сўзлар айтилганида ҳам бутун умматга ризода ўрناق бўлдилар.

Болалик ва йигитлик чоқлари кечган суюкли шаҳарларидан қувилган вақтларида ҳам рози эдилар. Маккага юзланиб кўзларидан ёш оқиб унга: **“Албатта сен мен учун Аллоҳнинг шаҳарларидан энг суюклисисан. Агар аҳлинг мени сендан чиқармаганларида мен чиқмас эдим”**, дедилар. Тоифга даъват қилиш учун борганларида улар жуда ёмон, хунук ҳолда кутиб олиб, тошбўрон қилганларида оёқларидан қон оқиб турганида ҳам Мавлоларидан рози эдилар.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) Буюк Аллоҳдан ҳар вақт ва ҳар қачон рози бўлганлар. Уҳуд жангида бошлари ёрилиб, тишлари синди, амакилари ва бир неча саҳобалар ўлдирилди, қўшинлари енгилди. Шунда ҳам: **“Ортимдан саф тортиб туринглар, Раббимга сано айтай”**, деб рози бўлиб, Аллоҳга таваккал қилиб, ишни Унга топширдилар.

**“Яқинда Раббингиз Сизга (шундай неъматларни) ато этади, Сиз, албатта, (ундан) рози бўласиз”**<sup>287</sup>.

## НАХЛА ВОДИЙСИДАГИ ҲАЙҚИРИҚ

Гуноҳлардан пок Муҳаммад (соллаллоҳу алайхи ва саллам) оилалари, болалари, уйлари жойлашган Макка шаҳридан чиқарилиб, қувғин қилинганларида Тоифга юзландилар. Тоифликлар ёлғончи деб инкор этиб, тошбўрон қилиб, азият ва сўқишлар билан ҳайдашди. Кўзларидан афсус-на-

<sup>287</sup> Зухро сураси, 5-оят.

домат ёшлари оқиб, оёқлари қонга беланиб, юраклари мусибат аччиғидан ғамга тўлди. Энди кимга илтижо қилсинлар? Кимдан сўрасинлар? Кимга шикоят қилсинлар? Кимга қасд қилсинлар?

Албатта, Аллоҳга – Кудратли, Каҳҳор, Азиз ва ёрдам берувчи Зотга!

Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қиблага юзланиб, Аллоҳга шукр айтдилар, тилларига шикоят, нажот ва энг лойиқ талаблар қуйилиб кела бошлади. У зот қаттиқ ёлбориб, йиғлаб, алам чекиб дуо қилдилар.

Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Нахла водийсида Мавлога қилган дуоларига бир кулоқ тутинг:

*“Эй Аллоҳ, қувватимнинг заифлигидан, тадбиримнинг озлигидан ва инсонларга хўрланишимдан сенга шикоят қиламан. Сен раҳм қилувчиларнинг энг раҳмлисидирсан, заифларнинг Раббисисан ва менинг Раббимдирсан. Мени кимларга ташлаб қўйдинг? Менинг ишимни хўмрайган қариндошларга ёки душманлар қўлига топширдингми? Агар Сендан менга ғазаб бўлмаса (бу ишларга) парво қилмайман. Сенинг офиятинг мен учун яхшироқ. Зулматларни ёриштирган, дунё ва охираат ишларини ислоҳ қилган нуринг билан ғазабинг, балоинг тушишидан Сендан паноҳ сўрайман. Рози бўлгунигга қадар ризолик сеники. (Гуноҳдан сақланишга) ҳеч қандай куч ва (ибодат қилишга) ҳеч қандай қудрат йўқ! Фақат сен билангина бордир”.*

#### БИРИНЧИ ГУРУҲ МУКОФОТЛАРИ

“Эй Муҳаммад!) Дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан – улар дарахт остида Сизга байъат (қасамёд) қилаётган вақтларида – рози бўлди. Бас, У уларнинг дилларидаги нарса

(садоқат)ни билиб, уларга хотиржамлик туширди ва уларни (Хайбар жангидаги) яқин ғалаба билан мукофотлади”<sup>288</sup>.

Бу мўминлар орзу қилган, содиқлар талаб қилган, зафар топгувчилар ўч бўлган (Аллоҳ улардан рози бўлсин) мақсаднинг энг буюги ва уларга кифоя қилгувчи ҳолдир. Бундан улуғ нарса бўлмайди. Аллоҳнинг розилигидан қимматроқ, олийроқ ва баландроқ нарса йўқ. Албатта, Аллоҳнинг розилиги ҳадяларнинг энг олийси, мақсадларнинг яхшиси ва талаб қилинадиган нарсаларнинг буюгидир. Тепада келтирилган оятда Аллоҳнинг розилиги ҳақида сўз кетди, мана бу оятда эса мағфират зикр қилинди: “(Бу фатҳ) Сиз учун Аллоҳнинг олдинги ва кейинги гуноҳларингизни кечишидир”<sup>289</sup>.

Бошқа оятда – тавба: “Аллоҳ Пайғамбарнинг, муҳожирлар ва ансорларнинг тавбаларини қабул этди”<sup>290</sup>; тўртинчи бир оятда кечирим зикр қилинди: “Аллоҳ Сизни кечирди”<sup>291</sup>.

Олдинги оятдаги розилик ҳақида гапирадиган бўлсак, у шубҳасиз, амалга ошади. Чунки уларнинг байъатлари қийматли жонларини ҳақ розилиги йўлида бағишлаш, нафис нафсларини Воҳид ва Қаҳҳорнинг розилигига тикиш учун байъатдир. Уларнинг байъатлари ҳаётлари ва борликлари учун бўлган байъатдир. Зеро, уларнинг ўлимлари сабабли рисолат давом этади. Уларнинг байъатлари Исломи абадиятга муҳрлайди ва аҳдномани боқийлик сари олиб боради.

Аллоҳ таоло уларнинг қалбларида холис сидқ, соф ихлос, кучли ишонч ва мустаҳкам имон борлигини билади. Чиндан ҳам, улар қийинчиликларга учрадилар, кечалари ухламай чиқдилар, оч, чанқоқ

<sup>288</sup> Фатҳ сураси, 18-оят

<sup>289</sup> Фатҳ сураси, 2-оят

<sup>290</sup> Тавба сураси, 117-оят

<sup>291</sup> Тавба сураси, 43-оят

қолдилар, қанчадан-қанча зарарлар кўрдилар, танглик, машаққат ва дармонсизликларни бошдан ўтказдилар. Натижада улар Аллоҳнинг розилигига эришдилар.

Аҳллари, моллари, болалари ва диёрларидан ажралдилар. Айрилиқ аччиқликларини, ғариблик азобларини, сафар қийинчиликларини кўчиш машаққатларини тотдилар. Лекин Аллоҳ улардан рози бўлди.

Бошпанасиз қолишди, қувғин қилинишди, таҳдидларга йўлиқишди, қийналишди ва ҳолдан тойишди. Аммо Аллоҳ улардан рози бўлди.

Уларни Аллоҳнинг розилиги хурсанд қилади. Аллоҳнинг кечириси шодлантиради! Ва ушбу оятлар кўнгилларини яйратади. “**Яна сабрлари сабабли уларни жаннат ва (эгниларига) ипак (либослар) билан мукофотлайди. Улар у жойда сўриларга ястанган ҳолларида ўтирадилар. У жойда қуёш (ҳарорати)ни ҳам, замҳарир (қиш совуғи)ни ҳам кўрмайдилар. (Жаннат) соялари уларга яқин ва мевалари ҳам (узишга осон бўлиши учун) эгиб қўйилган бўлади. Уларга кумуш идишлар(да таомлар) ва (ўзи кумушдан ясалган бўлса-да, шаффофликда) шиша бўлиб кетган қадаҳлар(да шароблар) айлантиради**”<sup>292</sup>.

### ЧЎҒ УСТИДА ЎТИРСА ҲАМ АЛЛОҲДАН РОЗИ БЎЛИШ

Бани Абс қабиласидан бир киши йўқолган туясини қидириб чиқди. Уни уч кун излади ва топа олмади. У киши бой бўлиб, Аллоҳ таоло унга ўғил ва қиз, мол-давлат ва чорва ҳайвонларидан ҳисобсиз берган эди. Ўша кишининг оиласи ва моллари Бани Абс диёрининг “Раҳб” деган жойида бўлиб, у ердан сел ўтарди. Раҳб кенгчилик, тинчлик, ва омонлик

<sup>292</sup> Инсон сураси, 12 – 16-оятлар

ери эди. Уларнинг отаси ҳам, ўғиллари ҳам мусибат етиши ҳақида ўйламаган эди.

Уларнинг каттаю кичиги ҳаммалари ухлашди. Ота туяни излаб кетганида Аллоҳ таоло улар устига йўлида учраган барча нарсани ювиб кетадиган даҳшатли сел юборди. Тун охирида уларнинг устидан сел ўтди ва уйларини қўпориб, молларининг ҳаммасини ўзлари билан бирга оқизиб кетди. Улар сув оқимида ҳалок бўлишди. Худди бу ерларда илгаридан ҳеч нарса бўлмагандек, ҳаммаси изсиз йўқолди. Бу фожиа тилларда дoston бўлди.

Ота уч кундан кейин водийга қайтиб келди ва ҳеч кимни топа олмади, ҳеч бир кишининг овозини ҳам эшитмади. На бир тирик жон, на чурқ этган овоз эди. Ё Аллоҳ! Бу қандай катта кулфат! Хотин ҳам йўқ, ўғил, қиз, туя, қўй, сигир, дирҳам, динор, кийим-кечак, хуллас ҳеч вақо қолмаган. Албатта, бу оғир мусибат.

Камига туяси яна қочиб кетди, уни ушлашга ҳаракат қилди ва қўлига думи илинмади. Шунда туя унинг юзига тепди ва иккала кўзи ҳам кўр бўлиб қолди. У: “Кошки бирон бошпанага етаклаб борадиган киши бўлсайди”, деб қичқирар эди. Бир муддат ўтганидан кейин унинг овозини бир аъробий эшитиб, олдига келди ва уни Дамашқ халифаси Валид ибн Абдулмалик олдига олиб борди. У халифага бўлган воқеани айтиб берди. Шунда Валид ибн Абдулмалик: “Энди қай аҳволдасан?” деб сўради. У киши: “Аллоҳдан розиман”, деб жавоб қилди.

Бу улуғ сўз! Ибратланувчига ибрат, насиҳатланувчига насиҳат ва сўровчига далил ҳамда юрагига Аллоҳнинг бирлиги кирган мусулмон киши айтадиган сўздир!

Аллоҳнинг тақдирига таслим ва рози бўлмаган кимса, агар қодир бўлса, ер юзидан ўз ризқини

қидирсин ёки осмонга нарвон қўйиб чиқсин. Агар хоҳласа, “Бир арқон билан шипга осилиб, (ўзини) бўғсин, сўнгра қарасин, (бу) макри ғазабини кетказармикан”<sup>293</sup>.

### ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ

“(Бирон ишга) азму қарор қилсангиз, Аллоҳга таваккул қилинг, зеро, Аллоҳ таваккул қилувчиларни севади”<sup>294</sup>.

Кўпларимиз қарор қабул қилишда изтиробга тушамиз, иккиланиб, шубҳаланиб, ютқазилдан кўрқиб турамыз. Натижада доим бошимиз оғриб, ғам-алам чекамыз. Банда олдин кенгашади, сўнгра Аллоҳга истихора қилади ва озгина фикрлаганидан кейин гумонида устун келган, энг яхши, энг тўғри ва чиройли ишни дарҳол қилишга киришади. Зотан кенгаш ва истихора вақти тугади-ми, изтироб ва иккилинишларни йўқ қилиш учун дарҳол, таваккал камарини белга маҳкам боғлаб, азму қарор қилиш лозим.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Уҳуд куни минбар узра турган ҳолда саҳобалари билан маслаҳатлашдилар. Чиқишга ишора бўлганидан сўнг умматлари учун совутларини кийиб, қўлларига қиличларини олдилар. “Эй Аллоҳнинг элчиси, биз сизни мажбур қилиб қўймадикми? Балки Мадинада қоларсиз?” дейишганида. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): *“Пайғамбарлар агар уммати учун совутини кийса, то Аллоҳ унинг ва душманининг ўртасида ҳукм қилмагунича уни ечиши мумкин эмас!”* дедилар ва чиқишга азм қилдилар.

Масала иккиланишга эмас, балки ишни давом эттиришга, азму қарор қилишга муҳтождир. Чунки шижоатли, жасур йўлбошчи бирон қарорга келганида билинади.

<sup>293</sup> Ҳаж сураси, 15-оят.

<sup>294</sup> Оли Имрон сураси, 159-оят.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) асҳоблари билан Бадр ҳақида кенгашдилар. **“Ва улар билан кенгашиб иш қилинг!”**<sup>295</sup> **“Уларнинг ишлари ўзаро маслаҳат (билан) бўлади”**<sup>296</sup>. Асҳоб жангга чиқишга ишора қилишди, сўнг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳеч нарсага қарамасдан Бадрга чиқишга қарор қилдилар.

Иккиланиш фикрни бузади, ҳимматни пасайтиради, жидду жаҳдни, мустаҳкамликни сочиб юборади. Бундай бўлмасин дейилса, давоси фақатгина азму қарор, жазм қилиш ва собит туришдир. Мен айрим кишиларни биламан, улар кичкинагина, арзимас масалада қарор қабул қила олмаганидан ўзини ҳам, бошқаларни ҳам ташвишга кўяди.

Сиз воқеани ўрганиб, фикр юритиб, ақллар билан кенгашиб, оламлар Раббига истихора қилингда, кейин ўша ишни кечиктирмасдан тезда амалга оширинг.

Абу Бакр Сиддиқ (розияллоҳу анҳу) муртадларга қарши уруш қилиш тўғрисида дўстлари билан маслаҳатлашдилар. Ҳамма бир овоздан, уруш қилмайлик, дейишди. Лекин у зот, уруш қиламиз, деб қатъий турдилар. Чунки бу фитнани тўхтатиш ва диндан бош тортаётган жамоани йўқ қилиш лозим эди. У зот бундай дедилар: “Нафсим қўлида бўлган зотга қасам, намоз билан рўзанинг ўртасини ажратган кишига қарши, албатта, уруш қиламан! Аллоҳга қасам, агар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) даврларида адо этиб келган садақани бермасалар ҳам, албатта, уларга қарши жанг қиламан!”

Умар (розияллоҳу анҳу): “Аллоҳ Абу Бакрнинг қалбини очиб қўйганини билдим, унинг фикри ҳақ экан”, дейдилар.

<sup>295</sup> Оли Имрон сураси, 159-оят.

<sup>296</sup> Шууро сураси, 38-оят.

У кишининг фикрлари тўғри эди, албатта.

Қачонгача тараддудланамиз?! Қачонгача деп-синиб юрамиз?! Қачонгача қарор қабул қилишда иккиланамиз?!

**Шеър:**

*Агар оқил эсанг, бўлгин барқарор,  
Беқарорлик солар фикрга ғубор.*

Мунофиқларнинг табиати шундай: кўп гапириб фикрни, услубни йўққа чиқаришади. “Агар улар сизларга кўшилиб (жангга) чиққанларида ҳам, сизларга фақат бузғунчиликни кўпайтириб, ораларингизга (раҳна) солиб, сизларни фитнага дучор қилган бўлар эдилар”<sup>297</sup>. Улар “агар” сўзи билан доим бирга эдилар, “қанийди”, “шояд” сўзларини яхши кўрардилар. Уларнинг ҳаёти ундан бунга бориш, иккиланиш, бузиш устига қурилган.

“Биродарларига: “Агар (Уҳуд жангида ҳалок бўлган мусулмонлар) бизга бўйин суниб (урушдан чиқиб кетганларида) ўлдирилмаган бўлур эдилар”, деб (ўзлари жангда қатнашмай, уйларида) ўтирган кимсаларга айтинг: “Агар гапларингиз рост бўлса, ўзингиздан ўлимни даф этинглар-чи?”<sup>298</sup>

“Улар оралиқда сарсондирлар: на у ёқлик эмаслар ва на бу ёқлик”<sup>299</sup>.

“Агар (жиддий) уруш бўлишини билганимизда ортингиздан борган бўлур эдик”, деган эдилар”<sup>300</sup>.

Бир гал мушриклар билан, бир гал мусулмонлар билан, гоҳ у ёқда, гоҳ бу ёқда бўлишар эди. Улар ҳақида ҳадисда: “*Иккита кўчқорнинг орасида қочиб юрадиган урғочи қўйга ўхшайди*”, дейилган. Аллоҳга ёлғон гапириб, ўзларини алдашарди. Танглиқда панага ўтиб, кенгчиликда ўртага чиқишарди.

<sup>297</sup> Тавба сураси, 47-оят.

<sup>298</sup> Оли Имрон сураси, 168-оят.

<sup>299</sup> Нисо сураси, 143-оят.

<sup>300</sup> Оли Имрон сураси, 167-оят.

## ОДАМЛАР ҚАДРИНИ ПАСТЛАТМАНГ

Ҳаётда озгина (бўрттирилмаган) мақтов ҳам одамларга таъсир этишини тажриба қилиб кўрдим. Бу борада хато қилмадим деб ўйлайман. Ҳатто тақволи, зоҳид ёки ўзининг кимлигини билдиришни ёқтирмайдиганлар ҳам мақтовдан таъсирланиб, маза қилади. Кимдир бироз роҳатланса, бошқаси кўпроқ.

Бир куни динни маҳкам ушлаган ва тақволи уламолар билан бирга эдим. Улар шахсларига айтилган ташаккур ва мақтовларни эшитиб, ўзларини бошқача тутдилар ва юзларига қувонч югурди. Ёқимли сўз қалбга таъсирини ўтказди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васалам) одамларни ўз даражаларига қараб ҳурматларини жойига қўйишни кўрсатма берганлар. Ёқимли сўз раббоний неъмат. Бу орқали сиз одамларга бахт улашиб, ўзингизни ҳам шод этинг.

**“Аллоҳнинг раҳмати сабабли (сиз, эй Мухаммад,) уларга (саҳобаларга) мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлур эдилар”<sup>301</sup>.**

“Дўстларга қандай эга бўласиз?” китоби муаллифи одамларни бўрттириб мақташ уларни ўзига жалб қилиш омилларидан, дейди. Мен бунга қўшилмайман. Зеро, ҳамма нарсада ўртача бўлиш лозим.

**“Аллоҳ барча нарса учун миқдор (меъёр ва муддатни тайин) қилиб қўйгандир”<sup>302</sup>.**

Очиқ-равшан лаганбардорлик, сохталик ва унуми йўқ қуруқ гаплар фойда бермайди. Унинг ўрнига олижаноб ва гўзал хулқли бўлиш фойдали.

<sup>301</sup>Оли Имрон сураси, 159-оят.

<sup>302</sup>Талок сураси, 3-оят.

Мен ва сиз одамлар олдида кеккайиб, менсимай тунд қиёфада бўлишимиз мумкин. Аммо бу билан улар эмас, ўзимиз зарар кўраимиз. Чунки уларни эъзозлаб, табассум қилиб ҳурматиани жойига қўювчи сизу мендан бошқаси топилади.

**“Сизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг!”<sup>303</sup>**

Яхши сўз ила одамларни ўзимиздан қочирмаслик бизнинг бахтимиз. Улар мақтов, дуо ва меҳр-муҳаббатга лойиқ ҳамда Аллоҳнинг ердаги гувоҳидирлар.

**“...одамларга ширинсўз бўлинг”<sup>304</sup>.**

Ҳаётда тез киришиб кетадиганларни кўрдим. Одамлар дарров улар атрофида жам бўлиб, жонфидо қилишга тайёр ва улар қаерга борса, одамлар ҳам ўша жойда ҳозир. Эргашиб юрувчиларни салқин шабада эсиб, у ёқ-бу ёққа эгаётган мажнунтол баргларига ўхшатасан, киши. Очиқ юзли, қалби соф, ширин сўзли инсонлар нақадар бахтли-а!

Одам Қоруннинг хазинасига, Сулаймоннинг (алайҳиссалом) салтанатига, Ҳорун ар-Рашиднинг подшоҳлигига интирмай Аллоҳнинг тавфиқи ила одамларга мақбул бўлиши ҳам мумкин. У ўзини оддий одам билиб, сидқидилдан Аллоҳни, элчисини (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ва одамларни яхши кўришга қодир.

Яхши сифат ва гўзал хислатларга эришиш қийин. Чунки бунда юқори томон интилиш керак. Аммо ёмон хулқ ва паст табиатли бўлиш осон. Чунки бунинг учун пастга йўналилади. Юқорига чиқиш оғир, пастга тушиши осон ва енгил.

Ҳаётда мен сизни ва бошқаларни бахт томон элтади деб ўйлаган хислатлар – одамлар иқтидориқобилиятини ҳурмат қилиш, эришганини тан

<sup>303</sup>Шуаро сураси, 215-оят.

<sup>304</sup>Бакара сураси, 83-оят.

олиш, интилганига шижоатлантириш, ҳаракатини зое қилмаслик ва мавқеини йўққа чиқармаслик бўлди.

Яхшиликка интилган бир неча киши билан бирга бўлдим. Аммо одамлар орасида уларнинг ҳурмати ва кадрлари унчалик эмасди. Ҳайлаб қолдим: улар ё ўз кадрларини билиб мавқеини юқори қўймайди, ёки мартабасини жудаям баланд ҳисоблайди. Кейин билсам, улардан кўпи ўзларини одамлар билгани ва тасаввур этганидан баланд ҳисоблар экан.

Ёш болаларга кичик-кичик китоблар ёзиб турадиган бир талабани биладан. Гоҳида уни мақтаб ҳам тураман. У китоби кўп тарқалгани ва сотилгани, одамлар орасида мақбул бўлгани, уни кимлар мақтагани ва гапини қабул қилгани ҳақида кўп мақтанарди. Ҳайронман, одамларга бунча ўзини кўтариб олқишламаса, ҳаракатларини эътиборга олмай кадрини пастлатганларни бунча ёмон кўрмаса.

Яна бир талабанинг овози ёздирилган магнит тасмасини эшитдим. У тасма оммавий бўлиб, эътиборга тушмаган эди. Тўхтаб қолмаслиги ва ҳаракатида давом этиши учун шижоатлантириш мақсадида унга раҳмат айтиб қўяй деб сим қоқдим. Унга магнит тасма ҳақида гапириб, мақтадим. У бунга қулай фурсат билиб, ёздирган тасмасини мусулмонларга фойдали қилишини сўраб Аллоҳга илтижо қилди. Унинг наздида овози ёзилган магнит тасма гўё ҳамма тирик жонга маъқул ва қуёш каби юраётгандек эди. Кейин у мендан қандай қилиб маърузага ҳозирлик кўриш, нечта одам йиғилиши ва шу каби нарсалар ҳақида сўради. Мақтовим уни шунчаликка олиб боришини ўйламаган эдим. Ҳа, демак, инсон вазни, қадри, мавқеи ва таъсирини юқори қўяр экан. Энди у кадрини пастлатадиган ва ҳурматини жойига қўймайдиган одамга дуч ке-

либ қолса, ҳоли не кечаркин, унга қанчалар мусибат бўларкин-а?!

Бир воизнинг ваъзи учун раҳмат. Унинг мажлисида ҳозир бўла олмадим, лекин мавъизаси ҳақида эшитдим. Менга хабар беришларича, одамлар кўп йиғилган экан, таъсирланиб йиғлабдилар, ўша жойда кўпчилик тавба қилибди.

Шундай экан, қандай бўлса ҳам бир кишини эгаллаб турган мансабидан тушириш ёки бошқаларни писанд қилмаслик ё бўлмаса қадрини ерга уришдан сақланинг. Аллоҳ таоло айтади: **“Эй мўминлар! (Сизлардан) бирор миллат (бошқа) бир миллатни масхара қилмасин! Эҳтимол (масхара қилинган миллат) улардан яхшироқ бўлса. Яна (сизлардан) аёллар ҳам (бошқа) аёлларни (масхара қилмасин)! Эҳтимол (масхара қилинган аёллар) улардан яхшироқ бўлса. Ўзларингни (бир-бирларингни) мазах қилманглар ва бир-бирларингни лақаблар билан атаманглар! Имондан кейин фосиқлик номи нақадар ёмондир! Ким тавба қилмаса, бас, айнан ўшалар (гуноҳ ишлар билан ўзларига нисбатан) зулм қилувчилардир”**<sup>305</sup>.

Одамлар иқтидорини тан олиб, уларга эътибор қаратсангиз, сизни яхши кўришади. **“ (Муҳаммад) юзини буриштирди ва юз ўгирди. Зеро, унинг ҳузурига кўзи ожиз одам келган эди. (Эй Муҳаммад!) Сиз қаердан ҳам биласиз, эҳтимол у (сиздан фойдаланиб, ўз гуноҳларидан) покланар”**<sup>306</sup>.

Сийратда келтирилишича, Исломдан юз ўгирган Жабала ибн Айҳам ўзи ўйлаганча эътибор ва мансабга эга бўла олмади.

Тоҳа Хусайн ўзининг “Ал-Айям” китобида айтишича, Азҳар университетидан бир шайх қабул

<sup>305</sup> Хужурот сураси, 11-оят.

<sup>306</sup> Абаса сураси, 1 – 3-оятлар.

вақтида уни имтихон қилатуриб: “Эй кўзи ожиз инсон, Каҳф сурасидан ўқи”, деди. Бу хитоб Тоҳа Ҳусайнни ларзага келтириб, ташвишга солди. Мана шу сўз сабабидан Тоҳа Ҳусайн Азҳар ҳақида ҳар хил ҳақоратлар айтиб, уни абадий тарк этди.

Ким ўзини паст санаб, қийматим йўқ дейди? Ким ўзини ўзи мен ҳеч ким эмасман, тилларга тушишга арзимаيمان, дейди? Ҳеч ким. Ҳар бир киши ўзини яхши кўради, юксак даражадаман деб ўйлайди ва қадрини биләди.

Тасаввур этинг, йиғилишдасиз. Бир киши “мен”, “айтдим”, “чикдим”, “учрашдим”, “менга айтилди”, “олдимга келишди” каби сўзларни ишлатса, ичимиздаги “мен” деган ҳис-туйғуларнинг янчилик кетишини хоҳлаймизми?!

Мен Риёздаги маъҳадда ўқир эдим. Ўша пайтлари шеърлар ёзиб турар ва ижодга кўп эътибор берар эдим. Маъҳад газетига бир мисра шеър ёздим. Баъзи устозлар мени мақташди. Ўша пайт ўзимни Абу Таммом ёки Мутанаббийдек, балки улардан ҳам буюкроқ деб ҳис қилдим.

Маъҳадимизга бошқа маъҳаддан бир гуруҳ талабалар келишди. Улар учун кеча ташкил қилинди. Мендан шу кечада қасида ўқиб беришимни талаб қилишди. Чунки талабалар ичида шоири ёки мен каби шоирликни даъво қиладигани йўқ эди. Хуллас, йўқдан кўра бори деганларидек, шеър айтиш менга қолди.

**“...(лекин) сув топмасаларинг, пок тупроққа таяммум қилиб, ундан юзларинг ва қўлларингга суртинглар!...”<sup>307</sup>**

Маъҳаддаги адабиётшунос устоз олдига бордим. У шеърнинг услуб ва мазмуни ҳақида гапириб мақтади. Ўзим ҳам шеърни нодир шеърлар-

<sup>307</sup> Монда сураси 6-оят

дан деб ҳисобладим. Ёшим катта бўлиб, адабиётни ўрганиб, ўша шеъримни ўқиб бугун ўзимнинг устимдан куламан.

Биз одамларни пастга уриш билан нима фойда топамиз? Улар барибир ўз йўлларидан қайтмайдилар. Биз уларнинг кўнгилларини хира қилиб, натижада душманларига айланамиз ёки ғазабларига учраймиз.

Шундай экан, сиз одамлар ҳаётида яхшиликни кўринг. Уларнинг яхшилик сифатларини айтиб, фазилатларини мақтаб туринг. Ёмонлик ва камчиликларидан кўз юминг.

### ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Ажабо! Одамларнинг юмшоқ бўлишини хоҳлаймиз-у, ўзимиз ғазабланамиз, бошқалардан сахий бўлишни талаб қилиб, ўзимиз бахиллик қиламиз. Бошқалардан дўстликка чиройли вафо кутамиз, аммо, ўзимиз бу нарсага амал қилмаймиз.

#### **Шеър:**

*Айбдан холи эмас ҳеч қайси инсон,  
Дўст танбеҳи ила камаяр нуқсон.*

#### **Шеър:**

*Бир нишон излайсан айбсиз инсондан,  
Ўзинг холимисан бирон нуқсондан?!*

### МАФТУНКОР СЎЗНИНГ БАДАЛИ

Бахтли ҳаётимиз янада мукаммал бўлиши учун олдин Аллоҳ билан ўртамиздаги бажаришимиз шарт бўлган вазифаларимизни амалга ошириб, сўнг халқ билан бўладиган ишларга киришишимиз лозим. Гапни чиройли безаб гапириш осон, лекин ўша чиройли гапни мақталган сифатлар ва улуғ амаллар ила қолипга солиш қийин иш.

“Китоб (Таврот ва Инжил)ни ўқиб туриб, одамларни яхшиликка буюрасиз-у, ўзингизни унутасизми?! Ақлни ишлатмайсизми?!”<sup>308</sup>

Ҳадиси шарифда айтилганидек: “Яхшиликка буюриб, уни ўзи қилмаса, ёмонликдан қайтариб, ўзи уни содир этса, қиёмат куни ўтга ташланади. Эшакни арқонидан судрагандек уни ичакларидан судраб олиб келинади. Дузах аҳли унинг ҳалокати ҳақида сўрашганида у: “Мен сизларни яхшиликка буюриб, ўзим қилмас эдим ва ёмонликдан қайтариб, ўзим уни қилар эдим”, дейди”.

**Шеър:**

*Эй сен, ўзгаларга бергувчи таълим,  
Ўзингга қай маҳал берарсан билим!?*

Машҳур воиз Абу Муоз Розий ваъз қилиб йиғлади, эшитиб ўтирганлар ҳам бирга йиғлашди. Сўнг бундай деди:

**Шеър:**

*Тақвога амр этар, ўзи бетақво,  
Даволайман дейди, ўзи бедаво.*

Салафлардан айримлари одамларни садақа қилишга буюришдан олдин ўзлари садақа қилар эдилар. Шунда бошқалар ҳам ихтиёрий равишда холис садақа қилардилар.

Саодат асрида бир воиздан қул озод қилиш ҳақида мавъиза қилишни сўрадилар. У киши узоқ вақт пул йиғиб, сўнг бир қулни сотиб олди ва уни озод қилди. Кейин бошқаларни қул озод этишга тарғиб қилди. Одамлар унга эргашиб кўпдан-кўп қулни озод қилдилар.

<sup>308</sup> Бақара сураси, 44-оят

## РОҲАТ ЖАННАТДА

“Ҳақиқатан, инсонни (дин ва дунё ишларида меҳнат ва) машаққатда (бўлиш учун) яратдик”<sup>309</sup>.

Аҳмад ибн Ҳанбалдан “Қачон роҳат бўлади?” деб сўрашганида у киши: “Қадамингни жаннатга қўйсанг, роҳатланасан”, деб жавоб бердилар.

**Шеър:**

*Кўрмоқчи бўлсанг-да қирлардан холи,  
Барибир лойқадир дунёнинг ҳоли.*

Нигериялик омонатдор бир дўстим менга ўз ҳолатини айтиб берди. Онаси кечанинг учдан бири бўлганида уни уйғотар экан. “Эй онажон, озгина дам олай” деса, у: “Сен роҳатлан, дам ол деб уйғотяпман-да, болам, жаннатга кирсанг роҳатланасан”, дер экан.

Салаф уламоларидан Масруқ исмли киши сажда қилиб ухларди. Шериклари унга: “Нафсингизни дам олдилинг”, дейишса, у “Нафсимнинг роҳатини хоҳлаяпман-да”, дер эди.

Вожибни тарк этиб, роҳатни роҳатга улашга интилганлар ўзларига ҳақиқий азобни шошилтириб оладилар.

Роҳат фойдали, солиҳ амалларни бажариш ва Аллоҳга яқин қиладиган ишларга енг шимаришдадир.

Имонсиз кимса бу дунёдаги насибасини ва роҳатини хоҳлайди. Шунинг учун ҳам “Улар (Макка мушриклари масҳара қилишиб): **“Парвардигоро, бизларга (ваъда қилинган азобдан) насибамизни Ҳисоб кунидан илгари тезроқ келтира қолгин!”** дедилар”<sup>310</sup>.

Айрим олимлар бу оятни: “Қиёматдан олдин ризқимизни ва яхшилиқдан иборат насибамиз-

<sup>309</sup> Балад сураси, 4-оят.

<sup>310</sup> Сод сураси, 16-оят.

ни бизга тезроқ бергин”, дедилар, деб тафсир қилишган.

**“Албатта, ана у (кофир)лар нақд (дунё)ни суюрлар ва ортларидаги оғир кунни (қиёматни) эса (эсдан чиқариб) қўюрлар”<sup>311</sup>.**

Улар эртанги кун ва келажак ҳақида мутлақо ўйламайдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг бугуни ва эртаси, ишларининг боши ва охири-барчаси зарардадир.

Ҳаёт шундай яратилган, унинг хотимаси йўқ бўлиш. У соф бўлмаган ичимлик. На неъмату азобга, на қийинчилигу енгилликка, на бойлигу камбағалликка ўрнашадиган ўзгарувчан мижоздир.

### **Шеър:**

*Дунёда шунча йил қилгувчи сафар,  
Охир бир кун қабр ичига тушар.*

**“Сўнгра (улар) ҳақиқий эгалари – Аллоҳ (ҳузури)га қайтарилурлар. Ҳукм эса Уникидир. У ҳисобловчиларнинг тезкоридир”<sup>312</sup>.**

## **МУЛОЙИМЛИК МАҚСАДГА ЕТИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ**

Мулойим бўлиш ҳақида кўп оят ва ҳадислар мавжуд. Мулойим киши албатта истагига етади. Биласизми, икки деворнинг орасида ундан фақат битта машина ўта оладиган тор йўл бўлса, ҳайдовчи у ердан оҳиста ва мулойим бўлиб ўтиши лозим. Агар бу тор жойдан шошилиб тез ўтмоқчи бўлса, иккала томонга машинани уриб, зарар кўриши тайин. Ҳам тез ўтгани билан йўл кенгайиб ёки торайиб қолмайди.

Ҳовлимиз четроғига бир кичкина ниҳол эксак, унга ҳар замон оз-оздан сув қуйиб турсак, ниҳолга

<sup>311</sup> Инсон сураси, 27-оят.

<sup>312</sup> Анъом сураси, 62-оят.

фойда бўлади. Аммо ўшанга сувни бирданига қуйсак, у қуриб қолади. Иккала ҳолатда ҳам бир ҳил, лекин услуб бошқача.

Кийим оҳиста ечилса, тез йиртилмайди. Аксинча, куч билан тортиб, шошиб ечилса, қачон қарасангиз кийимининг бир жойи йиртиқ бўлади.

Акалари Юсуфни (алайҳиссалом): “Бўри еди”, деб унинг кийимини кўтариб келишганини эсланг. Уларнинг гапи ёлғонлигини исбот қилувчи нозик далил улар Юсуфнинг (алайҳиссалом) кийимини оҳисталик билан ечишгани учун кийимда йиртиқ йўқ эди. Бўри еганида кийимни йиртиб, бўлаклаб ташлаган бўлар эди.

Ҳаётимиз оҳисталикка, мулойимликка муҳтож. Нафсимизга мулойим бўлишимиз лозим, чунки: **“Албатта нафсининг сенда ҳаққи бор”.**

Биродарларимизга мулойим бўлишимиз лозим, чунки: **“Албатта, Аллоҳ мулойимдир ва мулойимликни хуш кўради”.**

Аёлларга мулойим бўлишимиз лозим, чунки: **“Билурдай мулойим бўлинг”.**

Турклар дарёларнинг устига ёғочдан кўприк қилишган. Шундай кўприкларнинг биринчисига “оҳиста, оҳиста” деб ёзилган эди. Чунки кўприқдан ўтувчи киши оҳиста билан ўтса, йиқилмайди. Шошилиб, тез ўтса, кўприқдан йиқилиши мумкин.

Шомлик бир адибнинг кундалигини ўқиган эдим. У ёзишча, бир мотосикли бўлган экан. Бир куни у турклар қурган ёғоч кўприқдан ўша мотосикли билан ўтмоқчи бўлган. “Кўприқдан шошилиб ўтдим, дарёнинг ўртасига кўприкнинг тепароқ қисмига еганимда у ёқ-бу ёққа қарадим, ўзимга ҳам, мотосиклимга ҳам мулойим бўлмадим, оқибатда у қалқиб, фикрим чалғиди ва дарёга қулаб тушдим”, деб ёзган эди.

Оврупанинг айрим шаҳарларида гул боғи кираверишига бир тахта осиб, унга “Шошилма”, деб

ёзиб қўйилган. Чунки шошилиб кирган киши оёқ остидаги гулларни кўрмай, уни босиб-янчиб ташлаши мумкин.

Тарбиявий мувозанат, тенглик бўйича чумчуқ ҳеч қачон асаларидек мулойим бўлолмади. Ҳадиси шарифда: **“Мўмин покиза нарса еб, покиза нарса қўядиган ва бирор шохга қўнса, уни сундирмайдиган асалари каби (бўлади)”**, дейилган. Гул асаларининг қўнганини ҳис қилмайди, у гулга оҳиста қўниб, кўзлаган мақсадига мулойимлик билан эришади. Чумчуқ эса жисмининг оғирлиги билан бошоққа қўнганида одамларга ўзини сездириб қўяди.

Бир ҳинд рассомининг қиссасини доим эсламан. У ажойиб расм чизган: донлари бўлиқ бир бошоқ устида чумчуқ қўниб турибди. Аммо буғдой бошоғи эгилмаган, тик. Ушбу расмни подшоҳ маҳкамасининг деворига осиб қўяди. Одамлар подшоҳ ҳузурига оҳисталик билан келаётганида расмнинг гўзаллигидан рассомга раҳмат айтиб киришар эди. Бир куни оломон орасида бир фақир киши яшириниб кириб, лавҳдаги расмни кўрдида, унга эътироз билдирди, уни хато деб айтди. Оломон бош кўтарди, чунки у ҳаммага қарши чиққан эди. Подшоҳ уни ҳузурига чақиртирди ва мақсадини сўради. У: “Бу лавҳдаги расм хато”, деди. Подшоҳ: “Нима учун?” деб сўради. У: “Чунки рассомнинг расмида чумчуқ бошоқ устига қўнган, бошоқ эса қадди тик турибди. Бу хато. Сабаби чумчуқ бошоқнинг устига қўнганида бошоқни эгиб қийшайтириб қўяди. Чумчуқнинг вазни оғир, у мулойимлик ва оҳисталик билан қўнмайди”, деди. Подшоҳ ҳам, одамлар ҳам буни тасдиқлашди. Ва лавҳни турган еридан олиб, рассомдан мукофотни тортиб олдилар.

Табиблар беморларни оҳисталик ва мулойимлик билан даволайдилар. Агар мулойим бўлишмаса, беморда тиш синиши, тирноқ кўчиши ёки шунга ўхшаш ёқимсиз ҳодисалар юз бериши мумкин.

Сув мулойимлик билан қуйилиб оқади. Шамол эса тўс-тўпалон, шовқин билан келади. Айрим саллафлар: “Киши уйга кираётганда ёки чиққанида, кийим кияётганида ё ечаётганида, уловга минаётганида ё тураётганида бу ишларни оҳисталик ила қилиши лозимлигини англаши унинг фақиҳлигидандир”, дейишганини ўқиганман.

Ишларда шошқалоқлик ва кўполлик фойдани йўққа чиқаради, ҳатто кўпинча зарар келтиради. Ҳамма иш яхшилик ва мулойимлик устига қурилган. **“Қайси нарсада мулойим бўлса, уни зийнатлайди ва қай нарсадан мулойимлик кетса, уни булғайди”.**

Ҳар қандай муомаладаги мулойимликдан руҳлар таскин топиб, қалблар хотиржам бўлади. Мулойим инсон яхшиликларнинг калитидир. Мулойим кишига осий, қалби қаттиқлар ҳам бўйсунди. **“Аллоҳнинг раҳмати сабабли (сиз, эй Муҳаммад,) уларга (саҳобаларга) мулойимлик қилдингиз. Агар дағал ва тошбағир бўлганингизда, албатта, (улар) атрофингиздан тарқалиб кетган бўлар эдилар”**<sup>313</sup>.

\*\*\*

Шайхул Ислом Ҳарроний: «Бир лаҳзалар бўлади: “Агар жаннат аҳли менинг шу ҳолатимдек ҳаёт кечирсалар, шаксиз улар гўзал ҳаёт узра бўладилар”, деб ўйлаб қоламан», дейди.

Иброҳим Адҳам: “Агар подшоҳлар биз қандай ҳаёт кечираётганимиздан ҳабар топишса, унга эришиш учун, шубҳасиз, устимизга қўшин тортиб келардилар”, дер эди.

<sup>313</sup> Оли Имрон сураси, 159-оят.

## ХАВОТИРДАН ХЕЧ ФОЙДА ЙЎҚ

Бу гапни келтиришимдан мақсад, банда хавотирга тушмаслиги, қазога рози бўлиши, ўтган ишга надомат чекмаслиги заруратидандир.

Бошланғич мактабда ўқиб юрганимда ўртоқларим орасида илғор бўлишни чин юракдан хоҳлар эдим. Дарсларни ёдлашга қаттиқ ҳаракат қилдим. Лекин барибир имтиҳон варақам қандай бўлар экан кўрқиб, изтиробга тушиб, хавотирланиб юрдим. Уйда масала жавобини қайтардим ва ўзимга ўзим даражалар бердим. Хавотирдан тирноқларимни тишларим билан қирқиб ташладим. Ниҳоят, натижа аниқ бўлди. У бир мени рози қилса, бир хафа қиларди. Бирон марта хавотирланишим мартабамни оширганини, жавобларимни тўғрилаганини ва даражамни кўтарганини эслаёлмайман.

## РОХАТ ҚАНОАТДАДИР

Оиламни жанубда қолдириб, “Риёзул илмий” номли институтга ўқишга бордим. У ерда амакиларим билан бирга етишмовчилик, уй ишлари ва ўқишда қийинчиликда яшардик. Ҳар куни эрталаб ўттиз дақиқагача пиёда юрардим. Уйга пешинда ёки ундан кейинроқ қайтардим. Мен билан бирга турган талабани нонушта, тушлик, кечги овқатга шерик қилардим. Уй супириш, кир ювиш, мебелларни созлаш ишлари ҳам менинг бўйнимда. Ошхонани тартибга келтириб дарсларимни ёдлайман. Институтда илғорликни, яхши даражани кўлга киритишга ҳаракат қилиб дарсларда фалолман. Эгнимда бир дона кўйлақдан бошқа қийим йўқ эди. Уни ювиб, дазмоллаб кияман. Уйга ҳам, дарсга ҳам, тантаналарга ҳам шу кўйлақ. Чунки оладиган пулим оз, ейиш-ичиш, уй ижараси ва

бошқа заруратларга шу озгина нафақа етиши керак. Баъзан озгина гўшт олардик. Меваларни эса камдан-кам ҳолларда ердик. Китоб ўқиш ва ёдлаш билан банд бўлганим учун, бир ойда ёки ундан кўпроқ вақтда бир марта дам олиб, сайр қилар эдим. Фанлар ўн еттита бўлиб, арабий ва дин дарсларига қўшимча инглиз тили, муҳандислик, ҳисоб ва бошқа фанлар ҳам киритилган эди. Институтдан адабий китобларни олиб ўқий бошладим. Бирон китобни ўқишга киришсам, берилиб кетганимдан ўртоқларимни ҳам унутиб қўярдим.

Буларни айтишдан мақсадим талабалигим қийинчиликда, машаққатда, қўли калталиқда ўтган бўлса-да хурсанд, юрагим хотиржам, нафсим рози бўлиб ухлардим. Сўнг ҳаёт давом этди. Яратганга шукрлар бўлсин, мен яхши уй, турфа кийимлар, лаззатли таомлар ва кенгчиликка эришдим. Лекин ҳаётим олдингидек фараҳбахш эмас. Ишларим, қийинчиликларим кўпайиб кетди. Демак, мўл-кўлчиликнинг ўзи яхши ва бахтли ҳаёт гарови эмас экан. Бундан чиқарган хулосам: агар сизда ғам-ташвиш ва қайғулар кўпайиб кетган бўлса, бунинг сабабини қўлингиз калталигидан ёки тўкин ҳаёт кечирмаётганингиздан деб билманг. Бу тўғри фикр эмас. Чунки кўпгина ўртаҳол яшаётган кишилар бойлардан бахтлироқдир.

### **БУНДАН ҲАМ ЁМОНИ БЎЛИШИ МУМКИН**

“Абҳо” институтининг биринчи тайёрлов босқичида таҳсил олиб юрган кезларим эди. Ҳаммадан биринчи бўлишга жуда интилар, пешқадамликка эришиш учун ҳамма билан мусобақалашар эдим. Ўзимни иккинчи босқичга тайёрлар эдим. Баҳоларнинг натижаси менга имтиёз тақдим этди.

Лекин шунча тайёргарлигим, шунча ҳаракатимдан сўнг нимадан хавфсирашим керак?! Натижа маълум, биринчилар билан бирга бўлсам?!

Имтиҳон бўлди. Мен инглиз тили имтиҳонидан ўта олмадим. Буфан менга жуда оғир ва машаққатли бўлганидан уни тушунмас ва ёдлай олмас эдим. Бошим узра ғам-ташвиш ўзининг тундек қора булутлари ила соя солди. Кечалари йиғлаб чиқардим. Синфдошларим мени хоҳлаганча ҳақоратлашди. Чунки мен кейинги босқичга ўта олмаган эдим. Ўзимни имтиёзли баҳоларим билан овутдим. Ички туйғуларга берилиб, нафсим сиқилиб, алам чекиб юрганимда устозларимдан бири менга тасалли бериб, шижоатлантирди ва кўнглимни кўтарадиган насихатлар қилди.

### **Шеър:**

*Дунёда ҳар неки топса гар камол,  
Бир куни муқаррар топгувчи завол.*

Кейинчалик имтиҳондаги қўрқинчимни ва шу байтни эсласам, ўзимдан ажабланиб куламан. У хафагарчилик менга фойда бермади ва безовталик натижани ўзгартирмади. Аксинча, қачон шу қўрқинчга итоат қилсам, кейинги босқичдаги натижаларга қодир бўла олмас эдим.

Сизга насихатим: агар муваффақиятсизликка учрасангиз, тушкунликка тушиб, хафа бўлсангиз, ҳеч ҳам яхши натижага ҳозир эришаман ёки тезда уни ўзгартираман деб ўйламанг. Балки бу нарса муваффақиятсизликни янада кучайтиради.

Магистрлик даражасини олиш учун “Пайғамбар ҳадислари”дан имтиҳон топширдим. Ҳамма қатори мен ҳам имтиёзли баҳога топширишга қизиқдим. Жуда яхши жавоб бердим, имтиҳондан аъло ўтдим деб ўйладим. Такдирлов кутганимдагидек бўлди. Ишга керагидан ортиқ, катта эъти-

бор ва сиқилиш билан ёндашган эдим. Мен билан суҳбатлашиб ўтирган шеригим: “Ёзма ишинг бир сабаб билан бекор қилиниб, магистрликка эриша олмасанг, нима қилган бўлар эдинг?! Икки хил тақдирлов – аъло ва паст баҳо орасида нима фарқ бор? Ҳар иккаласининг натижаси битта – магистрлик шаҳодатномаси бўлса”, деди. Шеригим тўғри айтган эди. Ақли-хушим ўзига келиб, юрагим хотиржам бўлди.

Агар сиз ёмон ҳолга тушиб қолсангиз, ўзингизни бундан ҳам ёмонроқ ҳолатни қабул қилишга тайёрланг. Чунки қийналганингизни, алам чекканингизни эслашингиз фақатгина юрак сиқилишига олиб келади.

Магистрлик синовларини бошимдан ўтказгач, докторлик имтиҳонини шошилмасдан топшириш кераклигини билдим. Уни илмий ва амалий томонлари пишиб етилганидан кейингина ёқладим. Имтиҳон яқинлашгани сари ўзимни шавқлантирар эдим. Лекин унинг хабари менга қаттиқ таъсир қилгани йўқ. Унга илгаригидек эътибор қаратмадим. Мана шундай кўникма ва ҳислар гарчи бошимизда хатарли эҳтимоллари бўлса ҳам, тинч яшашимизга, ҳаётимизни гўё ҳеч нарса бўлмагандек давом эттиришимизга, ёмон гумонлардан тўхташимизга ёрдам беради.

Тижорати синиб бор будидан ажраши мумкин бўлган киши кичик зарарга парво ҳам қилмайди.

### **ЕЙИШГА НОНИНГИЗ, КИЙИШГА КИЙИМИНГИЗ ВА ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК БЎЛСА, МОЛ-ДУНЁГА НЕ ҲОЖАТ?!**

Ҳижрий 1400 йил. Биз Ямандаги конференсиада эдик. Йиғилишни замонамизнинг улуғ олимларидан бири очиб берди. Сўнгра “Усулиддин” институтидаги ўқитувчилар билан Абҳога қараб

йўл олдик. У ердаги амалий анжуман тугагач, Абҳо – Тихома йўналиши бўйлаб тоғли ҳудуддан ортга қайтмоқчи бўлдик. Йўлни катта сел олгани сабабли жуда кўп жойлари бузилиб ётган экан. Бизни олиб кетаётган киши соҳасининг мутахассиси бўлишига қарамай, машина ҳайдаш борасида тажрибасизроқ экан. Менга раҳми келдими ёки мошинасигами, уловни мен ҳайдашимга рухсат бермади. Яхши ҳайдаёлмаганига яраша секин юрса ҳам майли, мусобақада кетаётгандек тез ҳайдар эди. Бир маҳал жарликка тушиб кетаёздик. Машинани дарҳол тўхтатди. Хуллас, ўша кеча ўлим ила ҳаётнинг ўртасида гўё дунё ила хайрлашиб охирага кетаётгандек ҳолатга тушиб, сўнгра ҳаётга соғ омон қайтиб келгандек бўлдим. Оёқларим, қўлларим, бутун аъзои баданим бўшашди. Унга аста тасалли бергандай бўлдим. Шу йўсинда давом этиб, кенг водийга етиб келдик. Бирданига осмонда қуюқ булут ҳосил бўлиб, қаттиқ сел қуйиб юборди. Водийнинг ярмига етиб келганимизда машинанинг ғилдираклари ботиб қолди. Сув эса аста-секин кўтарила бошлади, ҳатто машинанинг ичига ҳам кирди. Биз мажбур бўлиб, машинадан тушиб, водийнинг тепароқ қисмига бир амаллаб чиқиб олдик. Шу ерда таомсиз, сувсиз, ҳатто кўрпачасиз ҳолда эрталабгача қолдик. Биз худди ўлимини кутиб ётган чалажон касалларга ўхшар эдик.

Лекин шунча қийинчилиг-у сафар машаққати бўлса ҳам, танимиз соғ-саломат қолгани учун Аллоҳга шукроналар келтирдик. Тонг отгач, бизни қутқаргани махсус гуруҳ етиб келди ва биз соғ-саломат манзилимизга етиб олдик.

Бу ҳодиса менга Иккинчи жаҳон урушидаги бир воқеани эслатиб юборди. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган Амрико ҳарбий кемаларини Япон ден-

гизига жойлаштирди. Кемани ракета билан уришди. Кема сув остига чўкиб кетди. Кема ичида эса чучук сув ва қаттиқ нондан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Шу аснода бир аскар кема ичида ўн уч кун қолиб кетди. У ердан қутқариб чиқишганидан сўнг, ундан: “Бу воқеа сенга қандай таъсир қилди?” деб сўрашди. Шунда у: “Бу даҳшатли кунларда кимнинг тани соғ бўлиб, яна нон ва суви бўлса, у бутун дунёнинг мулкини қўлга киритибди”, деб жавоб берган эди.

Мен сизга ҳеч иккиланмай: “Дунё нима? Дунё баданнинг соғлиғи, қалбнинг хотиржамлиги, ейдиган нону ичадиган сув ва киядиган кийимнинг борлигидир”, дея оламан. Нима учун биз ҳаётимизда ҳисоб-китобни қўлламаймиз? Бизда нима бору, нимани йўқотдик? деб ўзимиздан сўрамаймиз?

Бизда кам-кўст яшашимиз учун саксон фоиздан кўпроқ керакли воситалар бор. Йигирма фоиздан камроғигагина эса эгалик қилмаяпмиз, холос. Қўлдан кетган нарсаларга куюнамиз, аммо ҳузуримиздагига ҳеч ҳам хурсанд бўлмаймиз. Бошимизга тушган кулфатларга йиғлаймиз-у, бор неъматларимизга шодланмаймиз. Холбуки, камдан-кам ҳоллардагина балолар бизларга кетма-кет келади.

### АЛАНГА ОЛМАСИДАН ОЛДИН АДОВАТ ЎТИНИ ЎЧИРИНГ

Оддийгина, қисқагина ҳаётимда ҳеч қачон ҳақимни тўлиқ қилиб олишга ёки эътиборимни тангликка қаратмадим. Лекин гоҳида ҳасрат кучлироқ, надомат эса қаттиқроқ бўлади. Бирор кишини менга қилган ёмонлиги учун жазоласам ёки йўлда кимдир менга қўполлик қилгани учун унинг таъзирини берсам, гўё нафсимнинг ҳаққини

ундириб олган, унинг обрўйини ўрнига қўйган бўламан. Аслида-чи? Ҳақиқат мен ўйлагандекми? Йўқ, албатта. Агар мен ҳар етган ёмонликнинг жазосини бераверсам, одамлар билан ўртамада адоват пайдо бўлиб, хусумат вужудга келади. Бунинг ўрнига кечириниш, гуноҳидан ўтиш, кичик кўнгилхираликларга эътибор бермаслик яхшидир. Ислоҳ динимиз айна шунга буюради.

**“Афвни (қабул қилиб) олинг, яхшиликка буюринг, жоҳиллардан эса юз ўғиринг!”<sup>314</sup>**

**“Балки уларни афв қилиб, кечирсинлар!”<sup>315</sup>**

**“Ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) кечирадиганлардир. Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севади”<sup>316</sup>.**

**“Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан қайтаринг! (Шунда) бирдан сиз билан ўрталарингизда адоват бўлган кимса қайноқ (қалин) дўстдек бўлиб қолади”<sup>317</sup>.**

**“Жоҳил кимсалар (маънисиз) сўз қотганида “Саломатлик бўлсин!” деб жавоб қиладиган кишилардир”<sup>318</sup>.**

Агар кўчада бирон ёмон гап эшитиб қолсангиз ва унга жавоб қайтармасангиз, шубҳасиз, бунинг учун ажр оласиз.

Агар устингиздан кулишса, ўзингизни эшитмаганга солинг. Агар унга жавоб тариқасида сиз ҳам кулсангиз, одамлар у билан машғул бўлиб қолади.

Агар сизга кинояли сўз қотишса, “Менга айтгани йўқ”, деб индамай кетаверинг.

Агар ҳасадчи сизни танқид қилса, ўзингизни билмаганга солинг.

Олимлар: “Ўзини билмаганга солиш айбларни беркитади”, дейишган.

<sup>314</sup> Аъроф сураси, 199-оят.

<sup>315</sup> Нур сураси, 22-оят.

<sup>316</sup> Оли Имрон сураси, 134-оят.

<sup>317</sup> Фуссилат сураси, 34-оят.

<sup>318</sup> Фурқон сураси, 63-оят.

**Шеър:**

Ёш бола эрмак-ла тош отса агар,  
Улкан денгизга ҳеч беролмас зарар.

**АМАЛИНГИЗГА ЯРАШАСИНИ ОЛАСИЗ**

Баъзи ҳақимлар: “Кетма-кет гуноҳ хира пашша-га ўхшайди. У фақатгина жароҳатга қўнади”, дейишади. Айримлар “лекин” калимаси билан ба-лолангандир. Яъни, бирор кишининг отини тилга олсангиз, масалан: “Уяхши одам-ку, лекин...”, деб қўяди. Ва шу “лекин” сўзидан кейин бирон мас-хара ёки бир айблов ё бўлмаса бирон ўринсиз сўз чиқади оғзидан.

“(Кишилар ортидан) **ғийбат қилувчи**, (олдида) **масхара қилувчи ҳар бир кимсанинг ҳолига вой!**”<sup>319</sup>.

“(У) **ғийбатчи, гап ташувчи**”<sup>320</sup>.

“**Бирингиз бирингизни ғийбат қилмасин!**”<sup>321</sup>.

Бошқаларга ёрдам беришга, кўнгилларини шодлантиришга имкониятимиз борлиги бахти-миздир. Одамларга кўрсатаётган эҳтиромимиз, ҳурматимиз ва уларни улуғлашимизга қараб биз-лар ҳам ҳурмат ва эҳтиром кўраимиз.

Одамларнинг айбларидан кўз юмишимизга, ки-чик айбларини кечиришимизга қараб бизларнинг айбларимиздан ҳам кўз юмишади, кечиришади.

“(Мана шу қилмишларига) **лойиқ жазодир**”<sup>322</sup>.

Ким ўзининг улуғланишини истайди-ю, бош-қаларни камситишга ошиқади? Ким ўзининг мақ-талишини хоҳлайди-ю, ўзи бошқаларни хорлашга ҳаракат қилади? Ахир бу адолатсизлик-ку?!

“(Савдо-сотикда ўлчов ва тарозидан) **уриб қолувчи кимсалар ҳолига вой!**”<sup>323</sup>

<sup>319</sup> Ҳумаза сураси, 1-оят

<sup>320</sup> Қалам сураси, 11-оят.

<sup>321</sup> Ҳужурот сураси, 12-оят.

<sup>322</sup> Набаъ сураси, 26-оят

<sup>323</sup> Мутотфиғун сураси, 1-оят.

## БОШҚАЛАРНИНГ ҲАРАКАТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМАНГ

Жамият орасидаги муомалалардан бир нарса-ни билдим, одам ўзини ва дўстларини лойиқ даражада улуғлаши унинг саодатидандир. Масалан, бир кишини у яхши кўрган оти ёки куняси билан чақиришига ўхшаш. Қанақадир тайинсиз от билан чақирса, кимга ҳам ёқади? Ёки бирор киши отингизни эътиборга олмаса ёки отингизни хато таллаффуз қилса ё бўлмаса кунянгизни бузиб айтса, аччиғингиз чиқмайдими?!

Эътиборга олмаслик, ўзини кўрмаганга солиш ўша одам табиатининг қўполлигига, хистуйғуларнинг дағаллигига, меҳрининг совуқлигига далолат қилади.

Аёл уйини тартиблаб, чиройли кўринишга келтириб қўйиб, сўнгра хонанинг ҳавосини алмаштириб қўйди дейлик. Эри кўчадан кириб келсада, буларнинг ҳеч бирига эътибор бермасдан, хотинига на раҳмат айтса, на мактаса... Бунақа муомала одамнинг иштиёқини сўндиради, унинг ғамхўрлигини йўққа чиқаради.

Сиз бошқаларга эътиборли бўлинг, уларнинг ғамхўрлигига ўта ғамхўрлик ила жавоб қайтаринг! Сизга яхшилик қилган кишига раҳматингизни айтиб қўйинг. Чиройли манзарани, ширин ҳидни, гўзал феълни, яхши сифатни ёки фойдали китобни кўрсангиз, унга илиқ муносабатингизни билдириб, мактаб қўйинг. Шунда вафодор ва ишончли кишилар қаторига ёзиласиз.

## СОХТАЛИКНИ ҚЎЙИНГ

Шоир Умар Абу Риша “Мен Маккадаман” деган қасидаси қофиялар гўзаллиги, аруз санъати чиройли қўллангани ва одамни ўзига тортув-

чи оҳанги мени буткул ром этди. Уни ёд олдим. Сўнгра ўша шеърнинг қофиясига қараб ўзим ҳам шеър ёздим. Сўнгра илмий мажлислардан бирида ўша шеъримни Абу Ришанинг услубидек ўқиб бердим. Лекин мен Абу Риша эмас эдим. Шу сабабли бу ишим ўтирганларга оғир ботди, ҳамма малолланди. Шундан сўнг мен тақлидни тарк этдим. Қаерда бўлсам ҳам ўз йўналишимда юрадиган бўлдим.

Шу муносабат билан Жидда шаҳрида бўлган бир воқеа эсимга тушди. У ердаги бир масжидга хуфтон намозини ўқишга кирдим. Имом машхур қорига тақлид қиларди. Лекин қандай ўхшасин? Овоз бошқа овоз, унинг оҳанги ҳам бошқа эди. Имомнинг оёқлари қалтирар, овози хириллар, нафаси бўлиниб, ўзини ҳам, орқада турган кишиларни ҳам жуда қаттиқ қийнар эди. Шунда мен аниқ билдим, Аллоҳ таоло ҳар бир одамга ўзига хос иқтидор ва сифатларни берган. У бошқаларникига ўхшамайди.

**“Сизлардан ҳар бир (уммат) учун (алоҳида) шариат ва йўл (тайин) қилиб қўйдик”<sup>324</sup>.**

Агар сиз бирон нарса қилмоқчи ё бирор кишига таъсир ўтқазмоқчи бўлсангиз, фақат ўзингизнинг иқтидорингизни ва табиий қобилиятингизни ишга солинг.

**“Айтинг: “Ҳар ким ўз равишига қараб амал қилади”<sup>325</sup>.**

Бошқаларнинг услубига, яъни, гапиришигами, юришигами ё ўтиришигами тақлид қиламан деб ўзингизни ҳеч қийнаманг. Тақлид кишанларидан ва қийинчиликларидан бўйнингизни озод қилинг.

<sup>324</sup> Моид сураси, 48-оят.

<sup>325</sup> Исро сураси, 84-оят.

## ЎЗИНГИЗ ҚОДИР БЎЛМАГАН ИШНИ ҚИЛМАНГ

Мен Абҳо шаҳридаги масжидлардан бирида маъруза қилар эдим. Бу маърузаларимнинг кўпи одамлар кўпроқ қизиқадиган Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратларига оид бўлар эди. Бир куни ҳозирда долзарб мавзулардан бири бўлган маҳрнинг қимматлашиб кетаётгани тўғрисида гапириб беришимни сўрашди. Бу мавзу воқеий мисоллар ва бўлаётган ҳодисаларни келтириш зарур бўлган мавзудир. Мен бу каби мавзуда гапиришни унча ёқтирмас эдим. Сийратга оид мавзуда гапириш менга хузур-халоват бағишлар эди. Шундай бўлса ҳам, илтимосга кўра маҳрнинг қимматлашиб кетаётгани тўғрисида маъруза қилишга қарор қилдим. Бу борада бир-икки оят ва ҳадисларни келтирдим. Сўнгра уларни шарҳладим, тушунтириб бердим ва шунга оид маълумотларни айтиб ўтдим. Лекин бу мавзу жуда ҳам оғир кечгани учун вужудимни совуқ тер қоплади. Амаллаб маърузани тугатиб олдим-у, лекин бунга муносиб бўлган бирон ёруғлик кўрмадим. Минбардан тушаётиб ўзимга ўзим: “Менга муносиби ўзим яхши билган мавзуда маъруза қилишим экан”, дедим. Бу қийинчиликдан қутулганимга Аллоҳга шукрлар айтдим ва енгил нафас олдим.

“...мен (пайғамбарликни ўзимча) даъво қилувчилардан ҳам эмасман”<sup>326</sup>.

Ҳазрати Умар: “Такаллуфдан қайтарилдик”, дедилар. Шундай экан, агар хотиржам бўлишни ва саодатни хоҳласак, одамларга ўзимиз энг яхши билган, моҳир бўлган мавзуда сўз юритишимиз лозим. Ҳадиси шарифда: “Аллоҳ таоло сизлардан бир иш қилсаларингиз, пухта қилишингизни яхши кўради”, деб марҳамат қилинган. Чунки мустаҳкамлик нафсга надомат дардидан шифо, ички кечинмаларга роҳат ва омонатни ўз аҳлига адо қилиш ҳисобланади.

<sup>326</sup> Сод сураси, 86-оят.

## БОШБОШДОҚЛИКНИ ТАРК ЭТИНГ

Бир куни олдимга буюк имомлар Табарий, Ибн Касир, Бағавий, Замахшарий, Куртубий, Шинқитий, Розий, Хозин, Абу Масъуд, Қосимий тафсирларини ва “Фатҳул-Қодир” китобларини қўйиб, ҳар куни бир оятни ушбу тафсир китобларидан битта-битта кўриб чиқишга қарор қилдим. Сўнгра ўзимдан: “Хўш, бундан кейин зехнимда нима қоляпти?” деб сўрадим. Айтарли ҳеч нарса қолмаётган эди. Фақатгина айрим маълумотлар қолаётган экан. Бунинг устига, ўзимда малоллик, зерикиш ва қийинчиликни сезяпман. Чунки мутолаада бу йўл жуда кам фойда беради. Бунда тартиб ҳам, бир тизим ҳам йўқ. Бу шошма-шошарликнинг айна ўзидир.

Агар ҳақиқий манфаат олишни истасангиз, манба ва адабиётларни кўпайтириш, фикрни чалғитиш ва юракни бездириш билан ўзингизни қийнаманг. Сизни зерикиш ва шошма-шошарликдан сақлайдиган фойдали услуб барқарорликдир. Такрор қиладиган нарсангиз оз бўлса ҳам, давомли бўлиши натижасида улкан пойдевор юзага келади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Аллоҳ таолога энг суюкли амал оз бўлса ҳам давомли бўлгандир”**, дея марҳамат қилганлар.

**“ЭЙ ИНСОНЛАР!) СИЗЛАРНИ (МОЛ-ДУНЁ)  
КўПАЙТИРИШ МАШҒУЛ ҚИЛДИ”<sup>327</sup>**

Пулларимни олиб, Ҳамасдаги кутубхонага бордим. Кучли иштиёқ билан ҳар бир фанга оид китобларни сотиб олдим. Бу китоблар билан жавонни тўлдириб қўйдим. Ҳатто руҳиятшунослик фани бўйича ўнлаб китоб, усулул-фиқҳга оид нодир китобларнинг ҳаммасини йиғдим. Энди қайси биридан бошлашимни, қайси китобни ўқишимни

<sup>327</sup> Тақосур сураси, 1-оят.

ҳам билмай қолдим. Лекин, эътибор берсам, айрим китоблар бошқаларининг маълумотларини қайтармоқда. Бир қисми мен истаган фойдани бермаяпти, айримларида илмсиз гаплару, маъносиз сўзларга тўла. Йиллар шу йўсин ўтаверди, ҳатто бу китоблар қўйилган жойидан ҳеч қимирламади. Мени у китобларнинг туриши, тартиби хавотирга солар эди. Улуғ олимлару фозил кишига учрадим, ўзимнинг аҳволимни тушунтирдим. Улар мени фойдали йўлга йўналтиришди. Китобларнинг асосийлари ва энг яхши, энг афзалларини олиш, ўқиш ва ёдлаш ила қаноат қилишимга буюришди. Ундан бошқаларини бир чеккага суриб қўйишим, фақатгина бирон баҳс ёки шунга ўхшаш нарса учунгина фойдаланишимни айтишди. Бу тўғри фикрдан руҳим қарор, қалбим таскин топди.

Агар сизнинг ҳам шахсий кутубхонангиз бўлса ё китоб ўқишга жуда ҳам қизиқсангиз, илм-марифатнинг ўчоғидан, китобларнинг асосийларидан олинг. Ана шулар билан машғул бўлинг, шунда иккиланишдан халос бўласиз.

**(Эй инсонлар!) Сизларни (мол-дунё) кўпайтириш (Аллоҳга ибодат қилишдан) машғул қилди. Ҳатто, мақбараларингиз (кўплиги билан фахрланиш)гача бордингиз<sup>328</sup>.**

Ҳозир талабалар китобларнинг тушунарсиз жойлари, нодир ёзувлар ва кам учрайдиган китоблар ҳақида сўрашади. Улар оддий китоб ёзувчилар холос. Уларнинг фикру хаёли шахсий кутубхонасини кенгайтириш билан банд. Улар “фалончи” олимнинг китобига етиша олмаганига ёки “фалон” китобни сотиб ололмаганига афсусланишади, лекин Ибн Касирнинг тафсирини тўлиқ ўқиб чиқмаган ёки “Фатҳул Борий”ни фақат отию ғилофининг рангини билади, холос.

<sup>328</sup> Тақосур сураси, 1 – 2-оятлар.

**“Уларнинг ичида ёзувни билмайдиган, фақат хаёлот билан гумонсирабгина юрадиган омилари ҳам бор, албатта”<sup>329</sup>.**

Очиқ-ойдин йўл турганида ўнқир-чўнқир йўлда нима қиласиз? Ҳикматда бундай дейилади: “Аҳамиятли нарсдан бошлаш энг муҳим ишдир. Ким мақсадини билмаса, йўлдан адашади, уловини чарчатади, нафсини қийнайдию лекин мақсадига ета олмайди”.

### БАХТЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ

Имон ташвишларни кетказади, ғамларни узоқлаштиради, Аллоҳни бир деб билувчиларнинг кўз қувончи ва обидларнинг юпанчидир.

Ўтган нарса бўлиб ўтди, кетган нарса ўчди, ўтмиш ҳақида ўйланманг, у ўтиб кетди.

Олдиндан белгиланган қазога ва тақсимланган ризққа рози бўлинг, ҳар бир нарса белгилангандир, ўқинчни қўйинг.

Аллоҳни эслаш билан юраклар таскин топади, гуноҳлар ўчирилади, ғайбларни билувчи Зот рози бўлади ва ғамлар арийди.

Ҳеч кимдан раҳмат кутманг. Сизга Аллоҳнинг савоби етади. Сизни инкор қилган, ёмон қўрган ҳасадчилардан сизга ҳеч қандай зарар етмайди.

Агар тонг оттирсангиз, кечни кутманг, куннинг чегарасида яшанг, хотирингизни кунингизни тузатиш учун жамланг.

Келажакни етиб келгунича ўйламанг, эртангизни синдириб қўйманг. Чунки агар бугунингизни ислоҳ қилсангиз, эртанги кунингиз яхши бўлади.

Юрагингиздан ҳасадни ўчириб, адоватни йўқотинг, нафратни чиқариб ташланг ва душманликни кетказинг.

Яхшилик бўлмаган ишда одамлардан узоқлашинг, ишларингизни сарҳисоб қилинг, одамларга беҳуда аралашини камайтиринг.

<sup>329</sup> Бакара сураси, 78-оят.

Китоб инсоннинг энг яхши йўлдоши, шундай экан, китоблар билан суҳбатдош бўлинг, илмга ошно бўлинг, маърифатни дўст тутинг.

Борлиқ низом асосида бунёд этилган, кийинишингиз, уйингиз тозалиги, таълим олишингиз ва буюрилган амалларни бажаришингизда тартибли бўлинг.

Очиқ ҳавога ва табиат қўйнига чиқиб турунг. Аллоҳ яратган ва бунёд қилган оламда кўнглингизни ёзинг.

Кўп пиёда юринг ва жисмоний тарбия билан шуғулланинг. Дангасалиқ, ланжлик ва бекорчиликдан узоқ бўлинг, ҳеч қачон вақтни зое кетказманг.

Тарихни ўқиб, унинг ажойиботлари ҳақида тафаккур қилинг. Ғаройиботларини тадаббур қилинг, ундаги қисса ва хабарлардан ўзингиз учун фойда-сабоқ олинг.

Ҳаётингизни янгиланг, яшаш услубингизни ўзгартиринг, ўзингиздаги қолюқликни йўқотинг.

Дори-дармон, кўп чой ва қаҳва ичишни тарк этинг. Сигарет, чилим ва шу кабилардан эҳтиёт бўлинг.

Кийимингизнинг тозалигига эътибор беринг, кўринишингизни мисвок ва хушбўйлик билан тартибга келтиринг.

Шумланиш, омадсизлик, тушкунлик ва умидсизликни келтириб чиқарувчи китобларни ўқиманг.

Парвардигорингиз улуғ мағфират эгаси эканини эсланг: У тавбаларни қабул қилади, бандаларининг гуноҳларини кечади ва савобга айлантиради.

Парвардигорингизнинг дин, ақл, офият, эшитиш, кўриш, ризқ, болалар ва бошқа кўплаб неъматларига шукр қилинг.

Одамлар ичида ақлини ёки соғлигини йўқотган, ёхуд бировга қарам бўлган ёки оёқ-қўли ишламай,

шол бўлган ё қаттиқ касалликга чалинганлари ҳам борлигини унутманг.

Доим Куръон ёдлаган, ўқиган, эшитган ва тадаб-бур қилган ҳолда яшанг. Чунки у хафалик ва ғам-ташвишни қувишнинг энг улуғ муолажасидир.

Аллоҳга таваккал қилинг ва ишларнинг барчасини Унга топширинг. Унинг ҳукмига рози бўлинг, Унга ўзингизни бутунлай топширинг. Ҳар бир ишда Унга суянинг. У сизнинг химоячингиз ва кифоя қилувчи Зотдир.

Сизга ёмонлик қилганларнинг ёмонлигини кечиринг. Сиздан алоқани узган қариндошлар билан боғланинг, сизни бир нарсадан маҳрум қилганларга улашинг, сизга ёмон муомала қилганларга ҳам мулоийм бўлинг. Шунда сурур ва ҳаловат топасиз.

“Ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ”ни кўп такрор қилинг, чунки у ёмонликни аритади ва ҳолатни яхшилайди. У қийинчиликларни йўқотади ва Зулжалолни рози қилади.

Истиғфорни кўпайтиринг. Зеро, ризқ, хурсандчилик, фарзанд, фойдали илм, ишларнинг осон битиши ва хатоларнинг ўчирилиши каби ишлар истиғфор айтиш билан баракали бўлади.

Күринишингиз, истеъдодингиз, салоҳиятингиз, оилангиз ва уйингизга қаноат қилинг. Шунда роҳат ва саодат топасиз.

Билинг: албатта, бир қийинчилик кетидан кўпгина енгиллик бор; албатта, хурсандчилик ғам-ташвиш билан ёнма-ёндыр; ҳолат доим бир хил давом этавермайди; балки кунлар алмашиб турувчидир.

Доим яхши гумон қилинг, умидсиз бўлманг ва тушкунликка тушманг. Парвардигорингиз ҳақида гўзал гумон қилинг. Барча яхшилик ва гўзалликларни Ундан кутинг.

Парвардигорингиз сизга ихтиёр қилган нарса билан фахрланинг. Чунки сиз қай бири яхшироқ

эканини билмайсиз. Гоҳида қийинчилик ва машаққатли онлар сиз умид қилган нарсадан яхши бўлади.

Синовлар сиз билан Аллоҳнинг орасини яқинлаштиради ва сизни дуо қилишга одатлантиради. Сиздан кибр, ужуб ва фахрни кетказади.

Сизда Аллоҳ берган қанчадан-қанча неъмат ва яхшилик хазиналари борлигини унутманг.

Одамларга яхшилик қилинг. Зеро, инсониятга яхшилик қилиш лозим. Касалларни зиёрат этиш, фақирларни тўйдириш ва кийинтириш, етимларга раҳм кўрсатиш каби амаллар орқали саодатга эришишга чоғланинг.

Ёмон гумондан узоқ бўлинг. Шубҳалар, ёмон хаёллар ва бузуқ фикрларни тарк этинг.

Бу дунёда имтиҳон қилинаётган фақат сиз эмаслигингизни билинг. Ташвишсиз бирорта инсон йўқ. Инсоният бошига тушадиган мусибатдан бирорта одам омонда қолган эмас.

Дунё меҳнат, машаққат, дилхиралик ва кўнгилсизлик уйдир, уни қандай бўлса шундайлигича қабул қилинг ва Аллоҳдан ёрдам сўранг.

Сиздан олдин ўтганларнинг ҳаёт тарзларига қараб фикр қилинг: улар орасида яқинларидан айрилганлари қанча, қамокда сақланганлари, ўлдирилганлари, турли йўллар билан имтиҳон қилинганлари қанча.

Сизга етган ғам-ташвиш, хафалик, очлик, фақирлик, касаллик, қарз ва барча мусибатларнинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир.

Билинг: барча қийинчиликлар одамнинг кўзи ва қулоғини очади, қалбини уйғотади, нафсини тийиб қўяди, барча бандаларни огоҳлантиради ва савобларни оширади.

Мусибат ва ёмонликларни кутиб юрманг, миш-мишларга ишонаверманг, ёқимсиз ишларга ўзингизни топшириб қўйманг.

Қўрқилган кўп ишлар аслида бўлмайди, кўп эшитилган ёмон ишлар юз бермайди, Аллоҳнинг Ўзи барчасига кифоя, паноҳ ва ёрдам ҳам фақат Унинг Ўзидан бўлади.

Жирканч, ёмон ва ҳасадчи инсонлар билан бирга ўтирманг. Чунки улар қалбни қорайтиради, улар хафалик ва балони етаклаб келувчилардир.

Такбири таҳримани жамоатда топинг, кўпроқ масжидда бўлинг, нафсингизни доим намозларга ташаббускорликка одатлантиринг–албатта, сурур топасиз.

Гуноҳдан сақланинг, чунки у ғам-ташвиш ва хафаликнинг манбаи, бахтсизликларнинг сабабчиси, барча ёмонлик ва мусибатларнинг эшигидир.

**“Ла илаҳа илла анта субҳанака инни кунту миназ золимин”<sup>330</sup>** (маъноси: Сендан ўзга илоҳ йўқ, Сен поксан, албатта, мен золимлардан бўлдим)ни доимий айтиб юринг, унда мушуқулларни ечувчи ажиб сир, балоларни даф бўлишининг нозик хабари бор.

Сиз ҳақингизда айтилаётган ёмон сўзларга ва қабих гапларга аҳамият берманг. Чунки бу ёмон сўзлар сизга эмас, айтувчисига зарар келтиради.

Душманларинг сизни сўкиши ва сизга ҳасад қилувчиларнинг ҳақорати сизнинг қадрингизни оширади, чунки сиз доим эсланадиган ва муҳим шахсга айланасиз.

Билинг: сизни ғийбат қилиб ёмонлаган одам сизга ўз савобларини ҳадя қилган, гуноҳларингизни ўчирган ва сизни машхур қилган бўлади. Бу эса неъматдир.

<sup>330</sup> Анбиё сураси, 87-оят.

Ибодатларда чуқур кетманг, суннатларни ўзингизга лозим тутинг ва тоатларни мақсад қилинг, доимо ўртамиёна бўлинг, ғулувдан сақланинг.

Аллоҳни Раббингиз учун самимий ҳолда бир деб билинг, шунда қалб кўзингиз очилади. Зеро, бахт-саодатингиз Аллоҳни бир деб билишингизнинг софлиги ва ихлосингизнинг тозалиги миқдорича бўлади.

Шижоатли, метин иродали ва қатъиятли бўлинг, доимий ҳаракатда бўлинг. Турли миш-миш ва ваҳималар сизни алдаб қўймасин.

Сахий бўлинг, чунки сахийларнинг кўнгли очиқ, фикри теран бўлади. Бахилнинг кўнгли тор бўлади, қалбини зулмат эгаллаган ва хаёли бузукдир.

Одамларга очиқ юзли бўлинг, меҳрларини қозонасиз. Уларга мулойим сўзловчи бўлинг, муҳаббатларини қозонасиз. Уларга тавозули бўлсангиз, сизни ҳурмат қилишади.

Доимо ҳар нарсага яхшилик билан жавоб қайтаринг, одамларга раҳм-шафқатли бўлинг, адоват оловларини ўчиринг, душманларингиз билан ярашинг, дўстларингизни кўпайтиринг.

Бахт-саодат эшигининг энг улуғи ота-онанинг қилган дуосидир. Уларнинг дуолари сизга етадиган бало-офатларга қўрғон бўлиши учун уларга яхшилик қилишни ғанимат билинг.

Одам боласи қандай бўлса, шундайича қабул қилинг, улардан содир бўладиган айбларга кечиримли бўлинг. Бу иш Аллоҳ таолонинг инсониятга бу ҳаётда берган яхши амали экани эсингиздан чиқмасин.

Ўтмиш хаёллари ё келажак орзулари билан эмас, балки ҳозирги кунингиз билан яшанг. Одамлардан ўзингиз ҳам қилишга қодир бўлмаган нарсани талаб қилманг, адолатли бўлинг.

Доимо содда ҳаёт кечиринг, ҳашамат, исроф ва дабдабалардан сақланинг. Қачон одам танаси енгил ҳаётга ўрганса, руҳи заифлашади.

Тайин этилган зикрларни доим қилиб юринг. Чунки улар сизга кунингиз яхши бўлиши учун тўғрилиқ гарови бўлади.

Ишларни кетма-кетликда тартиблаб қўйинг, барчасини бир вақтга тиқиштирманг. Шундай вақт оралиғига белгиланг, то ўша вақтлар орасида қайта куч-қувват ҳосил қилишингиз учун дам олишга ҳам имкон бўлсин.

Ҳар қандай ҳолатда, мен энг орқада қолиб кетганман, деб тушкунликка тушманг, сиздан оғир ҳолатга тушганлар бор. Жисм, кўриниш, уй-жой, мол-дунё, вазифалар ва зурриёт масалаларида ўзингиздан пастроқ бўлганларга қаранг.

Унутманг, Сиз доимий муомалада бўладиган ака-уқангиз, опа-синглингиз, болаларингиз, аёлингиз, бошқа яқинларингиз ва дўстларингиз – барчаси айбу камчиликлардан пок эмас. Шундай экан, барчаларини қандай бўлишса, шундайлигича қабул қилишга нафсингизни ўргатинг.

Сизга берилган истеъдод, сиз у билан мамнун бўлиб юрган илм, сизга кенг очиб қўйилган ризқ, сизга муносиб амалларнинг қадрига етинг ва уларга риоя қилинг.

Бирор кимсани таҳқирлашдан сақланинг. Ширин тилли, хушмуомала, мулойим сўзловчи ва яхши суҳбатдош бўлинг.

Сабр барча камчиликларни беркитувчидир. Ҳалимлик хатолар учун парда, сахийлик эса шармандалиқ ва нуқсонларни ёпиб турувчи кенг кийим.

Бир соат ўзингиз ёлғиз қолиб, ўзингизни сарҳисоб қилинг, нафсингизни тергаб қўйинг, охиратингиз ҳақида ўйланг. Шунда динингизни тuzатган бўласиз.

Уйингиздаги кутубхонангиз гуллаб-яшнаган боғингиз ва ҳазинангиздир. У ерда олимлар, ҳақимлар, адиблар ва шоирлар билан кўп вақтингизни ўтказинг.

Доим ризқингизни ҳалолдан ишлаб топинг, ҳаромдан сақланинг, тиланчилик қилишдан узоқ бўлинг. Тижорат энг яхши амаллардандир. Молингиз билан тижорат қилинг ва харажатларда тежамли бўлинг.

Доим ўртамиёна кийининг. Ҳашаматли ҳам, қашшоқлардек ҳам бўлманг. Турли кийимлар билан ўзингизни машҳур қилманг, кўпчилик одамлардек бўлинг.

Ғазабланманг. Чунки ғазаб феъл-атворларни бузади, одамнинг табиатини ўзгартиради, ўзаро муомалаларни ёмонлаштиради, орадаги меҳр-муҳаббатни кетказади ва яқинлик алоқаларини узади.

Ҳаётингизни янгилаш, бошқа дунёларни ўрганиш, янгиликлардан хабардор бўлиш ва бошқа мамлакатларни кўриш учун вақти-вақти билан сафар қилиб туринг. Чунки сафар роҳатбахшдир.

Доимо чўнтагингизда ёндафтарча олиб юринг. Шунда ишларингиз тартибга тушади, вақтингизни тўғри тақсимлаб оласиз. Сизга ваъдаларингизни эслатиб туради ва турли мулоҳазаларингизни унга ёзиб қўясиз.

Одамлар сизни ўзларига яқин олиб қалбларида сизга илиқлик пайдо бўлсин десангиз, муомалани доим салом билан бошланг. Салом берганингизда жилмайинг, ғам-андуҳларини аритишга ҳаракат қилинг.

Ўзингизга ишонинг, бошқаларга суяниб қолманг. Сиз уларга эмас, улар сизга муҳтож деб, сиз билан бирга Аллоҳдан ўзга ҳеч ким йўқ деб ҳисобланг. Биродарларингиздан бир нарсани умид қилиб, алданиб қолманг.

Бир нарсани тезда қиламан деб қўйиб, оқибатда ишларни кечиктириб, топширилган вазифаларни ўз вақтидан чўзиб юборишдан эҳтиёт бўлинг. Чунки бу нарса муваффақиятсизликнинг белгисидир.

Қарор қабул қилишда иккиланманг. Қулай вазиятларда бўшашманг. Дадил, қатъиятли ва илғор бўлинг.

Турли ишлар орасида ундан-бунга кўчиб юриб, умрингизни совурманг, биронтасида ҳам муваффақиятга эриша олмайсиз.

Гуноҳнинг кечирилишига сабаб бўлувчи яхшилик, мусибат, тавба, мусулмонларнинг ҳаққига дуо қилиш, Аллоҳнинг раҳмати ва Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва салам) шафоатлари борлиги учун суюнинг.

Кам бўлса ҳам садақа қилишни ўзингизга лозим тутинг. Чунки у гуноҳларни ўчиради, қалбни хурсанд қилади, ғам-ташвишларни кетказди ва ризққа барака беради.

Муҳаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзингизга намуна қилиб олинг. Албатта, бу ишингиз сизни саодатга етакловчи, муваффақиятга элтувчи ва ютуқларга чорловчидир.

Соғлик неъматини билиш учун касалхоналарга боринг, озодлик неъматини билиш учун қамоқхоналарга боринг, ақл неъматини билиш учун жиннихонага боринг. Чунки сиз неъматлар ичра юриб уларнинг қадрини билмайсиз.

Арзимас нарсалар сизни тўхтатиб қўймасин. Арзимас масалага катта баҳо берманг. Арзимас ишларни бўрттириб бу ишларда ғулувга кетишдан эҳтиёт бўлинг.

Дунёқараши кенг инсон бўлинг. Осойишталик ва хотиржамликда яшашингиз учун сизга ёмонлик қилганларга яхши гумонда бўлинг.

Ғазабланиб ёки хафалигингизни изҳор этиб душманларингизни хурсанд қилманг. Чунки улар

ўзи шуни хоҳлаган бўлади. Шундай экан, бировларнинг ҳаётингизни булғовчи разил орзуларини ҳақиқатга айланторманг.

Юрагингизда заррача адоват, ҳасад, нафрат, ўзгаларни кўролмаслик каби чўғларни сезсангиз, дарҳол ўчиринг. Чунки булар доимий азобдир.

Ўтиришларда одобли бўлинг. Фойдали гапингиз бўлмаса, сукут сақланг. Очиқ чехра билан ўтиринг, ён-атрофдагиларни ҳурмат қилинг, айтилаётган сўзларга қулоқ тутинг. Гапираётган кишининг сўзини бўлиб қўйманг.

Фақат иллатли ва ифлос жойларда пайдо бўладиган пашшага ўхшаб қолманг. Бошқаларнинг обрў-эътиборини тўкадиган, камчиликларини ҳаммага ёядиган, хато қилишлари билан суюнадиган ва тойинишларини хоҳловчилардан бўлиб қолманг.

Ҳақиқий мўмин киши дунё қўлидан кетгани учун хафа бўлмайди, синиб қолмайди ва турли фалокатлардан хавфсирамайди. Чунки бу дунё арзимас ва ўтиб кетувчидир.

Номаҳрамга қараш қалбда ғам-ташвиш ва жароҳат қолдиради. Энг бахтли одам Аллоҳдан кўрққан ҳолда номаҳрамлардан кўзини сақлай олган одамдир.

Кунлик таомланишингизни бир тартибга солиб олинг. Фойдалиларини енг. Тўқ қорин устига овқатланишдан сақланинг ва қорнингиз ўта тўқ ҳолида ухланг.

Хавфли ҳодисаларнинг энг ёмонига ўзингизни тайёрлаб юринг. Унга дуч келганингизда нафсингизда роҳат ва енгиллик топасиз.

Арқон таранглашса, узилади, кеча зулматли бўлса, тарқаб кетади, иш танглашса, кенгайди. Ҳеч қачон битта қийинчилик кўп енгилликлар устидан ғалаба қилмайди.

Итни суғоргани учун фоҳиша аёлнинг гуноҳини кечириб юборган, юзта кишини ўлдирган одамни афв этган, тавба қилувчилар учун кенг имконият яратган ва насронийларни тавба қилишга чақирган Раҳмоннинг раҳматини тафаккур қилиб кўринг.

Очликдан кейин тўқлик бор, ташналиқдан кейин чанқоқнинг қониши бор, Касаллик ортидан соғлик келади, фақирликни бойлик таъқиб қилади, ғам-ташвиш кетидан сурур келади—булар барчаси доимий одатдир.

**“Сенинг кўксингни кенг қилиб қўймадикми?”**<sup>331</sup> оятини тадаббур қилиб кўринг ва қийинчилик дамларида эсланг. Дорилар ичида энг самаралиси шудир.

Мусибат пайтида барча мушкулларни осон қилувчи дуони эсламайсизми? **“Ла илаҳа иллаллоҳул азимул ҳалим, ла илаҳа иллаллоҳу роббул аршил азим, ла илаҳа иллаллоҳу роббус самавати ва роббул арзи ва роббул аршил карим”** (Азиму Ҳалим бўлган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, улкан аршнинг эгаси бўлган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, осмонлару ернинг ва аршнинг эгаси бўлган Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ).

Ғазабланманг. Агар ғазабингиз кўзиса, сукут сақланг. Шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ сўранг, турган жойингизни ўзгартиринг, агар турган бўлсангиз, ўтириб олинг. Таҳорат қилинг ва Аллоҳни эсланг.

Рўзадаги очлик шиддатидан синиб қолманг. Албатта, у қалбингизни кучайтиради, саломатлик таоми билан озиқлантиради, кадр-қимматингизни оширади ва сабрингизни кўрсатади.

Ўтган ишларни ўйлайвериш аҳмоқлик ва жинилик белгиларидир. Бу иш унларни қайта буғ-

<sup>331</sup> Шарҳ сураси. 1-оят.

дой донасига айлантириш, қипиқларни ёғочга қайтариш ва ўликларни қайта қабрларидан чиқаришга уриниш каби маънисиздир.

Мусибатларга дуч келсангиз, ортидаги нурли кунларга назар солинг, мусибатнинг ажрига эга бўласиз. Бу ишингиз бошқаларидан кўра енгилроқдир. Жабрдийдаларга юпанч бўлинг.

Сизга мўлжалланган нарса сизни хатосиз топади. Сизга мўлжалланмаган нарса сизга асло етмайди. Аллоҳнинг қазосида сизга нисбатан зулм қилинмаган.

Ютқиқиқларингизни ютуқларга ўзгартиринг. Керак бўлса, лимондан мазали шарбатлар тайёрланг. Мусибатнинг аччиқ сувиға бир чимдим шакар қўшинг. Шунда барчаси турмуш тарзингизга мувофиқлашади.

Аллоҳнинг илтифотидан умидсиз бўлманг. Аллоҳнинг раҳматидан умидингизни узманг. Аллоҳнинг кўмагини унутманг. Албатта, ёрдам Унга бўлган ишонч миқдорига қараб бўлади.

Сиз яхши кўрган нарсалардан кўра сиз ёмон кўрган нарсаларда яхшилик кўпроқ. Сиз барча ишларнинг охир-оқибатини билмайсиз. Хуш кўрилмаган нарсаларда қанчадан-қанча неъматлар бор ва ёмонлик ортида қанчадан-қанча яхшиликлар бор.

Ғам-ташвишлар сизни чулғаб олмаслиги учун хаёлларингизни жиловлаб олинг. Беҳуда хаёлларни Аллоҳ сизга берган неъматлари, инъомлари ва ютуқларини тафаккур қилишга ўзгартиринг.

Уйингизда ва кутубхонангизда бақир-чақир шовқинлардан узоқ бўлинг. Тинчлик-хотир-жамлик ва интизом бахтлилик аломатларидан ҳисобланади.

Намоз барча қийинчиликларда яхши ёрдамчи бўлади. У нафс билан бирга олийликка кўтарилади.

Рух билан бирга нур ва бахт-саодат осмонига кўчиб ўтади.

Фойда келтирувчи муҳим ишлар нафси ёмон саркашликлар, гуноҳкор ғоялар ва гуноҳга интилишлардан қутқаради.

Саодат бир дарахт. Унинг суви, озиқаси, ҳавоси ва озиқлантирадиган нури Аллоҳга ва охират кунига имон келтиришдир.

Кимда комил одоб, саломат завқ, олижаноб хулқ-атвор бўлса, ўзини бахтли қилибди, инсонларнинг ҳам энг бахтлиси бўлибди ва барча яхшиликларга эришибди.

Қалбингизга дам беринг. Албатта, қалб чарчайди ва малолланади. Услугларни ўзгартириб туринг ва турли ҳикматларни, янги маълумотларни қидиринг.

Илм қалбларни очади, дунёқарашни кенгайтиради, одамлар кўзи ўнгида бутун дунёни кўрсатиб қўяди, ғам-ташвиш ва хафаликларни кетказди.

Қийин баҳсларда ютиш ва тўсиқларни енгиб ўтиб ғалаба қозониш бахт-саодатликидир. Чунки ғалабанинг лаззатига ҳеч қандай лаззат тенг кела олмайди ва муваффақият хурсандчилигига ҳеч қандай хурсандчилик баробар бўлмайди.

Одамлар билан яхши муомалада бўлишни хоҳласангиз, улар сизга қандай муомала қилишларини истасангиз уларга ҳам шундай муомала қилинг. Уларга ҳеч нарсада адолатсизлик қилманг ва ҳурматларини тўкманг.

Агар одам ўзини, ўзига муносиб илмни билганида ва шу илм билан бор имкони даражасида ҳаракат қилганида, муваффақият ва ғалаба лаззатини топар эди.

Билим, тажриба ва юксак малака ҳосил қилиш кўп мол тўплашдан яхшироқ. Чунки мол-дунё би-

лан қувониш чорва ҳайвонга хос, билим билан қувониш эса инсонга хос хусусият.

Агар эр-хотиндан бири ғазабланса, иккинчиси жим турсин. Иккаласи ҳам бир-бирини борича қабул қилсин. Зеро, бирорта ҳам инсон айблардан холи бўлолмайди.

Оқил суҳбатдош оғирингизни енгил қилади ва сизга умид эшикларини очади. Шум йўлдош эса кўз ўнгингизда дунёни зулматга чўмдиради.

Кимнинг хотини, уйи, ҳожатларига етарли моли бўлса, гўзал ва тўқис ҳаётни қўлга киритибди. Шундай бўлгач, Аллоҳга ҳамд айтсин ва бориға қаноат қилсин. Бундан ортиғи ташвиш бўлади.

Аллоҳ сиздан рози бўлиши, атрофингиздагилар сиздан рози бўлиши, ўзингиз ҳам ўзингиздан рози бўлишингиз ва фойдали амалларни кўпайтиришингиз муваффақиятнинг асоси ҳисобланади.

Таом– куннинг, сафар– ҳафтанинг, уйланиш– ойнинг, мол-дунё– йилнинг, имон– бутун умрнинг бахт-саодатидир.

Саодатга на уйқу, на ейиш-ичиш ва на никоҳ билан ета оласиз. Унга фақат амал билан етасиз. Барча етук шахслар эришган мартабаларини айнан амал билан қўлга киритишган.

Қуръонни ўқий олган инсон бахтли инсондир. Чунки у Қуръонни ўқиганида бутун олам боғларининг сара гулларини теради, дунё ажойиботларида сайр этади ва барча замону маконларни босиб ўтади.

Биродарларнинг ўзаро суҳбати ғамларни аритади. Ўринли ҳазил– роҳат.Маънили шеър тинглаш мияга ҳузур бағишлайди.

Сиз ҳаётингизни ўз қарашларингиз билан ранг-баранг қиласиз. Ҳаётингиз тафаккурларингиз маҳсулидир. Шундай экан, ҳаёлингизга ёмон фикрларни келтирманг.

Доимо яхши кўрган одамларингиз ҳақида ўйланг. Ёқтирмаган кишиларингиз учун бир лаҳза ҳам вақтингизни кетказманг. Чунки улар сиздан ва ғам-ташвишларингиздан хабардор эмаслар.

Фойдали амаллар билан банд бўлсангиз, асабларингиз жойига тушади, руҳингиз таскин топади ва қалбингизни хотиржамлик эгаллайди.

Бахт-саодат аслзодалик, олийнасаблик ёки олтину кумушларда эмас. Чинакам бахт – дин, илм, одоб ва эзгу мақсадларга эришишдадир.

Аллоҳ учун энг бахтли инсон яхшиликларга бор кучини сарфлайдигани, яқинларига фойдаси кўпроқ тегадигани ва берган неъматларига кўпроқ шукр қиладигани ҳисобланади.

Агар бугун бахтга эриша олмаган бўлсангиз, келажакда бахт осмондан тушиб қолишини ва устингизга ёмғир бўлиб ёғишини кутманг.

Ютуқларингиз, амалларингизнинг фойдасини ва барча яхшилигингизни фикр қилинг. Яхшиликка қодир қилиб қўйганига хурсанд бўлиб, Аллоҳга ҳамд айтинг. Буларнинг барчаси қалбингизни очадиган ҳолат.

Кечаги кунингиз ташвишлари етарли эди, бугунга ва эртанги кунингизга ҳам етарли ташвишингиз бўлса, Аллоҳга таваккал қилинг. Чунки Аллоҳ сиз билан бирга бўлса, кимдан қўрқасиз? Агарда У сизга қарши бўлса, кимдан ёрдам сўрайсиз?

Бойлар билан сизнинг ўртангиздаги фарқ бугун холос. Кечаги кунни ўйламанг, улар ҳам кечадаги лаззатини топа олмайди. Эртанги кун эса сизга ҳам, уларга ҳам фойдали дегани эмас. Уларда ҳам фақат бугун бор. Бу вақт жуда ҳам кам.

Хурсандчилик нафсни рағбатлантиради, қалбни завқлантиради, аъзоларни саломатлаштиради, куч-қувватни оширади. Ҳаётга қадр-қиммат ва умрга фойда беради.

Ким мутаносибликни билса, бахт-саодатни биледи. Ўртачалик йўлини тутган одам муваффақият топади.

Вақтлар ҳақида сўз кетганида ҳозирги вақтингиз бор холос. Бахт-саодатлар ҳақида сўз кетганида эса биргина сўз – Аллоҳнинг розилиги бор.

Агар сизга мусибат етса, уни сизга етган катта мукофот деб билинг ва тез кетади деб ўйланг. Қийинчиликлар бўлмаганида роҳат-фароғатни умид қилмаган бўлар эдингиз.

Танг аҳволга тушиб қолсангиз, олдин ҳам қанчалар тангликка тушганингизни ва Аллоҳ сизни улардан халос этганини эсланг. Биринчи марта сизни қутқарган Зот сизни яна қутқаришини ҳеч қачон унутманг.

Қилиши лозим бўлган ишлари, адо этиши зарур бўлган фарзлари, айтиши керак бўлган ҳамдлари, бажариши лозим бўлган дарслари ёки Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш учун белгиланган ибодатлари бўлатуриб бошқа нарсага вақтини сарфлайдиган одам ўз кунига хиёнат қилган бўлади.

Доимо ёнингизда китоб олиб юришга одатланг. Чунки сизда беҳуда ўтиб кетувчи вақтлар бор. Китоб шу вақтларни беҳуда ўтиб кетишидан сақлаб қолишга энг яхши воситадир.

Қуръонни ўқиш билан уни доим юрагингизда сақланг. Ҳеч қачон уни ўқишдан малолланманг, ундан зерикиб қолманг, ундан айрилманг. Чунки Қуръон ўқиган инсоннинг ҳаёти бахт-саодатга тўлади.

Бир нарса ҳақида қарор қабул қилишдан олдин уни ўзингизга етарли даражада ўрганиб олинг. Сўнг Аллоҳга истихора қилинг ва оқил кишилар билан маслаҳатлашинг. Агар муваффақият қозонсангиз, мақсадга мувофиқ иш бўлибди. Агар

натижа сиз ўйлагандек бўлиб чикмаса, надомат қилманг. Демак, шуниси яхши.

Оқил киши дўстларини кўпайтириб, душманларини камайтиради. Чунки дўст йиллар бўйи қидириб топилади, душман эса ҳар дамда тайёр. Аллоҳ Ўзини яратикларига суюкли қилиб қўйгани нақадар ажойиб!

Дунёвий истакларингизга бир чегара қилиб олинг. Акс ҳолда, кўнглингиз бўлиниб кетади, юрагингиз тораяди, ҳаётингиз тинчини йўқотади ва аҳволингиз ёмонлашади.

Аллоҳ берган неъматлари учун инсон шукр қилиши ва ибодатларда давомли бўлиши керак. Шунингдек, бу неъматлар тўхтаб қолмасин деса, тавозени маҳкам ушлаши лозим.

Ким нафсини тақвога ўргатса, фикри имон билан тозаланади, хулқ-атвори яхшилик билан сайқалланади, Аллоҳ таолонинг ҳам ва одамларнинг ҳам севгисига сазовор бўлади.

Лоқайд ва дангаса киши ҳаётдан безади ва йўлини йўқотади. Ғайратли киши эса қандай яшашни ҳам, қай тарзда бахтга эришиш йўлларини ҳам билади.

Ҳаётнинг неъматлари ва роҳатлари кўп. Мусибат ва ташвишлари ҳам кўп. Лекин ҳаётдаги роҳатларга ақл билан қандай етишни билиш керак.

Аёл киши дунёга, оламнинг барча сир-асрорларию барча совринларига эга бўлса-да, эри бўлмаса, у аёл бечорадир.

Комил ҳаёт ёшлигингизни интилишлар билан, эркаклик даврингизни ишлаш билан, қарликни кўп мулоҳаза қилиш ва фикрлаш билан ўтказишингиздир.

Камчиликлар учун нафсингизни, бошқаларни ҳам маломат қилманг, акс ҳолда, айбларингизни

тузатишга вақт топа олмай қоласиз. Шунинг учун ўзингиздан бошқаларни кўйинг.

Китоб ҳар қандай қаср ва осмонўпар бинолардан чиройлироқдир. Чунки у ақлни сайқаллайди, қалбларни шодлантиради, нафсни ўзига улфат қилади, кўнгилни очади ва фикрни ўстиради.

Аллоҳдан афв ва офият сўрайман. Агар менга иккаласи ҳам берилса, барча яхшиликни қўлга киритган, барча ёмонликлардан нажот топган ва барча саодатга эришган бўламан.

Битта нон, етти хурмо, бир коса сув, бир хонада тўшалган бўйра ва битта Қуръон бўлса, дунёга салом деявер.

Бахт жонни фидо қилиш, хўжайинга содиқлик, очиқ кўнгилли бўлиш, азият беришдан тийилиш ва худбинликдан узоқ бўлишдадир.

Ўртача кулги нафсни очади, қалбни кучайтиради, зерикишни кеткази, амалларга жон киргизади, фикрларга жило беради.

Ибодат бахт ва яхшилик эса муваффақиятдир. Ким зикрларни тилидан кўймаса, доимо истиғфор айтиб юрса ва Аллоҳга муҳтожлигини кўрсатса, у тақводорлардандир.

Дўстларнинг яхшиси сиз унга ишонганингиз, ундан мамнун бўлганингиз, дардларингизни унга айта оладиган, ғам-ташвишларингизга шерик бўладиган ва сирингизни очмайдиганидир.

Сиз ўзингиз эришиб турган бахтдан каттароғини талаб қилманг, ўзингизда борини ҳам йўқотиб қўйишингиз мумкин. Олдиндан мусибатларни кутманг, ғам-ташвиш ва кўнгилсизликни тезлаштириб қўйишингиз мумкин.

Менга ҳамма нарсалар ато қилинган, деб ўйламанг. Балки сизга кўп яхшиликлар берилган. Аллоҳнинг барча тортиқ қилган инъомларини ўзингизда мужассамлаштираман деб уринманг, бу ҳақиқатдан узоқдир.

Ўзини ҳаромдан тия оладиган чиройли аёл, кенг ҳовли-жой, кун кечириши учун зарур бўлган озиқ-овқат ва яхши кўшни кўпчилик қадрига етмайди-ган неъматлар ҳисобланади.

Ёқимсиз нарсаларни унутиш – бир неъмат, неъматларни эшлаш – яхшилик, ўзгаларнинг айбига бепарво бўлиш – фазилат.

Кечириб юбориш ўч олишдан лаззатлироқ, меҳнат қилиш бекорчиликдан роҳатлироқ, каноат қилиш нолишдан улуғроқ, соғлиқ эса бойликдан кўра яхшироқ.

Ёмонлар даврасида бўлгандан ёлғиз ўтирган яхши, яхшилар давраси ёлғизликдан яхши. Одамлардан ажраб ёлғиз қолиш ва тафаккур қилиш – ибодат.

Ёлғизлик – фикрлар мамлақати. Одамларга кўп аралашавериш – аҳмоқлик. Кўринганга ишонавериш – калтафаҳмлик. Одамлардан паноҳ сўраш эса – бахтсизлик.

Ёмон хулқ – азоб, адоват – заҳар, ғийбат – разолат ва тойилишни кутиб юриш – бахтсизлик.

Берилган неъматга шукр қилиш адоватни кетказди. Гуноҳларни ташлаш қалбни тирилтиради. Одамларга омад тилаш – улуғларнинг лаззати.

Хотиржамликда ейилган қотган нон безовталикда асал ейишдан лаззатлироқ. Тинчликдаги чодир фитнаси бор қасрдан суюклироқ.

Илмнинг хурсандчилиги доимий, шарафи ўчмас, зикри боқий. Мол-дунёнинг хурсандчилиги ва шарафи ўткинчи, эсдан ҳам тез ўчувчидир.

Мол-дунё билан хурсанд бўлиш гўдакнинг хурсандчилигига ўхшайди. Имон хурсандчилиги яхшиларнинг хурсандчилиги кабидир. Мол-дунёга қўллик хорликдир. Аллоҳ учун амал қилиш шарафдир.

Жўшқинликнинг машаққати – ёқимли. Бир нарсани қўлга киритишнинг қийинчилиги – роҳат.

Меҳнат орқали чиққан тер – мушк. Эзгу ишлар – яхшиликларнинг энг яхшиси.

Яхши амал тугамайдиган шарафдир.

Тунда ўқилган намоз кундузнинг гўзаллигидир. одамларга яхшиликни раво кўриш пок виждон аломати бўлса, ғамдан қутилишни кутиш ибодатдир.

Мусибат тўрт натижа беради: ажрга эришилади, сабр қилинади, Аллоҳ кўпроқ эсланади ва Унинг лутфи кутилади.

Намозни жамоат билан ўқиш, вожибларни адо қилиш, мусулмонларни яхши кўриш, гуноҳларни тарк қилиш, ҳалолдан ризқ излаш дунё ва охират саодатидир.

Ҳеч қачон раҳбар бўлманг, чунки унинг ташвиши кўп. Шухратга ўч бўлманг, чунки, унинг ҳам ўз бадали бор. Танилмасдан юриш эса бахтдир.

Вақтни совуриш, тавбани кечиктириш, одамлардан ёрдам сўраш, ота-онага оқ бўлиш ва сирларни фош қилиш аҳмоқлик белгиларидир.

Қалбнинг ўлгани тоатларни тарк этишда, гуноҳга ўчликда, ёмон сўзларда, Аллоҳнинг амрларига эътиборсиз бўлишда ва яхши кишиларни ҳақорат қилишда кўринади.

Уйида бахтли бўлмаган одам бошқа ерда ҳаргиз бахтли бўла олмайди. Кимни аҳли яхши кўрмаса, бошқа ҳам уни яхши кўрмайди. Ким бугунини қўлдан бой берса, эртасини ҳам бой берибди.

Тўрт нарса кишига бахт келтиради: фойдали китоб, итоаткор фарзанд, суюкли ёр ва яхши йўлдош. Аллоҳга етишиш барчасининг ўрнини босади.

Имон, саломатлик, бойлик, хуррият, тинчлик, навқиронлик ва илм оқил инсонлар интилган нарсаларнинг қаймоғидир. Лекин, бу неъматларнинг барчаси бир кишида тўпланиши мушкул ҳол.

Шу онда бахтни хис этинг. Чунки сизда эртага ҳам яшашга ҳеч қандай ваъда йўқ. Сиз замон хатарларидан омонда эмассиз. Ҳеч қачон ғамташвишни нақд, бахтни эса насия қилманг.

Дунёдаги нарсаларнинг энг афзали ҳақиқий имон, гўзал хулқ, соғлом ақл, саломат тан ва ҳалол ризқдир. Булардан бошқаси бекорчи нарсалардир.

Икки яширин неъмат бор: тан соғлиги ва юрт тинчлиги. Иккита ошкор неъмат бор: яхши мақтов ва солиҳ фарзанд.

Хурсанд қалб нафрат микробларини ўлдиради. Рози нафс ёмонлик ҳашоратларини қувиб солади.

Омонлик – текисликларнинг яхшиси, соғлиқ – дастурхонларнинг энг тўқиси, илм – озиқаларнинг энг лаззатлиси, муҳаббат – дориларнинг манфаатлироғи, авратларнинг барчасини тўсувчи ёпинчиқ – кийимларнинг энг яхшироғидир.

Фосиқ, касал, қарздор, ғариб, ғамгин, тутқун ва ёвуз бўлмасангиз, демак, сиз бахтлисиз.

Бахт – балоларнинг даф бўлиши, адоватларнинг йўқолиши, солиҳ амал қилиш ва шаҳватни тийиб олишдир.

Хатари энг кам йўл – уйингизга борадиган йўлингиз. Энг баракали кунингиз эса солиҳ амаллар қилган кунингиздир. Энг бахтсиз вақтингиз бирор кишига зиён етказган вақтингиздир.

Одамлар сизни ҳақсиз ҳақорат қилса, билинг, улар Парвардигорини ҳақорат қилган бўлади. Аллоҳ уларни йўқдан бор қилган эди, улар Аллоҳнинг яратган нарсаларида шак келтирди. Оч ҳолларида қоринларини тўйдирган эди, ундан ўзгага раҳмат айтди. Уларни хавф-хатардан омон сақлаган эди, улар Унга қарши уруш очди.

Ер куррасини бошингизга кўтариб олманг! “Одамлар бизнинг ғамимизни ейди”, деб ўйламанг.

Агар улардан бирортаси касал бўлиб қолса, менинг ўлимимни ҳам, сизникини ҳам унутади.

Сурур сиз учун кифоя қилувчи уй, саломатлик, фитналардан омонлик, турли бало-офатлардан нажот, яхшиликга шуқр ва бир умрлик ибодатдир.

**“Бу дунёда бир бегонадек ёки йўлдан ўтиб кетувчи одамдек бўлинг”, “Намозларни ҳаётдан видолашувчи одамдек ўқинг”; “Кейин афсусланадиган гапни ҳеч қачон гапирманг”; «Одамларнинг қўлидаги нарсалардан умидингизни узинг”.**

Дунёда зоҳид бўлинг, шунда Аллоҳ сизни яхши кўради. Одамларнинг қўлидаги нарсалардан ўзингизни тийиб олинг, шунда улар сизни яхши кўришади. Озга қаноат қилинг, шариатга амал қилинг, ўлимга тайёргарлик кўринг, буюк Аллоҳдан кўрқинг.

Нафратли кишига фаровон ҳаёт, ғаламисга роҳат, гуноҳқорга омонлик, фожирга уни яхши кўрувчи, ёлғончига мақтов ва хиёнатчига ишонч йўқдир.

**“Мўминнинг ишига ажабланиман, барча иши яхшилик. Бу нарса мўминдан бошқа ҳеч кимда йўқ. Агар унга хурсандчилик етса, шуқр қилади ва бу унга яхшилик бўлади. Агар унга зарар етadиган бўлса, сабр қилади ва бу ҳам унга яхшилик бўлади”.**

Табассум бахт калити, муҳаббат эшиги, хурсандчилик боғи, имон унинг нури ва тинчлик деворидир.

Кувонч очиқ юз, ям-яшил далалар, музддек сув, неъмат қадрини биладиган қалбларга фойдали китобдир. У туфайли одам гуноҳни тарк қилади ва яхшиликни севади.

Соғлом одам сахрода ҳам ипак тўшакда ухлаётгандай ухлайди. Арпа нонни ҳам худди сарид егандай ейди. Оддий кулбада Хисравнинг саройида яшагандай яшайди.

Бахил киши фақир ҳолда ҳаёт кечиради ёки меросхўрларининг бой хизматчиси, молини кўриқчиси, Аллоҳдан узоқ ва оламда ёмон ном қолдирган инсон сифатида вафот этади.

Фарзандлар мол-давлатдан, соғлиқ бойликдан, тинчлик-омонлик маскандан, тажриба мол-дунёдан афзалроқдир.

Хурсандчиликни миннатдорлик, хафаликни сабр, сукутни тафаккур, назарни эътибор, нутқни зикр, ҳаётни тоат ва ўлимни ишонч билан гўзаллаштиринг.

Ризқи эртаю кеч келиб турадиган ва эртанинг ғамини емайдиган, бирортасига ишониб қолмайдиган, ҳеч кимга зулм қилмайдиган, сояси енгил, юмшоқ ҳаракатли бўлган қуш каби бўлинг.

Ким одамларга кўп аралашса, уни хўрлашади. Ким уларга бахиллик қилса, ундан нафратланишади. Ким уларга мулойимлик қилса, уни ҳурмат қилишади. Уларга сахийлик қилган кишини яхши кўришади. Уларга ҳожат билан мурожаат қилган кишини ёмон кўришади.

Осмон айланиб турувчи, кечалар ҳомиладор, кунлар ўзгарувчи, аҳволлар доимо бир хил бўлиши маҳолдир. Раҳмон Зот ҳар куни фаолиятдадир. Сиз не сабабдан хафа бўласиз?!

Оламлар рабби Аллоҳ тақдир қилган ҳукм остида бўлатуриб, қандай идоралар эшиги олдида сарғаясиз?! Фақирлардан мол-дунё сўрайсиз, бахиллардан ёрдам талаб қиласиз, беморларга дардингиздан шикоят қиласиз?!

Саҳар вақтининг мактубларини Аллоҳга юборинг. Унинг сиёҳи кўзёшлари, қоғозлари ёноқлар, элчиси қабул, юборилган жойи Арш!... Сўнг унинг жавобини кутинг.

Сажда қилган вақтингизда Аллоҳга яширин илтижо қилинг. Чунки У яширинни ҳам, ошкора-

ни ҳам билади. Ёнингиздагиларга эшиттирманг. Чунки муҳаббатда сирлар бўлади. Одамлар эса ҳасадчидир.

Тавозели одамни азиз қилган, муҳтожлигини эътироф этганни бой қилган, Ундан сўрашни шараф қилган, Унга нисбатан ўзини паст олганни даражасини кўтарган ва Унга таваккал қилганга кифоя бўлган Зот айб-нуқсонлардан покдир.

Агар хаёлингизда ғам-ташвишлар айланаверса, ҳолингиз маҳзунликдан қоронғулашса, аҳлингиз ва молингизда мусибатга дуч келсангиз, умидсиз бўлманг. Аллоҳ сизга бу қийинчиликдан кейин бир яхшиликни чиқаради.

Аллоҳнинг Ўзи таваккул қилишга етади ва У жуда ҳам яхши вакил эканини унутманг. Бу сўз вафо қилинадиган мустаҳкам аҳддир. У билан олов ўчади, чўкаётган қутилади, тўғри йўл топилади.

Барча бахт-саодат сенда, эй қуш! Эрталаб ризқингни қидириб учиб чиқасан, дарахтларга қўнасан, мевалардан ейсан, хатарлардан хавфсираб юрмайсан, жаҳаннамга кирмайсан. Сенинг ҳолинг одамнинг ҳолидан кўра яхшироқ.

Хурсандчилик – бир лаҳзалик омонат. Маҳзунлик – гуноҳларга каффорат. Ғазаб – ёнғин учқунларини пайдо қилувчи. Бекорчилик – зиён, ибодат эса – энг яхши тижорат.

Кеча ўтиб кетди, эртанги кун ҳали келгани йўқ, сизнинг қўлингизда фақат бугун бор. Сиз вақт ҳукмидасиз. Шундай экан, уни тоат-ибодат билан ўтказинг, сизга кўп ажрлар келтиради.

Афсус-надоматингиз – қалам, ҳовузингиз – сиёҳ, дўстингиз – китоб, мамлакатингиз – уйингиз ва бойлигингиз – озиқ-овқатингиз. Шундай экан, ўтган нарсага қайғурманг.

Баъзида ишларингизнинг бошланиши сизга ёмондай туюлиши мумкин. Охири эса сиз-

ни хурсанд қилади. Бошланиши чакмоқ ва момақалдиروق, охири эса ёқимли ёмғир бўладиган булутлар каби.

Истиғфор айтиш барча қулфларни очади, фикрларни тиниқлаштиради ва камчиликларни кетказди. У ризқнинг гарови ва муваффақият эшигидир.

Инсонга кифоя қилувчи олти неъмат бор: дин, илм, бойлик, мурувват, кечиримлилик ва соғлиқ.

Дуо қилинса, муҳтожларнинг дуосини ижобат этадиган, нидо қилинса, чўқаётган одамни қутқарадиган ва бизлардан қийинчиликларни кетказадиган Зот ким? Албатта, Аллоҳ.

Самара бермайдиган тортишувдан, бекорчи ўтиришлардан, аҳмоқ дўстлардан узоқлашинг. Чунки дўст – етакловчи, инсоннинг табиати– тортувчи, кўзлар эса ўғирловчидир.

Чиройли тинглаш одоби билан зийнатланиш, гаплашаётганларнинг сўзини бўлмаслик, мулоим сўзлаш ва ювош хулқлилик олижаноб кишиларнинг кўксидаги нишони.

Эй инсон, сизда иккита кўз, иккита қулоқ, иккита қўл, иккита оёқ, тил, имон, Қуръон ва тинчлик-хотиржамлик бор. Лекин буларнинг барчасига шуқр қилганингиз қани? **“Бас, (эй инсонлар ва жинлар!) Раббингизнинг қайси неъматларини инкор этасиз?!”**<sup>332</sup>

Сиз икки оёғингизда юрибсиз, оёғи кесилганлар бор. Икки болдингизга таяниб турибсиз, болдири кесилганлар бор. Сиз ухляяпсиз, сиздан бошқаларнинг оғриқлари уйқуларини қочириб юборяпти. Сиз тўқсиз, сиздан бошқа оч юрганлар қанча.

Карлик, соқовлик, кўрликдан саломат бўлдингиз. Мохов, жиннилик, песлиқдан нажотдасиз.

<sup>332</sup> Ар-Раҳмон сураси, 13-оят.

Сил ва саратон касаллигидан омондасиз. Раҳмон бўлган Раббингизга шукр қилдингизми?!

Бизнинг мусибатимиз – бугунимиздан фойдаланишдан ожизмиз, ўтган кунимиз билан шуғулланамиз, кунимизни шу тарзда ўтказиб юборамиз ва эртанги кунимизни ҳам синдирамиз. Ақл ва ҳикмат қани?!

Одамлар айтишга арзийдиган иш қилмаган деб сизни танқид қиладилар. Холбуки, сиз уларни илм ёки фаҳм ёки бойлик ёки мансаб ёки мартаба жиҳатидан ортда қолдиргансиз.

Бошқаларнинг шахсиятига ўтиш, бошқаларнинг ичига эриб кириб кетиш ва одамларни муҳокама қилиш ўзини-ўзи ўлдириш ва ўзлигини йўқотишдир.

Кўзда ёш бўлганида жилмайиш, хафалик ҳолида хурсандчилик, бахтсизлик вақтида инъом, қийинчиликда мукофот – суннатда собит бўлган умумий қоидадир.

Атрофингизга қарасангиз, қийналаётганларни ва жабр чекаётганларни кўрасиз. Ҳар бир хонадонда аза ноласи, ҳар бир юзда кўзёш ва ҳар бир жойда эзилганлар бор.

Кушларнинг сайраши, сахардаги сабо, дарахтларнинг шитирлаши ва торларнинг куйидан кўра сизнинг яхшилигингизни билиб раҳмат айтган кишининг овози ёқимлироқ.

Иссиқ сув ичаётганингизда қийналиб, “Аллоҳга ҳамд”, дейсиз. Агар совуқ сув ичсангиз, бутун вуждингиз “Аллоҳга ҳамд” деб юборади.

Оқиллар бозорида сотиладиган энг арзон бахт – фойда бермайдиган нарсаларни тарк этиш. Олимлар наздидаги энг қиммат нарса – одамларни дўст тутишингиз ва улар сизни дўст тутиши.

Ғам-ташвишдан сақланинг, чунки у заҳар. Ожизликдан сақланинг, чунки у ўлим. Дангаса-

ликдан сақланинг, чунки у муваффақиятсизлик. Чалкаш фикрлардан сақланинг, чунки у ёмон тадбирдир.

Ёмонга қўшни бўлиш ёлғиз яшагандан ҳам ёмон. Танишларингиз кўплиги осмонўпар бинолардан ҳам баландроқ. Яхши мақтов шарафдир.

Кимнинг ҳақ йўлга бошлайдиган дини, тўғри йўлни кўрсатадиган ақли, ёмонликдан сақлайдиган насаби ва уни зийнатлайдиган ҳаёси бўлса, ҳамма фазилатларни ўзида жамлаган бўлади.

Ким ихтилофни тарк этса, бузуқликлардан узоқ бўлса, ёлғондан саломат бўлса, Аллоҳнинг қада-рига рози бўлса, ҳасадни ташласа, Аллоҳ таоло бандаларининг кўнглини унга мойил қилиб қўяди.

Ким султон билан тортишса, дунёси кетади. Олим билан тортишса, дини кетади. Дўсти билан тортишса, муруввати кетади. Аллоҳ билан тортишса, дунёси ва охирати кетади.

Одамларнинг ҳожати сизга тушиши неъмат. Ҳеч қачон ундан малолланманг, фалокатга айланиши мумкин. Билинг: кунларингизнинг энг яхшиси – мақсадлиси, интилувчиси эмас.

Ухлашингиздан олдин одамларни кечиринг, қалбингизни афв этиш билан етти марта ювинг ва кечирим билан саккиз марта чанглатинг. Шунда имоннинг ҳаловатини топасиз.

Илм бир ўзи якка қолганида суҳбатдош, ёлғизликда дўст, хилватда қолганингизда пойлоқчи, адашганингизда тўғрилиққа бошловчи, қийинчилик пайтида ёрдам берувчи ва ўлимдан кейинги захирадир.

Эгнига йиртиқ кийим, оёғига тешиқ этик кийган, бўйсунадиган қалб, ёш тўкадиган кўз, тўқ нафсга эга бўлган одам ҳеч кимга зарар етказмайди.

Барча ғам-ташвишларнинг сабаби Аллоҳдан юз ўгириш ва дунёга юзланишда. Бундай одам умр-бод қамоққа кирган одамга ўхшайди – орзу қилай деса, тирикмас, аза тутай деса, ўликмас.

Муваффақиятингизни сукутдан изланг, чунки жим турувчи одам ҳайбатли, жим қулоқ солувчи барчага суюқлидир. Балолар кўп сўзлаш ортидан келади.

Ҳаёт охират учун захира қиладиган ёки турмуш ғамини ейдиган ёки ҳаром бўлмаган нарсалардан лаззатланадиган ёки ақлни бойитадиган ёки нафсни чиниқтирадиган жойдир. Булардан бошқаси бекор.

Ёлғизлик сизни ҳасадчи, ичи қора, жирканч, мутакаббир, туҳматчи ва ўзига бино қўйганлардан ҳимоя қилади. Мана шунинг ўзи сизга энг катта фойда.

Бир шаҳардан иккинчи шаҳарга кўчиб ҳаргиз бахтли бўла олмайсиз. Агар ғам-ташвишингиз ўзингиз билан бўлса, фикрларингизни бошқа фикрга алмаштиринг. Шунда шод бўласиз.

Агар инсоннинг нафси гўзаллашса, саҳарни дарё, кечани байрам, инсонларни дўст, кулбани қаср сифатида кўради.

Итоат қилган банданинг қалбига бойликни жойлаб қўйиши Аллоҳ таолонинг раҳматидир. Агар унда арзимаган бир лўқма бўлса ҳам ўзини дунёнинг подшоҳи деб ҳисоблайди.

Яхши мол – қақшаган ердан отилиб чиққан булоқ каби. Уҳласангиз ухламайди, йўқлигингизда гувоҳ ва вафот этганингизда, мерос бўлади.

Ҳаёт қиёматга тайёргарлик ёки яшаш учун ҳаракат тарзи ёки ҳаром бўлмаган лаззат ёки ақлни бойитиш ёки нафсни сайқаллаш. Булардан бошқа таърифи йўқ.

Дунё – тинчлик, ёшлик – соғломлик, одамгарчилик – сабр, саховат – тақво, насаб – мол-мулкдир.

Бошқа одам бўлиб қолишни истайдиган, казоюқадардан аччиқланадиган, ризқидан норози ва хулқи тор киши энг бахтсиз инсондир.

Масжидга доим қатнайдиган киши ҳукмий оятларни ўрганади, содиқ дўст орттиради, яхши илм эгаллайди, Аллоҳдан кутилажак раҳматга эришади, фойдали калималарни ёд олади ва чин кўнгилдан тавба қилади.

Рўза тутган кишининг таоми лаззатли, кечаси туриб намоз ўқиганнинг уйқуси ширин, саховат қилганнинг мақтовчиси, улуғ кишининг ҳасадчиси кўп бўлади.

Сиз ёлғиз Аллоҳга қул бўлишингиз учун жисмингиз, ақлингиз, виждонингиз ва хаёлингиздаги бошқарувлардан озод бўлиб яшасангиз, саодатга эришасиз.

Тузатиб бўлмайдиган нарсаларга қайта уринмайдиган, одамларнинг яхшилигини эслаб, ёмонлигини унутадиган киши бахтли инсон.

Ризқингиз қаердалигини қўятуринг, у сизнинг жойингизни сиздан кўра яхшироқ билади ва соядек сизга эргашиб юради. Ризқингизни тўлиқ олмагунингизча ўлмайсиз.

Йўқсил одам – пасткашга муҳтож бўлган, фақир – кўпни кам санайдиган, кўр – ўз айбини кўрмайдиган инсон.

Ким энг яхши кўрган нарсасига эришса, шубҳасиз, энг ёмон кўрганига ҳам йўлиқади. Лекин Аллоҳ таолога қуллик бундай эмас. Қулликнинг охири Аллоҳ таолонинг розилиги ва жаннатдир.

Энг кўп шукр қиладиган киши неъматларнинг кўпайтириб берилишига ҳақли. Саховатини аямаган, ҳеч кимга озор бермаган ва доим чехраси очиқ киши одамларнинг севгисига ҳақли.

Хурсандчилик хотиржамликка, мол-мулк садакага, обрў шафоатга, улуғворлик камтарликка эҳтиёж сезади.

Роҳатга машаққат билан эришилади. Ҳордиқ оғир меҳнат билан топилади. Муҳаббат одоб билан ҳосил қилинади.

Фарзандлар бойликдан муҳимроқдир, хулқ-одоб мансабдан улуғроқ, ҳиммат тажрибадан устунроқ ва тақво шон-шарафдан буюкроқдир.

Ҳар бир эшитган нарсангизни тама қилаверманг. Ҳар қандай дўстга суянаверманг. Бирорта аёлга сирингизни очманг. Ҳар қайси орзунинг ортидан қувманг!

Роҳат хилват билан, хотиржамлик тоат билан, муҳаббат вафо билан ва ишонч ростлик билан бирга эканини билдим.

Баъзи егулик кўп егуликларни ейишдан тўсиб қўяди. Баъзи сўзлар адоватни қўзғайди. Айрим ёмонлик яхшиликларни тўсади. Айрим фикрлар ортидан надоматлар келади.

Муҳаббатингиз чексиз, адоватингиз кучли, ҳаётингиз дабдабали, хотираларингиз афсусланарли ва мақсадингиз шарафга эришиш бўлмасин!

Ҳар бир киши ўз уйида амир. Бирор киши унинг обрўсини тўколмайди, йўлини тўсолмайди, золим уни хор қилолмайди ва бахил уни тўхтатолмайди.

Ҳалимлигингиз ортган, илмингиз ошган, гуноҳингиз тўхтаган, фаҳмингиз очилган ва ниятингиз катъий бўлган кун энг яхши кундир.

Ҳаётнинг қандай бир фурсат бўлганини уни йўқотгандан сўнг биламиз. Тинчлик соғ-саломат кишиларнинг бошидаги тож эканини уни фақат касалларгина кўради.

Ўғли оқ қилинган, хотини қайсар, кўшниси озор берувчи, дўсти зўравон, нафси ёмонликка буюрувчи ва хоҳиш-истагига доим эргашган киши бахтли бўладими?!

Сизда Раббингизнинг, нафсингизнинг, кўзингизнинг, хотинингизнинг ва меҳмонингизнинг ҳаққи бор. Барча ҳақ эгаларига ҳақларини адо этинг!

Тонг отаётган вақтда бир унга боқинг! Унда гўзаллик, буюклик ва ёришиш манзараси бўлиб, сизга орзу ва яхши гумон қилиш эшикларини очади.

Сиз тонг саҳарда туришни ўзингизга одат қилинг! Чунки у вақтда барака бор. Зикр қилиш, Куръон ўқиш ёки ёд олиш, китоб ўқиш, китоб ёзиш ёки сафар қилиш каби амалларингизни бажариб олинг!

Ўртача бўлинг, четда юринг, Холиқдан рози бўлинг, махлуққа шафқатли бўлинг, фарзларни мукаммал адо этинг, нафл ибодат билан захира тўпланг – шунда тўғри йўлда бўласиз!

Тавфиқ – хотиманинг гўзаллиги, гапнинг тўғрилиги, амалнинг яхшилиги, зулм ҳамда силаи раҳмни узишдан узоқ бўлишда.

Баъзи сўзлар неъматдан маҳрум қилади. Баъзи хатолар хорликка сабаб бўлади. Бир қанча хилватлар тотли– узлатга чекинган азиз бўлади.

*“Мусулмон киши мусулмонлар унинг қўли ва тилидан саломат бўлган киши. Мўмин эса, инсонлар қонлари ва моллари билан ундан омонда бўлган киши. Муҳожир Аллоҳ қайтарган нарсаларни тарк қилган кишидир”.*

Энг яхши мол – сизга фойда бергани. Энг катта амал – мартабангизни кўтаргани. Энг яхши уй – сизни сиғдиргани. Энг яхши дўст – сизга насиҳат қилганидир.

Агар сизга ҳасад қилувчи киши бўлмаса, демак, сизда яхшилик йўқ. Агар сизнинг дўстингиз бўлмаса, демак, сизнинг хулқингиз бузуқ. Агар динингиз бўлмаса, демак, сиз учун қонун йўқ.

Яхшиликларингизни эслаб, нафсингизни хурсанд қилинг. Ёмонликларингиздан тавба қилиб, қалбингизни роҳатлантиринг. Чиройли хизматларингиз билан одамларнинг зиммаларига кўп нарсаларни юклаб қўйинг!

Семизлик – ғафлат. Тўқлик зеҳни пасайтиради, кўп ухлаш муваффақиятсизликка олиб келади. Кўп кулиш қалбни ўлдиради. Васваса эса улкан азобдир.

Яхши кўрган кишингиз билан сафар қилиш, ёмон кўрган кишингиздан узоқда, сизга озор берадиган кишидан омонда бўлиш ва муваффақиятни хотирлаш дунё лаззатларидандир.

Яхшилик оловни сўндиради. Эҳсон инсонни боғлаб қўяди. Ҳалимлик душманни мағлуб этади ва сабр ёниб турган чўғни ўчиради.

Дунё хорлик чоғидаги энг ёқимли нарса. Эҳтиёжлар эса ундан ҳожатсиз бўлган вақтингиздаги энг арзон нарсадир.

Агар сизни эртанги кун ташвишга солаётган бўлса, ким сизга унинг келишига кафолат беради?! Кеча ўтган иш сизни маҳзун қилаётган бўлса, ким сизга кечани қайтаради?!

Оз тавфиқ кўп молдан яхши. Обрў билан мансабдан кетиш хорлик-ла унга эришишдан яхши. Гуноҳда шиддат билан юришдан ибодатда сушт ва ланж юриш яхши.

Қаноатли киши подшоҳ, исрофчи эса, фаҳмсиз. Дарғазаб киши жинни, шошқалок, мулоҳазасиз, ҳасадчи золимдир.

Аллоҳни эслаш Уни рози, инсонни бахтли қилади, шайтонни ҳайдайди, хафаликларни кетказади ва тарозини тўлдиради.

Бахтли киши – умри узоқ, амали гўзал, моли кўпайгани сари яхшилиги кўпайган, амалига барака берилиб, тақвоси ортган кишидир.

Бошқалар ғамини ейдиган кишининг мукофоти ўз ташвишларини унутишдир. Рабби йўлида хизмат қилаётган кишининг мукофоти одамлар унинг хизматини қилишидир. Дунёга парвосиз кишининг мукофоти эса ризки кенг қилиниши бўлади.

Тинчлик-хотиржамликда келган неъматни кам санаманг. Тавба қилмай туриб гуноҳингизни паст санаманг. Ихлоссиз ибодатни кўпайтирманг!

Дунё туфайли қувониш ёш болаларнинг шодлиги. Чиройли мақтовдан қувониш катта кишиларнинг шодлиги. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсалардан қувониш авлиёлар ва аброр зотларнинг шодлигидир.

Тўғрисиўзлик – хотиржамлик, ёлғон – шубҳа, ҳаё – муҳофаза, илм – ҳужжат, чиройли нутқ – гўзаллик, сукут – ҳикматдир.

Ғалаба ҳаловати сабр аччиғини кесади. Ёрдам бериш лаззати кўмаклашиш қийинчилигини кетказади. Ишни пухта қилиш унинг машаққатини йўқотади.

Дунёдаги энг ёқимли нарса Аллоҳнинг муҳаббати. Жаннатдаги энг гўзал нарса Аллоҳни кўриш. Китобларнинг энг манфаатлиси Аллоҳнинг Китоби. Яралмишларнинг энг яхшиси Аллоҳнинг элчиси (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дир.

Кечаги кунидан ибрат оладиган, ўзини назорат қиладиган, қабр ҳаётига тайёргарлик кўрадиган, Аллоҳнинг ошкора ва яширин кузатувини ҳис қиладиган киши бахтлидир.

Ҳирс – хорлик ва тама эса хорловчидир. Бахиллик – пасткашлик, ғафлат эса пардадир. Иззат талабида бўлиш кўнгилни қолдиради.

*“Аллоҳни эсланг, шунда У ҳам сизни эслайди. Аллоҳни эсланг, Уни қаршингизда топасиз. Уни енгиллик кунларида танинг, у ҳам сизни машаққат кунларида танийди. Агар сўрамоқчи*

**бўлсангиз, Аллоҳдан сўранг! Кўмак талаб қилмоқчи бўлсангиз, Аллоҳдан талаб қилинг!”**

Кенгчилик онларингизни оғирчилик кунларингизга захира қилинг! Молингиз билан ҳолатингизни сақланг ва умрингизни Раббингиз ибодатига сарфланг!

Лаззатларнинг айримлари ҳасрат келтиради. Айрим хатолар ортидан хорлик келади. Гуноҳларнинг баъзиси неъматдан маҳрум қилади ва айрим кулги йиғи чақиради.

Неъматларга шукр қилсангиз, улар давомли бўлади. Аммо инкор этсангиз, қочиб кетади. Дунё бир ёқимли туюлса, бир ёқимсиз бўлади. Баъзи ҳолатда вафо қилса, бошқа сафар хиёнат қилади.

Саломатлик икки ғаниматнинг биридир: бадан соғлиги кам ейишда, руҳ саломатлиги кам гуноҳ қилишда; вақтни ёмон иллатлар билан ўтказишдан саломат бўлиш нафрат ва хусуматдан узоқ бўлишдадир.

Дақиқалик оғриқ бир кунга татийди, бир кунлик лаззат бир дақиқадек туюлади. Тунги масрурлик қисқа ва кундузги ғам узун ҳамда оғирдир.

Зарар кўриш сизга неъматни эслатади, очлик сизга таомни чиройли кўрсатади, тутқунлик эркинликнинг қадрини билдиради ва касаллик офиятга муштоқ этади.

Уч табибни ўзингизга лозим тутинг: кувноқлик, дам олиш ва парҳез. Уч душмандан эҳтиёт бўлинг: ишончсизлик, хавфсираш ва умидсизлик.

Саодат – нафс мукамал даражага эришмоғи. Муваффақият – амалларнинг самара бериши. Насиба – нафсга дунё юз тутиб хизмат қилмоғидир.

Саҳар вақти туриб кўлингизни дуога кўтаринг ва йиғлаб: “Эй улуғ Эгам! Сенинг ҳузурингга арзимас сармоя билан келдик. Бизнинг ўлчовимизни Ўзинг тўлдириб-кўпайтириб бер!” деб айтинг.

Оғриқдан, касалликдан ва заифликдан саломат бўлиш энг буюк неъматдир. Шундай экан, чанқамагунингизча сувичманг, очқамагунингизча овқат еманг ва чарчамагунингизча ухламанг!

Ким ақл билан иш тутса, ўйлаган мақсадига етади. Ким яхшиликка шошқалоқлик қилмасдан интилса, муваффақиятдан роҳатланади. Зеро, шошқалоқликда самара йўқ. Қанча орзу кўпайса, армон шунча кўп бўлади.

Аллоҳ сизга нима қилган бўлса, рози бўлинг. Аллоҳ берган ҳолатингиз ўзгаришини орзу қилманг. Чунки У сизни ўзингиздан кўра яхшироқ билувчи ва сизга онангиздан кўра меҳрибонроқдир.

Аллоҳ таоло тақдир қилган барча нарсада яхшилик бор. Ҳатто надомат, тавба, синиқлик, истиғфор айтиш, кибр ва манманликдан узоқлик каби шартлари топилса гуноҳда ҳам яхшилик бор.

Доим истиғфор айтинг! Чунки кеча ва кундуз ичида яшириб қўйилган Аллоҳнинг ҳадялари бор. Шояд шу ҳадяларидан бири сизга берилиб, у билан киёматда бахтга эришсангиз!

Неъмат келганида шукрини адо этувчи, бало келганида сабр қилувчи, гуноҳ содир этганида, тавба қилувчи, ғазаби қўзғганида, уни ичига ютувчи ва ҳукм чиқаётганида адолатни лозим тутувчи киши нақадар гўзалдир.

Қуръон ўқишда бир қанча фойдалар бор: тил бурро бўлади, ақл ўсади, хотира кучаяди, ғам-ғусса арийди, хикояларидан тажриба ошади, фазилатлари ўзлаштирилади.

Қалб озикаси – ихлос, тавба ва Аллоҳга қайтиш, таваккул қилиш, Унинг жаннатига ошиқиш, азобидан қўрқиш ва Уни севиш.

“Эй буюклик ва икром эгаси” ва “Эй абадий тирик Зот! Раҳматингдан умидвормиз” сўзларини айтиб юришни қанда қилманг. Шунда ўзингизда

енгиллик, юпанч, шодлик ва хотиржамликни топасиз.

Агар сизга бир киши озор берса, қазою-қадарни, кечириш фазлини, ҳалимлик ажрини ва сабр-савобини эсланг! Чунки у золим, сиз эса мазлум-сиз. Шунинг учун ҳам сиз ундан кўра бахтлироқсиз.

Қазою-қадарда битилганларнинг бўлиши аниқ. Муддат қатъий белгиланган ва ризқ ўлчаб қўйилган бўлса, нимага ўкинасиз?! Касалликка ҳам, фақирликка ҳам, мусибатга ҳам ажр берилса, нимага ғам чекасиз?!

Дунёда бир жаннат бор, Ким унга кирмаса, охиратдаги жаннатга ҳам кирмайди. Ўша жаннат Аллоҳни зикр қилиш, Уни севиш, Унга ибодат қилиш, дўст ва муштоқ бўлишдир.

Аллоҳ улардан рози бўлсин, чунки улар Унинг буйруғига итоат қилишди, қайтарганидан қайтишди. Улар ҳам Аллоҳдан рози бўлсинлар, чунки Аллоҳ улар орзу қилган нарсаларини берди ва кўрққан нарсаларидан омон сақласин.

Барча нарсага қодир, кечирувчи, гуноҳларни беркитувчи, ризқ берувчи, кўриб ва эшитиб турувчи ҳамда барча ишларнинг калити эгаси бўлган Парвардигори бор киши қандай қилиб ўкинади?!

Аллоҳнинг раҳмати кенг, эшиги очиқ, мағфирати чексиз, ҳадылари давомли, тавбани қабул қилувчи ва ҳалимлиги буюқдир.

Ўкинманг! Ҳукм ўқилган, тақдир битиб қўйилган ва ўзгармайди, саҳифалар ёпилган, савоб битилган ва гуноҳ кечирилади.

Амални гўзал, орзуни эса қисқа қилинг. Ажални кутинг, бугунингизда яшанг, ишингизни тузатинг, замонингизни билинг ва тилингизни сақланг!

Китобдан кўра фойдали, гуноҳдан кўра жирканч, зуҳддан кўра шарафли, қаноатдан кўра бойроқ нарса йўқ.

Мақсадингиз, ғайратингиз ва матонатингиз миқдорига қараб тарихингиз ёзилади. Улуғлик беҳудага берилмайди, балки унга фазл ва қурбонлик билан эришилади.

Ишларни осон сананг, шунда улар осонлашади. Ғамингизни охират учун қилинг, шу сизга етади. Аллоҳ таоло билан учрашувга тайёргарлик кўринг ҳамда барча нарсани меъёрида тутинг!

Мубоҳ нарсаларнинг меъёридан ортиғи, яъни, кўп гап, кўп таом, кўп уйку, ортиқча муносабат, кўп кулиш қабилар ташвиш орттирувчи ва ғам-ғуссанинг сабабчисидир.

**“Токи сизлар қўлларингиздан кетган нарсага қайғурмайсизлар”<sup>333</sup>**. Ҳасрат ва надомат чекманг, йиғлаб ва афсусланиш орқали ҳалокатга йўлиқманг ҳамда ўзингизни боқимандалик ва заифликка ташламанг.

**“Сизга ва Сизга эргашган мўминларга Аллоҳ етар”<sup>334</sup>**. Аллоҳ сизларга етади: Тўғри йўлга У йўналтиради, ҳуқуқингизни У ҳимоялайди, бас, қўрқманг!

**“Албатта, Аллоҳ тақво қилганлар билан биргадир”<sup>335</sup>**. Аллоҳ таоло тақводорларни душманлардан ҳимоя қилади, балолардан омонда сақлайди, касалига шифо беради ва қийинчилигу қайғули дамларда муҳофаза этади.

**“Ўқинманг! Албатта, Аллоҳ биз билан биргадир!”<sup>336</sup>** Бизни кўриб, гапимизни эшитиб турибди. У Зот душманга қарши бизга ёрдам беради. Ташвишимизни кетказади, ғам-ғуссамизни аритади.

**“(Эй Муҳаммад!) Кўксингизни (илму ҳикматга) кенг очиб қўймадикми?!”<sup>337</sup>** Яъни, Аллоҳ таоло

<sup>333</sup> Ҳалид сураси, 23-оят.

<sup>334</sup> Анфол сураси, 64-оят.

<sup>335</sup> Наҳл сураси, 128-оят.

<sup>336</sup> Тавба сураси, 40-оят.

<sup>337</sup> Шарҳ сураси, 1-оят.

элчисини (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) эркин, кенг фикрли, шод, масрур, тинч, хотиржам, қувноқ ва муваффақият эгаси қилиб яратди.

“Эй Муҳаммад!) Улар қилаётган макрлардан сиқилманг!”<sup>338</sup> Аллоҳ таоло душманларнинг макрларига кифоя қилади, хийла ва озорларини сиздан тўсиб қўяди, бас, заифлашманг!

Сиз ақида ва шариат, йўл ва ҳаёт тарзи, ҳужжат ва асос, одоб-ахлоқ томонидан олий мақомдасиз.

“Албатта, Раббингиз мағфирати кенг зотдир”<sup>339</sup>. Аллоҳ таоло гуноҳкорни кечиради, тавбани қабул этади, камчиликни ўчиради, айбларни ёпади ва тавба қилувчини мағфират этади.

“Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлмангиз”<sup>340</sup>. Чунки Аллоҳ таоло ғам-ташвишни аритади, лутфу иноят қилади. Унинг тавфиқи нақд, қарами кенг ва фазли умумийдир.

“У раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғидир”<sup>341</sup>. Аллоҳ таоло шифо ва офият беради, танлаб олади, ихтиёр қилади, муҳофаза этади, бошқаради, айбларни яширади, кечиради ва саховат қилади.

“Бас, Аллоҳ энг яхши асрагувчидир”<sup>342</sup>. У Зот йўқолган кишини ва мусофирни асрайди, адашганни тўғри йўлга солади, мусибатзадага енгиллик ва касалга шифо беради, машаққатни кетказди.

“Аллоҳга таваккул қилинг!”<sup>343</sup> Ишларни Унга топширинг ва Ўзига қайтинг! Ҳолингиздан фақат Унга шикоят қилинг, ҳимоясига рози бўлинг ва ғамхўрлигидан кўнглингизни тўқ тутинг!

“Шояд, Аллоҳ (мусулмонларга) ғалаба ато этиб қолса...”<sup>344</sup> Аллоҳ таоло қулфларни кетказа-

<sup>338</sup> Намл сураси, 70-оят.

<sup>339</sup> Нажм сураси, 32-оят.

<sup>340</sup> Юсуф сураси, 87-оят.

<sup>341</sup> Юсуф сураси, 92-оят.

<sup>342</sup> Юсуф сураси, 64-оят.

<sup>343</sup> Моида сураси, 23-оят.

<sup>344</sup> Моида сураси, 52-оят.

ди, оғир машаққатларни кўтаради, узун қора тунларни кетказади, кўнгилларни ёриштиради ва ҳолатни ўнглайди.

“Сиз билмассиз, эҳтимол, Аллоҳ бундан кейин бирон ишни пайдо қилар”<sup>345</sup>. У Зот ғамни аритади, ташвишни улоқтиради, ўқинчни йўқотади, ҳолатни енгиллаштиради ва узоқни яқин қилади.

“Ҳар куни У (тинимсиз) фаолиятдадир”<sup>346</sup>. Аллоҳ таоло ғам-ғуссани аритади, гуноҳни кечиради, ризқни ато этади, касалга шифо беради, мажруҳга офият беради, асирни озод қилади ва синикни ямайди.

“Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир”<sup>347</sup>. Фақирлик билан бойлик, касалликдан сўнг соғлик, ғамгинлик кетидан шодлик, торликдан кейин кенглик, тутқунлик ортидан озодлик ва очликдан сўнг тўқлик бордир.

“Аллоҳ танглик (камбағаллик)дан кейин енгиллик (бойлик)ни ҳам пайдо қилур”<sup>348</sup>. Кишанлар ечилади, тузоқлар кесилади, эшиклар очилади, ёмғирлар ёғади, ҳолатлар тузалади.

“Бас, (менинг ишим) чиройли сабрдир...”<sup>349</sup>. Ҳолат ўзгаради, қалб ором олади, кўнгил ёришади, иш осонлашади, жумбоқлар ечилади ва замонлар ўзгаради.

“Ўлмайдиган, ҳамиша Тирик зотга таваккул қилинг...”<sup>350</sup>. Шунда У ҳолатингизни ўнглайди, қалбингизни очади, молингизни асрайди, аҳлингизни сақлайди, оқибатингизни яхшиликка чевиради (айлантиради) ва орзуларингизни юзага чиқаради.

<sup>345</sup> Талок сураси, 1-оят.

<sup>346</sup> Раҳмон сураси, 29-оят.

<sup>347</sup> Шарҳ сураси, 5-оят.

<sup>348</sup> Талок сураси, 7-оят.

<sup>349</sup> Юсуф сураси, 83-оят.

<sup>350</sup> Фурқон сураси, 58-оят.

“Аллоҳ бизга кифоя қилади ва У қандай ҳам яхши вакилдир”<sup>351</sup>. Аллоҳ таоло ғамимизни ари-тади, машаққатимизни кетказади, гуноҳимизни кечиради, қалбимизни тўғрилайди ва айблардан поклайди.

“(Эй Муҳаммад!) Биз Сизга аниқ фатҳ (ғалаба) бахш этдик”<sup>352</sup>. Аллоҳ таоло Муҳаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳидоят қилди, танлаб олди, ҳимоя этди, ҳоқимият ва нусрат берди, улуғлади, хуллас, чиройли синовлар билан синади.

“...Аллоҳ Сизни одамлар (зарари)дан сақлайди”<sup>353</sup>. Сизга душман етолмайди, олдингизга золим боролмайди, ҳасадчи сизни мағлуб етолмайди, ғаразчи ниятига эриша олмайди ва қонхўр сизни йўқ қилолмайди.

“Аллоҳнинг Сизга (нисбатан) фазли буюкдир”<sup>354</sup>. Аллоҳ таоло сизни яратди, ризқ, таълим ва фаҳм берди. Ҳидоят қилди, йўлингизни тўғрилади, нусрат берди, сақлади ва ҳуқуқингизни ҳимоя қилди.

“Сизларда қайси бир неъмат бор бўлса, албатта, у Аллоҳдандир”<sup>355</sup>. Аллоҳ барчага хулқ, ризқ, қулоқ, кўз, ҳидоят, офият, сув, ҳаво, емиш, даво, маскан ва кийим берди.

Сўрамоқчи бўлсангиз, Аллоҳдан сўранг. Зеро, У ёрдам беради, кифоя қилади, ҳидоятга бошлайди, йўлингизни ўнглайди, илтифот кўрсатади, ғамингизни ариатади, ғалаба беради ва қўллаб-қувватлайди.

Аллоҳга таваккал қилдик, динига ишондик, Ра-сулига эргашидик, сўзларини тингладик, чорловига тўпландик, бас, ўкинманг! Аллоҳ биз билан!

Аллоҳга ёрдам берганга, албатта, У ёрдам беради, даражасини кўтаради, шаънини олий қилади,

<sup>351</sup> Оли Имрон сураси, 173-оят

<sup>352</sup> Фатҳ сураси, 1-оят

<sup>353</sup> Моидна сураси, 67-оят

<sup>354</sup> Нисо сураси, 113-оят

<sup>355</sup> Наҳл сураси, 53-оят

душманини хор ва рақибини йўқ этади, Уни алдаганни шарманда қилади.

Аллоҳдан ўзгада на қудрат, на қувват, на ирода, на қўллаш, на нусрат, на юпанч, на ёрдам, на кифоят ва на тоқат бор. Буларнинг барчаси Буюк Аллоҳгагина хосдир.

**“Ахир, Биз унга икки кўз пайдо қилмадикми?!”**<sup>356</sup> Одам кўзлари ёрдамида борлиқ китобини ва чиройли дафтарларни ўқийди, гўзалликни кўради ва ҳаёт тантаналаридан баҳра олади.

**“Тил ва икки лаб пайдо қилмадикми?!”**<sup>357</sup> Инсон улар билан фикрини равшан баён этади, жозибали ва мафтункор сўзларни гапиради, юрагидаги туйғуларини ифодалайди.

**“Қасамки, агар (берган неъматларимга) шуқр қилсаларинг, албатта, (уларни янада) кўпайтираман”**<sup>358</sup>. Шуқр сабабли амалингиз буюк, фаҳмингиз юксак, ризқингиз баракали бўлади, ғалабангиз юзага чиқиб, яхшиликларингиз кўпаяди.

**“...ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний (моддий ва маънавий) неъматларини комил берганини кўрмадингизми?!”**<sup>359</sup> Аллоҳ таоло инсонга дунёвий ва ухровий, аҳлда ва молда, аъзолар ва руҳда ҳамда истеъдодда неъматлар бериб қўйди.

**“Мен ўз ишимни Аллоҳга топшираман”**<sup>360</sup>. Арз-додимизни фақат Аллоҳга айтмоғимиз лозим. Зеро, У эшитувчи ва Берувчидир. У ҳақда яхши гўмон қилиб, Унга таваккал қилишимиз ва ҳукмига рози бўлишимиз керак.

<sup>356</sup> Балад сураси, 8-оят.

<sup>357</sup> Балад сураси, 9-оят.

<sup>358</sup> Иброҳим сураси, 7-оят.

<sup>359</sup> Лукмон сураси, 21-оят.

<sup>360</sup> Гофир сураси, 44-оят.

**“Аллоҳ бандаларига меҳрибондир”**<sup>361</sup>. Аллоҳ таоло бандаларини тўйдиради, кечирим сўрасалар, кечиради, касал бўлсалар, шифо беради, балолансалар, офиятга эриштиради.

**“Аллоҳнинг раҳматидан умидсиз бўлманглар!”**<sup>362</sup> Аллоҳ таолонинг раҳмат эшиги ёпилмайди, хазиналари кўмилиб кетмайди, фазли тугамайди, арқони узилмайди.

**“Аллоҳ Ўз бандасига (Муҳаммадга, уни асрашда) етарли эмасми?!”**<sup>363</sup> Аллоҳ таоло бандасининг ташвишларини кўтаради, душманларидан ҳимоя қилади, макр-ҳийла билан алдамоқчи бўлган одамлардан сақлайди.

**“Бас, сизлар ризқни Аллоҳ даргоҳидан истанглар”**<sup>364</sup>. Хазиналар Аллоҳнинг ҳузурида, яхшилиқлар Унинг қўлида ва У саховатли, хайр-эҳсон қилувчи, барча нарсани кўриб турувчи Зотдир.

**“Ким Аллоҳга имон келтирса, (У) унинг қалбини тўғри йўлга ҳидоят қилади”**<sup>365</sup>. Аллоҳ таоло Ўзига ишонган бандасининг гуноҳини кечиради, ғазабини кетказади, йўлини ёритади ва қадамларини тўғри йўлга буради.

**“Аллоҳнинг сизларга берган неъматини эсланглар!”**<sup>366</sup> Аллоҳ таоло йўқдан бор қилувчи, залолатга кетганларни ҳидоятга бошловчи, йўқсилларга мол-мулк, илм истовчиларга илм берувчи, заиф кимсаларни қўллаб-қувватловчидир.

Фикр юритинг, Аллоҳдан неча марта сўрасангиз ҳам беради. Қанча талаб қилсангиз, тортиқ қилади. Кўп бора айб қилсангиз ҳам кечиради. Ҳар

<sup>361</sup> Шуро сураси, 19-оят.

<sup>362</sup> Зумар сураси, 53-оят.

<sup>363</sup> Зумар сураси, 36-оят.

<sup>364</sup> Анкабут сураси, 17-оят.

<sup>365</sup> Тағобун сураси, 11-оят.

<sup>366</sup> Аҳзоб сураси, 9-оят.

қийналганингизда енгиллик юборади. Қачон дуо қилсангиз, ижобат қилади.

**“Мендан сўранглар, Мен сизлар учун (дуоларингни) ижобат қилай!”**<sup>367</sup> Қўлларингизни Аллоҳга кўтаринг, ҳожатларингизни айтинг, мақсадингизни сўранг, ризқингизга барака тиланг ва шикоятингизни арз қилинг!

**“Ёки иложсиз қолган одам сўраган вақтида (дуосини) ижобат қиладиган зот (яхши)ми?”**<sup>368</sup> Ғам ва кулфатларни аритадиган, кишиларнинг тинкасини қуритаётган оғирчиликни кетказадиган, хоҳлаганини бериб, орзуларини юзага чиқарадиган улуғ Аллоҳдан яхшиси борми?!

Сиз обрўйингизни ахлоқсизларга садақа қилинг! Уларга аҳамият берманг: сизни уришсалар, сўксалар ёки озор берсалар, бунинг эвазини Аллоҳнинг ҳузурига қолдиринг!

Денгизда тўфон кўтарилса, кемадагилар кўрққанидан, “Эй Аллоҳ!” деб юбораркан, карвондагилар саҳрода адашиб қолса, “Эй Аллоҳ!” деб ҳайқирар экан, қамоқдаги киши ғамга ботган чоғи, “Эй Аллоҳ!” деб илтижода бўларкан, касал сиқилса, “Эй Аллоҳ!” деб ёлборар экан.

**“Аллоҳ Самад (эҳтиёжсиз, ҳожатбарор)дир”**<sup>369</sup>. Аллоҳ ҳеч нарсага муҳтож бўлмас, борлиқ Аллоҳга муҳтож. Яратиклар Уни мақсад қилишади. Ҳар бир бор нарса ўз тилида, ҳар хил лаҳжаларда Ундан ҳожатини сўрайди.

**“Бунга сабаб Аллоҳ имон келтирганларнинг дўсти (ҳомийси) эканидир”**<sup>370</sup>. Аллоҳ таоло дўстларининг йўлларини ёритади, ҳужжатларини баён қилади, тўғри йўлни равшан кўрсатади, адашиб кетишдан асрайди ва таълим бериб, билимсизликдан қутқаради.

<sup>367</sup> Гофир сураси, 60-оят.

<sup>368</sup> Намл сураси, 62-оят.

<sup>369</sup> Ихлос сураси, 2-оят.

<sup>370</sup> Муҳаммад сураси, 11-оят.

Эй одамлар! Аёлларингга гўзал муомала қилинг, қалбларга илтифотли, бошқаларга меҳрибон бўлинг, ҳисларингизга эрк берманг, ўзгаларга, айниқса олимга яхшилик қилинг!

Ғазабингизни яширинг, бировнинг гуноҳини кўрмасликка олинг. Сизга етадиган ёмонликка кўзингизни юминг. Хатони кечиринг ва ўзгаларнинг айбларини тупроқ остига кўминг. Шунда одамларга суюкли киши бўласиз.

Эшик қия очик. Хонага шабада кириб турибди. Юрак эса тақво ва эзгуликка ошно. Бундан ортиқ муваффақият борми!

Озиқ-овқатнинг меъёрдан ортиғи ортиқча ташвиш. Зеро, эҳтиёждан ташқариси қўшимча юқдир. Озгинасига қаноат қилиш дабдаба ва исрофдан яхшидир.

Ўзаро фитна тугунини боғламанг. Бошқаларнинг айблари ҳақида фикр юритманг ва одамлар мен билан машғул деб ўйламанг! “(Қуёш, Ой ва юлдузларнинг) **ҳар бири** (бир) **фалакда сузиб юрадилар**”<sup>371</sup>.

“Сизни улардан (ҳимоя этишга) Аллоҳнинг ўзи етади”<sup>372</sup>. Аллоҳ таоло душманларнинг ҳийланайрангларини қайтаради, макрларини йўқ, аскарларини мағлуб этади, тигларини ўтмас қилиб қўяди, озуқаларини йўқотади, қувватларини кетказади ва жамоатларини тарқатиб юборади.

“Уларга хотиржамлик туширди...”<sup>373</sup> Аллоҳ истакларни қондиради, касалларга шифо беради, юракда ёнаётган оловни ўчиради, қалбларни роҳатлантиради ва виждонни поклайди.

“**Ширин сўз садақадир**”. У кўнгилни ёриштиради, қалбга сурур бағишлайди, ярага малҳам бўлади, ғазабни босади ва саломни ошкора қилади.

<sup>371</sup> Ёсин сураси, 40-оят

<sup>372</sup> Бақара сураси, 137-оят.

<sup>373</sup> Фағҳ сураси, 18-оят.

**“Биродарингга табассум қилмоғинг садақадир”**, чунки юз қалб китобининг сарлавҳаси, унинг ойнаси,виждоннинг йўлбошчиси ва яхшилиқнинг бошидир.

**“Сиз (ёмонликни) гўзалроқ (муомала) билан даф этинг!”**<sup>374</sup> Ўч олмаслик, илтифотли хитоб, юмшоқлик, мулойим муомала ва унутиш гўзалдир.

**“(Эй Муҳаммад!) Биз Сизга бу Қуръонни (дин ишида) машаққат чекишингиз учун туширмадик”**<sup>375</sup>. Қуръони карим инсониятга бахт ато этиш, руҳиятини шодлантириш, қалбини хотиржам қилиш, у билан бахт жаннатига ва саодат фирдавсига кириш учун туширган.

**“...ва динда сизларга бирон ҳараж (қийинчилик) қилмади”**<sup>376</sup>. Аллоҳ таоло инсониятга енгиллик берди, машаққатда ғамхўрлик қилди, кулфатдан узоқлаштирди ва қийинчиликка солмади ҳамда мажбурламади.

**“...ҳамда уларнинг юқларини ва устларидаги кишан (қийинчилик)ларини олиб ташлайди”**<sup>377</sup>. Натижада, одамлар бахтсизлик кетидан бахтни ҳис этадилар, машаққатдан сўнг роҳатга эришадилар, кўрқувдан кейин хотиржам бўладилар ва ўқинч ортидан кўнгиллари яйрайди.

**“(Мусо) деди: “Эй Раббим! (Бу қийин вазифага) бағримни кенг қилгин ва ишимни осон этгин”**<sup>378</sup>. Аллоҳдан шуни сўраган одам олдида нурни кўради, қалбида ҳидоятни ҳис этади, шариатни кўлида тутуди, ҳаётида муваффақиятга эришади ва ўлимидан сўнг нажот топади!

**“Биз Сизни осон (дин)га муваффақ қиламиз”**<sup>379</sup>. Парвардигоримизнинг тавфиқи сабабли

<sup>374</sup> Фуссилат сураси, 34-оят.

<sup>375</sup> Тоҳа сураси, 2-оят.

<sup>376</sup> Ҳаж сураси, 78-оят.

<sup>377</sup> Лъроф сураси, 157-оят.

<sup>378</sup> Тоҳа сураси, 25–26-оятлар.

<sup>379</sup> Аъло сураси, 8-оят.

Унга муҳаббат билан ибодат қиламиз, севиб ито-ат этамиз, Унинг йўлида чин юракдан юрамиз. Шу сабаб ҳаётдаги азоб ёқимли ҳолатга, ундаги заҳар асалга айланади.

**“Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани таклиф этмайди”<sup>380</sup>.** Тоқатдан ташқари таклиф йўқ. Албатта, Аллоҳ таолонинг бандаларига топширган вазифалари уларнинг қувватларига ва истеъдодларига яраша бўлади.

**“Эй Раббимиз, агар унутсак, бизни койима”<sup>381</sup>.** Чунки биз баъзи-баъзида янглишамиз. Вақти-вақти билан парвосиз бўламиз. Гоҳида санғиймиз ва паришонхотирлик бизни енгиб қўяди. Афвингни сўраймиз, эй Раббимиз!

**“Ёки хато қилсак, бизни койима!”<sup>382</sup>** Биз гуноҳсиз эмасмиз ва гуноҳлардан саломат ҳам эмасмиз. Лекин Сенинг фазлингни истаймиз ва раҳматингдан умидвормиз, эй Раббимиз!

**“Эй Раббимиз, биздан илгари ўтганларнинг зиммасига ортганинг машаққатни бизнинг зиммамизга ортма!”<sup>383</sup>** Биз заиф бандалармиз, мискин инсонлармиз. Сен эса бизга қандай сўрашни ўргатдинг. Биз сўраймиз, сен бер!

**“Эй Раббимиз, тоқатимиз етмайдиган нарсани бизга юклаб ташлама!”<sup>384</sup>** Ожиз бўлиб қолмайлик, қалбимиз ўтмаслашиб ва нафсимиз малолланиб қолмасин. Бизга осонлик бер!

**“Бизларни афв эт”<sup>385</sup>.** Чунки биз хато ва камчилик аҳлимиз. Ёмонлик биздан содир бўлади. Камчилик ва нуқсон биздадир. Сен эса саховатли, раҳмли ва меҳрибонсан. **“ва кечир”<sup>386</sup>.**

<sup>380</sup> Бақара сураси, 286-оят

<sup>381</sup> Бақара сураси, 286-оят

<sup>382</sup> Бақара сураси, 286-оят.

<sup>383</sup> Бақара сураси, 286-оят.

<sup>384</sup> Бақара сураси, 286-оят.

<sup>385</sup> Бақара сураси, 286-оят.

<sup>386</sup> Бақара сураси, 286-оят.

Гуноҳларни фақат Сенгина кечирасан. Айбларни фақат Ўзинг беркитасан. Айб қилган кишига Сендан ўзга меҳрибон йўқ. Гуноҳкорга Ўзингдан бошқа кечирувчи йўқ.

**“...ҳамда бизларга раҳм қил!”**<sup>387</sup> Эй карами кенг Раббим, Сенинг раҳматинг ила бахтлимиз, у билан орзуларимизга етамиз, амалларимиз мақбул, ҳолатимиз яхши.

**“Мен бағрикенг соф дин билан юборилдим”.** У динда хиёнат, инжиқлик, ўзини қийнаш, машаққат ва муболаға йўқ. Балки, у соф фитрат, суннат, енгиллик динидир.

**“Туғёнга кетишдан сақланинг!”** Суннатни маҳкам тутинг, унга эргашинг. Бидъатни ташланг. Енгилликни ушланг, қаттиқликдан юз ўтиринг. Ўртача бўлинг, чегарадан чиқманг. Тақлид қилинг, аммо ошириб юборманг.

**“Менинг умматим раҳматга эришган умматдир”.** Бу умматни Раббиси ёрлақаган, пайғамбари эса пайғамбарларнинг саййиди, дини динларнинг энг гўзалидир, уммати умматларнинг энг афзали, шариати шариатларнинг энг сарасидир.

**Аллоҳни Рабб, Исломни дин ва Муҳаммадни (алайҳиссалом) пайғамбар деб тан олган ва рози бўлган киши ҳақиқий имоннинг таъмини тотади”.** Айтилган бу уч нарса розилик ва муваффақият асосидир.

Ғазабдан сақланинг! Чунки у ўқинч ва ғамташвиш эшиги, хаёл паришонлиги, ҳолатларнинг энг ёмони ва умр эговидир.

Ризо қалбга сокинлик, тинчлик, роҳат, эминлик, хотиржамлик, ширин ҳаёт, хурсандлик ва шодлик олиб киради.

Ризо қалбни сохталик, дағаллик, хусумат, ғазаб, эътироз, зерикиш, тинчсизлик ҳамда хавотир каби иллатлардан асрайди.

<sup>387</sup> Бакара сураси, 286-оят.

Ким Аллоҳдан рози бўлса, қалби нур, имон, ишонч, муҳаббат, каноат, хотиржамлик ва итоаткорлик билан тўлади.

Эй фақир! Чиройли сабр қилинг, чунки сиз мол чарчоқларидан, бойлик хизматидан, уни тўплаш ва қўриқлаш машаққатидан ва Аллоҳнинг ҳузуридаги узоқ давом этадиган ҳисоб-китобдан озодсиз.

Эй кўзи ожиз зот, йўқотган кўзингиз эвазига жаннат бўлсин. Ўқинманг, сизнинг кўз нурингиз ўрнига бу дунёнинг ўзидаёқ қалб нури берилди. Сиз номуносиб, таъқиқланган ва асабга тегиб паришон қиладиган манзараларни кўришдан қутулгансиз.

Эй касал киши, агар Аллоҳ хоҳласа дард сиз учун покланишдир. Шундай экан, хатоларингиз ўчирилиб, гуноҳлардан тозаланиб, қалбингиз сайқалланди, нафсингиз синди ва кибру ҳавоингиз кетказилди.

Нима учун йўқотган нарсангиз ҳақида ўйланасиз-у, бор нарсангизга шукр қилмайсиз. Ҳозир бўлиб турган неъматни унутасиз-у, қўлдан кетганига ҳасрат қиласиз. Инсонларга хасад қилиб, ўзингиздаги нарсадан ғафлатдасиз.

**“Дунёда гўё ғариб кишидек бўлгин”.** Бир бўлак нон, бир қултум сув, кийим-кечек, озгина кунлар ва санокли тунлардан сўнг ҳаёт тугайди. Шундай экан, ўта бойнинг ҳам, мискин фақирнинг ҳам қабри бир хил бўлади. Подшоҳ хизматкорнинг ёнига, раис қоровулнинг ёнига, машхур шоир ҳеч ким танимаган фақир қаторига, бой эса мискин, камбағал қаватига кўмилади.

Агар сиз яна бир тонг оттирсангиз, уни: “Хуш келибсан, эй улуғ меҳмон!” деб қарши олинг. Сўнг уни адо этилган фарзлар, бажарилган вожиблар ва янги-янги тавбалар ила меҳмон қилинг.

Агар ўтмишни эсласангиз, хурсанд бўлишингиз учун гўзал кунларингизни эсланг. Агар бугунингиз ҳақида фикр қилсангиз, муваффақиятларингизни эсланг, шунда бахтиёр бўласиз. Агар эртани ўйласангиз, ширин тушларингизни эсланг.

Умр узунлиги қимматбаҳо тажриба, билимлар тўплами, маълумотлар хазинасидир. Ҳар ўтган кунингизда ҳаёт сабоқларидан маълум бир фойда ўзлаштирасиз. Узоқ умр ақлли кишилар учун баракотдир.

Хавф-хатар чоғида сизга омонликни эслатадиган, дуога ундайдиган, қарама-қаршиликдан тиядиган ва катта хатардан сақлайдиган нарса лозим.

Касал бўлсангиз, сизга соғлиқни эслатадиган, ғафлат уйқусидан уйғонишингиз учун ужб ва кибр дарахтини қалбингиздан суғуриб ташлайдиган бир ҳис керак.

Ҳаёт қисқадир, сиз уни кўплаб кийинчиликлар билан янада қисқартириб юборманг. Дўст оздир, маломат ила уларни янада камайтириб юборманг. Душманлар шундоқ ҳам кўп, ёмон хулқ билан уларни янада кўпайтирманг.

Қатъиятда чумоли каби бўлинг. Чунки у юз мартаба бир дарахтга чиқади ва йиқилиб тушаверади, то мақсадига етмагунича ҳаракатдан тўхтамайди.

Барча ишда асалари каби бўлинг. Зеро, у ширинлик еб, ўзидан ширинлик колдиради. Агар бир шохга қўнса, уни синдирмайди. Агар гулга қўнса, уни тирнаб, шилмайди.

Шаҳват ва шубҳаларга лиммо-лим қалбга сакинат кирмайди.

Хусумат мажлисида қатнашманг, чунки у ерда дин арзон баҳога сотилади, мурувватдан қайтарилади, кишиларнинг қадри пасткашлик қадамлари билан оёқости қилинади.

“Эй инсонлар!) Раббингиздан бўладиган мағфиратга ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига имон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган, кенглиги осмон ва ернинг кенглигича бўлган жаннатга шошилинглар!”<sup>388</sup>. Яъни, фақатгина яхшиликда мусобақалашинглар. Замон ўтаверади, қуёш чиқиб ботаверади, ой ҳам ўз йўлида кетаверади, шамол эсаверади, ҳаёт қарвони тўхтаб турмайди.

“Раббингиздан (бўлувчи) мағфиратга ва кенглиги осмонлару ерга тенг, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннат сари (солиҳ амаллар қилиш билан) шошилинглар!”<sup>389</sup> Олийликка жуда қаттиқ интилинг. Нусрат харгиз ўз-ўзидан келмайди. Унга кўзёш, саҳарлардаги уйғоқлик, қийинчилик, очлик ва машаққат орқали етилади.

Солиҳ амал қилган кишининг пешона териси амалсиз кимсанинг хушбуй мушкидан, меҳнаткаш кишининг чарчоқдан хўрсиниши дангасанинг кулгисидан ва оч кишининг нони инжиқ кимсанинг гўштли таомидан афзалдир.

Зафар қучганларни ҳақоратлаш уларга қилинаётган ҳасаднинг аломатидир. У ошкора ғалаба ва устунликка текин тарғиботдир.

Кишининг устунлиги ва уддабуронлиги наслнасаби, номи, катта даромади ва илмий даражаси билан эмас, балки у одамнинг қизиқиши, жасорати, интилувчанлиги ва гўзал сабри билан белгиланади.

Машаққатлардан кўркманг, чунки арслон ҳам подасидан ажраган туяга кўркмай ташланади. Танглиқдан шикоят қилаверманг, чунки эшак ҳеч оҳ тортмай оғир юкларни кўтаради. Эҳтиёжларингиз учун хавотир қилаверманг, чунки ит ҳам ўз ўлжасини оловда бўлса-да қувиб боради.

<sup>388</sup> Ҳадид сураси, 21-оят

<sup>389</sup> Оли Имрон сураси, 133-оят

Бирон ишни ўзингизча ҳал қилмай, тажрибали кишилар билан кенгашинг. Чунки икки кишининг фикри худди бири иккинчисига қўшилиб бир-бирини кучайтирган арқон сингари ёлғиз одамнинг фикридан кучлироқ бўлиши тайин.

Сизга қаратилган танқидларни ўзингизга қилинаётган душманлик деб билманг. Яхшиси, танқиднинг мақсадига эътибор бермасдан, ундан ўзингизга керакли хулосалар чиқаринг. Зеро, сизга мақтовдан кўра хатоларингизни тўғрилашингиз фойдалироқдир.

Одамларни яхши билган киши хотиржам бўлади. Уларнинг мақтовидан таъсирланиб, завқланмайди ва ёмонлашларидан ташвишланмайди. Чунки, улар тезда рози бўлиб, тезда ғазабланадилар. Одамни доимо ҳавою нафслари ҳаракатлантиради.

“Жисмоний камчиликлар олий мақсадларга етишдан тўсади”, деб ўйламанг. Қанчадан-қанча фозил кишилар аслида кўзи кўр, қулоғи қар, шол ва чўлоқ бўлган, аммо ҳаётда улкан муваффақиятларга эришишган. Гап жисмда эмас, ғайрат-шижоатдадир.

Аллоҳ таоло сиздан эҳсонини тўсиши ҳадя, истакларингизга етказётган лутф, яхшиликни кечиктираётгани эътибор бўлса, не ажаб?! Зеро, Аллоҳ таоло сизга ўзингиздан кўра меҳрибондир.

Агар бошингизга бир қийинчилик келса, қайғурманг! У худди ёзнинг олачалпоқ булуту сингари ўткинчидир. У чақмоғию момақалди роғи билан келса ҳам сизни қўрқитмасин, чунки бундай булутлар кўп ҳолларда қақшаган ўлик ерни тириктирувчи ёмғир олиб келади.

Тез-тез оилангиз билан сайилларга чиқиб туринг. Албатта, болаларингизни яхшироқ била бошлашингизда, ҳаётингизни янгидан бошла-

шингизда ва чарчоғу малолларингизни кетказишда сайллар сизга ёрдам беради.

Ким ўз уйида бахтиёр бўлмаса, бошқа жойда ҳаргиз бахтли бўла олмайди. Шунини яхши билинг: нафсингиз роҳат топадиган, кўнглингиз хотиржамликка эришадиган, такаллуфдан йироқ ер ўз уйингиздир.

Илм ва маданият шарафи хоссатан одамларга яхшилик ўргатган ва улар билан яхши муносабатда бўлган кишилар учун боқий мулкдир. Аммо шухрат ва мансаб шарафи ўткинчи соя ва сохта шарпадир.

Фикрни ўз ҳолига ташлаб қўйилса, у гуноҳлар эшигини тақиллатади, натижада дард-алам ва ҳафачилик юзага келади. Уни ўз ҳолига қўйсангиз, енгилтак бўлиб қолади. Уни фойда келтирадиган ишга боғлаб қўйинг.

Одамларга аралашиб, уларнинг беҳуда гапларини эшитиш ва узундан-узоқ йиғинларида ўтириш қалб қорайиши ва кўнгли ғашлигига сабаб бўлади. Илм ва ибодат учун қилинган узлат жуда катта самара беради.

Энг шарафли йўл – масжид сари юрган йўлингиз. Энг тинч йўл – уйингизга элтадиган йўлингиз. Энг улуғ кўриниш – Аллоҳга қилган саждангиздир.

Чиройли овозда Куръон эшитиш, Аллоҳга боғланган қалб билан зикр этиш, ҳалол мол-мулкдан эҳсон қилиш ва фасоҳатли тил ила ваъз-насихат айтиш қалбга шодлик ва нафсга босиқликни ато этади.

Гўзал ахлоқ ва аслзода табиат чиройли юз, қора кўз ва назокатли чехрадан яхшироқ. Чунки маънавий гўзаллик шаклий гўзалликдан юксак туради.

Агар минглаб одам умрини бекорчилик, ўйинкулги ва маънисиз совуриш билан ўтказаетганини кўрсангиз, яхши амаллар қилаётганингиз учун

Аллоҳга ҳамд айтинг. Чунки мусибат етган кишини кўрган одам ўзининг хотиржамлигидан хурсанд бўлади. Кофирни кўрсангиз, мусулмон қилиб қўйгани учун Аллоҳга ҳамд айтинг. Фосиқ-фожирни кўрсангиз, тақводор қилиб қўйгани учун Аллоҳга ҳамд айтинг. Жоҳил, илмсизни кўрсангиз, илмли қилиб қўйгани учун Аллоҳга ҳамд айтинг. Аллоҳ кимнидир оғир имтиҳон қилаётганини кўрсангиз, сизники енгил кечгани учун Аллоҳга ҳамд айтинг.

Куёш сиз учун яратилди, унинг зиёсига чўмилинг. Шамоллар сиз учун яратилди, унинг шабадасидан хузурланинг. Анҳорлар сиз учун яратилди, унинг сувларидан лаззат олинг. Мевалар сиз учун яратилди, унинг фойдаларидан баҳраманд бўлинг. Ўзининг олийлигида буюк бўлган Зотга бу ҳаद्याлари учун ҳамду санолар айтинг.

Кўр киши оламини кўришни, кар овозларни эшитишни, ўтириб қолган киши қадамлар ила юришни, соқов гапиришни истайди. Сиз кўрасиз, юрасиз, эшитасиз ва гапирасиз.

Ҳаётда ҳеч бир киши мукамал эмас. Кимнингдир уйи бўлса, машинаси йўқ. Кимнингдир жуфти бўлса, мансаби йўқ. Кимнингдир иштаҳаси бор-у, таом тополмайди. Яна кимнингдир ейдиган барча нарсаси бор, лекин ейишдан ман қилинган.

Масжид – охират бозори. Китоб – умрнинг дўсти. Амал – қабрдаги энг яқин дўст. Гўзал хулқ – шараф тожи. Сахийлик – энг гўзал либос.

Худосизларнинг китобини ўқишдан сақланинг. Чунки унда қалбни булғайдиган бузуқлик, жонни ўлдирадиган заҳар, виждон азобига олиб борадиган кир ва доғлар бор. Сиз учун руҳингизни поклайдиган, дардингизга шифо бўладиган ваҳийдан ҳам яхшироқ китоб йўқ!

Ғазабланиб турган ҳолингизда қарор чиқарманг, кейин надоматда бўласиз. Чунки ғазаб ақлни оздиради, ўй-хаёлни йўқ қилади ва фикрни камчиликли қилади.

Йўқолиб қолган, ё қамоққа тушган киши ҳафа бўлиб ўтирмасин. Кўрқув келажакни тузатмайди, хавотир ғалабани таъминламайди. Аксинча, хотиржам нафс ва рози қалб саодатнинг икки қанотидир.

Одамларни ҳурмат қилмай туриб улардан ҳурмат кутманг. Муваффақиятсизликларингизда бошқаларни эмас, ўзингизни маломат қилинг. Бошқалар сизга эҳтиром кўрсатишларини истасангиз, олдин ўзингиз уларни эҳтиром қилинг.

Қасрлар тезда харобага айланишини билган кулба эгаси бисотидаги шу кулбасига рози бўлиши, ҳарир кийимлар ҳам бир куни йиртилиб адо бўлишини билган ямоқ тўнли киши шу кийимга қаноат қилиши лозим.

Нафсининг истакларига эргашаверган кимсанинг хаёли бўлиниб, ишлари қийинлашади ва ғам-ташвиши ортиб бораверади. Чунки нафс хоҳишларининг чек-чегараси йўқ. У ўта ёмонликка буюрувчидир.

Эй боласидан айрилган зот, жаннатдаги “ҳамд” қасри сизга бўлсин! Дунё яхшиликларидан маҳрум бўлган зот, боқий жаннатда сизни мукофотингиз кутмоқда!

Кушнинг ризқи уясига ўзидан-ўзи келмайди. Арслоннинг таоми инига келтириб берилмайди. Чумолининг озуқаси унинг уясига келтириб берилмайди. Уларнинг барчаси ўз ризқини излаб меҳнат қилади. Сиз ҳам улар каби меҳнат қилиб ризқингизни изланг. Шунда улар каби фаровонликка эришасиз.

**“Улар ҳар бир қичқирӣқ (овоз)ни устиларига (тушаётган бало ва офат деб) гумон қиладилар”<sup>390</sup>.**

<sup>390</sup> Мунофиқун сураси, 4-оят

Бундай кимсалар ўлим соатлари келмасидан илгари ўлади, мусибатларни кутиб туради, барча овоз, ҳаракат ва шарпадан хавфсирайди. Чунки уларнинг қалблари манфур ва жонлари узилгандир.

Агар Аллоҳ сизни бир ҳолатда қолдирган бўлса, сиз ундан бошқасини талаб қилманг. Зеро, У сизнинг ҳолингизни ўта яхши билади. Агар сизни фақир қилиб қўйса, “Қани эди мени ҳам бой қилиб қўйса”, деманг. Доимо Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлиб яшанг.

Бирон сафардан қолиб кетишингиз балки сиз учун хайрлидир. Балки бирон аёлга етиша олмаганингиз сизга баракот бўлар. Бирон лавозимдан ажралишингиз сиз учун ислоҳотдир балки. Зеро, Аллоҳ ҳамма нарсани билувчи Зот. Сиз эса бирон ишнинг оқибати нима эканини билмайсиз.

Ҳарсангтош дарахтдан, темир ҳарсангтошдан, олов темирдан, шамол оловдан кучлироқ. Имон уларнинг ҳаммасидан кучлидир.

Сиз кўрган ёмонликлар унутилмас сабоқ, бошингизга тушган мусибатлар хотирангиздан ўчмас издир. Шунинг учун ҳам улар инсон хотирасида абадий қоладиган ҳужжатлардир.

Муваффақият машаққат, сабр-бардош, жароҳатлар ва безовталиқ каби машаққатлар маҳсули бўлса, муваффақиятсизлик парвосизлик, дангасалиқ, ожизлик ва писандсизлик “самара”сидир.

Фойдали илм, солиҳ амал ва ўзидан қоладиган гўзал мақтовларга эмас, ўткинчи шуҳратга хирс қўйган киши ғайрату ҳимматсиз оддий кишидир.

Бир ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Эй Билол, намозга чорлаб бизни роҳатлантир”**, дея марҳамат қилганлар. Албатта, намоз сакинат, омонлик дарёси ва тонгда эс-

ган ёқимли шабададир. У ила ғам-қайғу алангаси сўнади.

Раббингизга исён этмаган ва бирон кишига зулм қилмаган кунингиз хотиржам ухлайверинг. Сизнинг охират улушингиз олий, амалингиз гўзал бўлибди. Сизга ҳеч ким душманлик қила олмайди.

Одамлар унинг ҳаққига хайрли дуо қилган ҳолда кунини кеч қилган кишига омонлик, кишилар унинг ҳаққига ёмон дуо қилган ҳолда кунини ўтказган кимсага ҳалокат бўлсин! Юраклар севган кишига хушxabар, тиллар лаънатлаган кимсага эса ҳасрат, надомат бўлсин.

Агар дунё маҳкамасида адолат топмасангиз, даъвонгизни охират маҳкамасига қолдирилинг. У ерда гувоҳ фаришталар, даъволар ҳимояланган ва ҳукм чиқарувчи адолатлиларнинг энг Адолатлиси Аллоҳ таоло бўлади.

**“Бас, Мени эсланглар, (Мен ҳам) сизларни эслайман”<sup>391</sup>** Агар эслашнинг Аллоҳ таоло эсловчи бандасини эслашидан бошқа фойдаси бўлмаганида ҳам шунинг ўзи етарли даражадаги фойда бўлар эди.

Поклик имоннинг бир қисмидир. У хатоларни кетказади, гуноҳларни битта қўймай ювади, сизни подшоҳлар Подшоҳи ҳузурига чиқишингиз учун тозалайди.

Сизга қандай яхши! Намоз ўзидан олдинги хатоларни ёпади, намоз вақтидаги камчиликларни ўчиради, ўзидан кейинги ишларни тузатади ва намозхондан асирликни кетказади. У кўзлар қувончидир.

Доимо одамлар ҳурматини қозонишга ҳаракат қилиб, уларнинг таънаю дашномларига парвосиз кимсалар кўпинча бахтсиз умр кечиради. Чунки, шуҳратпарастлик бахт кушандасидир.

<sup>391</sup> Бакара сураси, 152-оят.

Бахтга эришиш учун бу борадаги назарий фикр-мулоҳазаларнинг ўзи етарли эмас. Унга етишиш учун кунда маълум муддат пиёда юриш, сафарларга чиқиш, оила билан сайилларга бориш каби кўнгилочар ишлар, солиҳ амал ва амалий ҳаракатлар ҳам лозим.

Чивин арслонга қанча хиралик ва азият берма-син арслон унга парво ҳам қилмайди. Чунки унинг бошқа муҳим ишлари бор.

Нуқул ёмонликларни кўрадиган кимсадан эҳтиёт бўлинг. Унга гул тутсангиз, тиканидан нолийди. Сув берсангиз, ичидан чўп топади. Күёшни мақтасангиз, иссиғидан шикоят қилади.

Саодатли бўлишни истайсизми? Уни узоқдан изламанг. У сизнинг гўзал фикр ва хаёлингизда, неқбин иродангизда, яхшилик истаган қалбингизда, бир сўз билан айтганда, у сизнинг ўзингизда.

Бахт атрофдагиларга сепишнинг имкони бўлмаган ҳушбўй мушк кабидир. Уни ўзингиздан ўзгага улаша олмайсиз.

Бизнинг мусибатимиз кунда Аллоҳдан кўра ўзгалардан юз чандон кўп кўрқамиз. Кеч қолишдан, ишда хато қилишдан, шошилишдан, бирон кишининг ғзабидан, фалончининг шубҳасидан...

Кўплар “саодат вақтинча, ғам эса доимий” деб эътиқод қилишади. Улар бахтнинг ўлимига имон келтириб, ғамнинг ўлимига куфр келтиришади.

Айримларимиз кенг денгизда бўлса-да ўзини “кичик ҳовузчада” деб ўйлайдиган балиққа ўхшаймиз. Ўзимиз имоннинг кенг оламида яратилган бўлсак-да, нафсимизни кароҳат, кўрқув, адоват ва қайғу қафасига қамаймиз.

Ҳаёт – бебаҳо неъмат. Ҳадя ва эҳсонларга ҳақли кишиларгина эришади. Аммо ҳаёт унга кулганида у йиғласа, табассум қилганида тиш кўрсатиб ирилласа, бундай кимсалар абадиятга ҳақли эмас.

Бир овчи тутиб олган қушини қафасга солса, қуш сайрай бошлабди. Шунда овчи: “Ҳозир куйлашнинг мавридими?!” деса, қуш: “Бир саодатдан бошқасига етиш роҳатдир”, деган экан.

Не сабаб итларнинг хуришини эшитасиз-у, қушларнинг чиройли сайрашига қулоқ тутмайсиз?! Нима учун туннинг қоронғулигини кўрасиз-у, ой ва юлдузлар гўзаллигига боқмайсиз?! Нима сабабли асаларининг чақишидан шикоят қиласиз-у, асалининг ширинлигини эсдан чиқарасиз?!

Отамиз Одам (алайҳиссалом) хатоларига тавба қилгач, Аллоҳ У зотни сайлади, танлади ва ҳидоят қилди. У зотнинг наслидан анбиёлар, шаҳидлар, авлиёлар ва уламоларни чиқарди. Одамнинг (алайҳиссалом) даражалари гуноҳ қилмасларидан олдингидан-да юқори бўлди.

Тўфон вулқон каби қутурганида Нуҳ (алайҳиссалом): “Ё Раҳмон, ё Маннон!” дея илтижо қилдилар. Кўз очиб юммасларидан Аллоҳнинг нусрати келди. У зот ва имон келтирганлар қутулдилар, аммо куфр келтирганлар хасрат чекиб, қирилиб кетади.

Юнус (алайҳиссалом) денгиз қаърида зулматда қолдилар. Шу ҳолда эканларида хатоларини эътироф қилдилар ва камчиликка йўл қўйганлари учун кечирим сўрадилар. Шунда чақмоқ мисол тез Аллоҳнинг ёрдами келди. Чунки у зотнинг муножотлари самимий эди.

Довуд (алайҳиссалом) хатоларини кўзёшлари ила ювдилар. У зотнинг тавба кийимлари оқ бўлди. Чунки унинг матоси меҳробда тўқилган, тўқувчиси эса тўғрисўз эди. У кийимни саҳар чоғи ювдилар.

Агар бир иш сизга машаққат туғдирса, қийинчилик юрагингизни сиқиб юборса ва умидсизликка тушсангиз, унда ёруғ кунлар яқин.

Агар Аллоҳ сизнинг ғамингизни аритишини истасангиз, ҳар қандай махлуқдан тама қилманг. Аллоҳдан ўзгага боғланиб қолманг. Одамлардан умидингизни узинг.

Нафс идишда ўз рангини қолдирадиган суюқликка ўхшайди. Агар сизнинг нафсингиз рози ва бахтиёр бўлса, сиз саодат, яхшилик ва гўзалликка эришасиз. Аксинча, норози ва ғазабнок бўлса, бахтсизлик, ёмонлик ва қабоҳатга “эришасиз”.

Агар Раббингизга итоат этсангиз, бориға рози бўлсангиз ва йўқотганларингизга парво қилмансангиз, барча мақталган талаблар ва мақсадга эришибсиз.

Қалбида имон ва зикр бўстони, зехнида тажриба ва илм боғи бўлган киши қўлдан кетган дунёсига афсусланмайди.

Бахтсиз кимса ҳали туғилмаган боласининг ҳам ташвишини қилади. Унга уй куради, муносиб иш тайинлайди. Ундай кимса саробга алданиб, уйғоқлигида туш кўради.

Саодат ғамнинг йўқлиги, хавотир ва қўрқувни ташлашдир.

Табассум ҳалол сеҳрдир. У муҳаббат кафолати, биродарлик ишораси, саломатлик ва муҳаббатни ўзида жамлаган вазифа, ўзгариб турувчи садақадир. Табассум эгаси розилигидан, хотиржамлигидан ва собитқадамлигидан далолат берувчи мақбул садақадир.

Дунё матоларидан ўзингизга бир чегара қилишингиз лозим. Масалан, яшашингиз учун бир уй, ризқ топиш учун бирон касб ва минишингиз учун машина. Аммо тама эшикларини кенг очиб юбориш бадбахтликдир.

**“Ҳақиқатан, инсонни (дин ва дунё ишларида меҳнат ва) машаққатда (бўлиш учун) яратдик”<sup>392</sup>.** Ҳа, одамнинг ҳаёти ўзи шу: умри да-

<sup>392</sup> Балад сураси, 4-оят.

вомида меҳнат, машаққат ва қийинчилик кўради. Одам ўзи бу ҳолатини эътироф этиши, ҳаётига мос ишлар қилиши лозим.

Кунини ўйин-кулгу, бекорчи ишлар ёки ов билан ўтказаятган кимсалар бахтлимиз деб ўйлайди. У бечоралар қимматли вақтларини давомли хасрат-надомат ва ғам-ғуссага алмашаятганини билмайди. Чунки у бурчлари вақтичоғлик ўртасидаги мувозанатни бузаяпти.

Ҳаётингиздаги барча ортиқча нарсалардан – ҳамёнингиздаги ошиқча пул, столингиз устидаги ортиқча қоғозлардан... халос бўлинг. Зеро, ҳожатдан ортиқ нарса дўймо зарарли ҳисобланади.

Саҳобалар (розияллоху анҳум) инсонларнинг энг саодатлиси эдилар. Чунки улар ишларда чуқур кетмас эдилар. Улар асосий ишларга эътибор қаратар, фақатгина мақсадли ишлар билан шуғулланар эдилар.

Диққатингизни жамланг. Ибодатларда қалб ҳузурини лозим тутинг. Илмсиз амалда, ҳушусиз намозда ва тадаббурсиз қироатда фойда бўлмайди.

**“Покиза аёллар покиза эркаклар учун...”**<sup>393</sup>

Бахти мукамал, улфату шодлик том бўлсин учун сўзларнинг, амалларнинг, хулқларнинг ва аёлларнинг энг покизалари покиза, аброр зотларга берилади.

**“Улар (мазкур тақводорлар) фаровонлик ва танглик кунларида ҳам хайр-садақа қиладиган, ғазабларини ютадиган, одамларни (хато ва камчиликларини) афв этадиганлардир”**<sup>394</sup>. Улар ғазабларини беркитадилар; ҳақорат, адоват, азият асарини кўрсатмайдилар, балки ўз нафсларига қаҳр қилган ҳолда қасосни тарк этадилар. Ана ўшалар афв ва кечиримни баланд тутган,

<sup>393</sup> Нур сураси, 26-оят.

<sup>394</sup> Оли Имрон сураси, 134-оят.

бағрикенгликни шиор қилган ва ўзларига азият берганларни кечирган зотлардир. Улар одам бола-сига асло ғазаб қилмайдилар. Балки ҳалимлик ва олижанобликнигина намоён этадилар.

**“Аллоҳ эзгулик қилувчиларни севар”<sup>395</sup>.** Эзгуликпарвар зотлар ўзларига зулм қилган кимсаларни кечирадилар. Нафақат кечирадилар, балки золимларга моллари, обрў-эътиборлари ҳамда саховатлари ила яхшилик қиладилар. Одамлар уларга ёмонлик қилса, улар гўзаллик ила жавоб қайтарадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг мақом-мартабалари олий бўлади.

Бирон киши билан учрашиш, бирон жойни зиёрат қилиш ёки маълум бир ишни амалга ошириш сингари сизни хурсанд қиладиган ишларни аниқлаб олинг ва уларни бирон дафтарчага қайд қилиб қўйинг. Сизни шодлантирадиган бирон яхши одатни кўрсангиз ҳам шу дафтарчангизга қайд қилиб қўйинг. Бир ҳафта ўтгач сизни бахтиёр эта оладиган гўзал бир қўлланмага эга бўласиз.

Бирон ишда нафсингиздан рози, амалингиздан кўнглингиз тўқ ҳамда тўғри йўлда эканингиздан хотиржам ҳолда танқидларга эътибор қаратмай бир қарорга келиш ўта муҳимдир. Зеро, бахт шубҳа ва гуноҳ бор ердан қочади.

Одамлардан ажраб, яккаланиб қолманг. Ёлғизлик бахтсизлик эшигидир.

Тушкунлик ва умидсизликка қарши курашинг. Бирон нарсадан ранжисангиз, ўзингизга ёққан бирон ишга тутининг: спорт билан шуғулланинг ёки дўстлар билан сайр этинг. Шунда руҳингиз ва ақлингиз таскин топади.

Бирон ишни мукамал қила олмадим, деб асло ўқинманг. Улуғ зотларнинг ҳам барча ишлари мукамал бўлган эмас.

<sup>395</sup> Оли Имрон сураси. 134-оят.

Рақобатда ва мусобақада ҳаддан ошманг. Ўзингизга ортиқ даражада талабчан бўлманг. Хусусан, бахтиёр ҳолингизда ўзгалар устидан ғалаба қилиш одатиңи, у билан рақобатлашишни ташланг.

Ҳисларингизни яшираверманг. Уларни сиқавериш кишини ёлғизликка ва бахтни илғай олмасликка олиб боради. Туйғуларингизни беркитмай, уларни муносиб бир услубда ошкор қилиб туринг.

Кўпчилик кишилар ўзгаларнинг умидсизлиги ва бахтиқаролиги учун ўзларини айбдор санаб, ўкиниб юради. Ҳолбуки уларнинг бунда заррача айблари йўқ. Шуни билингки, ҳар бир киши ўзи қилган амалига масъул, ҳар қандай меҳрибонлик ва ёрдамнинг ҳам чегараси бор, ҳар қайси инсон ўзига ўзи шоҳиддир. “(Ҳеч бир) **кўтарувчи** (гуноҳкор) **ўзга** (жон)нинг **юки** (гуноҳи)ни **кўтармайди**”<sup>396</sup>.

Тез қарор қилишга одатланинг. Бирон ишда қарор қабул қилишда сусткашлик қиладиган кимсалар ўз бахтли кунларининг соатларини, кунларини, хатто бир неча ойларини йўқотадилар. Зудлик билан бирон қарор қабул қилиш кейинчалик ушбу қарордан қайтиб ёки уни тузатиб бўлмайди дегани эмас.

Имкониятларингиз чегарасини билинг. Бирон ишни қилмоқчи бўлганингизда “Ўз қадрини билган кишига Аллоҳ раҳм қилсин” деган ҳикматни эсланг. Ёшингиз элликка чиқиб, спорт билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, юриш, сузиш ё бўлмаса теннисни танланг. Улар билан давомли шуғулланиб, тажрибангизни ошириб боринг. Аммо футбол ҳақида ўйлаб ҳам кўрманг.

Нафсингизни таниш йўлларини ўрганинг. Ҳаёт уммонида ўзига бериладиган қулай фурсатни кут-

<sup>396</sup> Анъом сураси, 164-оят.

май, бирон ишга киришиш аҳмоқликдир. Ўзининг кимлигини билмайдиган кимсалар имкониятлари чегарасини ҳам билмайди.

Жисмоний ва ақлий фаолиятда ўртача бўлинг. Юнонлар дам олмайдиган, хордиқ чиқармайдиган кишилар инсонийликдан айрилади деб қаттиқ ишонади.

Ҳар қандай фавқулодда ҳодисаларга тайёргарлик кўринг. Ажойиб ҳаётга эришишнинг ягона йўли – хавф-хатарларни енгиш. Бундай мақомга фавқулодда ҳодисаларга тайёргарликсиз эришиб бўлмайди. Сиз ўзингизни турли йўллар билан мазкур ҳолатларга тайёрланг. Мисол учун, чўкиб кетишдан сақланиш учун сузишни ўрганинг. Ва ҳоказо.

Очилмайдиган қулф, ечилмайдиган тугун, етиб бўлмайдиган масофа бўлмайди. Аммо барчасининг ўз вақти бор.

**“Эй имон келтирганлар! Сабр ва намоз билан (Мендан) ёрдам сўранглар!”<sup>397</sup> Сабр ва намоз. Бу иккиси ҳаёт озуқаси, сафар захираси, орзулар эшиги ва хурсандчилик калитидир. Сабрли, намозларини вақтида адо этадиган кишиларга шодлик, ғалаба ва нусрат мубо-рак бўлсин!**

Ҳазрати Билол (розияллоҳу анҳу) ҳар қанча хўрланиб, азоблансалар-да “Аҳад, Аҳад” деган сўзларидан қайтмадилар. Сабаби у зот “(Эй Мухаммад!) **Айтинг: “У Аллоҳ ягонадир”<sup>398</sup>** оятининг маъносини яхши билар эдилар. Ҳазрати Билол (розияллоҳу анҳу) шунча хўрланган бўлсалар-да, жаннатга кирган чоқларида эришган неъматлари олдида бу кўрган азобу уқубатлари арзимас нарса эканини биладилар. Ҳақиқатдан ҳам, эри-

<sup>397</sup> Бақара сураси, 153-оят.

<sup>398</sup> Ихлос сураси, 1-оят.

шилган нарсалар сарфланганидан чандон-чандон ортиқдир.

Дунё ўзи нима? Агар у қимматбаҳо кийим бўлса, сизга хизмат қилиши ўрнига сиз унга хизмат қиласиз. Агар у гўзал ёр бўлса, муҳаббати қалбингизни вайрон қилади. Агар у мол-давлат бўлса, кўпайгани сари сиз унга қўриқчи бўласиз. Унинг хурсандчилиги шу бўлса, қайғуси қандай бўларкин?!

Ақлли кишилар бахтга илм ёки мол-давлат ё бўлмаса обрў-эътибор билан эришишга интиладилар. Аммо улар ичида энг бахтиёри имонли зотлардир. Чунки у ҳар замон ва ҳар маконда бахтли бўлади. Хатто ўлим ҳам унинг учун бахт.

Қалбнинг шубҳа, ғазаб, эътироз, гумон, шаҳват каби иллатлардан поклиги саодатдир.

Энг ақлли киши – одамларга нисбатан кечиримли бўлгандир. У ўзгаларнинг сўзларини ишларини яхшиликка буриб кетаверади. Бу тугими билан ўзи ҳам роҳатланади, ўзгаларни ҳам роҳатлантиради.

**“Бас, сенга берганимни (қабул этиб) ол ва шукр қилувчилардан бўл!” деди (Аллоҳ)<sup>399</sup>. Ўзингизда бор нарсага қаноат қилинг, тақдирингизга рози бўлинг. Ўзингизни фойдали ишлар билан машғул қилинг ва сизни муқаррам айлаган Аллоҳга ҳамд айтинг.**

Кун бўйи бир хил иш – Куръон ўқиш ёки фикр юритиш ё бўлмаса китоб ёзиш ёки бирон нарса ёдлаш... билан банд бўлиш тўғри эмас. Кунингизни ранг-баранг амаллар ила тўлдилинг. Хилма-хиллик нафсни шижоатли қилади.

Намоз киши вақтини тартибга солади. Ҳар бир намоздан кейин бирон фойдали ишни одат қилинг.

<sup>399</sup> Аъроф сураси, 144-оят.

Аллоҳ бандаси учун ихтиёр қилган нарса унга хайрлидир. Албатта, Аллоҳ бандасидан кўра билимдонроқ ва унга онасиданда меҳрибонроқдир. Банда Раббининг ҳукмига рози бўлиши, ишларини Унга топшириши ва Рабби ила кифояланиши лозим.

Ожизлиги ва заифлиги сабаб банда ғайб пардаси ортидаги нарсаларни кўра олмайди. У фақат ишларнинг сиртини кўриши, тушуниши мумкин. Яширин нарсаларнинг илми Аллоҳгагина аён. Қанчадан-қанча машаққатлар аслида тухфа, зарарлар эса фойда бўлиб чиққан. Яхшиликлар одатда қийинчилик ва ёқтирилмаган нарсалар ортига беркинган бўлади.

Отамиз Одам (алайҳиссалом) ман қилинган дарахт мевасини еб, Аллоҳга осий бўлдилар. Аллоҳ у зотни ерга туширди. Шунда асл ҳақиқат очилди. Яъни, Одам (алайҳиссалом) тўғри ва гўзал ишни ташлаб, ёмон ҳолга тушдилар. Аммо ишнинг охири улкан яхшилик ва буюк фазилат бўлиб чиқди. Аллоҳ у зотнинг тавбаларини қабул қилди, ҳидоятга бошлади ва поклаб, пайғамбар қилди. У зотнинг авлодларидан элчилар, пайғамбарлар, авлиёлар, уламолар, шаҳидлар, Узининг йўлида жидду жаҳд қилувчи бандалар, обидлар ва инфоқ-эҳсон қилувчи кишиларни чиқарди.

Аллоҳ таоло у зотнинг илк ҳолларини баён қилиб, бундай марҳамат қилади: **“Биз яна айтдик: “Эй, Одам, сен ва жуфтинг (Ҳавво) жаннатда яшанглар ва хоҳлаган жойларингда ундан (неъматларидан) бемалол тановул қилинглар”**<sup>400</sup>.

Кейинги ҳоллари борасида эса бундай дейди: **“Сўнгра Парвардигори уни поклаб, тавбасини қабул этди ва ҳидоятга йўллади”**<sup>401</sup>.

<sup>400</sup> Бакара сураси, 35-оят.

<sup>401</sup> Тоха сураси, 122-оят.

У зотнинг илк ҳоллари дунёвий ишлардан ўзга ташвиши бўлмаган оддий кишилар каби еб-ичиш ва ҳамма қатори яшашдан иборат бўлса, тавба, поклик, ҳидоят ва нубуватдан кейинги ҳоллари улуғ мақом, буюк мартаба ва юксак шараф бўлди.

Довуд (алайҳиссалом) хато қилгач надомат чекиб йиғладилар. Бу хатоларининг натижаси у зотга берилган неъматлар ичидаги энг буюкларидан бири бўлди. У зот ҳақиқий залил, синик, Парвардигордан кўрққан ва итоат этган ҳолда Уни танидилар. Бандаликнинг чин моҳияти ҳам ана шудир аслида. Зеро, Аллоҳ азза ва жаллага синикнафслик қуллик арконларидандир. Аллома Ҳарронийдан Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Мўминнинг ҳолидан ажабланиман – Аллоҳ тало унга нимани ҳукм қилса ҳам унинг учун яхшилик бўлади”**, деган ҳадислари борасида сўраб: “Бу ҳадис бандага маъсиятни ҳукм қилишни ҳам ўз ичига оладими?” деб сўрашди. Шунда у киши: “Агар тавба, надомат, истиғфор ва ўзини паст тутиш каби шартлари бажарилса, ҳа”, деб жавоб бердилар. Бундан нима кўринади? Бандага гуноҳни тақдир қилиш зоҳирда ёқтирилмайдиган иш бўлсада, шартлари бажарилган ҳолда унинг асли яхшилик бўлади. Бу ҳолат пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларида янада ёрқин ва равшан намоён бўлади.

У зотнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳаётларида содир бўлган, сиртидан ёқимсиз кўринган ҳодисаларнинг бари охир-оқибат ёқимли, яхши иш бўлиб чиққан. Макка аҳлининг у зотни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёлғончига чиқариши, у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қарши урушлари Аллоҳ йўлидаги курашнинг бошланиши, Унинг нусрати ва Унинг йўлида жон фидо қилишга сабаб бўлди. Аллоҳ Ўз элчисига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нусрат берган ана

шу курашлар у зот (соллаллоху алайҳи ва саллам) учун ғалаба ҳамда Наъим жаннати меросхўрлари бўлган зотларнинг шаҳидлигига сабаб бўлди. Агарда Макка аҳлининг қаршиликлари бўлмаганида бу яхшиликлар ва улкан ғалабалар қаёқда эди. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) Маккадан чиқарилганларида ёмон кўринган ҳолат аслида яхшилик, зафар ва инъом бўлиб чиқди. Мана шу сафар туфайли Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) Мадинада янги бир давлат барпо қилдилар, имон аҳли куфр аҳлидан ажради, имонида ва сафариди тўғрисиўзлар билан ёлғончилар маълум бўлди.

Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам) ва асҳоблари Уҳудда мағлубиятга учраганларида, бу ҳол кўпчиликни ташвишга солди, нафсларга оғир ботди. Аммо ботинда у зотга (соллаллоху алайҳи ва саллам) яхшиликлари намоён бўла бошлади. Энг биринчи галда асҳоблар қалбидаги Бадрдаги ғалабадан фахрланиш, ўзларига ишониб, ўз кучларигагина таяниш йўқолди. Бундан ташқари пайғамбаримизнинг суюкли амакилари Ҳамза, Ислом элчиси Мусъаб, Абу Жобир Абдуллоҳ сингари бир қанча саҳобалар (розияллоху анҳум) шаҳидлик мартабасига эришдилар. Бу жанг туфайли мусулмонлар ва мунофиқлар ўртаси ажралди. Аллоҳ уларнинг сирларини очиб, пардаларини йиртиб ташлади. Пайғамбар (алайҳиссалом) ҳаётларидаги қолган ҳодисаларда ҳам шулар каби ибратлар кўп.

Аллоҳ бандаларига фақатгина яхшиликни ирода қилишини билган кишига мусибатлар аҳамиятсиз, машаққатлар енгил бўлиб, унга Аллоҳнинг лутфи ёғилади. У банда тушган ҳолати натижасида эришган нарсаларидан, Аллоҳнинг лутфига ишончдан шодланади. Қайғу, ғам ва аламлари

кетгач, Аллоҳнинг карами кенглигига, бандасига яхшилиқни ихтиёр қилишига гувоҳ бўлиб, қўнгил фараҳга тўлади. Барча ишларини Аллоҳга топширади ва ҳаётидаги ҳеч бир ҳодиса учун ажабланмайди, эътироз билдирмайди, ҳасрат чекиб шикоят қилмайди. Балки то боши узра соя солган мусибат булутлари тарқалиб, ишнинг оқибати равшан бўлгунича сабр этади ва ҳар қандай ҳолда Раббига шукр қилади.

Нух (алайҳиссалом) Аллоҳнинг тавҳидига даъват йўлида эллик йил кам минг йил азият чеқдилар. У зот (алайҳиссалом) то Аллоҳ таоло душманларини тўфонда ҳалок қилиб, мўминларга нажот бергунига қадар Аллоҳнинг ажрини умид қилган ҳолда сабр-бардош ила эртаю кеч даъватларида давом этдилар.

Иброҳим (алайҳиссалом) ўтга ташландилар. Аллоҳ таоло у зотга оловни салқинлик ва саломатлик қилди. У зотни Намруддан ҳимоя этади, қавмларининг макридан нажот берди ҳамда динларини ер юзида жорий қилди.

Малъун Фиръавн Мусога (алайҳиссалом) қарши фитналар уюштирди, турли азиятлар бериб, ортларидан қувиб ҳужум қилди. Аммо Аллоҳ таоло Мусога (алайҳиссалом) нусрат берди, рақибларнинг ёлғон макрларини ютиб юборувчи ҳасса ато этди, денгизни ёриб, у зотни (алайҳиссалом) ва қавмларини эсон-омон ўтқазди, душманларини шу денгизга чўктириб, шарманда қилди.

Бани Исроил қавми Исога (алайҳиссалом) қарши уруш очди, ўзлари ва оналари ҳамда рисолатлари борасида азият берди ва у зотни ҳатто ўлдиришга уринди. Аллоҳ таоло эса Исони (алайҳиссалом) ўз ҳузурига кўтарди, душманларига қарши нусрат берди ва рақибларини ҳасрат-надоматда қолдирди.

Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қаттиқ азиятлар беришди. У зотни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ёлғончига чиқаришди. Масхаралаб, устиларидан кулишди. Сўкиб, ҳақоратлашди. Сеҳргарлик, фолбинлик, қохинлик, мажнунлик, шоирликда ва уйдирмалар тўқишда айблашди. Маккадан ҳайдаб солишди, уруш қилишди, асҳобларини ўлдиришди, аёлларига тухмат ёғдиришди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) турли машаққатларни бошдан кечирдилар, босқин ила таҳдид этилдилар. Баъзан кунларни оч-наҳор ўтказдилар, фақирликда қолдилар. Жароҳатландилар, ҳимоячи амакилари Абу Толиб, суюкли умр йўлдошлари Хадичадан (розияллоҳу анҳо) айрилдилар. Бир водийда қамал қилиниб, очликдан ўзлари ҳам, яқинлари ҳам то дарахт баргларини истеъмол қилгунга қадар шу ерда қолдилар. Қизлари ҳаётлик чоқларида вафот этди. Ўғиллари Иброҳимнинг жони кўз олдиларида олинди. Уҳудда мағлубиятга учрадилар, амакилари Ҳамза (розияллоҳу анҳу) шаҳид бўлдилар ва жасадлари бурдаланди. У зоти муборак (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) гоҳида арпа нони ҳам топа олмас, баъзан очликдан қоринларига тош боғлаб олар эдилар. Хуллас, дин душманлари у зотга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳар турли азиятни бериб кўрдилар. Аммо охир-оқибат фойда кўрган у зот бўлдилар. Нусрат у кишининг ҳамроҳлари, ғалаба эса дўстлари бўлди. Аллоҳ Ўз динини устун қилиб, бандасига нусрат берди, рақибларини ер билан битта қилди ва уларни шармисор айлади. **“Аллоҳ (Ўз) ишида ғолибдир, лекин одамларнинг аксарияти (буни) билмайдилар”**<sup>402</sup>.

Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ҳам Аллоҳ йўлида кўплаб азият ва машаққатларга бардош бердилар. Мол-давлатлари, обрў-эътиборлари, барча-барча

<sup>402</sup> Юсуф сураси, 21-оят.

нарсаларини Унинг йўлида сарфладилар. Натижада “Сиддиқ” лақабига эришдилар.

Умар (розияллоҳу анҳу) умр бўйи Аллоҳнинг йўлида курашдилар, тақвою зухдда намуна бўлиб, инсонлар орасида адолатнинг қарор топишига тирришдилар, бор-будларини Унинг йўлида сарфлагач, қонлари меҳробни алвон рангга бўяди.

Усмон ибн Аффон (розияллоҳу анҳу) Куръон ўқиб ўтирган чоқларида шаҳид этилдилар.

Дин йўлида жонфидо Али ибн Абу Толиб (розияллоҳу анҳу) масжидда хоинона ўлдирилдилар.

Ҳусайн ибн Алини (розияллоҳу анҳумо) ҳам Аллоҳ шаҳидлик ила сийлади. У зот (розияллоҳу анҳу) зулм ва адоват қиличи ила қатл этилдилар.

Зоҳид олим Саид ибн Жубайрни Ҳажжож қатл этди. Бу гуноҳ туфайли у хароб бўлди.

Абдуллоҳ ибн Зубайр (розияллоҳу анҳумо) ҳам Ҳарамда золим Ҳажжож ибн Юсуф тарафидан шаҳид қилиндилар. Аллоҳ бу ила у зотнинг (розияллоҳу анҳу) мартабаларини янада кўтарди.

Аҳмад ибн Ханбал ҳақ сўзни айтгани учун зиндонга ташланиб, калтакландилар. Натижада суннийлар имомига айландилар.

Халифа Восиқ Биллоҳ суннат даъватчиси Аҳмад ибн Наср Хузойини ҳақни сўзлагани сабабли ўлдирди.

Аллома Ҳарроний зиндонбанд этилиб, аҳлидан, яқинларидан ва китобларидан маҳрум этилди. Аллоҳ у зотнинг номини олий қилди.

Суннийлар йўлбошчиси Имом Абу Ҳанифа ҳам халифа Абу Жаъфар Мансур ҳукми билан калтакландилар.

Раббоний олим Саъид ибн Мусаййабни Мадина амири калтаклатди.

Мадина имоми Молик ибн Анасни шу ернинг амири калтаклатди.

Муҳаддис олим Абдуллоҳ ибн Авни Билол ибн  
Абу Бурда калтаклатди.

**Шеър:**

*Нону сувдан бошқа йўқдир ҳеч вақо,  
Лекин хотиринг жам ва ўзинг ризо.  
Китоб ўқиётган кичик бир ҳужранг  
Улкан қасрлардан эрур кўп аъло.*

## ХОТИМА

Келинг, сизу биз барчамиз ягона, беҳожат, зафарлар улашувчи, боши ва охири йўқ Зот – Аллоҳнинг розилигини қидирайлик. Унинг рубубият остонасига йиқилайлик. Унинг ваҳдоният эшиги олдида зорланайлик. Фақат Ундан сўрайлик ва Унгагина интилайлик. Неъматларни фақат Ўзидан талаб қилайлик ва кутайлик. У офият ва шифо берувчи, кифоя қилувчи, яратувчи, ризқ ато этувчи, тирилтирувчи ҳамда ўлдирувчи Зотдир.

**“Эй Раббимиз, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато этгин, охиратда ҳам яхшилик (ато этгин) ва бизни дўзах азобидан асрагин”<sup>403</sup>.**

Эй Аллоҳ, Сендан афв, хотиржамлик ва доимий соғлиқ сўраймиз.

Эй Аллоҳ, Сендан пайғамбаринг Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Ўзингдан сўраган яхши нарсаларни сўраб, паноҳ сўраган ёмон нарсалардан паноҳ тилаймиз.

Эй Аллоҳ, Сендан ғам-ташвиш ва маҳзунлик, ожизлик ва дангасалик, бахиллик ва кўрқоқлик, қарздорлик ва золимлар зулмидан паноҳ сўраймиз.

**“Қудрат эгаси Раббингиз улар тиркаётган сифатлардан (айбу нуқсондан) покдир. Пайғамбарларга салом! Ҳамд эса, (барча) оламларнинг Раббига (хосдир)”<sup>404</sup>.**

<sup>403</sup> Бақара сураси, 201-оят.

<sup>404</sup> Софат сураси, 180 – 182-оят.

## ҚАЙДЛАР УЧУН

МУНДАРИЖА

ДУНЁ КЕЗИНГ, АЛЛОҲНИНГ ҚУДРАТИГА БОҚИНГ.....	3
ТАҲАЖЖУД НАМОЗИНИ ҲҚИНГ .....	4
ЖАННАТГАГИНА ҚИЙМАТ БЕРИНГ .....	5
ЧИНАКАМ МУҲАББАТ .....	7
ҲҚИНМАНГ, ШАРИАТ ЕНГИЛ ВА ОСОНДИР .....	8
РОҲАТ АСОСЛАРИ .....	9
ИШҚДАН ЭҲТИЁТ БҮЛИНГ .....	10
БИРОДАРЛИК ҲАҚЛАРИ .....	13
ГУНОҲДАН КЕЙИН АЛЛОҲГА БОҒЛАНИШ... ЯҲШИСИ ГУНОҲ ҚИЛМАНГ! .....	13
РИЗҚ ИЗЛАНГ, АММО УНГА ҲИРС ҚҲЙМАНГ.....	14
БАҒРИКЕНГ ИСЛОМ.....	16
“...ҚҲРҚМАГИН! АЛБАТТА, СЕН ҲЗИНГ ОЛИЙ (ҒОЛИБ) ДИРСАН”.....	17
ТҲРТ ИШДАН САҚЛАНИНГ!.....	17
РАББИНГИЗ АЙТГАНЛАРИГА ИШОНИНГ.....	18
ИККИ БУЮК СҲЗ .....	19
МУСИБАТНИНГ ФОЙДАЛАРИ.....	20
ИЛМ ҲИДОЯТЧИ ВА ШИФОДИР .....	21
ШОЯД ЯҲШИЛИК БҮЛСА.....	21
САОДАТ – РАББОНИЙ ТОРТИК .....	22
ГҲЗАЛ ХОТИРА УЗОҚ УМРДИР .....	22
ПАРВАРДИГОР ЗУЛМ ҚИЛМАЙДИ.....	23
ТАРИХИНГИЗНИ ҲЗИНГИЗ ЁЗИНГ .....	24

АЛЛОҲНИНГ КАЛОМИНИ ТИНГЛАНГ .....	26
ҲАММА БАХТ ИЗЛАЙДИ .....	29
“ЭЙ МУҲАММАД!) КҮКСИНГИЗНИ (ИЛМУ ҲИКМАТГА) КЕНГ ОЧИБ ҚҮЙМАДИКМИ?!” .....	31
ГУЗАЛ ҲАЁТ ТУШУНЧАСИ .....	32
САОДАТ ҶУЗИ НИМА? .....	35
УНГА ГУЗАЛ СҮЗЛАР ЕТИБ БОРАДИ .....	37
“АҲОЛИСИ ЗОЛИМ ЮРТЛАРНИ (АЗОБГА) ТУТГАНДА РАББИНГИЗНИНГ ТУТИШИ ШУНДАЙДИР. АЛБАТТА УНИНГ (АЗОБГА) ТУТИШИ АЛАМЛИ ВА ШИДДАТЛИДИР” .....	39
МАЗЛУМНИНГ ДУОСИ .....	40
“ЭШИК ОЛДИДАГИ МЕНМАН”, ДЕДИМ .....	41
ДҮСТИНГИЗ БҮЛИШИ ЛОЗИМ .....	42
ОСОЙИШТАЛИК ШАРЪАН ВА АҚЛАН ТАЛАБ ЭТИЛАДИ....	42
УТКИНЧИ ШОН-ШАРАФ .....	44
ФАЗИЛАТЛАРГА ЭРИШИШ БАХТЛИ ҲАЁТ БОШИДАГИ ТОҶДИР .....	45
БОҚИЙЛИК ВА ЖАННАТ ДУНЁДА ЭМАС, ОХИРАТДАДИР .	47
ДУНЁНИНГ АСЛ МОҲИЯТИ .....	48
САОДАТ КАЛИТИ .....	50
УЛАР ҚАНДАЙ НАМУНАЛИ ҲАЁТ КЕЧИРГАНЛАР .....	51
ҲАКИМЛАР САБР ҲАҚИДА .....	53
АЛЛОҲДАН УМИДВОР БҮЛИШ .....	55
МАҚТАЛГАН АМАЛ .....	56
МУСИБАТЛАРНИ ЕНГИЛ САНАШ ҲАҚИДА ҲИКМАТЛИ СҮЗЛАР: .....	58

МОЛИНГИЗ ОЗАЙГАНИДАН ВА ҲОЛАТИНГИЗ ЁМОНЛАШГАНИДАН ЎКИНМАНГ! ЧУНКИ СИЗНИНГ ҚАДРИНГИЗ БУНДАН ОЛИЙДИР.....	59
ЎКИНМАНГ! АЛБАТТА СИЗ КИТОБЛАР ЁРДАМИДА ЮКСАК ИҚТИДОР ВА КЕНГ ДУНЁҚАРАШ ЭГАСИГА АЙЛАНИШИНГИЗ МУМКИН .....	60
ЎКИНМАНГ! АЛЛОҲ ТАОЛО ЯРАТГАН АЖОЙИБОТЛАР ҲАҚИДА ЎКИНГ .....	61
Ё АЛЛОҲ, Ё АЛЛОҲ.....	68
ҲАҚЛАР АДО ЭТИЛАЖАК КУН .....	70
ЯХШИ ТОМОННИНИ ЎЙЛАНГ .....	71
ЭЙ ИНСОН, ЎКИНМА!.....	72
РОЗИЛИК САМАРАЛАРИ.....	77
РОЗИЛИК ЭВАЗИГА РОЗИЛИК .....	77
НОРОЗИЛИК ЭВАЗИГА НОРОЗИЛИК: .....	78
РОЗИЛИКНИНГ ФЙДАЛАРИ.....	78
РАББИНГИЗ БИЛАН БАҲСЛАШМАНГ .....	80
ЖОРИЙ БЎЛУВЧИ ВА АДОЛАТЛИ ҲУКМ.....	80
НОРОЗИЛИКДА ФЙДА ЙЎҚ.....	81
САЛОМАТЛИК РИЗОДА .....	81
НОРОЗИЛИК ШУБҲА ЭШИГИДИР .....	82
РОЗИЛИК – БОЙЛИК ВА ОМОНЛИК.....	82
ШУҚР – РОЗИЛИКНИНГ МЕВАСИ.....	83
КУФР – НОРОЗИЛИК МЕВАСИ .....	84
НОРОЗИЛИК ШАЙТОННИНГ ТУЗОҒИ.....	84
РОЗИЛИК ҲАВОЙИ НАФСНИ ЙЎҚОТАДИ.....	85
ДЎСТЛАР ХАТОСИДАН КЎЗ ЮМИШ .....	86

СОҒЛИҚНИ ВА БЎШ ВАҚТНИ ҒАНИМАТ БИЛИНГ.....	89
АЛЛОҲ МЎМИНЛАРНИНГ ДЎСТИДИР .....	90
ЙЎЛДАГИ БЕЛГИЛАР .....	93
ИКРОМ ЭТИШИ – СИНОВДИР .....	96
БОҶИЙ ХАЗИНА.....	97
СУРАЙЁНИ ЗАБТ ЭТУВЧИ ҲИММАТ.....	97
АҚЛ ВА ФИКР ҚИРОАТИ.....	99
“ҚАСАЛ БЎЛГАНИМДА, УНИНГ ЎЗИ МЕНГА ШИФО БЕРУР” .....	99
ҲУШЁР БЎЛИНГ.....	102
АНИҚЛАШТИРИНГ .....	102
ҚАСД ҚИЛИНГ ВА КИРИШИНГ .....	103
ҲАЁТ ФАҚАТГИНА БУ ДУНЁ ҲАЁТИ ЭМАС .....	103
ҲУЖУМДАН ЯШИРИНИШ ЕНГИЛЛИК КЕЛГУНЧА ВАҚТИНЧАЛИК ЕЧИМДИР .....	105
СИЗ РАҲМЛИЛАРНИНГ РАҲМЛИРОҒИ ИЛА МУОМАЛА ҚИЛЯПСИЗ` .....	107
ЯХШИ ГУМОН ҚИЛИШГА ЧОРЛОВЧИ ДАЛИЛЛАР .....	108
ҲАЁТ МАШАҚҚАТДИР .....	108
ВАСАТИЙЛИК – НАЖОТ ЙЎЛИ .....	110
ИНСОН УСТУН СИФАТЛАРИГА КЎРА БАҲОЛАНАДИ .....	111
ШУНДАЙ ЯРАТИЛГАН.....	111
ГЎЗАЛЛИККА ИНТИЛИНГ! БОРЛИҚНИНГ ГЎЗАЛЛИГИНИ КЎРАСИЗ.....	112
ЯҚИН ТУРГАН ТАСКИН ИЛА ШОДЛАНИНГ .....	114
СИЗ НАФРАТДАН БАЛАНД ТУРАСИЗ.....	114
ИЛМ ЕНГИЛЛИК КАЛИТИДИР .....	117

ИНСОНЛАРНИНГ ЭНГ ҚАЛБИ ОЧИҒИ.....	117
ШОШИЛМАНГ! МУҲЛАТ БЕРИНГ! .....	118
ОЗИГА ШУКР ҚИЛМАСАНГИЗ, КЎПИНИНГ ШУКРИНИ ҚАНДАЙ АДО ҚИЛАСИЗ? .....	119
УЧ ЛАВҲА .....	120
ЭЙ ИНСОНЛАР, ХОТИРЖАМ БЎЛИНГ! .....	122
“ЯХШИ ИШЛАР ЁМОНЛИҚДАН САҚЛАЙДИ” .....	123
ЯХШИ ДАМ МЕҲНАТГА ҲАМДАМ.....	124
АЛЛОҲНИНГ ҚУДРАТИНИ ТАФАККУР ҚИЛИШ .....	128
ЎРГАНИЛГАН ҚАДАМЛАР .....	128
ТАРТИБЛИ БЎЛИШИНГИЗНИ СЎРАЙМАН .....	129
ҚИЙМАТИНГИЗ – ИМОНИНГИЗ ВА ХУЛКИНГИЗДИР.....	130
УЛАР НАҚАДАР БАХТЛИ!.....	132
УЛАР НАҚАДАР БАХТСИЗ!.....	133
ШИШАНИ НОЗИКЛИК ИЛА ТУТИНГ .....	134
ТАБАССУМ ВА САБР.....	135
ҚАСОС ТУЙҒУСИ ҒАЗАБЛАНГАН КИШИНИ ЎЛДИРАДИГАН ЗАҲАРДИР .....	139
ЎЗГАЛАРГА ТАҚЛИД ҚИЛМАНГ .....	140
АЛЛОҲ ЛУТФИНИ КУТИБ ЙИҒЛАГАНЛАР .....	141
ЎЗИНГИЗГА ЁҚАДИГАН ИШГА ИНТИЛИНГ .....	143
“БАРЧАГА – МАНА БУЛАРГА ҲАМ, АНАВИЛАРГА ҲАМ НЕЪМАТЛАРДАН АТО ЭТАМИЗ” .....	143
КИМ АЛЛОҲГА ИМОН КЕЛТИРСА, ҲИДОЯТ ТОПАДИ .....	145
ЎРТА ЙЎЛ.....	148
БУНИСИ ҲАМ, УНИСИ ҲАМ ЭМАС .....	149

АЛЛОҲНИНГ ДЎСТЛАРИ КИМЛАР?.....	151
АЛЛОҲ БАНДАЛАРИГА МЕҲРИБОН ЗОТ.....	151
УНИНГ ЎЗИ ЎЙЛАМАГАН ЖОЙДАН РИЗҚЛАНТИРУР .....	153
У ЁМҒИРНИ ЁҒДИРАДИГАН ЗОТДИР.....	153
АЛЛОҲ ТАОЛО УНДАН-ДА ЯХШИРОҒИНИ БЕРДИ .....	155
СЎРАСАНГИЗ ФАҚАТ АЛЛОҲДАН СЎРАНГ .....	156
АЛЛОҲ ЎЗ БАНДАЛАРИГА МЕҲРИБОН ЗОТ .....	157
ҚИММАТЛИ ДАҚИҚАЛАР: .....	157
“УНДАН БИРОН СОАТ ОРҚАГА ҲАМ, ИЛГАРИГА ҲАМ СУРА ОЛМАССИЗ” .....	158
АЛЛОҲДАН БОШҚАСИ ЙЎҚ БЎЛУВЧИДИР.....	159
ГОҲИДА ТАНАЛАР КАСАЛЛИК САБАБЛИ ТУЗАЛАДИ .....	161
АВЛИЁЛАР ҚАРОМАТЛАРИ.....	162
АЛЛОҲ ВАКИЛ ВА ШОҲИДЛИККА ЕТАДИ .....	163
ЛУҚМАНГИЗ ҲАЛОЛ – ДУОИНГИЗ ИЖОБАТ .....	164
БАРЧА НАРСА ҲАМД БИЛАН АЛЛОҲГА ТАСБЕҲ АЙТАДИ .....	167
АЛЛОҲ ТАОЛОДАН РОЗИ БЎЛИНГ .....	170
НАҲЛА ВОДИЙСИДАГИ ҲАЙҚИРИҚ .....	175
БИРИНЧИ ГУРУҲ МУКОФОТЛАРИ .....	176
ЧЎҒ УСТИДА ЎТИРСА ҲАМ АЛЛОҲДАН РОЗИ БЎЛИШ .....	178
ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ .....	180
ОДАМЛАР ҚАДРИНИ ПАСТЛАТМАНГ .....	183
ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ .....	188
МАФТУНКОР СЎЗНИНГ БАДАЛИ.....	188
РОҲАТ ЖАННАТДА .....	190

МУЛОЙИМЛИК МАҚСАДГА ЕТИШГА ЁРДАМ БЕРАДИ .....	191
ХАВОТИРДАН ҲЕЧ ФОЙДА ЙЎҚ.....	195
РОҲАТ ҚАНОАТДАДИР .....	195
БУНДАН ХАМ ЁМОНИ БЎЛИШИ МУМКИН.....	196
ЕЙИШГА НОНИНГИЗ, КИЙИШГА ҚИЙИМИНГИЗ ВА ТИНЧЛИК-ХОТИРЖАМЛИК БЎЛСА, МОЛ-ДУНЁГА НЕ ХОЖАТ?! .....	198
АЛАНГА ОЛМАСИДАН ОЛДИН АДОВАТ УТИНИ ЎЧИРИНГ .....	200
АМАЛИНГИЗГА ЯРАШАСИНИ ОЛАСИЗ .....	202
БОШҚАЛАРНИНГ ҲАРАКАТИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛМАНГ .....	203
СОХТАЛИКНИ ҚЎЙИНГ .....	203
ЎЗИНГИЗ ҚОДИР БЎЛМАГАН ИШНИ ҚИЛМАНГ .....	205
БОШБОШДОҚЛИКНИ ТАРК ЭТИНГ .....	206
“ЭЙ ИНСОНЛАР!) СИЗЛАРНИ (МОЛ-ДУНЁ) ҚЎПАЙТИРИШ МАШҒУЛ ҚИЛДИ” .....	206
БАХТЛИ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ.....	208
ХОТИМА .....	279

ДОКТОР ОИЗ ҚАРНИЙ

# ЎКИНМА

ИККИНЧИ КИТОВ

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2015

**НОШИР:**

*ОЛИМЖОН РАҲИМОВ*

**МУҲАРРИРЛАР:**

*ГУЛОМИДДИН ОЗОД,*

*САРВАР ОЧИЛОВ*

**МУСАҲҲИХ:**

*ИЛЁСБЕК РАҲИМБЕК ЎҒЛИ*

**САҲИФАЛОВЧИЛАР:**

*САИДАКБАРХОН ЮНУСХОН ЎҒЛИ,*

*ЗУЛХУМОР УЛУҒБЕКОВА*

Нашриётнинг гувоҳнома раками А1 № 224. 2012 йил 16 ноябрь.

Босишга 2015 йил 12 ноябрда рухсат этилди.

Бичими 84×108 1/32. Шартли б.т. 15,12. Нашр т. 15,16.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 77.

Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.

Яхши сўзлар, хақиқий дуолар, сидқидил нидалар, айбсиз кўз ёшлар, хузунли зорланишлар Унга кутариладур.

Саҳар вақти очилган кафилар, хожат пайти кутарилган қўллар, зулм курғач, йиғлаган кўзлар, мусибат чоғ сураган қалблар Унга интиладур.

Тиллар Унинг номи ила қуйлайди, сўзлайди, ёрдам сурайди, нида қилади. Қалблар Унинг номи ила хотиржам бўлади, кўнгиллар таскин топади, хислар сокин бўлади, асаблар тинчланади, эс-хуш узига келади, ишонч қарор топади. “Аллоҳ бандасига меҳрибондир”.



ISBN 978-9943-4453-5-



9 789943 445352